

«Осиёнинг ўғирланиши»
Саидбек САБИРБАЕВ асари

Ҳурматли журналхонлар!

2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларига обуна давом этмоқда. Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи ташкилотлар ёки таҳририятимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин.
Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831

SHARQ YULDUZI 1 / 2023

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

ISSN 0131 – 1832

Шарқ юлдузи

ADABIY-BADIIY SH YU SHARQ YULDUZI IJTIMOIY-SIYOSIY JURNAL

Sharq yulduzi

1 / 2023

Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ шоири
Омон МАТЖОН
(1943 – 2021)







Муқова-3

Омон МАТЖОН ҳаётидан лавҳалар лавҳалар

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон
Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шуҳрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид
Масъул котиб – Дилором Муротова
Назм бўлими мудири – Икром Отамурод
Наср бўлими мудири – Саид Анвар
Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева

1
2023

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Абдулла ШЕР



Баногоҳ уйғондим. Лол қолдим боқиб:
Кафтимда юлдузлар, қаламим чўғли!
Шу кундан тушимнинг маънисин чақиб,
Шоирлик қиламан мен – мисгар ўғли.

Шу-шу, туморимдир бир сиқим осмон, –
Тиниқлик, покликдан самовий ибрат.
Шу-шу, сўзни териб мис тергансимон,
Навоий мулкида қиламан хизмат.

НАСР

Шухрат МАТКАРИМ

ЙИЛОН



– Иҳ-ҳе, иҳ! Ина, ахир? – узуқ-юлуқ кулди Қаҳрамон. Асабийлашса шунақа куларди у. Кейин Юсуфбойга қаради. – Гўрдингизми? Энг ишонган оғамиз қўлтиғинда на борлиғини айтмийди. Шунда бошқалардан хафа бўлмаса ҳам бўлади.

– Ҳай, Қаҳрамон, эзавермасанг-а! – Юсуфбойнинг ҳам жаҳли чиқди. – Бу одам халтасина йилон солиб юрадиганлардан эмас, жўрамиз, биласан-ғў.

– Лекин халтада ростданам йилон бор, – дедим мен. Менинг ҳам ўрлигим тутган эди. – Уйдан чиқди.

ТАДҚИҚОТ

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА

СЕНИ ЯНА КУТЯПМАН, БАҲОР




Ҳар кўнгилда Аллоҳ яшар,
Турткилама, синдирма.
Асли сувдир бани башар,
Кўзёшларни ундирма.

Кўзларингнинг қирғоғига
Бармоқларинг қил қамчи!
Сув босмасин бу дунёни,
Етмай турар бир томчи,
Бир томчи!

Ҳалима АҲМАД

ОЛИС ДАРАХТЗОР ОРТИДАГИ



Тушликка зомича билан патир еймиз. Энди нимагадир бибимнинг кўзларига қарай олмайман. Ич-ичимдан аллақандай йиғи аралаш хўрсиниқ келади. Бибим эса ўзини ҳеч нарса билмагандай тутади. Сўнгра нақшинкор сандиғини титкилаб, думалоқ зар дўппини қўлига олади. Ва менинг бошимга кийгизади:

– Туф-туф, бирам чиройли бўлди мани қизим, бу каллапўшни сенга атаб тиккан эдим, ёқдими?

Мен сандиқ ёнидаги катта тошойнага боқаман. Бибимни қаттиқ қучоқлаб оламан:

– Бибижон, бирам яхшисиз. Мен энди бошқа ёмонлик қилмайман.

Ашурали ЖЎРАЕВ

ЭГИЗАК ГАПЛАР




Гапга тўн кийдирадиган булбулигўёлар ҳам топилади. Улар гапни шундай боплайдиларки, гап-гап бўлганига пушаймонлар ейди. Шундай кўп гапирадиларки, ҳатто гап ўзини танимай қолади, гаплигини унутади.

Мағзи тўқ, пишиқ-пухта зўр гаплар бор, пуч ва кўпик сачратадиган сачратқи гаплар ҳам сероб. Кўзи очиқ, кўзи ожиз гаплар бор. Кўриб кўрмасликка оладиган ўр гаплар бор. Қулоғига илинтирадиган тўр гаплар бор. Пушаймонлар едирадиган ғўр гаплар бор.

Абдулла УЛУҒОВ

ҚИССАЛАР МУҚОЯСА ҚИЛИНСА.....



Умуман олганда қисса жанридаги асарлар XX асрда кузатилганидек, ҳозирги глобаллашган даврда ҳам замонавий адабиётда алоҳида ўрин эгаллаб турибди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, “Аввалгиларга ўхшамас”, “Кутубхоначи хоним”, “Бойчечак”, “Садоқат”, “Номи Ҳабибим”ни иштиёқ билан ўқиб чиқиш, бир оз қунт ва андак савия талаб қилса-да, ўқувчини бадиий сўзнинг сирли-сеҳрли жилваларидан баҳраманд бўлишга муяссар этади. Чунки ушбу қиссаларнинг матнидаги сўзлар жилосидан туйғулар тиниқлашади. Улардаги таҳлилий, қиёсий мулоҳазалардан фикр сарҳадлари кенгаяди.



Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларға ўхшамас

Омон
МАТЖОН

* * *

Чарх авзойи бу дам аввалгиларға ўхшамас,
Котибу давру рақам аввалгиларға ўхшамас,
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларға ўхшамас,
Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларға ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларға ўхшамас.

Не учар юлдузлар ўтди чалғитиб элни жуда,
Неча авлод йўли-ю умидин айлаб беҳуда,
Давр мезони билан тортай бу кун ўзимни-да,
Не ситамким қилса раҳм махфий эрди зимнида,
Эмди қилса не ситам аввалгиларға ўхшамас.

Бул Жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир ҳужраким,
Воҳ, қуёш савдосиға шамлар нечук бўлди ҳаким,
Ишқ, бу – ўз умрим, анга нечук қасамлар ичмаким,
Демангиз Ширину Лайли онча бор ишқ ичраким,
Хўбликда ул санам аввалгиларға ўхшамас.

Қай кишиким бир улуғ ишга этибди жон нисор,
Шиддати пасту баланд келганда ҳам бўлмайди ор,
Эй фалак, ҳеч кимни этма бесамар йўлларда хор,
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларға ўхшамас.

***Омон МАТЖОН** – (1943-2021) Ўзбекистон халқ шоири. Давлат мукофоти совриндори. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ижодкорнинг йигирмадан ортиқ шеърий, насрий, бадиа тўпламлари чоп этилган.*

Она Шарқ тожин киюр! Зулматда ушлатманг мени,
Бодайи ҳақ мастиман, ёлғонга уйғатманг мени,
Ўз хаёлимға қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунға ўхшатманг мени,
Ким бу расвойи дажам аввалгиларға ўхшамас.

Ҳар кима ҳар хил ёзур Арш Мирзоси сана,
Айланур ойина бу, ҳеч битта иш топмас пана,
Нафс ипига боғлидур руҳ ипларин узган тана,
Кўйининг эҳромидан кўнглимни ман этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалгиларға ўхшамас.

Сўкмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,
Ўз замонин рост этар қавми марддир асли ким,
Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ омонлар касбиким,
Эй Навоий қилма Жамшиду Фаридун васфиким,
Шоҳ Ғозийга карам аввалгиларға ўхшамас.

* * *

Умр ўтар, вақт ўтар
Хонлар ўтар, тахт ўтар,
Омад ўтар, бахт ўтар,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.

Баҳорда боғ на гўзал,
Қор тушса тоғ на гўзал,
Бу ёшлик чоғ на гўзал,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сўзсиз қарашларинг, ҳолим сўрашларинг.

Ой чиқар гоҳ заҳоли,
Дўстлар кўпдир вафоли,
Ҳаёт шундан сафоли,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сокин сўзлашларинг, пинҳон излашларинг.

Умр – йўл, қайрилиш кўп,
Учрашиш, айрилиш кўп,
Унутиш, айтилиш кўп,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Ўша кулишларинг, ўша келишларинг…

...Сен яна келдинг

Яратганга шукур, сен яна келдинг,
Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.
Мен сенга узундан-узун от қўйдим:
“Эй, эски дардларни янгилатувчи!”

Бармоқлар-бармоқлар учини сезди,
Кўнгил бир илоҳнинг кучини сезди,
Юрак алланенинг ўчини сезди,
“Эй, узоқ йўлларни яқинлатувчи!”
Яна икки кўздан сирқилди намлар,
Биллурни ювдилар покиза ғамлар.
Қани ул Сир, Аму мавж урган дамлар,
Эй, сен денгиз тубин долғалатувчи?!
Асли, қайда бўлсанг, мен кўнгли тўқман,
Кунчиқарим ишқдир, нур ўчса – йўқман,
Биламан, кимгадир жуда суюкман,
Эй, сен хотирани поклантирувчи!
Ким айтди, йўл анча ўтилди дея,
Келган кетди, кутган кутилди дея,
Шодман – яна менга дуч бўлди дея,
Ишқи омонларни яшартиргувчи!
Яратганга шукур, сен яна келдинг,
Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.
Сенга мен узундан-узун от қўйдим:
“Эй, кўҳна дардларни янгилатувчи!”

* * *

Ногаҳон деразам чертилар,
Келган ким? Айни тонг не сазо!
...Ёзаман деб хатлар,
ёзмади,
Кимдир у? Э, сенми, хуш сабо!

Сабожон, бор ўшал боғ томон,
Гулларни гапга сол таманно.
Келтиргил ифорли хабарлар,
Бор, содиқ сирдошим, хуш сабо.

У бармоқ текизиб жунжиккан
Музбулоқ устида бўл пайдо.
Оппоқми сувости тошлари,
Сўзлаб бер, жон дўстим, хуш сабо.

Бор! Унинг дарчасин тўсгувчи
Ичковак толни эг, сол ғавғо...
Оқ қоғоз ётармн сўрида,
Ўсма-чи, қалам-чи, айт, сабо?

Фазони бўйлайди йўлдошлар,
Ер билан сўзлашар Ой, Зуҳро...
Шу яқин, сас етар бир жойдан
Менга ҳеч хабар йўқ, хат... сабо...

* * *

Беланчакда ётар коинот,
Чайқалмаса тинмасми йиғи?!
Бизни чайқаб турган бу ҳаёт
Кимларнингдир сўнгги қўшиғи.

Самовот – бир жулдур дастурхон,
Сомон йўли унда қанд юқи,
Тунга ваъда этар олтин нон
Юлдузларнинг сўнгги қўшиғи.

Осмон инграб чиқар гоҳ тунда,
Қорга тўлар боғлар бўшлиғи.
Баҳор ваъда этади унга
Бўронларнинг сўнгги қўшиғи.

Мен на кун, на тунман самода,
Бир ошиқман ерда бор-йўғи.
Менга нелар этасан ваъда,
Эй севгининг сўнгги қўшиғи?!

* * *

Сен оппоқ кўйлакда
Қорасоч –
Тушимда кўриндинг ёш пари
Ва бор-йўқ хотирот оламим
Чекинди руҳимдан ташқари.

Ким бўлдинг? Танимни осмондан
Қуёшга нур қилиб элатган!
Ким бўлдинг? Мудроқ бу танамда
Саноқсиз дарахтлар гуллатган!

Бу сенсан, муҳаббат, танидим,
Ўйлаган, кутганим, деганим.
Лекин сен, наҳотки, билмадинг,
Бу – бир туш, уйқуда эканим?

На орзу этолмай бир бўса,
Изҳорга на бир сўз узилмай,
Туш бирдан узилди…
Армонлар
Қолдилар қатлари бузилмай.

Лекин сен келишга ваъда бер,
Майлига, тушимда, бир замон –
Муҳаббат, мен сени кутаман,
Кутаман, уйғонмай ҳеч қачон!

Қийин муҳаббат

Бу кўзлар неча йил, неча бўлгандир,
Тумор ёзувидек дилга жойланган.
Кунлар ёна-ёна кеча бўлгандир,
Тунлар ёна-ёна ойга айланган.

Бу қандай оташдир, мен сал дил ёрсам,
Очиқ кон топгандек, тўзди ғанимлар.
Аммо очилмади уларга, эркам,
Фақат иккимизга аён тилсимлар.

Ҳар ким ўз билгича фасона айтди,
Бизнинг ёнишларни, йўғу бор айлаб.
Ҳа, биз зардуштийлар посбони каби,
Бу ўтни асрадик ифтихор айлаб.

Бугун инсоф, имон тилга кирмишдир,
Жонсўз фарзандларин йўқлайди элим.
Сенинг ёна-ёна кўзинг қолмишдир,
Менинг ёнишимдан қолгани – шеърим.

* * *

Миллион жажжи фонус ёқди дарахтлар.
Камалак. Яшиллик. Ёмғир юз фоиз…
Имон келтиргайман аммо –
Бу боғлар
Ёруғдир бизнинг-да севгимиз боис.

Ҳар оғоч, ҳар шохни уйғотди Наврўз,
гул билан қитиқлаб карахт танини.
У сени кўрсатди менга
Ва билдим
Юрагим қаерда жойлашганини!

Оҳ, баҳор! Заминнинг сўз эркинлиги!
Майсалар куйлашар кўкка ўрлашиб.
Шу буюк қувончга жўр бўлдик биз ҳам
Лабларим лабларинг билан бирлашиб.

Умр нима ўзи?!
Имон келтирай,
Ҳикмат бу, баҳордек қисқа ва аён:
Севги ила маъсуд онларни ўйла,
Асил умр шулдир. Қолгани – ёлғон…

Бир куни

Бир куни хаёлим, руҳим, дилимни
Алланечук ғубор қоплаб уйғондим:
Гўё қум кўмганди бурро тилимни,
Чувалаб қайтганди отган камандим...

Нима бу?
Кундузнинг тундан фарқи йўқ,
Шарқ ҳам хира эди, ғарб ҳам сим-сиё.
Юрагим тубида унсия сирқириқ –
Тонг олдин ҳам порлаб отмагай гўё.

Бошқа қитъаларнинг қадамлашини
Ўзида йиғиб акс этдими ҳовлим,
Менга қайлардандир келиб илашди
Ўзга бировларнинг гўё дил ҳавли.

Тўғри, зўр синовлар маҳали Ерда
Жами қийматларнинг исми ягона,
Бугун беш ўғлининг феълини тергаб,
Сувратин берганми менга Ер-Она?!

Балки Монмартрда – ғурбатда юрган
Яна бир рассомин топдими ўлим?!
Ё яна бир боғни бевақт қор урган,
Ё мени туш кўрмай қўйган севгилим...

Ё шахсий ҳаётим ғаладонида
Беечим жумбоқлар тўлиб қолганми?
Юрак зарбаларимни санамоқликдан
Замон мирзалари ҳориб-толганми?!

Хатоларим, иркит мусичалардек,
Эшик ортидами ё деразада,
Янги кунга менинг йўлим этиб берк,
Яна ризқ кутарми мендан, жонзода?!

Ёхуд зўр дарёга кўприк тушган пайт
Сувлар анча лойқа оққанисимон,
Сомон йўлларида юз бериб бир шай,
Уфқни тутдими юлдузли туман?!

Самолётда учсак, ҳавосиз чоҳлар,
Юракка орзиқиш солгандек гоҳо.
Балки куррамиз ҳам тушар бир чоқлар
Муаллақ ва мутлақ ўралар аро.

Вазнсизлик пайти, бўшлиқда пайти
Нарсалар кўринар, бари жойида,
Лекин тортилиш йўқ, амал қилмайди
Олма ерга тушган олтин қоида.

Тил бордир, гап бордир, аммо сас бўлмас,
Улкан юрак бордир – таралмас ҳарор.
Оёқ бор – истаклар олға кетолмас,
Қўллар бор – бўшлиқлар силкинар бекор...

Мен бундай кунлари қаддимни тутиб,
Бир ишкал ўзимдан ўтгандир дейман.
Оғир тошни қўлдек бағримга ютиб,
Юзимда нур синмай акс этсин дейман.

Аммо манглайимда изни кўрибоқ,
Қариш ваҳмасидан солмайман уввос.
Бу чизиқ қайси бир ечилмас жумбоқ,
Ё тарихий хато, ўйлайман, холос.

Менинг идрокимга сололмагай дарз
Галлей кометасин сирли чўмичи.
Мени шоир этган ўз ғамим эмас,
Бу – истиқбол ишқи, ўтмиш ўкинчи.

Ҳай, кимсан?
Тун бўлсанг, ойни сол сутга!
Кун бўлсанг, қўйвор-да кўкка қуёшни!
Дўст бўлсанг, олмос тиғ ур-да булутга!
Ёв бўлсанг, аён от, бекитма тошни!

Чекил, эй хиралик, тўсма йўлимни,
Ўйлама – чидайди, ўйлама – билмас!
Йўқ! Мен бу нурташна умрим-дилимни
Сира асоратда қолдиргим келмас!

ЙИЛОН[1]

(Қисса)



Шухрат МАТКАРИМ

– Кетдикми? – ҳамишагидай бесабрлик билан шошилтирди Қаҳрамон.

– Кетдик, – дедим шпагат халтани орқалаб олар эканман.

– Новви нарса шу халтангиздаги? – яна тоқатсизланди Қаҳрамон. – Улли нарсага ўхшамийди: оғзини ҳам маҳкам боғлаб олибсиз.

– Ҳеч нарса, – жавоб қилдим бироз энсам қотиб. Чунки унга халтада илон борлигини, аёлим дарё бўйига борганда ташлаб юборинг, деб орқалатиб юборганини бир неча марта айтган бўлсам-да, Қаҳрамон бу гапимга сира ишонмаётган эди. У яна асабий қўл силтади.

– Ҳадеб бир гапни қайтараверасиз. Чечам, халтанинг ичида не борлигини шерикларингга айтма, деганга ўхшийди.

– Қаҳрамон, сен ҳам қизиқсан, – деди Юсуфбой масаллиқ тўлдирилган сумкани ердан олар экан мурти бир томонга оғиб, одатича ғалати жилмайганча. Юсуфбойнинг одати шу: кайфияти хуш бўлса-да жилмаяди, асаби чиқса-да. Унинг нима демоқчи эканлигини жилмайиши билан ранг-рўйига қараб билиб олаверасиз. Мана ҳозир мурти бир томонга осилиб кетди. Демак, бу гаплар унга ёқмаяпти.

– Халтада новви бор-йўғининг сенга не қизиғи бор? Оғирми, енгилми, баломи, баттарми ўзининг азобини ўзи орқалаб юрибди-ғў.

– Юсуф оға, сиз дим содда одамсиз, – Қаҳрамон юришдан тўхтаб, қўлидаги юкни ерга қўйди, шимининг камарини тўғрилади. У жиккаккина, югур-югури кўплигиданми ё насли шундайми, ҳеч эт тутмас эди. Қачон қарасанг қорни бир ҳафта овқат емаган кишиникидай ёғирнисига ёпишганидан, “Қорин бу салобат дегани. Аммо бизда шу қурғурдан йўқ-да”, деб қўяди баъзан ботиқ қорнига “пўп-пўп” уриб. Ҳозир қорнини сал қаппайтириб, кўйлагининг у ёқ-бу ёғини текислаган бўлди. Бирор масалада ўйланиш керак бўлса, Қаҳрамоннинг камарини тортиб, кўйлагини тузатиш одати бор эди.

---

[1]***Йилон – илон.***

Шухрат МАТКАРИМ – *1960 йилда туғилган. Хоразм давлат педагогика институтини тамомлаган. Унинг “Устоз ҳақида сўз” хотира-эссеси, “Болжон” ҳикоялар ва қиссалар тўплами чоп этилган.*

– Одам онгли бўлиши керак. Бўлмаса бир фаторат топиш ҳеч гапмас, – таъкидлаб ҳам қўяди ўзича.

– Қаҳрамон жўра, сен шу ишингдан бўша, – деди Юсуфбой унга бир кўзини қисиб, эътирозли нигоҳини тикар экан. – Восвос бўлиб қолибсан. Сенга қарасанг, бу дунёда дўстман, деган кишининг ўзи йўқ. Ҳар муюшдаги одам, ҳозир шуни хиппа бўғаман, деб енг чизғаб (шимариб) тургандай. Бизлардан ҳам гумонланасан-а!

– Гумонланиб дурганим йўқ. Лекин мани ишим, ким на деса, оғзимни очи-иб ўтирадиган иш эмас. Ёнима гунда минг одам галади. Тўқсон тўққиз фоизининг қўлтиғинда дош[1], қўйнинда илон. Сал онгсиз қолсанг дош билан бир солади – таппа ташлайсан! Ё ичингга илонини солиб гетади. Бир чақади – ўласан. Сен ўлиб ётаверасан, лекин ҳеч ким, ҳай, ўртоқлар, буни ким ўлдирди, на учун ўлди бу, деб сўрамийди. Ишонаверинг – сўрамийди! Икки қўлинг, икки оёғингдан тутиб кўчага зинғитиб[2] юборадилар-да, ўрнингга бировни қўйиб, ишлаб гетаварадилар. Бошқача бўлса калламни кесиб бераман. Шунинг учун теварагингдагилардан, икки туғиб, бир қолғонинг бўлса-да, хабардор бўлган яхши. Так что, Машарип брат, халтангизда новви бор? Айтинг, айтинг тезроқ. Кейин орқайин юрамиз.

– Йилон, – дедим яна.

– Шу ўйин гапингиз қолмади сизнинг, – Қаҳрамоннинг афти бужмайди. – Ман жиддий сўраётирман.

– Мен ҳам жиддий айтаётирман. Шу ёққа, майдонликқа етганимизда ташлаб юборамиз.

– Иҳ-ҳе, иҳ! Ина, ахир? – узуқ-юлуқ кулди Қаҳрамон. Асабийлашса шунақа куларди у. Кейин Юсуфбойга қаради. – Гўрдингизми? Энг ишонган оғамиз қўлтиғинда на борлиғини айтмийди. Шунда бошқалардан хафа бўлмаса ҳам бўлади.

– Ҳай, Қаҳрамон, эзавермасанг-а! – Юсуфбойнинг ҳам жаҳли чиқди. – Бу одам халтасина йилон солиб юрадиганлардан эмас, жўрамиз, биласан-ғў.

– Лекин халтада ростданам йилон бор, – дедим мен. Менинг ҳам ўрлигим тутган эди. – Уйдан чиқди.

– Айтаман, кейинги вақтда уйингда ўтирмийсан. Уйингдан йилон чиққан экан-да! – деди Юсуфбой ўшшайиб.

– Бир куни чечанг кладовкага кирса, оёғи остида аккуратний ўралган бир арқон ётибди эмиш, – Юсуфбойнинг киноясини эшитмагандай гапимда давом этдим. – Арқонни ким бу ерга ташлабди, деб, энди энкайиб олажақ бўлса, арқон қимирлаб кетибди. Чечанг, "До-од!" деб қичқирибди. Болалар югуриб борса, "арқон" ерга кирдими, осмонга учдими, йўқ эмиш.

– Кхх! – Қаҳрамон елкасини асабий учириб кулиб қўйди. – Арқон қочиб гетибми?

– Арқон эмас, йилон экан, – дедим мен. – Кладовкага унми ё бошқа нарсами емакка кирган бўлса керак. Уни иккинчи марта уйнинг кунчиқар тарафида кўрибдилар. Яна қий-чув. Ким болта, ким кетмон кўтариб югурган. Буларнинг тўс-тўполонида у яна йўқолиб қолибди. Бори ерни ағдар-тўнтар этибдилар. Тутамиз, ўлдирамиз, деб. Шунда мен, "Ҳай, қўйинглар, тегманглар, қадимда қарилар, уй деганда давлат йилони бўлади, деб айтар эдилар. Балки бу давлат йилонидир", дедим. Буларни зўрға босдим. Сўнг йилоннинг ўзи ҳам кўринмай кетди. Орадан неча йиллар ҳам ўтди. Уни ёддан чиқардикми, деган эдик, яқинда яна пайдо бўлди. Келин боққа чиқса, йилон қуёшламада исини-иб ётибди эмиш. Яна дод-вой. Ҳамма борибди: "Не гап, не гап?!" Келин сувдан олинган балиқдай оғзини каппа-каппа очиб-юмиб бир оғиз ҳам гапламас эмиш. Қўли билан деворнинг тирноғини[3] кўрсатиб, "Йилон, йилон!", дебди бир вақт. Ҳамма яна шу ёққа югурибди. Худойинг берсин йилонни.

1 Дош – тош.

2 Зинғитмоқ – улоқтирмоқ.

3 Тирноқ – пойдевор.

Ўзи тугул, тутуни ҳам йўқмиш. Келин оғироёқ эди, ҳали ҳам, Худога шукр, бир гап топмабди. Шу куни тегишли идорага қўнғироқ қилдик. Йилон тутадиганлари бор экан. Улар, ўз усуллари билан тутиб, мана халтага солиб бердилар. Майдонроққа чиқсак ташлаб юборамиз.

Менинг гапимга Юсуфбой ҳамишагидай осойишта, гўё ҳа, алдайвер, алдайвер, мана биз ишониб, оғзимизни очи-иб турибмиз, дегандай нимкулги билан қулоқ солар эди. Қаҳрамон эса илон тўғрисида гап бошлангани ҳамона асабийлаша бошлади.

– Дам олишни ҳам бир тийин этдингиз, – деди у халтага қараб. Ҳаяжонланганидан бироз тутилиб ҳам қолаётганди. – Не ердаги гапларни топиб юрийсиз. Йилон эмиш...

– Ҳай, сен мунинг халтада йилон бор, деганина ишониб ўтирибсанми?

– Албатта, бор. Ана, халта ғимирлаб турибди. Ичида бир нарса бўлмаса ўзидан-ўзи ғимирлийми?!

Юсуфбойнинг бутун юзига мулойим кулги ёйилди. Маза қилди. У табиатан жуда босиқ, ҳис-ҳаяжони ҳам, ғазаби, эҳтироси ҳам жуда ҳисоб-китобли, ҳеч қачон қизишмас, бирор ишга киришиш, хулоса қилиш ва фикр айтишга сира шошилмасди. Пухта ўйлар, етти эмас, етмиш ўлчар, шундан кейингина бир қарорга келарди. Бир қарорга келдими, ундан асло-асло воз кечмасди. Ҳозир ҳам бошида айтдими, халтада илон йўқ деб, тамом, унинг учун халтада илон йўқ эди. Мабодо халтанинг оғзи очилиб, ундан илонман деган жонивор булоқдай қайнаб-тошиб чиқиб ётса ҳам Юсуфбой гапидан қайтмас, халтада илон йўқ, бу бошқа нарса, деб туриб оларди. Шунинг учун, мана минг йиллик дўстимиз Қаҳрамоннинг устидан кулиб, тиржайиб турибди. Улар бир соҳада ишлайдилар. Қаҳрамон – амалдор, Юсуфбой эса унинг соясида ўнгишиб юрган кичик ходим. Қаҳрамон ҳақиқатпараст, ҳақиқат турганда кимни ҳам тан олмасди. Унинг бу хислати сал шикаст еса расмана асабийлашарди. Типратикондай бирдан нишларини ҳар томонга тарвақайлатиб, хўмрайиб оларди. “Улли ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОН шу бўлса гарак”, деди бир куни киноялиоҳангда илтимоси ерда қолган ҳажвчи шоир укаси хафа бўлиб. “На акани билади бу, на укани!” Қаҳрамон ўзининг бу хислати билан ғурурланади. Уни умрининг мазмуни, деб билади. У ҳамма нарсада адолат бўлиши тарафдори. “Адолат қонунда”, дейди у. Юсуфбой эса унинг акси, “Ҳамма нарса мен учун”, деган қоидага амал қилади. “Шароитга қараш керак, агар новви менинг манфаатимга ғов бўлса, йўлдан олиб ташлаш керак. Бунинг иложи бўлмаса, уни айланиб ўтиш керак”, дейди у. Юсуфбой қоидасидан келиб чиқиб, Қаҳрамоннинг олдига жуда мушкул, ҳатто бажариб бўлмас масалаларни ҳам тап тортмай қўя беради: “Қаҳрамон, фалон ишни фалон-фалондай этиш кера-ак...” Бундай вақтларда ёзилгану, ёзилмаган қонунларни кўзига тўтиё этувчи Қаҳрамоннинг жиғибийрони чиқиб кетади. Юсуфбойнинг илтимоси қонун-қоидагагина эмас, оддийгина одамгарчиликка ҳам зид эканлигини тушунтирмоққа киришар, гапининг охирида бошини сарак-сарак этиб, “Йўқ, йўқ ва йўқ!” дерди. Юсуфбой эса Қаҳрамоннинг қизишганига ҳам, ўзича нималарнидир исботлаш учун чираниб ётганига ҳам эътибор бермас, унга қарши келтирилаётган исботу эътирозларни ҳеч бўлмай, сабр ва совуққонлик билан эшитар, кейин хулоса қиларди: “Ҳаммаси туври. Лекин бояги ишни бажариш керак”. Тамом. Қаҳрамоннинг энди жони ҳалқумига келарди. У қонун-қоидалардан жиндайгина оғишиш ҳам катта жиноят деб биларди. Унинг бу қоидаси ҳамкасблар орасида ҳам машҳур эди. Юсуфбой эса Қаҳрамондан бирор нарсани илтимос қилар экан, ёзилган ва ёзилмаган қонунларни ҳам, бу иш орқасидан келадиган ташвишу ғалваларни ҳам, табиий, юқорида айтганимиздай, сариқ чақага ҳам олмасди.

– Э-ээ, бундай эмас-да, энди, Юсуф оға, – дерди бундай пайтларда Қаҳрамон хуноби чиқиб. – Мени жиноят жарига итаряпсиз!

– У на жиноят?! – хуноби чиқар эди Юсуфбойнинг. – У на жар? Теварагингга бир қара! Қўл остингдагиларнинг ҳаммаси – кўри ҳам, кали ҳам, соғи-ю жиллиси

ҳам жарақ-жарақ пул ишлаб ётибди. Сен бўлсанг жиноят, жар, дейсан. Ҳозир пул – қонун, танга – қоида! Ана, қишлоқдан чиққан бошлиғингни фаришта, дейсан. Аммо унинг ёнида шайтон ҳам шайтонлаб қолади.

– Буни мен ҳам биламан, – дейди Қаҳрамон негадир хўрсиниб. – Аммо бошлиқ шундай экан, деб инсофни ейиш керак эмас. Ҳеч бўлмаса бир одам...

– Ана! Бошлиғингни билиб олибсан. Энди замларингга қара! Улар сен айтган жиноят жарларини аллақачон ўзларининг безбетликлари билан кўмиб, кўмилган ерга шоҳона қўрғонлар, саройлар солиб олганлар. Ойналаридан тирсакларини чиқари-иб энг қимматбаҳо мошинларни шамолдай елдириб юрибдилар. Уларнинг хотинлари, бола-чақалари, оқтиқлари, келинларидан тортиб, бор-эй, ўйнашларининг ўйнашларигача ҳаз этиб ётибдилар. Энди шуларнинг башараларини бир кўрсанг эди! Йўқ, башара эмас, "чеҳраи олларини" бир кўрсанг эди. Ҳаммаси хўппа семиз, икки ёноқ қип-қизил. Аммо безбетликлари шу даражадаки, ҳеч кимни бир қурбақачалик ҳам кўрмайдилар. Энди сенинг туришингга қара! – Юсуфбой Қаҳрамонга чинакам ачиниш билан тикилади. – Игна ютган итдайсан. Нечча кило чиқасан ўзи? Қирқ кило борми?

Шу ерга келганда Қаҳрамон чидамайди, бу гапларининг ҳаммаси асоссиз валақлашдан бошқа нарса эмаслиги, Юсуфбой юз фоиз ноҳақ эканлигини кўрсатиш ва унинг тилини кесиш учун, ўзининг таъбири билан айтганда, "қисқа ва мазмунли" кулади:

– Э-ээ, ҳақ-ҳиқ! Эллик бир киломан!

– Эллик бир эмиш. Бундан кийимларингни олиб ташласанг, эллик килойинг тенг ярмига қисқаради. Демак, ўттиз кило ҳам йўқсан.

– Ҳеҳ-ҳей! Дим камайтириб юбординг-из, Юсуф оға!

– Новви?! – хуноби чиқишда давом этади Юсуфбой. – Оширмадим-тоширмадим. Сени суяб гаплаётирман. Шундийми, сенам бир гап айт, Тўлибой.

Шеваларни сақлаш шеваси

Бир миллатнинг тили бир бўлмагунча, дили бир бўла олмайди. Тили бир бўлиши (ҳар иккала ва бошқа маъноларда) учун эса филология илмининг айни бизга керак бўлган факти – ўзбек шевалари ўртасидаги энг асосий фарқ саноқли фонетик ўзгачаликлар эканини шууримизга сингдириб, уларнинг бир-биридан устун ёки паст ёки алоҳида мақомли эмаслигини тушунтира олишимиз лозим.

Шу пайтгача бизда шеваларга доир олиб борилган тадқиқотларда уларнинг адабий тилдан фарқи қанча кўп кўрсатилса, шунча ижобий баҳоланиб келинган. Аммо бу каби тадқиқотларда бирор шева ёки лаҳжанинг адабий тилдан фарқидан олдин ўзбекона умумийлигини кўрсата олиш лозим. Чунки, аслида, ўзбек шеваларининг адабий тил ва бир-биридан асосий фарқи, юқорида айтганимиздек, фонетик ўзига хосликлардан иборат. Бу жиҳатлар ўз навбатида морфологик ва синтактик хосликларни келтириб чиқаришини, ҳар қандай ўзбек бир-бирини англаб, бир-бири билан ўз шеваларида гаплаша олиши қандай бахтлигини англаб етишимиз керак. Лексик фарқлар эса, агар чуқур мулоҳаза қилинса, табиий тараққиёт натижаларини ўзида акс эттиришини, уларнинг ҳар бири аслан умуммиллий эканлигини англашимиз шарт. Шунда миллатимизнинг турли шева ва лаҳжа вакиллари ўртасидаги (тан оламизми ёки йўқ) унча мустаҳкам бўлмаган, шукрки, ҳали қалинлашмаган аллақандай руҳий бегоналик дарпардасини йирта оламиз.

Ана шунда илм жуда катта ижтимоий муаммо ечимига хизмат қилиш билан бирга миллат бирлигига бўлган ниҳояда мудҳиш хавфнинг олдини олишга ҳам йўналтирилади, назаримизда.

Мен ҳам азбаройи Қаҳрамонга ичим куйганлигидан, яна ўзим бу мансабдор дўстимизга айтолмай юрган гапларни Юсуфбой шарт-шурт айтаётганидан қувониб, ҳам бироз хавотирланиб бош ирғаб қўяман.

– Просто жалка-да, сени Қаҳрамон, – Юсуфбойнинг гапида ачиниш оҳанглари яққол янграй бошлайди. – Қара, шу жойингни сотиб олганингга неча йил бўлди? Бир ўттиз йил бўлгандир-ов. Тўғрими?

– Йигирма тўрт йил, – унинг гапини тузатади Қаҳрамон. – Йўқ, йигирма беш йил.

– Ана! Йигирма беш йилда бир чўпини ўзгартирдингми шу жойингни? Йўқ. Олган йилингми, ундан кейинги йилми, баҳорда ёмғир ёғиб, боғ деволинг йиқилиб тушган эди. Ҳеч бўлмаса шуни ҳам тиклаб билмадинг. Яхши, карвичга кучинг етмаса лой девол эт. Шуни ҳам этолмийсан. Ҳа, эмиш, иш кўп, сира қўлим тегмаётир, эмиш. Бизларни билмайди, дейсанми? Биламиз – кисса бўш, қўл калта.

– Ҳай, Юсуф оға, қўйсангиз-а, шу гапларни! Бугун дам оламиз, деган эдик-ку. Ишга борсам бошлиқ мозгимни қотиради, уйга келсам хотин. Бу ерда – сиз. Ҳаммангиз келишиб олганмисизлар Қаҳрамонни қисинтирамиз, деб? Қўйсангиз-а!

– Туври айтади. Қўйсанга-а, Юсуфбой, – дейман асаби бузила бошлаган Қаҳрамонга қараб. – Дам олиш бўлгандан кейин дам олиш бўлсин.

– Қўймийман, Қаҳрамон жўра, қўймийман! Тўлибой, сен ҳам дарров қуйруқ ўйнатма. – Юсуфбойнинг ўрлиги ҳам бор эди. Бошлаган ишини ҳам, гапини ҳам охиригача етказмасдан тўхтамасди. Бу унинг тартиби эди. Лаллайган одамни жинидан баттар кўрарди. Гап келганда эса ҳеч кимни аямасди. Ҳозир Қаҳрамонга ҳамма гапини айтиб олишга қарор қилган эди. – Буларни сенга кўпдан бери айтамиз деб юрган эдик, тувримо[4], Тўли? – Юсуфбой менга қарайди, ўта жиддий қарайди. – Тувримо, айт?

4 Тувримо – тўғрими.

Шу маънода Шуҳрат Маткарим асарлари айни дамда Хоразм воҳаси аҳлини бошқа минтақалардаги миллатдошларимизга шева бирликлари воситасида яқинлаштиришга хизмат қиладики, бунинг нақадар муҳим аҳамиятини яна бир бор мулоҳаза қилсаккина, теранроқ англаймиз.

Шуҳрат Маткаримнинг алоҳида китоб ҳолида чоп этилган "Кун шундай бошланади" ҳикоялар тўплами, ҳассос шоир Матназар Абдулҳаким зикридаги "Устоз ҳақида сўз" хотира-эсселари унинг ўзига хос ижодий хусусияти сифатида диалектал бирликларни қўллашга жиддий ҳарисманд эканлигини кўрсата олган. Шу ўринда ўртага айрим муҳим саволлар ҳам чиқади: шевадан фойдаланиш қаламкаш учун ҳамиша фазилат саналса, ўзбек бадиий адабиёти қандай қиёфага кириб кетган бўларди? Тасаввур қилиб кўринг? Шундай экан, шевага хос бирликларни қўллашда қатъий меъёр бўлиши лозим. Аммо ўша "қатъий меъёр"нинг ўзи ишлаб чиқилганми? Оқибатда ўзбек тилидаги шева бирликларидан фойдаланиш борасида ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаган фикрлар ҳукмрон бўлмоқда. Яъни кимнингдир наздида бу ҳол адабий тил тараққиётига монелик қилса, кимнингдир наздида бунинг акси, халқ тафаккури сарҳадларини яна ҳам кенглигини намоён қиладиган фазилат. Ҳамма ўзича ҳақ, ҳамма энг мақбул мулоҳазани ўртага ташлагандай.

Бироқ бир китобхон сифатида бу борада ўзимнинг айрим фикрларим билан ўртоқлашмоқчиманки, улар ҳам муаммо ечимида ҳал қилувчи омил бўлмаса-да, ўрни билан истефодага яраб қолар...

Тағин истар-истамас бош ирғийман. Юсуфбойнинг таъбирича, Қаҳрамон ҳақиқатчи бўлишидан ташқари яна бир асосий камчиликка эга. У иш жинниси ҳам эди. Қаҳрамон учун бу дунё иш учун яратилган, яшашдан бўлак маъно йўқ. Шунинг учун унга ишидан топшириқни ким, сутканинг қай вақтида берса ҳам ўрнидан сакраб турарди-да, туғ кўтариб, “ура-ааа!” деганича “душман устига” йўртиб кетаверарди. Иш турганда унинг учун дам олиш, даволаниш, ҳайит, байрам деган нарсалар йўқ эди. На тўй бор ва на аза. “Бунинг учун ҳаётда бир нарса бор – иш! Иш, иш ва фақат иш!” дерди Юсуфбой Қаҳрамон қийналиб, сиқилиб қолган вақтларда. “Ҳеч қачон ўзини ўйламийди”.

– Сенга-аа, мансабдаги ўзинг тенгиларга тенг бўл, демаймиз, – гапида давом этади Юсуфбой. – Барибир бўлолмайсан. Лекин ҳеч бўлмаса, шўпирингдай бўл. Шўпирингдай! Ўтган йил солғон уйини кўрдингми? Уй эмас, сарой!

– Ўтирмоқ насиб этсин! – деди Қаҳрамон ва Юсуфбойнинг ноҳақ гапларига эътироз билдиришга фурсат етди деб, жиккак қаддини бироз ростлади. Шимининг салки[5] қайишини сал тортиб норози тўнғиллади: – Ҳалоли бўлсин. Кечаси-кундузи югуради. Итга тиним бор, бунга тиним йўқ. Солади-да, шундан кейин жойни. Кимнинг олдидагини ебди у? Ким бунга қарши?

– Ҳеч ким қарши эмас, Қаҳрамон, – деди Юсуфбой тентакларга ақл бергандай осойишта ва босиқ оҳангда. – Ҳеч ким қарши эмас. Лекин шу боланг нечча йил бўлди қишлоқдан келиб сенга шўпир бўлганига? Бир йилми, икки йилми?

– Билмадим, – Қаҳрамон энсаси тиришиб юзини четга бурди.

– Билмасанг, билиб қўй. Уч йил. Шу уч йилда кўна уйини саройдай этди – бу бир, гаражига энг зўр бир мошиннан бирини қамади – бу икки. Шаҳарнинг ўртасидан уй ҳам сотиб олди – бу уч. Хотинни ҳам икки этган бўлса, бунга ҳам ҳайрон бўлмийман.

– Манга қаранг, Юсуф оға, қўйинг шу гапларни. Ошириб-тошириб, асабимни бузаётирсиз. Масалан, шўпирнинг жойи ярим план, бутун эмас. Бу бир, – бу гаплар унга ёқмаётган эди. – Кейин... бошқа гапларингиз ҳам шундий...

– Сенинг ақлинг бутун эмас, ярим – бу бир, – ражжага минди[6] Юсуфбой. – Яхши, шўпиринг тоза жой солғонда сен ҳеч бўлмаса боғ деворингни айлантириб ол.

5 Салки – бўш, осилган.

6 Ражжага минмоқ – авжига чиқмоқ.

Ўзи бадиий асарда шевага хос қандай бирликлар қўлланган маъқул? Албатта, бадиият талаб қилган бирликлар. Акс ҳолда ёзувчи адабий тилдан фонетик жиҳатдан фарқланувчи айрим сўзларни келтириб, диалектизмдан фойдаланиш маҳоратини намоён қилган бўлмайди. Масалан, “тагида” сўзини “тийинда” деган шаклда ишлатиш (айнан шундай) учун асос бўлса, бадиият талаб қилса, кўтарса, халқ завқини оширса, ана унда у маҳорат, халқ манфаатларига хизмат.

Иккинчи ҳолатда 1) адабий тилда ўзининг тўлиқ ифода шаклларига эга бўлмаган бирликларни (“качкарт”, “алқинди”); 2) историзмларни (“жувоз”, “дигир”, “таёв”, “аламчи”), 3) архаизмларни (“лобир”, “нўмой”) бадиий асарларда ўз ўрнида қўллашни фазилат санасак, арзийди.

Шуҳрат Маткарим насрида ана шу жиҳатлар устунлиги бор гап. Ёзувчи ўз асарларида қўллайдиган “ғўдолоқ”– калта, семиз одам, “оқтиқ” – невара, “унаби” – чилон жийда, “чиқон” – дугона каби бирликлар адабий тил доирасида ҳам қўлланиши мумкин аслида. Мисоллардан бирида берилган “дугона” сўзи аслида эски ўзбек тилидаги эгизак маъносидан ўсиб чиққани маълум. “Унаби” сўзининг асли арабча “унноб” сўзига алоқдор бўлишидан қатъи назар бу сўз ўз мулкимизга айланган.

– Қизиқмисиз, Юсуф оға? Менда шўпирникидай даромад қайда? Уни фермери бор, комбайни бор. Унга пул деган жонивор чиқирдан сув қуйгандай қуйиб ётибди. Менга ҳам у-бу нарса атаниб[7] туради...

Юсуфбой Қаҳрамоннинг гапини охиригача эшитмай, бутун гавдаси билан силкиниб, сассиз кула бошлади. Ҳаз этиб кулди у.

– Атаниб туради, эмас, ялатиб туради, де!

Бу гап Қаҳрамоннинг ҳамиятига тегди.

– Ҳанг, Юсуф оға, бу на даганингиз?

– Ҳай, мени элаштирма, Қаҳрамон, – гапи қўпол чиқиб қолганидан Юсуфбойнинг ўзига ҳам ноқулай бўлди. Аммо ёшли кўзларини артар экан, лаблари ўз-ўзидан илжайиб кетаверарди. Қаҳрамоннинг тумшайиб турганини кўриб кулгиси қайтарилди. – Бир фермер ёдимга тушиб кетди. Сен шўпирим фермерликнинг орқасидан жой солиб, мошин олиб, ўйнаш тутди, деганингга...

– Ўйнаш тутди, демадим-ай!

– Барибир. Гапинг шунга яқинлашиб турибди-да. Энди буни эшит. Бир куни, мундан бир икки-уч йил бурун, азонда, энди ишга кетаман, деб турсам, эшик тақиллаб қолди. Эрта баҳор, март ойи, кечаси билан ёмғир ёғиб чиққан. Азонда ҳам сепалаб турган эди. Бундай вақтда, агар дим зарур бўлмаса, одам кўчага чиқмайди. "Ота, сизни бир киши сўраётир", деди оқтиғим. "Ким экан, кирсин", дедим. Бир одам кирди эшикдан. Уст-боши билан ҳовузга пишилгандай бошдан-оёқ шалоббо. Келувчи баланд бўйли, қадди бироз букилган, ёши тахминан эллик-эллик бешларда. Қув оқарган соқоли яқин икки-уч кундан бери олинмаган. Бақбақаларининг хунук салқиган териси бир вақтлар бу кишининг тўла-тўқ бўлганлигини кўрсатарди. Аҳволиданми ва ё бевақт келганиданми, қисиниб, эгнини қисиб олганди. Атрофга ҳадиксираб қарайди. Кийиниши ҳам антиқа. Оёғида ўтган асрнинг олмишинчи-етмишинчи йилларида урф бўлган хитойнинг оппоқ кигиз этиги, бошида куя тушган ола-қуроқ, эски, ҳозир ҳеч ким киймайдиган андатра тумоқ[8]. Куядан омон қолган тўппошнинг туйлари ёмғирда ивиб, кал терига чиппа ёпишган. Эгнидаги оқсовми ё сариқми, рангини аниқ

7 Атанмоқ – илинмоқ.

8 Тумоқ – телпак.

Яна бир жиҳат шундаки, бадиий асарлар халқимиз иборалар бойлигини акс эттира олиши лозим. Шуҳрат Маткарим ўз асарлари орқали айнан шу томонлама анча хизматларни қила олган. Унинг асарларидаги "ўкчага минди" – ўжарлиги тутди, фикрида қаттиқ турди, "калласида тўқирди бор" – мияси жойида эмас, "жўғичилик этма" – ўзингни билмаганга олма каби иборалар Хоразм шеваларида тили чиқмаган ўқувчини ҳам завқлантиради. Бу – жуда жиддий мезон.

Шуҳрат Маткарим томонидан шева бирликларидан фойдаланиш ҳақида фикрларимиз фақат алқовдан иборат эмас. Бу ҳақда муфассал фикрлар илмий йўсинда баён қилинишига умид билдирган ҳолда, ёзувчи ўзбек адабиётида бадиий насрни шеваларни сақлаш шева (усул)ларидан бирига айлантирган маҳоратли қаламкашлардан биридир, деган тўхтамда собитмиз. Шу маънода ёзувчининг "Шарқ юлдузи" журналида берилаётган мазкур "Йилон" қиссаси ҳам ўқувчиларни нафақат ҳаётий воқеалар, қаҳрамонлар изтироблари, ўй-фикрлари, балки Хоразмнинг гўзал шева олами шеваси, шираси, асл руҳияти билан таништира олади, деган умиддамиз.

Абдулла ЎРОЗБОЕВ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

айтиш қийин бўлган макинтош. Чамаси бу макинтошни у паҳлавон вақтлари кийган бўлса керак, ҳозир унинг устида боғдаги қўриқчининг устига ташланган қанорқопдай шалвириб ётибди. Айтгандай, бу макинтош ҳам ўша оқ кигиз этик билан бир вақтда, бизлар кичкина вақтимизда урф бўлган эди. Куя еган кал тўпписидан, ҳилвираган, ранги ноаниқ макинтошидан полга "чилп-чилп" сув томади.

Уни бирданига танимадим. "Ассалому алайкум, келинг", дедим одоб юзасидан. "Келдик, хў-ўп!" деди у юз-кўзидан мўл-кўл оқиб турган томчиларини деярлик тўкилиб бўлган олд тишлари орасидан териб ютишга уриниб. Бу иши жуда ўхшарсиз чиққанини фаҳмлаб тезда оғзини бекитди. Лаб-лунжи беўхшов бужмайди. "Сиз мени донимасангиз[9] гарак, а?" Овоз жуда танишдай эди. Син солиб қарадим. Жилмаймоқчи эди, лаблари аянчли қийшайди. Кўзларида ялинчоқ бир ифода бор эди. Бу кўзлар... "Наҳотки?!"

Уни танидим. Кўзларидан танидим! Ҳа, менинг қаршимда бир вақтлар шаҳардаги энг нуфузли қурилиш ташкилотларидан бирининг бошлиғи турарди. Аммо юқорида айтганимдай, унинг ўша вақтлардаги паҳлавон келбатидан асар қолмаган!

– Давлат оғамисиз?

– Отангизга раҳмат, донидингиз. Ҳозир мани кўплар донимийди. Ё дониса ҳам донимоғонғо олади.

Чала-ярим сўрашган бўлдик. Дастурхонга таклиф этдим. Давлат оға кўзлари билан уст-бошига ишора қилди: "Ўтирган еримни ҳўл этиб қўяман".

– Давлат оға, не бўлди сизга? Ориқлаб кетибсиз, касал бўлдингизми ё? – сўрадим ҳайратимни яшира олмай.

– Йў-ўқ, – деди у гапини маънодор чўзиб, – касал бўлмадим, фермер бўлдим!

– Фермер?!

– Ҳовва. Умр бўйи этган ўғирлигу, дўғирлигимни Беговотнинг қумига гўмдим, бир тийин ҳам гўрмадим. Кафангадо бўлдим. Фермерликни бу йил ҳам давом эттирсам, энди мени шу қумга кўмадилар. Топшираман, десам, ҳеч ким олмийди. Шунинг учун сизнинг ёнингизга келдим. Бир яхшилик этинг. Умр бўйи дуойингизда бўлай. Шу фермерликни топширишда бир кўмаклашиб юборинг, ҳоким синфдошингиз экан, – деди у. "Хўп", дедим. Ҳокимни аралаштириб зўрға топширдик фермерлик ерини. Сен бўлсанг, шўпирим фермерликнинг ортидан фалон этди, туган этди, дейсан!

– Э-ээ, на гап экан, дебман. Фермерликни ҳам ўнғарган ўнғаради. Масалан, мана бизни шўпирга ўхшаганлар. Сабаби ҳамма ишдай фермерликнинг ҳам қочиғи[10] бор. Биззи шўпир шу қочиғини билади. Масалан, у қуври[11] фермерликка қараб ўтиргани йўқ. Комбайн ҳам олди. Шоли, буғдой сезонда комбайнни ишга солади. Бундан ҳам палон-палон пул ишлайди.

– Ҳай, Қаҳрамон, сен ўзинг ишонасанми шу гапларингга? – илжайди яна Юсуфбой. – Комбайн эмиш. Кўрганмисан шўпирингнинг комбайнини? У комбайн эмас, бу бир арава темир-тирсак. Унинг буғдой, шоли ўриши эмас, ўрнидан қўзғалса, бу мўъжиза. Сен бўлса...

– Ўртоқлар, менга қаранглар! – деди Қаҳрамон бирдан нимадир эсига тушиб қолгандай. – Яна бир марта сўрайман: Бугун дам олиш эмас, мани муҳокама этадиган кунми? Бунчалик ёпишиб олдингизлар...

– Мен ёпишмадим, – ҳазиллашдим вазиятни юмшатмоқ учун. – Ина, Юсуфбой ёпишиб ётибди.

– Сен ҳам бир гапингда турсанг-а! – Юсуфбой мени ҳам жеркди. – Ўзинг айтиш керак, айтиш керак деб юрар эдинг! Ина, айт ҳозир, – кейин Қаҳрамонга юзланди. – Сенинг бошингга қачон бўлса ҳам шу шўпиринг етади! Шундай ишларни этиб юрибдики, сен билмайсан...

9 Донимоқ – танимоқ.

10 Қочиқ – нозик жой.

11 Қуври – қуруқ, фақат.

– Этса этсин! – энди Қаҳрамоннинг ростданам жаҳли чиқди. – Ўнғарғаннинг ўғли бўлсин! Қўйсангизлар-а, шу гапларни...

Мен Юсуфбойга, тўхтата қол энди, деган маънода қарадим. Ақл берган қайси амалдорга мой суртгандек ёқса-ки, Қаҳрамонга ёқса.

Юсуфбойнинг ҳам энсаси қотди.

– Мен ҳам жилли сенга гап айтиб ўтирган, – деди у ва менга юзланди. – Не учун булар, ҳамма тупой, фақат биз ақлли, деб ўйлайди?

Шу кетишда икки жўра айтишиб қолиши ҳеч гап эмас эди, шунинг учун яна ўртага тушдим.

– Ҳай, менга қаранглар! Юрамизми, йўқми? Бу гапда обедгача ҳам боролмаймиз.

Йўлга тушдик. Ҳамма тўрсайган[12]. Ҳеч ким миқ этмайди. Юсуфбой Қаҳрамондан, Қаҳрамон Юсуфбойдан хафа. Иккови қўшилиб, мендан хафа. Юсуфбойнинг хафалиги кучлироқ. Ахир, у ўзи учун куймаётир-ку: Қаҳрамон ўзига келсин, онгқилдаб[13] оғзидагини олдириб юравермасин, ҳаққи-пойини олиб юрсин, дейди. Қаҳрамон эса Юсуфбой унинг раҳбарлик ҳамиятига тегиб кетаётганидан хафа. Ахир, у шу муштдек боши билан мансаби, лавозими, жамиятдаги обрўси жиҳатидан иккимиздан ҳам катта. Унинг қўл остида ўттиз мингга яқин киши ишлайди. Бизнинг қўл остимизда одам тугул, бир қўтир эшак ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, фалон минг кишини оғзига қаратиб ўтирган одамга ақл бериб ётсак. Шу ҳам гапми? Албатта, йўқ.

Қаҳрамонни яхши билганим учун, у шундай деб ўйлаётганига юз фоиз амин эдим. Энг ёмони, мансабдор одам хафа бўлса, ортидан кўп балолар қўподи. Шу сабаб Юсуфбойнинг гапларига ич-ичимдан қўшилсам ҳам, бу баҳсдан кўпроқ у зарар кўрар, деб ўйладим. Менга-ку, барибир, Қаҳрамоннинг қўл остида ишламайман.

Миқ этмай боравердик. Кечаги маслаҳатда, биримиз олиб, биримиз қўйиб, пиёда юришнинг фойдасини роса келтирган эдик: ҳам оёқларимиз ёзилади, ҳам атрофни томоша қилиб кетамиз, ҳам гурунгга тўямиз. Режалар шундай эди. Аммо можаро келиб чиқишини ким ўйлабди, дейсиз. Агар машинада бўлсак манзилга "шиппа" етардик. Машмаша ҳам бўлмасди. Бу – бир! Иккинчидан вақтдан ҳам ютардик. Учинчидан, орқамдаги балодан тезроқ қутулган бўлардим.

Аммо энди сабр қилишдан бошқа илож йўқ эди. "Ҳечқиси йў-ўқ", ўйладим мен. Беш минутгина лонғиллаб оқиб ётган дарёга тикилсак ҳаммаси тарқайди-кетади. Чунки салобат билан тўлғанаётган бўтана сув ҳар қандай мияни ҳам бир зумда тозалайди.

Лекин бизнинг бу кетишимизда дарё бўйига етишимизга ҳали анча бор эди. Камида ярим соат. Балки бир соатдир? Юқорида айтилганидай, биз бу сафар дарё бўйига пиёда боришга қарор этгандик. Кейин бу аҳддан қайтиб қолмаслик учун бир-биримизга лафз қилдик. Лафз эса Хоразмда қадимдан муқаддас. Ўзини ҳурмат қилган одам лафзини бузмайди. Шундай экан, биз учовимиз ҳам лафзимизни бузишимиз мумкин эмас. Ҳозир ҳар қайсимиз ўз ўйлармизга банд бўлиб қадам ташларканмиз, қўлларимиздаги юклар билан бирга энсамиздаги лафз юкини ҳам кўтариб борардик. Бу юк, албатта, қўлимиздаги юкдан минг чандон оғир.

– Қўйинг-ай, Юсуф оға! – деб юборди бирдан Қаҳрамон кутилмаганда. – Ким сизларни тупой, деди? Тупой бўлсак, мана бизлар тупой! – чамаси у Юсуфбойнинг бояги гапларини мия чиғириғидан қайта-қайта ўтказиб кўрган. Шу сабаб овозида бояги ҳўклик[14] ва гинадан асар ҳам йўқ эди.

Биз Юсуфбой билан бир-биримизга қараб олдик. Қаҳрамон икрорини ҳаяжон билан давом этди:

---

12 Тўрсайган – қовоғини уюб олган.

13 Онгқилдоб – анқайиб.

14 Ҳўклик – кибр.

– Қандайлигидан қатъи назар, ҳатто кичкинагина, тўрт оёғи ликиллабгина турган бўлса ҳам, мансаб креслосига бир амаллаб илиниб олган одам ундан сира тушгиси келмайди. Мана мен, шу мансабни деб, тонг азондан то тунгача итдай югураман. Тилим оғзимдан осилиб, туртилиб-турткиланиб, саёқ итдай калтак еб, баъзан қарғишу лаънатларга кўмилиб ётсам ҳам, мансабнинг қирчанғи отидан сира тушгим келмайди. Сабаби шу курсида ўтирганим учун бошқалардан бир қарич юқорироқдаман. Неча минг одам оғзимга қараб мўлтираб туради. Рост гапирсам ҳам, ёлғон гапирсам ҳам, дуруст гапирсам ҳам, хунук гапирсам ҳам, ҳеч ким менга, ҳой, не деётирсан, демайди. Сабаби – ёшуллиман. Мени ўн одам мақтаса, шунчаси гўримга ғишт қалаб турганини ҳам биламан. Лекин бирортаси ҳам овозини чиқариб, ҳов ёшулли, бу гапингиз хато, демайди. Деёлмайди. Табиатимиз шундай. Не дейди уни, менталитет, дейдими? Ҳовва, менталитетимиз шундай. Бошқалар Худога сиғинса, бизлар ёшуллига сиғинамиз. Ёшулличимиз, бизлар! Шундай бўлгандан кейин ёшкиччи бўлгандан кўра ёшулли бўлғон яхши-да, Юсуф оға.

– Шуларни билсанг итнинг ортинғи оёғи бўлиб юрма-да, фойдалан.

– Ҳамма гап шунда-да, Юсуф оға. Ишингни бир қийшайтирсанг шу қийшайиб кетаверасан. Мен, биласиз, сира қийшиқ йўлга юргим келмайди, Худо урсин агар. Бўлмаса менам, ундай қилсам нима ва бундай этсам нечук бўларкан, деб кечалари уйқум қочади. Лекин... Лекин азонда бу гапларнинг ҳаммаси "пирр" этиб учади-кетади. Яна шу – аввалгидай дўғри ишлаб кетавераман. Ўзи. шундий бўлиб чиқаваради. Шу курсини менга бир йил, бир ой, бир ҳафта, бир кун бариб қўйсалар не иш этишимни ўзим билар эдим, деганларнинг сон-саноғи йўқ. Бундайлар кеча-кундуз бир амаллаб мени тойдиришга уринадилар. Мени онгдиб[15], ҳар сўзу ҳар ишимдан бирор ишкал қидириб, кўзи тўрт, оёғи олти бўлиб изимдан югурадилар. Бировлари бу ишни гизланиб этадилар, бировлари очиқдан-очиқ. Ёқангдан "хиппа" бўғишга тайёр турганлари неча. Баъзан, уларга қараб, ҳай, ўлмагайсизлар, мансаб деган нарса унчалик мазали нарса эмас, ҳавас қилманг, дегим келади. Лекин айтмайман. Айтолмайман. Шундай десам, ўзим шимиб юрган болчингирикни[16] бировларга тутгандай бўламан. Биласизлар, болчингирикни кўп шимисангиз тилингизни, лабингизни тилади-ачитади. Шундай бўлса-да, ташлаб юбормайсиз. Шимийверасиз. Мансабдор бўлиш ҳам шундай. Болчингирик шимиганга ўхшайди. Шунинг учун мени қувганларнинг олдига тушиб қочавераман. Ўзим қочмийман, кресломни кўтариб қочаман. Сал иккилансам курсимни олиб, мени топтаб ташлайдилар. Анави Муаммар Каддафи (1969–2011 йилларда Ливия ҳукмдори бўлган. Ватанпарвар, инқилобчи, полковник ва диктатор сифатида талқин этилади ва 2011 йил 20 октябрида НАТО ҳарбий кучлари зарбаси туфайли қўлга олиниб, исёнчилар томонидан "самосуд" қилиниб қатл этилган) деганларини ўлдиргандай. У одам ҳам бегуноҳ эди. Унинг айби сал ҳушёрликни йўқотгани бўлди. Шунинг учун уни дапкилиб-дапкилаб[17] ўлдирдилар. Мансаб пойгаси ҳам худди шундий нарса. Тўхтаган жойингда дапкилаб кетаверадилар. Ҳар дақиқада бўйнига ё мукофот, ё тавқи лаънат осиладиган бу пойгада қатнашаётганларнинг ҳаммаси буни яхши билади. Шу сабаб оёқнинг тейинда қолмаслик учун бировларни босиб, устидан ҳам ўтиб кетаверасан. Мен ҳам шундай этаман. Бўйнимга оламан. Бу пойганинг қонуни шундий.

– Да-аа, – деди Юсуфбой лаблари билинар-билинмас титраб. – Неча-неча яхши одамлар зое бўлиб кетди бу йўлларда.

---

15 Онгдимоқ – пойламоқ

16 Болчингирик – Хоразмда ўсадиган пояси ширин, оқжўхорига ўхшаган бир йиллик ўсимлик. Авваллари бўка – бўка қилинган пояси артилиб, болаларга ширинлик сифатида бозорларда сотилган.

17 Дапкилиб-дапкилаб – тепкилиб-тепкилаб.

– Ҳовва, шундай. Лекин шу одамларни ҳеч ким ёқасидан судраб бу ўйинга қўшмаган. Ўзлари қўшилган. Яна бу ўйинга қўшилиш ишқинда юрганлар қанча, – Қаҳрамон бироз тин олди. Анчагача индамай кетди. – Сизлар бўлса, Қаҳрамон эртадан кечгача бол ялаб, шинни шимиб ётибди, деб ўйлайсизлар. Йўқ, бундай эмас. Мен эртадан кечгача бол эмас, заққум ютаман. Қайсидир муттаҳамнинг манфаати учун елиб-югураман. Унинг бир ишораси билан ола байроқ тутиб бу томонга юраман, эртага бошқа байроқ кўтариб қарама-қарши томонга югураман. Яна қандайдир шиорларни айтиб, бақириб чопаман. Кўрганлар, бунинг калласи аниқ кетган, деб ўйлийди. Оқшом уни мақтаган эди, бугун ёмонлаб ётибди, дейди. Раҳбарларнинг кайфияти баҳор шамолидай ўзгарувчан. Бугун бу деволни кўкка бўя дейди, эртанг қизилга. Бугун шапка кий, дейди, эртанг тахё. Сизларнинг оғайниларингиз, – Қаҳрамон яна менга қараб қўйди. – Бугун уни мақтайди, эртага буни. Бугун мақтаганини эртага тупроққа қориб ташлайверади. Бир минут ҳам ўйлаб ўтирмайди, ҳов, оқшом ундай деган эдим, бугун мундай десам нечик бўлар экан, деб. На учун? На учун бўлар эди? Булар ҳам ёшулли бўлажак ё мукофот олажак. Ҳай, тавба этдим! Бу на деган мукофотпараст булар, а Юсуф оға? Зиёли деган ҳам шундий бўладими? Интернетни қаранг. Қайсидир бир узоқ туманнинг ота қарғишини олган ҳокими қайсидир зиёлига “Фахрий ёрлиқ” берса, эртаси интернетда турибди-да у, қаттиқ қоғозини бағрига босиб. Энди комментларни гўринг, комментларни. “Муборак бўлсин!” “Бардавом бўлсин!” “Сиз бундан ҳам каттароғига лойиқсиз!” Шуларни кўрганда уялиб кетаман, Юсуф оға. Воллоҳ, уялиб гетаман! Наҳотки, зиёлиларимиз шу даражага тушиб қолди, деб. Булар шундий этиб юрганидан кейин оддий халқ не иш этсин? Бечораларнинг калласи каша-маша бўлиб кетган.

Қаҳрамон яна жимиб қолди. Бу гаплар унинг учун оғир эди. У қандайдир овқатдан қаттиқ заҳарлангану, шуни қусиб ташлашга ҳаракат қилаётган одамга ўхшарди. Ички ҳаяжони бетига уриб, ранги бўғриққан, манглай томирлари бўртиб чиққан эди.

– Биласизми, Юсуф оға, на учун ҳамма ишларимиз шундин?

– Билмийман, – деди Юсуфбой.

– Сиз не? – менга юзланди Қаҳрамон.

– Ҳаммасига зиёлилар айбдор, дединг-ғў.

– Хафа бўлманг, оғийни. Гап келди айтдим-қўйдим-да. Ҳеч бир соҳа ҳам ой эмас. Лекин зиёлилар...

– Зиёлиларнинг ҳам ҳаммаси бир хил эмас.

– Дўғри, – фикримга қўшилгандай бўлди Қаҳрамон. – Дўғри. Лекин сиз айтганлар саноқли. Саноқлигина. Уларни бир қўлнинг бармоғида ҳам санаб чиқиш мумкин. Балки бир қўлнинг бармоғи ҳам ортиб қолар.

Индамадим.

– Лекин ҳаммани, шу жумладан, бизларни ҳам бошлаб кетаётган паровозлар бор. Оғзининг паровози йўқ паровозлар. Пойгани ҳам шулар ташкил этади. Ўйнайдиган ҳам ўзлари, ўйнатадиган ҳам. Бундайлар пойгада оёқ остида қолиб кетмаслик учун истаган одамини босиб ўтаверишади. Боягина айтдим – бу ўйиннинг қоидаси шундий. Юқорида ўтирганлар турли имо-ишоралар этадилар. Пастдагилар эса бунинг маъносини тушуна олмай ақлдан озадилар, инига йилон кирган сеча[18]дай чирқиллаб ётаверадилар. Кўплар хонавайрон бўлади, кўплар қамалади. Аммо пойга бир зум ҳам тўхтамайди. Пойга йўлларига тош, қум ва шағал эмас, мурдалар, бош чаноқлари, тақдирлар тўшалган, – хаяжоннинг зўриданми ва ё кўтариб олган юкининг оғирлигиданми Қаҳрамоннинг бўйин томирлари ўқлоғдек-ўқлоғдек шишиб кетди.

18 Сеча – чумчуқ.

Бундай пайтда бир гап айтиш – маъқуллаш ҳам, инкор қилиш ҳам кишининг юрагини тирнаши мумкин. Шунинг учун унинг ҳаяжони босилишини кутиб, миқ этмай, жимгина одимлайвердик. Бироз ўтгач, кутилганидек, Қаҳрамон анча босилиб қолди. Қолган гапларини ортиқча эҳтирос ва ҳаяжонсиз давом этди.

– Сизлар бўлса менга ундай қил, мундай қил, дейсизлар. Биламан, бу гапларни мени ўйлаб айтасизлар. Лекин ҳозир баҳсдан четлашсам, дарров ўлдига чиқарадилар. Четда қолишдан кўрқмийман. Ўзим ҳам қачондан бери шуни истийман. Лекин бунга ўзимдан бошқа ҳамма қарши. Ким дейсизми? Масалан, биринчи бўлиб хотиним қарши чиқади. На учун? Чунки ҳар кун эшиги олдида ҳайбатидан от ҳуркадиган хизмат машинаси кутиб турадиган эрнинг хотини бўлиш не ерда-ю, ҳар тонгда эскилигидан титилиб кетган чарм портфелини қўлтиқлаб, тиқилинч автобусда ишга жўнайдиган одамнинг хотини бўлиш қайда? Иккинчидан – болалар. Кимсан фалончининг ўғли ёки қизи бўлиб юриш не ерда-ю, эртадан-кечгача столга бурнини тириб эшшакдай ишлаб, кечқурун ёшуллисидан гап эшитадиган ходим бўлиш не ерда? Буларнинг устига қуда-анда, қариндош-туққан, таниш-билишни ҳам қўшинг. Шунда не учун мен эртадан-кечгача кимларнингдир катта фалонини елкамда кўтариб юрганимга тушунасизлар. Сизлар бўлса, ишдан бўшанг, фалон қил, писмидон қил, дейсизар. Аййй, жўралар-ай, жўралар.

У энди бутунлай ўзини босиб олган эди. Бундан бир соат бурун кекирдагини чўзиб ҳаммага ақл бераётган Юсуфбой ҳам оғзига қулф солиб олди. Менинг эса хаёлимда Қаҳрамон таърифлаган шафқатсиз пойга, унинг еб-тўймас аждарҳо каби сонсиз қурбонларни ютиб ётгани, шунга қарамай сафларни тинмай тўлдираётган талабгорлар, бир-бирини чоҳга итараётганлар, қурбон бўлаётганлар, уларнинг қулоқларни қоматга келтирувчи чинқириқлари ва дод-войлари айланарди.

– Текис йўлдаги тумпакдек[19]кина кичик мансабга миниб олган одам дарров дунёнинг ярми меники, деб ўйлайди, – яна гурунг бошлади Қаҳрамон. – Курсига ўрнашиб олгандан кейин у бутунлай ўзгаради. У ўзини оқшомги жўралари, минг йиллик таниш-билишлари, бир қориндан талашиб тушган ёру биродорларидан устун кўра бошлайди. Иш шу билан тўхтаб қолса гапи йўқ эди. Бориб-бориб ҳар хил ҳунарлар кўрсатиб бошлийди. Ёнига бир-икки ярамас қўшилса, қани, кимнинг фалони улли, уни кимнинг устига қўямиз, деб ўйлай бошлайдилар. Гўё буларнинг иши фақат кимнингдир устига фалонини қўйишдай. Бундан завқланадилар. Ана даҳшат не ерда! Агар фалони қўйилган одам гандиракласа, йиқилиб тушса, булар учун томоша! Ҳов, шу одам йиқила қўйди-ёв, демайди булар. Йўқ, аксинча, ҳаз этиб кулади булар. Чунки буларга иш эмас, кимнингдир гандираклагани, йиқилгани, сингани керак. Йиқилсанг, синсанг, ўлсанг буларга байрам. Шунинг учун ҳам мани кўрса мазаси қочади буларнинг. Мени ана йиқилди, ана ўлди, деб неча марта байрам қилган булар. Мен эса йўқ, ҳали тоймадим, йиқилмадим, ўлмадим. Чунки буларнинг на гапи, на ўйи борлигини тирноғимда кўриб ўтираман. Лекин бу онгсот[20]ҳам эмас. Ҳолимни эса, ина, кўриб турибсизлар, – Қаҳрамон энсиз ва қоқсуяк елкаларини керган бўлди: – Геракл эмасман, аммо бундайларнинг бир ўн беш-йигирмасина кучим етади. Жоним бўғзимга келса ҳам чидайман. Бўғзимдан чиқиб кетса ҳам чидайвераман. Чунки неча-неча одамлар менинг шу ердалигим учун ўнгишиб юрибди.

– Да-аа, – деди Юсуфбой хирқироқ овозда. Жилмаймоқчи бўлган эди, мўйлови бир томонга ўхшовсиз қийшайди. – Мени ҳам сен сақлаб юрибсан.

Қаҳрамон бепарво қўл силтади.

– Сиз билан, яхши жўрамиз. Ана боринг, сиз буни биласиз ҳам, айтасиз ҳам. Аммо яхшиликни билмайдиган, тан олмайдиганлар қанча. Оллоҳ таоло шундай

19 Тумпак – кичкина тепалик.

20 Онгсот – осон.

одамларни яратганки, тавба айтиб, ёқангни тутишдан бошқа илож йўқ. Ана шулардан сақласин. Мен ишдан кетсам ана шундайларнинг куни туғади. Болалар, галинлар, қариндош-туққанларимни дарров исканжага оладилар. Сизларни ҳам. Шундай экан ман ишдан бўшашим керакми? Йўқ, албатта. Шунга чидайман-да, Юсуф оға. Сиз бўлса, бўша-бўша дейсиз. Менинг ўзимга қараса бир кун ҳам ишлагим йўқ. Бир соат ҳам. Онгқилдоқ[21] бўлма, ҳақи-пойингни ол, дейсиз, – Қаҳрамон, не ерга келдик, дегандай, атрофга аланглаб қаради, хўрсиниб қўйди. – Ҳақи-пойимни олиш тугул, булар менинг жонимни олмасалар шукр этаман.

– Дим ҳам унчалик эмасдир, – гурунгга қўшилдим мен. – Бу гапларингдан халтадаги йилон ҳам бир тўлғониб олди.

– Отиб юбор уни шу ерга, – деди Юсуфбой. – Ўлиб кетсин шу ерда.

У халтада илон борлигига ҳамон ишонмас эди.

Аллақачон тонг отиб, қуёш терак бўйи кўтарилган, аммо қишлоқ жимжит, кўчада тирик жон кўринмасди.

– Юсуфбой жўра, қўнгшилар қани? Мен қишлоқ бу вақтгача бир дунё иш битказса керак, деб ўйлар эдим. Ҳатто шаҳарда ҳам бу вақтгача ётмайдилар.

– Э-ээ, қўявер, – деди Юсуфбой хомуш оҳангда. – Сен бурунги қишлоқни айтасан. У вақтларда "Қўнгши қўнгшидан эрта турмоқни ўрганади", деган гап бор эди. Одамлар бир-бири билан эрта туришга интилар, кўпроқ ишласам, дер эдилар. Шунинг учун ҳар кимнинг қўрасинда, йўқ деганда, уч-тўрт, борларида эса ўн беш-йигирмадан мол бўлар эди. Мен ўзим ҳам ўн-ўн бешдан кам мол боқмаганман. Кўзим очилиб, онгимни билганимдан бери чертак[22]нинг тейинда тўрт-беш соғин, икки-уч ўкиз, яна шунча ўжак кавшаб ётар эди. Опам эрта тонг челак-челак сут соғиб, ўчоқда пиширар эди. Азон билан ҳар боланинг олдида бир лавоб коса[23], ичига юпқа нон майдалаб тўғралган сут турар эди. Товуқхонада бир эллик-олтмиш товуқ қоқоқлаб ётарди, балки ундан ҳам кўпроқ. Шунинг учун кунда-кун ора карсон-карсон[24] юмурта барак пишириларди. Оҳ-оҳ! "Ғарч" эттириб тишласанг, ичидан саримойи оқиб кетади. Харажати ўзимиздан, ўзимизнинг юмурта, ўзимизнинг сут. Қорнимиз ҳам, йилигимиз ҳам тўқ, ҳаммаси меҳнатнинг орқасидан эди.

– Қани шу одамлар, Юсуф оға? – деди Қаҳрамон. – Қани шу меҳнаткашлар?!

– Ўрисда, қозоқда, жўра. Шу ўрис, қозоқ деган бало чиқди-да, қишлоқ бузилиб кетди. Қўлидан иш келган ҳам, келмаган ҳам ўзини четга урадиган бўлди. Аввал бири кетди, кейин иккиси. Сўнг оға-ини, қариндош-туққанларини тортдилар. Ҳозир ҳамма тўрва-халтасини кўтариб турган. Ҳар хўжаликдан, ҳеч бўлмаганда, бир-икки одам четда. Кимнинг эри, кимнинг хотини, кимнинг ули, кимнинг келини... Хўжалиги билан кўчиб кетганлар ҳам бор. Қишлоқнинг мазаси қочди, одамлар билан қўшилиб меҳр-оқибат ҳам кетди.

– Ҳа-аа, – деди Қаҳрамон ўйчан. – Дўғри. Манинг оғайниларимнинг ҳам неччаси ўрисда. Мана масала не ерда. Бизлар бу ерда буларни не иш этиб тутиб турамиз, деб баҳслашиб, бўғишиб ётибмиз. Ер бераётирмиз, пул бераётирмиз. Қол, ина ишла, деб.

– Ҳаммаси қоғозда, – деди Юсуфбой. – Ҳаммаси қоғозда. Ер бердик, деймиз. Аслида фермерга фалончига ер бер, деймиз. Фермер жони чиқиб, ерни тишини тишига қўйиб беради. Бошқа иложи йўқ. Кейин суриб бер, чел олиб бер, деймиз. Не учун фермер суриб, чел олиб бериши керак? Бу бориб турган дангасаликнинг тарғиби, сен ётавер, сен учун бошқалар ишлайди, дегани эмасми?

21 Онгқилдоқ – онгсиз, оғзини очиб юраверадиган.

22 Чертак– бостирма.

23 Лавоб коса – шокоса.

24 Карсон – ёғоч бодия.

– Ҳеҳ! – бу гапларни тинглаётгандай бўлиб келаётган Қаҳрамон бир вақт хаёлчан кулиб қўйди. – Ўзимам бориб келдим-ку, беш-ўн йил ўрисға. Лекин Юсуф оға, у вақтлар зўр эди. Конкрет иш – конкрет пул. Ишласанг бўлди, пул дегани хиррик. Қозоқ ҳам шундий. Олдим ғўз, бердим ғўз. Шунинг учун кетади-да, булар. Ахир, ҳозир қишлоқда иш йўқ-да, Юсуф оға, – Қаҳрамон "уф" тортди. – Одамлар на иш этсин? Бола ўстириш керак, ўқитиш, уйлантириш, жой-пой, мошин-сошин дагандай. Шундин бўлгандан кейин одамлар не иш этади? Кетади-да, беш-олти танга топишга. Ҳеч ким ичи қисганидан кетмаса гарак.

– Биринчида-ан, қишлоқда иш йўқ, деган гапга мен қўшилмайман, – деди Юсуфбой. – Мутлақо! Одамлар дангаса бўлиб кетган. Ҳамма ётиб еса. Ишламаса. Меҳнат фахр эмас, ор бўлиб қолди. Бизларнинг вақтда бел кўтариб, тўппини қийшайтириб юрган одамни ҳамма ҳурмат этар эди. Ана, меҳнат этиб келаётир, деб. Ҳозир бўлса бундай одамларга қўлидан бошқа иш келмайдиган, ўрропсиз[25] деб қарайдилар. Айниқса, ёшлар. Шунинг учун четга бориб бировнинг туалетини артса артади, лекин бу ерда ерга бир кетмон ҳам урмийди.

– Дўғри, лекин шу кетмон урадиғон ер қани? Колхоз қани? Фермер қани? Ҳозир чиқиб турган анави... новвилар бўлса...

– Ишлийман деган одамга колхоз ҳам, фермер ҳам, бошқаси ҳам керакмийди. Ҳозир ҳар хўжаликда ер бор, президентский. Бир ярим минг метр!

– Бир минг уч юз метр.

– Бор, ана, бир минг уч юз бўлсин. Бу озми? Оз эмас. Шу ерда не иш этаман, десанг этса бўлади.

– Бир минг уч юз метр ердан чиққан нарса молга, товуққа етсинми, еб-ичмакка, кийим-кечакка етсинми, ҳали тўй-пўй, мошин-сошинни қўйинг.

– Каллани ишлатса шуларнинг ҳаммасина етиб яна ортиб ҳам қолади. Ина менинг ўнгишиғим кимникидан кам? Мошин ҳам бор, туври, "Малибу" эмас, "Тико", "Дамас". Икки оғайнимга жой солиб[26] бердим, болаларни контрактда ўқитиб ҳам ўтирибман.

– Э-э, сиз буларни фақат президентскийдан этиб ўтирганингиз йўқ-да. Товуқ ҳам боқасиз. Нечча эди? Беш юзми, мингми? Боларингиз бор, неча қути? Энг асосийси, боғингизда ажойиб, бозорлиқли юрт грушаси, узумларингиз бор. Шулардан бўлиб турибди булар, Юсуф оға! Қуври президентскийдан эмас. Шулар бўлмаса президентский ер не гап...

– Туври. Қуври президентскийдан эмас. Бояғи айтғонларингнинг ҳаммаси бор. Бир мен эмас, овулда мендан ҳам зўр этиб қўйғонлар бор. Не иш этиб? Меҳнат билан, жўра, меҳнат билан. Сен айтган, хотин-бола-чақаси, уйи-эли, қариндош-туққанини ташлаб четга кетаётганлар ҳам шу ерда меҳнат этсалар ҳам гулдай бўлади! Ким бу ерда ишлама, дейди уларга? Ҳеч ким. Шу ерда ишласин, шу ерда пул топсин. Ҳаз этиб юрсин юртинда, дейман-да. Йўқ, буларнинг ҳаммаси ўзларини четга уради. Тўғри эмас бу. Нечаларининг оилалари бузилиб кетди. Назоратсиз қолган болалари, қизлари не иш этиб юрибдилар? Буни эл билади, юрт билади. Бу шармандалик.

Булар осонгина, дарров жавоб берадиган саволлар эмас эди. Шунинг учун баҳслашиш, баҳслашиб ўзининг фикрини ўтказишни яхши кўрадиган Қаҳрамон ҳам дарров жавоб беролмади.

– Биламан. Юсуф оға, биламан, – деди у бир вақт. – Аммо, аввал бу ишларнинг бошида отангиз турган. Арини ҳам, юрт грушасини ҳам, ҳар йили Москвагача, чет элларгача чиқиб кетадиган узумларни ҳам Рейим почтачи этиб берган. Ҳаммасини ўзингиз, бир ўзингиз ташкил этмадингиз-қу.

25 Ўрропсиз – ўқувсиз.

26 Жой солиб – уй қуриб.

– Туври, буларнинг ҳаммасини акам бошлаб берган. Лекин ишни ақл билан олиб бормасанг ҳаммаси бир кунда тос-талқон[27] бўлади. Юрт грушаси, узумлар, дейсан. Шуларни бир кун қаровсиз ё сувсиз қолдир қани, не бўлар экан. Қуриб, ўт босади. Жўра, эгарланган отни миниб чопиш учун ҳам ҳунар керак. Асосийси, истак керак. Меҳнат бўлмаса, ҳисоб-китоб бўлмаса ҳаммаси бир тийин. Шунинг учун мен болаларимга ҳаммавақт бир гапни айтаман, меҳнат этиш керак, ҳисоб-китоб билан меҳнат этиш керак, ақл билан меҳнат этиш керак. Менинг бўй етган болаларим ҳам, уйланган болаларим ҳам кўчада беҳуда юрмайди. Ҳатто тўй-пўйларда ҳам орқайин, ароқ ичиб, алжиб ўтирмайдилар. Борадилар-да, қаъдасини этиб, ғирра орқасига қайтадилар. Не учун? Сабаби ишлари кўп. Хўжаликда ким не иш этишини бўлашиб[28] олганлар. Бировининг ишига бирови аралашмийди. Ҳар ким ўзининг ишини этади. Кўчада шалоплаб юрса унинг ишини ким этади? Ҳеч ким. Шунинг учун ҳеч қайсиси бир минут ҳам бекор ўтирмийди. Меҳнат, меҳнат, фақат меҳнат бизнинг уйда, жўра.

– Армиядагидай, десангиз-а, – кулдим мен.

– Армиядан ҳам қаттиқроқ, – деди Юсуфбой жиддий. – Бунинг не ери ёмон? Агар ким тартибни ёмон деса бекор айтибди. Ҳозир мода бўлган: ҳа, бошлиқ менга кўзини олайтирди, ҳа, раҳбар овозини баландлатди! Ола қарайди-да, овозини баландлатади-да, дангаса бўлсанг, иш билмасанг, ишламасанг. Мен, жўра, ҳозирги... Анави не эди, ҳа, дафтар. Дафтарларига ҳам қаршиман. Нега десанг, не эмиш, менинг ҳолим хароб, мен ишламай ётаман, сен менга кўмак бер – пул бер, ун бер, гурунч бер, мой бер! Тўғри, очга нон бериш керак. Лекин у берганингни "лўқ" эткизиб ютса-да, чумчуқнинг кўтанагидай[29] яна оғзини очиб чирқиллайверса. Тўғрими шу? Йўқ, бу – бети қалинлик. Иш бер, демайди, пул бер, ун бер, нон бер, дейди.

– Нон бермасанг, ош бермасанг очдан ўлади-да, улар.

– Ўлсин! – қизишди Юсуфбой. – Ўлсин. Не учун мен ишлашдан ор этадиган дангаса, ўғри ва каззобни боқишим керак? Ўлсин ишламаса. Ўлиги сасиб ётсин ахир кўчада. Ана шунда кўрамиз ишлайдими йўқми булар?

– Э-ээ, бу гапларингиз сиёсатга тўғри келмайди, Юсуф оға! Биз ҳамма яхши яшасин, қорни тўқ бўлсин, деймиз.

– Туври. Яхши яшасин, қорни тўқ бўлсин. Уйлансин, эрга борсин. Лекин сен билан менинг ҳисобимга эмас-да! Ўзларининг ҳисобига, меҳнатининг ҳисобига. Ина, болаларимни айтдим. Тўйда ўтирмайдилар, ароқ ичмайдилар, дедим. Уларнинг тўйда ўтиргилари келмийди, дейсанми? Келади. Тўйда ҳам ўтиражаклар, артист қизни белидан қучоқлаб давранинг ўртасинда айлантиражаклар ҳам. Лекин ўтирмийдилар. Не учун? Чунки уларнинг ишлари кўп. Меҳнати кўп. Шунинг учун улар дунёдаги энг мазали овқатларни ейдилар, энг юмшоқ тўшакларда ётадилар, энг пари хотинларни қучадилар.

– Ривоятдагидай, дейжаксиз-да, а?

– Бу ривоят эмас, ҳаётнинг худ ўзи.

– Да-аа. Бу гапларингизга гап йўқ.

Яна анча жим кетдик. Қаҳрамон ҳам энди бошқа эътироз билдирмади. Аммо Юсуфбойнинг қовоғини уюб боришидан ҳали унинг айтадиган гапи борлиги кўриниб турарди. Ҳақиқатан ҳам, у яна бошлади.

– Бизларнинг хўжаликнинг тейи тутилганига кўп йиллар бўлган. Туври. Шукр, хўжалик бут, бола-чақа, оғайни-тувғон жойинда. Лекин яқинда бир йигит билан танишиб қолдим. Шу одамғо мен ҳам саламно, дедим. Шўпир бўлиб ишлар экан. Узоқ бир районға борадиган бўлдиқ. Жўрамиз бир ташкилотдан мошин сўрабди.

27 Тос-талқон – вайрон, пароканда.

28 Бўлашмоқ –бўлишмоқ.

29 Кўтанак – чумчуқнинг тухумдан янги чиққан полапони.

Шу болани юборибдилар. Мошининда олиб борди. Иш ҳам чўзилиб кетди. Ярим оқшомдан ўтганда қайтдик. Йўл ҳам анча бор эди. Бу йигит шаҳардан бир ўн беш-йигирма километр четги бир қишлоқда яшар экан. Шунинг учун аввал бизларни шаҳарга, уйли-уйимизга ташлаб, кейин уйига қайтиши керак эди. Азон билан эса яна ишга келиши керак. Қишлоқ йўлларини биласан, ўйдим-чуқур – ғалтинг. Тейингда мошин бўлса ҳам эшак аравадан тез юриб бўлмайди. Шуларни ўйлаб бу йигитга, “Кечирасиз, дим кеч қолиб кетдик, ёшуллингиз шундай ерларга яна бир-икки юборса, ишни ҳам ташлаб кетарсиз”, дедим. Йигит кулди. “Ойликсиз, мут[30] бўлса ҳам, ҳар кун бундан ҳам узоқларга юборсалар ҳам ишлайвераман”, дейди. “Бу не, хайри Худога ишлаб юрибсизми?” сўрадим кулиб. “Йўқ, бунинг бошқа бир сири бор”, деди. “Қани, қани, не сир экан?”, дедик бир оғиздан. “Икки-уч наслли сиғирим бор”, деб гап бошлади йигит. Соғин сигирлар экан. Ҳар қайсиси 20-30 литр, кунига 50-60 литр сут берармиш. Шуни ҳар куни шаҳарга олиб келишим керак, дейди. Туври, қишлоқда сут сотиш қийин. Шунинг учун бу йигит сутни шаҳарда сотар экан. “Қишлоқдан шаҳарга келиш учун эса кўлик керак, менинг эса кўлигим мана, тейимдаги шу мошин”, дейди. Ҳар куни шу мошинда азонда ишга келганда сутини ҳам шаҳарга олиб келар экан. Кўликнинг бундан бошқа ҳам ишлари кўп, дейди. Сиздан қизиқ гурунглар чиқадиганга ўхшайди, гурунг беринг, қани, қистадим йигитни. Бу қизиқишдан йигитнинг ҳам вақти хуш бўлди. Мен ҳам қишлоқда яшайман, наслли молга ҳам қизиқаман, лекин уни боқиб билмийман. Сабаби уларнинг ҳар бири ҳар куни бир арава ўт ейди, дедим. Йигит яна кулди. Туври, кўп ўт ейди, аммо еганига яраша маҳсулот ҳам беради-да. Сиз ўтни не ердан оласиз, сотиб оласизми, деб сўрадим. Не учун сотиб оламан, деди у. Мен президентскийдан икки эмас, уч-тўрт марта ҳосил оламан, буғдойим ҳам шундан, картошка-пиёзим, мол ўтим, товуққа дана, пишикка сичқон ҳам шу ердан, деб кулди йигит. Мен ҳам ўзимни бир хийли ҳисоб-китоблиман, деб юрар эдим, лекин бу боланинг ишлари бошқачароқ экан. Не иш этиб оласиз йилига уч-тўрт ҳосил, дедим қизиқиб. Дим оддий, фақат каллани ишлатиш керак, деди йигит. Қани, каллани ишлатиб билмийдиганларга бир тушунтириб қўйинг, дедим. Марҳамат, деди у, бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Президентскийга ҳар йили кузда буғдой экаман. Чунки нон ҳамма нарсанинг боши. Талак[31]да буғдойи бор одамнинг бели маҳкам бўлади, орқайин ухлийди, дейди. Мен шу бир минг икки юз метр ердан камида бир тонна буғдой оламан, ишонаверинг, камида бир тонна, бўлмаса ундан ҳам кўпроқ, камида бир тонна, деди йигит. Дорини ҳам, ўл, деб босасиз экан-да, дедим. Аксинча, бир грамм ҳам дори бермийман, агар берсам ҳам ялатиб бераман, уни ҳам дарс тезроқ ейишсин, деб бераман, дейди. Ҳовва, кузда буғдойни сочганимдан кейин устига камида икки-уч бармоқ чириган товуқ дарси билан мол дарсини аралаштириб тўшийман, ўлдирилган дарс, камида бир-икки йил чириганидан, деди йигит. Ишқилиб, шўпир боланинг гапича эрта баҳорда президентскийнинг теварагига ўттиз сантиметрдан макка санчиб чиқар экан. Солма, чел ёқаларига ҳам. Пояси молга ем, сўтаси товуққа дана, дейди. Буғдойни ўриб олганидан кейин ернинг ярмига қариқ тортиб, тарвуз экар экан. Қариқнинг ўртасига яна макка, кормовой лавлаги, солмасининг икки четига ярмисига памидор, қолганига гашир[32] экар экан. Гашир еган сиғирнинг сути булоқ бўлиб қайнийди, дейди. Ишқилиб, шу президентскийнинг еридан ҳам ўзи, ҳам мол-ҳоли, ҳам товуқ-пишиғига етадиган тонна-тонна маҳсулот олар экан. Ҳа, айтгандай, яна бир қизиқ гап айтди. Товуқларини молнинг тейина юбориб боқаман, дейди. Не учун, деса, молнинг ошқозони ҳеч қачон бутунлигича ютилган донни ҳазм этмийди, чиқариб ташлайди, дейди. Агар молнинг тейинда товуқ юрса, товуқ

30 Мут – текин.

31 Талак – дон сақлайдиган махсус жой.

32 Гашир – сабзи.

дарсни пешалаб ҳам данани топиб ейди, ҳам мол дарсини титкилаб майдалайди, майдаланган дарс эса тез чирийди, дейди. Ана сизга технология, ана сизга ҳисоб-китоб. Қани, шунда ўнгишиқ нечик, деб сўрадим. Худога шукр, дейди. Қари ота-энам, хотиним, уч болам бор. Келинингиз ўқитувчи, болалар ҳали мактабда. Уллиси бу йил институтга кираман, деб тайёрланиб ётибди. Гулдай ўнгишиб ўтирибмиз. Бир қўнгши жўрам четга кетиб ишлайди, бундан уч-тўрт йил олдин "Дамас" олди. Мен ундан бир йил олдин олган эдим "Дамас"ни. Бу йил қишда уйини шифер этди. Мен уйни бултур шифер этган эдим, ҳамма нарсада ундан олдинда юрибман, деб кулади.

– Да-а, – деди Қаҳрамон. – Ундай чаққон йигитлар ҳам бор.

– Шунинг учун айтаман-да, – деди Юсуфбой. – Четга югураверганча, шу ерда ҳам каллани ишлатса, гулдай ўнгишиқ бор.

Жўралар суҳбат асносида эрталабки гина-гудурларни унутган, Юсуфбойнинг уйидан узоқлашиб, қишлоқнинг марказий кўчасига кириб келаётган эдик. Мен баҳс-мунозараларга қулоқ тутиб жим борар, елкамдаги илон эса ғимирлаб-ғамирлаб қўяр эди. Бу тананинг совуқлиги халтадан ўтиб ёғиримни[33] ҳам совута бошлаган, бу жуда ёқимсиз эди. "Тезроқ борсак зинғитиб юборман", ўйладим одимимни тезлатиб.

Узоқдан оппоқ спорт формаси кийиб олган аллаким биз томон лўкиллаб келарди. Унинг ҳаракатини югуриш дейиш қийинроқ эди. Бироқ юриб келаётибди, деб ҳам бўлмасди. Қадамларининг оғир-оғир тушишидан у ўзини ўта мажбурлаётгани сезилар, одимлари оғирлигидан эса ерга гурсиллаб тушаётгандай туюларди. Бошидаги спорт дўпписининг учига осилган попилдириқ пўпаги гоҳ олдинга, гоҳ кейин, гоҳ ўнг, гоҳ чапга сапчир, бу ҳолболалар учун роса томоша бўлган бўлар эди. Киши бизга яқинлашди. У қадимги хоразмликларни эслатиб юборадиган сарғиш юзли, мовий кўзли, етмиш-етмиш беш ёшлар атрофида, кийиниши пўрим ва ораста эди. Оёғидаги кроссовкасигача оппоқ, бир қарашдаёқ унинг зиёли, диди баланд киши эканлиги билинарди. Ўзидан олдин ёқимли атир ҳиди етиб келди.

– Ассалому алайкум! – деди Юсуфбой чуқур ҳурмат билан. Ҳатто сал илжайиб ҳам қўйди. – Утренний пробежками?

– Валейкум ассалом, а-аа, э-эээ, – деди спортчи чол тавозе билан. – Овози ниҳоятда босиқ, мулойим ва аллақандай меҳрга йўғрилган эди. – А-аа, э-ээ, йўл бўлсин? – Чолнинг юзи теп-текис, силлиқ ва ёқимли эди. Соғломлантирувчи, юз терисини таранглаштирувчи кремдан ҳам суриб олган бўлса керак, тўла-тўқликка мойил юзлари енгилгина ялтирарди. – Эрталабдан мундай...

– Дам олишга бораётирмиз, – деди Юсуфбой ўта муҳим бир юмушга кетаётгандай тантанавор оҳангда. – Бу жўрам Қаҳрамон, бу Тўли.

– Дим яхши, дим яхши, – деди ёқимтой чол.

Юсуфбой у кишини бизга таништирди.

– Домламиз Самандар ака. Профессор, ҳожи бобо. Бу кишининг оиласидан ўзидан ташқари яна уч профессор, икки академик чиққан.

– Ў-ўўў...

– Мараво-о[34]...

Ҳаммамизнинг оғзимиз очилди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди Юсуфбой ҳамишаги босиқлигини унутиб, унга хос бўлмаган қувноқ оҳангда. – Бу кишининг болаларидан бири Европани, яна бири Россияни тутиб турган бизнесменлардан. Уларнинг состояниелари... миллиардга етдими?

33 Ёғирни – орқа.

34 Мараво – қойил.

– Э-ээ, а-аа, иҳмм, – кулди Самандар ака мулойим, узрхоҳлик оҳангида. – Яқинда етиб қолса керак, деб умид қилиб турибмиз. Оз қолди, дим оз қолди. Э-ээ, а-аа...

– Қани энди, ҳамма оила шундай бўлса. Ҳамманинг боласи профессор, академик, тадбиркор бўлса, қўлини не ерга узатса етса. Айтгандай, бу кишининг ўрисдаги боласи Россиядаги бир ўзбек миллиардери билан ака-ука тутинган. Ана! Самандар оғанинг оиласига ҳамма ҳавас этади. Улар бутун қишлоғимиз фахри!

– А-аа, э-ээ... – жилмайди Самандар ака кўпроқ кўзлари билан кулиб. – Бизлар эса, хотиним билан, қўнгшимиз Матти алкашнинг болаларига ҳавас қиламиз. Ҳовва, ҳовва ишонаверинг. Уларнинг болалари олдида бизларнинг болалар ноль.

Мулойим чолнинг бу гапидан дув-дола бўлдик. Аввал Юсуфбойга, кейин чолга қарадик. Ҳазиллашаяпти, деб ўйладик.

Самандар ота сал қувлик билан кўзини қисиб қўйди. Ҳа, ҳа, ҳазил, ўйладик биз. Аммо чолнинг кўзлари бирдан маъюс тортиб қолди.

Бу ҳазилда зил борлигини ҳаммамиз ҳис қилдик. Самандар ака қандайдир мулоҳазалар таъсирида бироз жим қолди. Кейин хўрсиниб қўйди.

– Ҳа, шундай. Менимча, Матти алкашнинг болаларини қишлоқнинг фахри, деса бўлади. Бизларнинг болаларни эмас. Ҳечам бизларнинг болаларни эмас. Ҳамманинг болалари шу икки алкашникидай бўлса, нечик яхши бўларди. Алкаш, деганим учун кечирасизлар мени. Мен ароқни ёмон кўраман, дим ёмон кўраман. Ароқ ичган одамни эса ундан ҳам баттар. Шунинг учун буларни ўриснинг шу ёмон сўзи билан айтаман. Буни яширмайман. Юзига ҳам айтаман. Сен алкашсан, дейман. Шундий яхши одамсан, шундий яхши фарзандларни тарбиялагансан, лекин алкашсан, дейман. Ўзига, юзига қараб айтаман. Ичма, дейман шу заҳар-заққумни. Лекин ичаверади. Ажойиб бола ўзи. Меҳнатқаш. Бунга гап йўқ, мулойим. Бунга ҳам гап йўқ. Қўли гул. Бунга ҳам гап йўқ. Ўзи экскаваторчи. Экскаваторининг пири. Менинг дулдул отим, дейди экскаваторини. Ай, енгил мошинини ҳам одам бунчалик яхши қарамас, сайратиб қўяди техникани. Лекин алкаш. Кўп ичади. Ундай этиб кўрдим, бундай этиб кўрдим – бўлмади. Айй, яхши бола-да, қутулсин шу балодан, дедим. Бўлмади. Кўп одамнинг иши тушади бунга. Хизмат бўлса югуриб кетаверади. Бу бой-камбағал, бу пул беради-бермайди, деб ўтирмийди. Югуриб кетаверади. Одамлар ҳам не иш этади? Хизмати битганидан кейин олдига чой қўймаса-да, анави нарсадан бир шиша чиқариб қўяди. Бу киши не иш этади? “Ғилқ” эттиради-да, суюлиб тушади. Мен маъракаларда нечча марта айтганман одамларга, ай, қўйманглар, берманглар шу нарсадан бунга, деб. Йўқ, қўяверадилар. Буларга барибир, улар ишлари арзонроқ битирсалар бўлди. Биров алкаш бўлиб кетадими, бало бўладими, баттар бўладими, уларни қизиқтирмийди. Алкашга ишлаган пулини бермай, шу бир коса чой, шу бир шиша ароқ билан қутулишни ўйлайдилар. Кейин бир-бировларига мақтаниб ҳам юрадилар, фалончига бир иш буюрдим, харажатсиз қутулдим, деб. Одамлар шундий, бизларнинг одамлар шундий. Ҳеч нарсадан қўрқмайдилар.

– Энди, буларнинг ўзинда ҳам бор-да, Самандар ака, – деди Юсуфбой. – Ўзларига ёқади шу. Олдига чиқариб қўйганни қулт-қулт ютавермай, ҳай, жўралар, ҳақимни беринг менга, уйга бир кило қант оламан, десин. Йўқ, айтмайдилар-да шуни, ахир.

– Дўғри, – деди Самандар ака. – Ўзи ҳам миратга юпқа[35]. Дим юпқа-эй, – шунинг учун Худонинг берган куни уйига маст бўлиб келади. Лекин уйга келиб мусулмон йилондай товлани-иб ухлаб қолмайди-да, бу алкаш.

Мен сесканиб тушдим. Кейин оёғим остида ётган шпагат халтага қарадим. “Биззи илон нечик ётган экан?” Йўқ, бизники мусулмон илондай ўрали-иб ухлаб ётган кўринади – халта ғимир этмасди. Бундан орқайин тортиб Самандар аканинг гапига қулоқ тутдим.

35 Миратга юпқа – бировнинг таклифини сира қайтаролмайди, кўнгли бўш, деган маънода.

– Ҳовва-а. Маст бўлса ажинаси ўйғонами, ё ичига дев кирами, билмадим – қутуриб кетади. Уйлари қий-чув, тўполон. Товуқхонага шоғол киргандий. Ўҳ-ўҳ! Алкаш болаларини сўккан, бир қўлида болта, бирида ёво[36]ми, пичоқ билан ҳиндуларнинг апачисига ўхшаб кўчада чопган! Бола-чақа устига кесак отилган сеча тўпидай ҳар томонга “порра” учади. Хуллас, трагедия! Шундай вақтда оқтиқлардан бири Шукур эркакникига югуради. Шукур эркак алкашнинг опаси. Оти йўли билан эркак. Бори қишлоқни, эркакми, хотинми зимриқдан учиради. Юзга яқинлашиб қолган. Лекин ҳозир ҳам бизлардан чаққон. Ҳих-ҳех!

– Бунинг ёшиндагиларнинг суяги ҳам қолмади, – деди Юсуфбой жилмайиб. – Райондами, қишлоқдами, бир ўзи қолибди юздан ошган. Ҳар 9 май байрамида областнинг, районнинг ҳокимлари табриклаб кетади.

– Ҳа, буларнинг келгани яхши, – деди Самандар ака. – Ҳеч бўлмаса йилда бир марта қишлоқни супуриб-сидириб йилон ялагандай этадилар. Ҳаммаёққа кўчат, гул экадилар.

– Лекин экканларининг бири ҳам тутмийди, – деди Юсуфбой. – Ҳаммаси қуриб қолади.

– Буларга ўзи тутгани ҳам керак эмас, хеҳ! – одатича қўли билан оғзини бекитиб кулди Самандар ака. – Ҳар сафар ниҳол сотиб олганда откат деган нарса, неча одамнинг киссасини қаппайтиради. Бир сафар анави четда юрган болам уйга келганда бу гулларга кетган пулни ҳисоблаб кўрган эди. Бир йилда кетган пулга бизникидай икки қишлоқ қурса бўлар экан, дейди. Булар у ёқда ҳар тийинни ҳисоблаб ўрганганлар-да. “Ота, буни ёшуллиларга айтиш керак”, дейди. Бизнесмен бўлса ҳам содда биззи болалар. “Қўй, ишинг бўлмасин, ёшуллилар билади не иш этишни”, дедим.

– Пул бизларники, жалка-да, – деди Юсуфбой. – Тўғри, ҳисоб-китоб ҳам йўқ буларда.

– Инсоф ҳам, – қўшиб қўйди Самандар ака кулиб. Кейин аввалги гапида давом этди. – Хуллас, кампирнинг узоқдан таёқ чалиб келишини кўрган алкаш йилонга кўзи тушган сечадай сеҳрланиб, таққа тўхтийди. Кейин кампирнинг олдига югуриб боради. “Момо келинг, момо келинг, чой ичасизми, овқат ейсизми”, деб додоқлаб[37] кетади. Ҳозиргина маст туядай бўкириб ётган алкаш шу одам эканлигига ишонмайсиз. Қаранг, ўзи алкаш, лекин энани нечик ҳурмат этади. Кампир кела солиб боласининг ёғирнисигами, бошигами, хуллас, дуч келган жойига ҳассаси билан бир-икки тортади. Алкаш эгнини қисиб, “Воҳ опажоним, воҳ опажоним!”, деб йиғлаб, кампирнинг оёқларини қучоқлайди. “Қўлларингиз оғримадими, қўлларингиз оғримадими”, деб кампирнинг қўлларидан ўпади. Шунда кампир ҳам ийиб кетиб, алкаш боласининг бошни силаб, бир айтимлар айтади, бир айтимлар айтади, қўяверасиз энди. Бу боланинг ақллилиги, донолиги, меҳнаткаш ва меҳрибон эканлигини бир йўлларга солиб айтаверади, қўяверасиз. Сиз ҳам алкашга қўшилиб кампирнинг оёқларини қучоқлаб, қўлларидан ўпгингиз келади. Хуллас, ярим соат ўтиб ҳаммаёқ сув сепгандек бўлиб қолади. Алкаш ухлайди, болалари уйларига қайтади. Кампир ҳам оқтиғиникига эмин-орқайин кетаверади. Бу алкаш бир ухласа азонгача турмийди. Буни момо ҳам, болалари ҳам яхши билади. Энди эртангги алкашнинг ҳолини бир кўрсангиз эди. Бошлар эгилган. Хотини, келинлари, болалари, оқтиқларининг кўзларига тик қараб билмайди. Уялади! Бола-чақа эса оқшомги гаплар бўлмагандай отанинг устида чайдий қояди[38]. Бири чой келтирган, бири айрон, бири хорвузнинг суви, яна бири совуқ сув. Қўлидан иш келмайдиган, ҳали тиллари ҳам чиқмаган жужуқлар эса оталарининг бошларини

36 Ёво – паншаҳа.

37 Додоқламоқ – валдираб гапирмоқ.

38 Чай – Хоразм қўлларида яшайдиган қуш. Кўпинча куни бўйи чавоқ излаб қўл устида қанот қоқиб юради. Бу ерда ҳамма эътибор отасида, деган маънода.

силаб, оёқларини босадилар. Идиллия! Шунинг учун шу оиланинг болаларига ҳавас қилиш керак, дейман. Қандайдир академик, профессор, бизнесменларга эмас, энасининг оёқларига йиқилиб, қўлларни ўпадиган болаларга, бир оқшом аввал берган ҳамма азобларини ёддан чиқориб, отасининг бошинда гирдикапалак бўлган болаларга ҳавас қилиш керак. Биз кампир иккимиз шуларга ҳавас қиламиз. Ана тарбия, ана эна, ана бола, ана ота! Биззи болалар Лондонданми, Москваданми келса, кампир инқиллаб-синқиллаб буларнинг олдига чой-нон қўйиб юради. Лекин булар ётаверади. Бола ҳам ётади, галин ҳам ётади, эр етган оқтиқ ҳам, эртанг галин бўладиган қиз оқтиқ ҳам ётаверади чой-нон, дастурхон безалгунча. Булар академи-ик, профессо-ор, бизнисме-ен. Бизлар эса уларнинг хизматкорлари. Ҳар қайсиси келганда, улли яхшилик этган бўлиб, бир тоза мошин олиб берадилар. Аввал-аввал, ёшроқ вақтимизда, болаларимиз мошин олиб берди, деб қувониб юрган эдик. Кампир ҳам ёш, биз ҳам ёш. Югуриб-елиб буларнинг хизматини қилиб юраверибмиз. Болаларимиз дим улли одам бўлиб кетдилар, деб. Кейин-кейин бизларга ақл берадиган бўлдилар. Ундай яшаш керак бундай яшаш керак, сизлар қолоқсизлар, деб. Ана кўп пул не иш этади одамни. Энди буларнинг бойлиги ҳам кўзимизга кўринмай қолди, академик, профессорлиги ҳам. Бола деган устингдан олтин қуймасин, олдингга бир чойнак чой дамлаб қўйсин экан. Ота-онага меҳр керак экан, меҳр! Бойлик, илмий унвонлар эмас. Қани эди, болаларимнинг бирини шу алкашнинг бир боласига алмаштирсам. Олдимизга чой-нон қўйиб, бошимизни, оёғимизни боси-иб ўтирса. Мана кампир билан саройдай данғиллама уйда иккигинамиз яшаймиз. Ёнимизда на бир бола бор, на бир оқтиқ. Болалар жойни шундий улли этиб солганки, адашиб кетишдан қўрқиб кампир билан қўл ушлашиб юрамиз. Лекин бундан не фойда? Ҳувуллаб ётибди шу саройдай уй. Бола овози чиқмаса, воғирди бўлмаса. Азонда турсанг ҳеч ким салом бермаса, ишдан келсанг, оқтиқлар бўйнингга осилмаса, бошинг оғриб қолса ҳеч ким бир таблетка узатмаса... Шу ҳам ҳаёт бўлдими?..

Ҳақиқатан ҳам, бу ҳаётда одамга не керак? Ҳаммамиз бойлик, мансаб, обрў изидан югурамиз. Самандар ака айтганидай, буларнинг ҳаммаси бўлса-ю, меҳр бўлмаса, оиланинг, яқинларнинг меҳри бўлмаса, юқорида санаб ўтилганлардан не наф? Улардан наф бўлмаса нима учун бутун умр шуларнинг изидан елиб-югурамиз?

– Мен ўзим математикман, – деб гапини давом этди Самандар ака. – Уйланганимдан кейин дарров бутун ҳаётимни ҳисоб-китоб этиб чиққан эдим. Неча болам бўлади, нечаси қиз, нечаси ўғил, уларнинг оралиғи қанча, ҳар қайсиси қачон, қайси боғча, қайси мактабга боради. Уллайиб, қаторга қўшилганча ҳар қайсисига қанча пул кетади, қайсиси қайси ўқишга киради, қачон битказади, битказганидан кейин не ерда, ким бўлиб иш бошлайди, ҳар вазифасида қанча ўтиради, неча йил кичик, неча йил ўрта лавозимда ишлайди, қачон бошлиқ бўлади, ҳар бирини қачон уйлантираман, қачон турмушга чиқараман, буларнинг ҳар қайсисида неча фарзанд бўлади, нечаси қиз, нечаси ўғил, буларга қачон уй қураман, қачон машина олиб бераман – ҳамма-ҳаммасини ҳисоб-китобини чиқарган эдим. Ҳамма-ҳаммасини. Ишонаверинг. Шуларнинг ҳаммасини бир миллиметр ҳам янглишмай амалга оширдим. Бирисинда ҳам янглишмадим. Лекин, леки-иин, – Самандар ака чуқур хўрсинди, – леки-ин ҳеч қачон қариганимда саройдай уйда маховга ўхшаб, на бир бола, на бир оқтиқсиз, сўппайи-иб кампир билан иккимиз қоламиз, деб ўйламаган эдим. Ҳеч қачон! Бу нарса менинг етти эмас, етмиш, етти юз, етти минг ухлаб ҳам тушимга кирмаган. Лекин ҳаётда шундай бўлиб чиқди. Мен ўйламаган, мен ҳисобини чиқармаган ишлар бўлиб кетди. – Самандар ака маъюс жилмайди. – Сизлар бўлса, намуна, бизнесмен, академик, профессор, дейсиз. Биз намуна эмас, ибратмиз. Одамлар бизларга қараб, тарбияда янглишсанг мана буларга ўхшаб қаровсиз қоласизлар, шунинг учун янглишманглар, хато қилманглар, десинлар. Иккимиз сўппайиб ўтирганимизда кампирга айтаман, академик тарбиялабмиз,

профессор тарбиялабмиз, лекин одам тарбияламабмиз, дейман. Бийингиз ҳеч нарса демайди. Ўтириб йиғлийди-да, йиғлийди. Эна-да, йиғлайди. Биринчи боламиз академик бўлганида, ўҳ-ҳўў, қанча қувонган эдик. Бизнинг боламиз академик бўлди, дедик. Ўйлаб кўринглар қирқ тўрт ёшинда академик бўлди. Фақат қишлоқда эмас, областда биринчи академик! – Самандар ака ўша даврни эслабми бироз жим қолди. Юзини четга бурди. Томоғи қилқиллаб, қилқиллаб, бироз гапира олмай турди. Кейин кўзларини артди, ғамгин жилмайди. – Барибир ҳозир ҳам ёдимга тушса, кўнглим бузилиб кетади... Тонг азондан ҳокимиятдан одамлар келди, бутун қишлоқни йиғнаб, ўқувчиларга шеърлар айттириб, бизларни гуллар билан табрикладилар. Артистлар, телевидение, газетларнинг мухбирлари, ўҳ-ҳўўў... Оркестргача олиб келганлар. Бу теваракда оркестр деган нарса йўқ эди. Ҳарбийлардан олган эканлар. Ҳамма бизнинг болани мақтаб гаплади. “Бизнинг фахримиз, Ўзбекистоннинг фахри, деб. Фалон мамлакатнинг фалон институтида дарс беради. Ўзбекнинг кимлигини бутун дунёга кўрсатиб қўйди!” дедилар. Англияда дарс берар эди-да, боламиз, Лондонда. Гуллар, табриклар, гулдурос қарсаклар. Бизлар кампир билан ерда эмас, осмонларда учиб юрибмиз. Биринчи бола шундий, илм йўлидан кетди. Ҳозир дунё танийдиган улли одам. Тез-тез уларнинг телевидениесида чиқади. Ина, бу гаплар чиққанидан кейин-ғў, қўяверинг. Ҳар куни бир кўриниш беради телевизорда.

– Телевидениеда ҳар кун чиқса, ҳақиқатан ҳам, дим улли олим экан, – дедим мен. – У ёқларда ҳар кун телевизорда чиқиш осонмас. Бизларнинг телевидение эмас-ку у, тижорат кўрсатуви, деб пулини тўлаб, ҳар кун чиқиб ўтираверсанг. У бошқа телевидение.

– Илмдан гапламийди. Сиёсатни гаплийди, – Самандар ака билмасдан аччиқ мурч чайнаб қўйган одамдай афтини бужмайтирди. – Сиёсат бўлганда ҳам уларнинг сиёсатидан гаплийди. Эшити-иб юрагим оғриб ўтиради. Ҳай, сен кимнинг боласисан, сени ким тарбиялади, кимнинг нонини еб шу даражага етдинг, дейман бу ёқда ўтириб. У бўлса уларнинг сиёсатини маъқуллайди. Бошқаларни қоралайди. – Самандар ака яна бироз тин олди. – Мен... Шу боламнинг ҳамма нарсасидан кечишига, ўзимизнинг қишлоққа қайтиб подачи бўлиб мол боқиб юрганига ҳам рози эдим бундай этиб, фалон жойда, фалонкас бўлиб ёлғон сўллаб юрганидан.

– Уларга пул тўлайдилар-да, – деди Қаҳрамон. – Бўлмаса академик одам сиз айтган нарсаларни билмийди, дейсизми? Билади. Сиздан, мендан кўра яхшироқ билади. Лекин, – Қаҳрамон тишлари орасидан “чирт” этказиб туфлади, пул бор бу ерда, ота, пул. Кейин шуларнинг юртинда яшаб юрганидан кейин шуларнинг гапини гаплийди-да. Айтади-ку, ахир, ота, “Кимнинг аравасига минсанг, шунинг қўшиғини айтасан”, деб. Шунинг учун, ота, боладан хапа бўлиб ўтирманг. Бу ёққа қайтиб келганида, кечирасизлар, янглишибман, билмабман, деб бир кечирим сўрайди. Тамом. Ҳаммасини яна бошдан бошлаб кетаверади. Қисиниб ўтирманг, ота.

– Пул ҳамма нарсадан улли эмас-ғў, ука. Бу дунёда пулдан ҳам каттароқ нарсалар бор. Масалан, обрў. Бир ёлғон сўлласанг бутун умр йиғнаган обрўйинг бир тийин бўлади. Кейин уни миллионга, миллиардга бўлса ҳам сотиб ололмайсан. Ишонаверинг менга. Шунга айтаман, фалон жойда фалончи бўлиб ёлғон сўллаб, обрўсини тўкиб юрганидан, қишлоққа келиб подачи бўлиб юргани яхши эди, деб. Лекин бир гап айтсанг, ака, ўтиринг, сиз бу гапларга тушунмайсиз, дейди. Ана, бизлар энди тушунмайдиган бўлиб қолдик. Яхши, бизларнинг гапимиз йўқ. Қаридик энди. Тушунсак ҳам, тушунмасак ҳам. Беш кун яшаймизми, ўн кунми, Худонинг ўзи билади. Лекин шу гаплари учун икки ака-ука келишмай қолди. Бириси унинг ёнини олади, бошқаси мунинг. Бир-бирини сира тан олмийди. Ана буниси энг ёмони. Ана пул билан сотиб олинмайдиган нарсалардан бири. Буларнинг дардидан, мана, икки оғайни душман бўлиб турибди. Ана, булар ҳоли.

– Энди уларни алоҳида-алоҳида эшитиб кўрсангиз, ҳар сафар кимни эшитиб турган бўлсангиз ҳақиқат шу томонда, деб ўйлайсиз. Буни эшитсангиз бу, уни эшитсангиз у ҳақиқатни гаплаб тургандай бўлади.

– Йўқ. Ундай эмас. Ҳақиқат бир. Икки эмас, уч эмас, тўрт эмас. Бир. Ё у ҳақ бўлиши керак, ё бу.

– Амир Темур вақтинда куч адолатда эди, ҳозир адолат кучда бўлиб қолди, – деди Қаҳрамон. – Кучли одам столга бир уради – адолат шу одам томонга "лик" этиб ўтади-олади. Кейин буниси янада кучлироқ уради – адолат шу одам томонга "лик" этиб ўтади. Адолат шойи кўйлак кийиб олганми, ё одамларми, билмадим? Бири Тошкентда гей парад ўтказ, дейди, бошқаси чиқиб ундан баттарини бақиради. Шуларнинг ҳам ортинда бир кучлар бор-да.

– Билмадим, – деди Самандар ака. – Билмадим. Лекин боламнинг телевизорга чиқиб айтадиган гапларидан дим уяламан. Мен шуни биламан.

– Айтгандай, анави болангиз нечик? Ишлари яхшими? Миллиардер жўраси яхши юрибдими экан, интернетда ҳар хил гаплар юрибди.

– Яхши, ҳаммаси ажойиб. Лекин билмадим, ким ўйлаб топган шу гапни. Анави миллиардер билан ошно экан, деб. Аммо унинг ҳам калла оғриғи ўзига етади. Европадаги бир тўда нарсаларини олиб қўйибдилар. Фалон ерга бошлиқ бўлди, пули фалон-фалон бўлди, деб чапак чалиб юрган эдик. Энди бойликнинг ҳам ишкали кўриниб қолди. Шунинг учун бу ҳам шу ерда, ўзимизнинг ёнимизда бўлса, яхши эдими, дейман-да.

– Йўқнинг азобидан борнинг азоби яхши. У ёқдагиларини тортиб олган бўлсалар, бу ёқдагилари тургандир. Ҳар қалай меҳмон келса, дастурхонига икки чўракни нечик қўяман, деб ўйлаб ўтирмагандир.

– Ҳайй, – қўл силтади Самандар ака. – Худо урсин агар, дастурхонига икки чўракни нечик қўяман, деб ўйлаб ўтиргани яхши эди буларнинг. Одам ёғдойи[39] етса бутун чўрак қўяди, етмаса ярим. Лекин асосийси кўнгил тинч бўлиш керак. Камбағал одамнинг, қаноатли одамнинг ҳамиша кўнгли тинч бўлади. Мен кўнгшилардан, қишлоқдагилардан биламан. Лекин одам бойиган сайин безовталиги ошиб боради экан. Биззи болалар ҳам шундай. Ҳар қайсисининг бошида бутун дунёнинг ташвиши. Бояги камбағал эса бир чўраги икки бўлса боши осмонга етади. Булар дунёнинг ярмини ютсалар ҳам тўйдим, демайди. Бойлик деган шундай нарса экан.

– Лекин ҳамиша шу икки чўракка шукр этиб ўтираверишҳам тўғри эмас-да. Одам деган дунёга бир келгандан кейин яхшироқ еб-ичишга, яхшироқ жойларда яшашга, яхши мошинлар миниб ятиллаб юришга ҳам интилиши керак.

– Йўқ-йўқ, мен буларнинг бирига ҳам қарши эмасман. Мен бошқа нарсани – бойлик одамни баттар очкўз этишини айтаётирман. Одам бойигани сайин кўнглидан меҳр-муҳаббат кўтарилиб борар экан. Мен шуни айтаман. Чунки бой деганнинг ҳеч нарсага зарурати йўқ. Мундайроқ одамга бўлса дам у нарса, дам бу нарса керак. Ҳаммаси ўзидан битмайди. Улар қўни-қўшни, оғайни, ёр-дўст билан битади. Шунинг учун уларнинг орасида мулоқот бор. Мулоқот бўлгандан кейин меҳр-муҳаббат бор. Бойларнинг ҳам даврлари бор. Лекин улар бу ўтиришларда сиртидан айтмасалар ҳам, ичидан, ким-кимдан устун, ким-кимдан бойроқ, деб баҳс юритадилар. Аввал шу гапларни биров менга айтса, ўтир, бўлмағур гап, дер эдим. Ҳа, мана икки ўғлим, бир-бири билан ким зўрроқ, деб баҳслашади. Яна бир гап. Ана бир болам ўзи Питерда яшайди. Хотини Германияда. Болалари Америкада. Бир-бирларини ойлаб, йиллаб кўрмас эканлар. Шу ҳам оилами? Шу ҳам эр-хотинликми? Ота-болалик қани? Шу гапларни айтсам, устимдан куладилар. "Ота-аа, қадимги замонда қолиб кетгансиз", дейдилар. Шу дўғрими? Эр-хотинни истамаса, хотин эрни қўмсамаса. Болаларининг бошини ҳеч ким, на ота, на она сийпаламаса. Ана сизга оила! Болам

39 Ёғдой – ҳол-аҳвол.

бўлса, “Ота қисинманг, ишларимизни бир ёқли этиб олсак, кейин ҳаммамиз бир ерда ё Россия, ё Германия, ё Америкада яшиймиз”, дейди. Ана! Қачон бўлса ҳам ёнингизга борамиз, хизматларингизда турамиз, оёқларингизни уқалаймиз, сизларга бир коса чой дамлаб берамиз, демийди. Ё Европа ё Америкада яшаймиз, дейди. Шунда кимнинг боласи яхши? Алкашнингми ё бизларнингми? Қишлоқдагилар бизларга ҳавас қилади. Бизлар бўлса шу алкашга ҳавас қиламиз. “Қани эди, менинг болаларим ҳам шу алкашнинг болаларидай бошимни уқалаб ўтирса”, дейман.

Не дейишимизни билмаймиз. Шпагат халтада ётган илон инграб тўлғонгандай бўлади.

– Шундий гаплар, – деди Самандар ака. – Ҳозирги тилда не деяр эдилар: “Бу гапларни тарқатинг. Дўстларингизга улашинг”. Токи бошқалар бизлардай ғофил қолиб, кейин пушмон этиб ўтирмасинлар, – Самандар ака бизга “Хайр!” маъносида қўл силтади-да, яна дард тўла мовий кўзларини ерга тикканича лўкиллаб чопиб кетди.

– Ана-аа, – деди Қаҳрамон. – Академик, профессор, катта бизнисмен бўлиш ҳам ҳеч нарса экан-да. Қани шу отага не етишмайди? Моддий нарсаларни айтаман-да. Ҳамма нарсаси бор. Данғиллама уй, энг сўнгги русумдаги мошинлар. Егани олдида, емагани ортида. Лекин... Гапларини қаранг.

– Айтма-айтма, – шпагат халтани орқамга отдим. У анча оғирлашиб қолгандай эди. – Богатые тоже плачут.

– И-ии, – деди Юсуфбой кутилмаганда. – Бу ёққа буриламиз, бу ёққа. Бу кўчадан кетамиз, бу кўчадан.

– На гап? – тушунмади Қаҳрамон. – Бу йўл тўғри, яқинроқ-қу!

– Бу ёқдан юр-ай, – Юсуфбой шошилиб жин кўчага қайрила бошлади. – Анави... Э-ээ, кечга қолдик.

Шу пайт бизлардан ўн метрлар наридаги уй олдида турган киши Юсуфбойга қараб завқ-шавқ билан қўл силтади.

– Э-ээ, оғайй-нии, салом! – ва биз томон шитоб билан юрди. У тўйга кетаётгандай жуда башанг кийиниб олган, туфлилари ялтирар, ҳали қуёш тузукроқ кўтарилиб олмаган бўлса-да, кўзида сўнгги модадаги қора кўзойнак. Бўйи ўртадан баландроқ, тепакалми ё сочи покида қирдириб олинганми билиб бўлмас, юзи ҳозиргина бир бакал вино ичиб олгандай қип-қизил эди. – Йўл бўлсин-эй, йўл бўлсин, брат? Бунча кўтариниб олибсизлар? Не ерга борётирсизлар? Маладес, маладес! Барибир биззи айтган бўпти-да?

– Йилоннинг ёмон кўрган ўти инининг оғзида ўсган экан, – норози пўнғиллади Юсуфбой у кишига эшитилмайдиган паст овозда. – Йўлиққанини қара мунинг. Вожжиллаб миянинг қатиғини чиқаради энди. Қаҳрамон, сен бизларнинг ишимиз қистоғроқ эди, деб дарров кетишга рухсат сўра.

Юсуфбой шу одамга дуч келмаслик учун бошқа кўчага қайрилишга уринганини тушундик. Аммо энди, албатта, кеч бўлган эди.

– У не кўчанинг қоровулими эдики, рухсат сўраб ўтирсак. Ўтиб кетаверамиз-да, – деди Қаҳрамон беписандлик билан.

– Ўтиб бўпсан, – Юсуфбой маъноли кулимсиради. – Менгли вожжи[40]дан шу кунгача ҳеч ким осонгина ўтиб кетганмас.

– Йўл бўлсин, йўл бўлсин? – қутлади бизларни Менглибой ўктам овозда. Кейин тез етиб келди-да, ҳар биримизнинг қўлимизни худди узиб олмоққа қасд этгандай кафтларимизни қаттиқ сиқиб, силтаб-силтаб кўришди. – Азон билан йўлга чиқиш яхши гап.

– Дарё бўйига, бир дам олиб келажак эдик, – деди Юсуфбой қистоғлигини кўрсатиш учун тўхтамай юришда давом этиб. Унинг кайфияти тушиб кетганлиги аниқ-тиниқ кўриниб турар эди. – Кеч қолиб кетдик.

40 Вожжи – кўп гапирадиган одам.

– Ана! – деди Менглибой. – Барибир менинг айтганим бўлибди-да. Мен не деган эдим сизга? А? Боринг, дарё бўйига боринг. Дам оласиз, ҳорғинлик чиқади, бир-икки жўрангизни ҳам олиб боринг, деган эдимми? А? Мана, менинг гапимга киpибсиз, асло кам бўлмайсиз. Маладес! Ўзи бир бошқача одамсиз-да, Юсуфбой! – Менглибой Юсуфбойнинг қўлларидан тутди. Унинг лўппи, қип-қизил кафтлари иссиққина эди. Лекин бу илиқлик Юсуфбойга худди йиринглi ярани тутгандай ёмон таъсир этди. Кафтларини бўшатишга уринди. Бироқ Менглибойнинг илтифот кўрсатиш истаги шу даражада кучли эдики, ҳамсуҳбатининг кафтидан жуда маҳкам тутган эди. – Юсуфбой қишлоғимиздаги энг сара йигитлардан. Кўнгли очиқ, меҳнаткаш, дим жиним суяди шу йигитни. А, Юсуфбой? На дадингиз?

Юсуфбой тўхтади. У табиатан жуда сабрли эди. Аммо ҳозир юзини тириштирди, ажинаси қўзиди.

Менглибойни текис йўлда ўсган сербутоқ, тиконли шох-шаббаси қулоч ёзган жангалга қиёслаш мумкин эди. Ёнидан қанча эҳтиёт бўлиб ўтсанг ҳам, албатта, танангга бирор зарар етади. Менглибойга кимга мақтанишнинг фарқи йўқ эди. Мақтаниб хумори тарқаса бўлди. Мақтанмаса ўлади. Ҳамма планеталар қуёш атрофида айланса, Менглибой учун дунё унинг атрофида айланади. Гапини бошласа ҳамсуҳбатининг ҳоли, унинг гапларини ёқтиряптими-йўқми уни мутлақо қизиқтирмас эди. Айниқса, вақти хуш, омадли, иши юришган одамни кўрса ўзининг ундан устунлигини исботлашга киришиб кетарди. Буни яшириб ҳам ўтирмасди. Агар ҳамсуҳбати унинг ҳолига кирмаса, уни тингламаса, ранги ўзгариб, лаблари гезарар, бу беэътиборлик уни ғазаблантирарди. Ким билан учрашмасин аввал унда бору йўқ фазилатларни санаб обдан мақтарди. Кейин ўзини мақтарди. Табиий, аввал мақтов эшитган киши Менглибойнинг ўзи ҳақидаги мақтовларини ҳам сабр билан эшитишга мажбур бўларди. Аммо у киши орқасига ўгирилгани ҳамона, Менглибой дарров ўзининг асл ҳолига қайтар, дарҳол ҳалиги одамнинг бошидан мағзава ағдаришни бошларди. Бир зум ҳам ўйлаб ўтирмасди, бир зум ҳам! Менглибой учун дунёнинг энг ақллиси ҳам, энг доноси ҳам, энг фаросатлиси ҳам ўзи эди. Буни устини очиб айтмаса ҳам, гапларидан шундай маъно келиб чиқарди. Ўзини пайғамбардай санарди. Ҳар хил қароматлари, қайси валийлиги юз фоиз тўғри келганлигини санашдан тортинмасди. Ўта башанг кийинар ва уйдами, ишдами, танишми, нотанишми, биринчи дуч келган одамига ўзининг “беназир”лигини таъкидлаб, “олтиндай топилмас” маслаҳатларини бериб кетаверарди. Аммо фикрлари шу қадар сийқа эдики, сал-пал фикрловчи одамни хит қилиб юборарди. Шунинг учун танишларидан тортиб, қариндошларигача, қўни-қўшни-ю маҳалладагилар ҳам иложи борича унга дуч келмасликка ҳаракат қилишарди. Йўлиқдингми, ундан камида бир соатсиз қутулиб бўлмасди. У истаган кишига шу маҳалла, шу қишлоқ ва шу юрт учун қандай катта хизматлар қилиб қўйганлиги, бугунги ободлик ва фаровонлик унинг меҳнатларининг самараси эканлигини толмай таъкидларди. Аммо тақдирдан буюк алодатсизликлар содир бўлиб, бу заҳматларининг ажрини ҳозиргача олмай келаётганлиги, умрида на бирор мукофот ва на орден-медаль кўрмаганлиги, элдошларининг икки оғиз илиқ сўзига бир умр маҳтал бўлиб келаётганлиги, атрофдагилар – қўни-қўни, маҳалла, қариндош-туққан, таниш-билиш ва дўстларининг ҳаммаси муттаҳам ва бефаросат кишилар эканлигидан арз қиларди. Кейин у билан суҳбатлашаётган киши бундан мустаснолиги, у суҳбатдошининг унга бўлган хайрихоҳлигини бутун умр сезиб, ундан миннатдор бўлиб келаётганлигини айтарди. Унинг гапларини юз марта, эҳтимол минггинчи марта эшитаётган шўрлик, ҳар хил баҳоналар топиб, бу ердан қочишга уринар, қанча кўп уринса, у гапни шунча чўзар, суҳбатдошининг шошилиб, хуноб бўлиб, сувдан чиқариб олинган балиқдай типирчилаётганидан ҳузур қилар ва валақлашини ички бир ғайирлик билан давом эттираверарди. Дилозор эди. Кўчада, маҳаллада, туманда ва вилоятда, баъзан мамлакат миқёсидаги ҳамма воқеалар у айтганидек ёки унинг маслаҳати билан бўлаётганлигини иддао қиларди. Юракни

оздириб юборадиган тарзда ёқимсиз бир кўтаринкилик билан баланд овозда ва бетакаллуф шанғиллаб гапирар, шунинг учун унинг қўлига тушган одам асабий бир ҳолда, дунё кўзига тор кўринмасдан қутула олмасди. Барча ҳамқишлоқлари каби Юсуфбой ҳам буларнинг ҳаммасини жуда яхши биларди.

– Биз, – деди Юсуфбой иложи борича юзига бефарқлик аломатини бериб, – у ёққа тезроқ боришимиз керак, одамлар қараб ўтирибди.

– Тўғри этасиз! – деди Менглибой. – Дим тўғри этасиз. Айтилган ерга вақтида, кеч қолмасдан бориш керак. Кеч қолиш бу маданиятсизлик белгиси. Мен бундайларни ёмон кўраман ва ҳеч қачон уларни аямайман. Бир сафар шундин бўлган. Бир секунд, бир секунд! Гапни эшитинг...

– Қўнгши! – деди Юсуфбой, бизнинг бир сония ҳам вақтимиз йўқ, деган оҳангда. Кейин Қаҳрамонга қаради: “Бир гап айт!”

– Дўғри, – деди Қаҳрамон. – Гечирасиз. Бизнинг дим вақтимиз йўқ.

Менгли типирчилаб қолди. У ҳар қандай тешик қулоқни етарлича мақтанмай қўлдан чиқариши дарё бўйида уч кунлаб ўтириб, қармоғига илинган йигирма килолик лаққани қочириб юборишдай гап эди. У шошилаётган дўстларнинг икковидан ҳам юз ўгириб менга қаради. Ҳаяжондан юзлари бироз қизарганди.

– Бир секунд, а? Бир секунд! Ҳеч бўлмаса сиз бироз дам олинг. Кўзимга дим иссиқ кўриниб турибсиз. На учун мунга маҳкам ёпишиб олдингиз? Қўйинг! Қўйинг ерга. Халтангизни қўйинг. Ичида на бор мунинг? Тирик бир нарсами дейман. Ғимирлаб, ғамирлаб қўяди. Чиқиб гетмасин. Чиқиб гетмасин, оғзини босиб туринг! – у халтага бироз ҳадиксираб қаради. Кейин кафтининг ўнг-терсига қараб-қараб қўйди-да, киссасидан “спрей” олиб қўлларга сепиб, ишқалади. Булар ҳам сўраб қўймасин, дегандай, “спрей”ни шошилиб чўнтагига яширди. – Бир секунд-а, бир секунд. Ана-ана, қимирлаётирми? Оғирроқ нарса ўхшийди.

Мен ерда ялпайиб ётган халтага қарадим. Ҳақиқатан ҳам у аввалгидан анча тўлишиб қолгандай эди. “Йилон уллайиб кетдими? Ё шундай кўринаётирми?”

– Мана, – менга юзланди у. – Сиз ақлли одамсиз. Дўғрими?

Юсуфбойга қарадим. У ҳорғин тиржайиб тураради.

– Дўғрими? – саволини такрорлади демагог.

Қаҳрамонга қарадим. У вақт бекорга ўтиб, йўлдан қолаётганимиздан асабийлашаётибди, шекилли, юзини тескари буриб олган.

– Айтинг, дўғрими?! – саволини ўжарлик билан тарорлади у.

Жуда аҳмоқона аҳволда қолган эдим. Тўғри, десанг аҳмоқлигинг кўринса, йўқ, десанг жиннилигинг. Шунинг учун эгнимни қисиб қўяқолдим.

– Ана, – уни шу ҳам қониқтирди. Аслида унга на инкор ва на тасдиқнинг кераги йўқ эди. – Сизга шу юкни шу халтага сол, деган эдим, дўғрими?

Мен ҳайрат билан аввал Юсуфбойга, кейин Қаҳрамонга қарадим. Юсуфбой баттар илжайди. Унинг кўзларида, “Нечиксизлар энди? Мен не деган эдим”, деган маъно бор эди. Қаҳрамон эса кўзларини шокосадай-шокосадай йириб бир менга, бир унга тикилди.

– Тушунмадим, – дедим мен.

– Ана! Дарров ёдингиздан чиқибди. Ёдингиздан чиққан бўлса, мен ёдингизга солиб қўяман. Сизга сафар олдидан шпагат халта топинг, деган эдим, дўғрими?

– ?!!

– Шу нарсани шпагат халтага солиб чиқасиз, деган эдим. Ёдингизга тушдими? Новви эди-ей ўзи, бу халтадаги?

– Йилон, – дедим асабийлашиб.

– Йилон?!! – демагог бир сачраб орқага тисарилди. Аммо чекиниш унга хос бўлмагани учун дарров ўзини ўнглаб олди. Кейин мени ҳазиллашаяпти, деб ўйлади, шекилли, зўрма-зўраки тиржайди. – Йилон... Ҳе-ҳе-ҳе! Яхши, шу йилонни шу халтага сол, дедим. Дўғрими?

Ҳайрон бўлиб яна Юсуфбойга қарадим. Унинг юзида эҳтироссиз бир жилмайиш қотиб қолган эди.

– Дўғрими? – саволини ўжарлик билан такрорлади Менглибой.

– Тўғри, – дедим бу одам ўз гапини тасдиқлатмагунча тинчимаслигига кўзим етиб. – Кейин шу халтага сол, дедингиз.

– Ана, – деди у яйраб кетиб. – Ана, раҳмат сизга, менинг айтганимни қилганингиз учун. Менинг айтганимни этиб панд едингизми?

– Йўқ, – дедим баттар энсам тиришиб. – Панд еганим йўқ.

– Кўрдингизми? – деди у энди бошқаларга ғолибона назар ташлаб. – Ҳақиқий инсон мана шундай бўлади. Дўғрисини дўғри айтади. Айтганимни этганини тасдиқлаб дурибди. Мана, – деди у халтага ҳадик билан назар ташлаб. – Қанчадан-қанча одамлар менинг маслаҳатларимни олиб униб-ўсиб кетганлар. Дўғри, буни ҳаммаси ҳам тан олавермайди. Лекин мана бу кишига ўхшаб, раҳмат айтиб, тан оладиганлар ҳам бор. А, дўғрими? Одингиз ким эди, жоним?

У менинг жавобимни кутмай, унинг маслаҳати билан ишлари юришиб кетган замонамизнинг машҳур кишиларининг номларини бир-бир санаб ўта кетди. Уларнинг орасида олимлар ҳам, ёзувчи-шоирлар ҳам, машҳур санъаткорлар, ҳокимлар, вазирлар, ҳатто бир неча Нобель мукофоти лауреатлари ҳам бор эди. Уларга қачон, қандай шароитда ва нима сабаб, қандай маслаҳатлар берганлиги ва худди шу маслаҳатлар боис улар бугунги мавқеига эга бўлиб турганлигини таъкидлай бошлади.

– Масалан, – деди у халтага ишора қилиб, – менинг маслаҳатим билан қанча-қанча одам йилон ўйнатувчи бўлиб кетди. Дунёдаги машҳур анави морбозлар ҳақида эшитгандирсиз? Ана шуларга ҳам мен маслаҳат берганман морбоз бўлишни. Ўзи доиракашми, усилителчими эди артистларнинг ёнида. Бир куни олдимга келиб, “Булар билан юраверишжонга тегди. Эртадан кечгача итдай югурасан. Миллион-миллион пул тушади тўйларда. Лекин қаймоқини уста олади, бизларга бармоғини ҳам ялатмийди. Так что, кетажакман. Лекин на иш этсам экан, деб каллам қотиб турибди. Уйда уч бола. Тупроқ яламайдилар-ку улар ахир”, дейди. Шунда мен унга қараб, йилон топ-да, морбоз бўл, дедим. Чунки у вақтларда, ҳатто ҳозир ҳам, бу тевараклда бу антиқа иш билан ҳеч ким шуғулланмаган. У, йилондан қўрқаман, деди. Э-ээ, дедим, несидан қўрқасан йилоннинг? Йилон деган юввош нарса бўлади, фақат ранги сал совуқроқ. Шундай-шундай, йилоннинг бошини оҳиста-оҳиста сийпаласанг, ухлаб қолади. Кейин уни халтага соласан-да истаган хизматингни буюраверасан, дедим. Кетди, ўйлаб кўраман деб. Хуллас, бир куни олдимга яна келди. Йилон топдим, энди не иш этайин, деб. Мен унга, аввал шпагат халта топ, йилонни мана шу шпагат халтага соласан, дедим. – Бу одамга шпагат халта ёқиб қолдими ва ё шпагат сўзими, “шпагат халта”ни ажиб бир роҳат билан такрорларди. – У менинг айтганимни қилди ва шпагат халта топти. Мана бугун у йилонлари билан дунёни айланиб юрибди. Лекин шу эшшак ҳозир мени танимаса ҳам керак. Нонкўр чиқди ярамас.

– Гурунг учун раҳмат, – деб Юсуфбой сумкаларни олиб йўлга шайланди. – Омон бўлинг.

– Бизлар гетдик, – деди Қаҳрамон ҳам.

Мен ҳам халтамни орқаладим. У жуда оғирлашиб қолган эди.

– Тўхтанг, тўхтанг! – у энди Қаҳрамоннинг билагидан тутди. – Қистанманг, озгина дам олинг. Қистанган қиз эрга ёлчимас, деган гап бор. – У осмонга қараб қўйди. – Между прочим, ана, булут босиб келаётир. Ҳозир ёмғир қуяди.

– Булут? Ёмғир? – Қаҳрамон осмонга қаради. – Анувими? Кетдик, – буюрди у бизларга қатъий оҳангда. У бу сурбет суҳбатдошдан тезроқ қутулмоқчи эди. – Табиат ўқитувчисиман. Табиат ҳодисаларини яхши биламан. Ёмғир ёғмийди. Кетдик, Юсуф оға. Кетдик, Тўлибой оға.

– Ўқитувчи? Э-э, баракалла-а! Барибир менинг айтганим бўлибди-да? Раҳмат сизга!

Қаҳрамон тўхтади. Аввал Менглибойга, кейин бизларга бир-бир қараб чиқди. Менглибой Қаҳрамоннинг шу бир сониялик довдирашдан унумли фойдаланди. Бунақа нарсаларга уста эди: аввал гап билан тарсаки туширади, довдиратади. Кейин суҳбатдошни истаган мақомга солади.

– Одингиз ким эди, а? Бирдан ёдима тушмин дурибди.

– Ҳей, қизиқ экансиз-ай, оғайни! – Қаҳрамон асабий хўмрайди. – Мен сизни биринчи марта кўриб дурғон бўлсам, доим бўлмасангиз, аммам бўлмасангиз, менинг муаллим бўлишимни нечик сиз айтасиз? Одимни ҳам билмийсиз, яна маслаҳатим билан дейсиз...

– Ана! – деди демагог кўзларини ола-кула қилиб, “Бу безбетни қаранглар-а, тан олмаяпти”, дегандай атрофига аланглар экан. – Ҳозирги ёшлар шундин. Ҳаҳ, мен сизни донимасам, отангизни донийман. Отангизни, тушундингизми? Отангизни! Ким эди-а, ҳозир бирдан ёдимга тушмаётир. Ёдима тушириб юборинг. Ҳозир... ҳозир... Калламга келмаётир бирдан.

– Ҳосил буғалтер.

– Ана! Яна не ердан биласиз, дейсиз. Ҳосил буғалтер, Ҳосил буғалтер... Жиҳмат[41] жўра эдик отес билан! Ў-ўў, бирга қанча чой ичганмиз. Қанча гурунглашганмиз. Бай, байй... Гурунгги мазали одам эди. Шундин анекдотларни айтиб ташлар эди, кула-кула ичакларинг қотиб қоларди! Энди анекдот деган нарсани мен ҳам қийиб ташлайман, лекин. Бир Ҳосил акам айтади анекдотни, бир мен. Ўзларимиз ҳам, бизларни эшитиб турган одамлар ҳам кула-кула йиқилиб қоладилар.

– Акам ўйин гапни ҳам, ўйин этиб гаплаган одамни ҳам ёмон кўрар эди, – Қаҳрамон Менглибойнинг тилини кесдим, деб ўйлади ва йўлга шайланди. Аммо Қаҳрамон янглишган эди.

– Э, ана, ана! Ҳақиқий Ҳосил акамнинг ўғли экансиз! Маладес! Бу гапни сиз не деяр экансиз деб, айтган эдим. Маладес! Дим серёзний одам эди. Мен анув ишда ишлаб юрганимда отангизнинг колхозига борган эдим. Бошлиқ, “Ўзингиз бориб шу қишлоқдаги ишларни бир кўриб келинг”, деб илтимос этган эди. Дўғриси, бошлиқ ноль эди. Ҳатто ундан ҳам паст. Ҳеч нарсага тушунмас эди. Ҳеч нарсани билмасди. Алиф деса оёғини кўтарарди. Шунинг учун жиддий масала бўлса мени юборарди-да. Ўзи тупой эди. Лекин шу... Ҳокимга ҳам қойил қолмадим, аммо. Бир синфдошим деб, бутун бошли соҳани шу тупой қўлига топшириб қўйди. У креслода ўтирган бир тўнка эди. Неча йил ўтирган бўлса, соҳани шунча йил орқага тортиб кетди. Ишнинг бор оғирлиғи менинг бўйнимда. Елдим, югурдим, хизмат этдим. Республикада биринчи, иккинчи ўринлардан пастга тушмадик. Лекин ярамас мени ўстирмади. Ўзи йирингга ўхшаган сап-сариқ одам бўлса ҳам, ичи кўмирдай қора эди. Йилоннинг мойини ялаган. Лекин иккимиз ёлғиз қолсак, “вити-вити” деб, йилпишланиб[42] ўларди. Бизлар гўё оға-ини, ота-бола. Бировларнинг ёнида эса ўзининг бошлиқлигини кўрсатишга уринарди. Баъзан дағдаға этиб қоларди. Тупой. Ишқилиб, мен, сиз нечанчи йили мактабни битирган эдингиз, ана баракалла, шу йили отангиз ишлийдиган колхозга борган эдим. Зўр ўтирдик! Еган овқатларим, оҳ-оҳ, оҳ! Мазаси ҳали ҳам оғзимда дурибди. Бундай зўр овқатларни ҳеч қачон емаганман. Гурвакнинг тоза пишган вақти эди. Отизда хиррик уздириб, сайлаб-сайлаб, мўччи[43]ларини сувга ташлатиб қўйган экан, боргандан бир гурвак сўйдирди. Уҳ-уҳ-уҳ! Ана қовуну, мана қовун. Ҳар қайсимиз бир гурвак ебмиз. Зўр экан. Ўзи хотиннинг ёмони бўлмагандай, гурвакнинг ҳам ёмони бўлмайди-да! Ҳа-ҳа-ҳааа!

41 Жиҳмат – жуда қалин.

42 Йилпишланмоқ – тилёғмалик қилмоқ.

43 Мўччи – ажойиб, зўр.

Ҳай, ишонинглар! Икки соатга яқин ўтирдик. Ҳосил акам бир оғиз ҳам гапламади. Ўйин гапни ёмон кўрар эди. Ўйин этиб гаплаганни ҳам. Буни яхши билганим учун, менам бир оғиз ўйин гап гапламадим. Только жиддий гаплар. Иш, план, сиёсат. Хуллас дим сипо ўтирдик.

– Акам қовунни ҳам унча яхши кўрмас эди – Қаҳрамон яна терс сўзлади. Не иш этиб бўлса ҳам бу кишининг кайфиятини бузишга аҳд қилган эди. – Айниқса, гурвакни. Гурвак еса ичи қотарми эди ё ичи кетарми эди, билмадим.

– Баракалла! Отесни дим яхши билар экансиз. Гурвак шундин мазали, шундин мазали эди. Бир ўзим едим. Ҳаммасини. Ёрилиб ўлин, дедим, лекин едим. Дўғриси. Отес бир гарч[44] ҳам емади. Ём-мо-он едим, лекин. Ҳоҳо-ҳоо!!! Уф! Бир насоснинг ёнига жой қилдириб қўйган экан. Сув бўйинда. Кейин шу ерга бордик. У ерда икки хўрозни қаттиқ қовурдоқ этиб, бостириб қўйган экан. Ўз оёғи билан юрган, ўзи истаган гиёҳлардан териб еб юрган хўрозлар! Бир ёшга тўлмаган. Мундай хўрознинг гўшти бошқача бўлади. Мазасини кўринг, мазасини. Уҳ-уҳ-уҳ! Кейин яна бир шундий хўроз босилган палов олиб келдилар. Оҳ-оҳ! Гўштининг ширасидан бармоқларингиз бир-бирига “чиппа” ёпишади. Ажратолмийсиз. Ана шундий! Суягига қўшиб бармоғингни ҳам кемириб юборганингни билмайсан. Воҳ! Насоснинг ёнига лаққа ҳам бойлаб қўйилган экан. Сўнг қозонга шу гетди. Кейин, конечно, гўжа! Билмадим не ерда сақланган экан, чакида[45]га суюлтирилган гўжадан ҳар қайсимиз бир лавоби касодан урдиқ.

– Акам дим чимхўр одам эди, гўжани ҳам ётирмасди. – Қаҳрамон энди асабийлашаётганини яшириб ўтирмади. – Чаккида-паккида ичмасди.

– Во! Дўғри! Мен не деб ўтирибман, ахир? Отес бошқа овқатлардан еди, чаккида, гўжа емади. Ёмон кўрар ади гўжани. Менам ёқтирмийман ўзи шу гўжа деганни. Аммо меҳмонмиз, чиқарилган нарсани емасанг бўлмайди. Шу бир амаллаб, ёқса ҳам, ёқмаса ҳам, едим гўжани. Шу гўжа егандан кейин кўнглим булашгандай бўлди. Не учун мундай бўлди, деб ҳайрон бўлдим-ов. Шу гўжадан экан-да. Отес шунинг учун гўжани ичмас эканлар. Хуллас, кейин гостиницага келдик. Ҳовуз бўйидаги гужумнинг тейинда обед қилдик. Уҳ-уҳ-уҳҳ! Қайиш курдик[46] экан. Устига қўйилган қўзининг гўшти оғзингга солсанг эриб гетади. Кейин лўли кабоб, ижжон, шашлик. Охиридаги ун оши[47]ни кесганга ҳам қойил қолдим – ҳар толаси гўзал қизнинг соч толасидан қалин эмас – шундий нозик.

– Ўтган сафар бу гапларни бошқа ерга боргандаги гурунгда айтган эдингиз, – деди Юсуфбой, бўлди-да энди, одам ҳам шунчалик безбет бўладими, дегандай.

– Дўғри, – демагог Юсуфбойнинг даккасига зарра эътибор бермай гапида давом этди. – У ерга борганда ҳам шундай ташкил[48] бўлган эди. Лекин бу кишининг отасининг овқатлари даҳшат.

– Хуллас, – деди Қаҳрамон бесабрлик билан Менглибойнинг тилини кесишнинг ҳеч иложини топилмагандан кейин. – Ҳаммасини билдик, тушундик. Бизлар гетдик.

– Ҳовва, – деди Менглибой ва атрофга боқиб бироз ўйланиб олди. Бу гапларни нима учун айтаётганини ўзи ҳам унутганди. – На деётган эдик?

– Қаҳрамоннинг ўқишини айтажак эдингиз, – деди Юсуфбой совуққонлик билан ва юкларини кўтариб ўрнидан қўзғалди. – Кетдик, жўралар.

– Бир минут! Бир секунд! Гапни охиригача эшитинг. Хуллас, шу гуни гужумнинг

44 Гарч – сўйилган қовун бўлаги, тиликнинг бир неча бўлакка бўлингани.

45 Чакида – чакки.

46 Қайиш курдик – Хоразмнинг хамир овқатларидан бири.

47 Ун оши – угра оши.

48 Ташкил – зиёфат.

тейинда ўтирганимизда отес, шундин-шундин, болам мактабни битираётир. Қайси ўқишга беришимни билмай ўтирибма-ан, деди. Шунда мен, пединститутга беринг, пединститутни битирган одам ҳамма ерда ҳам ишлаб кетаверади, дедим. Отангиз дим қувонди, “Не иш этарини билмай, бошим қотиб ўтирган эди, раҳмат сизга”, деди. Отангиз менинг айтганимни этди. Сизни пединститутга ўқишга киритди. Ана шундин. Сиз бўлса мени не ердан донийсиз, дейсиз. Мана, бугун кимсан, фалончисиз.

– Дўғри, – деди Қаҳрамон ноиложликдан шашти қайтиб. У ҳам бу кишидан қутулишнинг ягона йўли унинг гапини маъқуллаш эканини англаб етганди. – Соғ бўлинг, саломат бўлинг.

– Бир секунд, бир секунд, – унинг ёдига яна нимадир эсига тушиб қолган эди. – Энг асосий гапни айтмабман.

Ҳаммамизнинг тоқатимиз-тоқ бўлганди. Гавдаси юмруқдайгина бўлса ҳам Қаҳрамон ёшуллиларга хос қатъият кўрсатди. Оқ оралаш сочлари сийраклашиб қолган кичкинагина бошини сузоғон ўкиз[49]га ўхшатиб аста ерга эгди. Шу аснода ориқ, ўн уч, ўн тўрт яшар ўспиринникига ўхшаган ихчамгина кафтини салобат билан елкаси баробар кўтарди. Унинг юзи шу қадар жиддий эдики, ҳозир бирор нарса деб эътироз билдириш асло мумкин эмаслигини дали ҳам уқиб олган бўлар эди. Аммо Менглибойнинг ҳатто аҳмоқчалик ҳам фаросати йўқ эди. Қаҳрамоннинг эътирозидан бирдан жаҳли чиқиб кетди.

– Уятсиз экансизлар! – деди у деярлик бақириб. – Тарбиясизлар! Ёши улли бир одам сизларга бир гап айтажак бўлса, сизлар аввал боғланмаган гаччидай осмонга сакрайсизлар. Асли сен одам эмассан, Юсуфбой! Отанг ҳам шундай эди, буванг ҳам.

Юсуфбой тўхтади.

– Новви дединг?!

Нигоҳида нафрат бор эди. Лаб-лунжи ёмон қийшайди. Бирор кўнгилсизлик бўлмасин, деб, дарров унинг билагидан тутдим. Юсуфбой Менглибойдан зўрлик билан узоқлашар экан тишларини асабий ғижирлатди. Ёмон сўкинди. Менинг халтам ҳам хийла оғирлашиб қолганди.

– Ноздрёв! – деди Қаҳрамон.

– А?

– Ноздрёв! – такрорлади Қаҳрамон. – Гоголнинг “Ўлик жонларидаги” Ноздрёв. Бундайларнинг бети билан кетининг фарқи бўлмайди. А, на дадингиз, Юсуф оға? Беш минут олдин сиз қишлоқнинг фахри эдингиз, дарров уятсиз бўлиб қолдингиз. Отангиз ҳам, бобонгиз ҳам қўшилиб кетди. Ундай эмас-да, Юсуф оға!

– Мана бу тутиб қолмагандан иягини ушатар эдим, – деди Юсуфбой. – Шу даражада безбет одам ҳам бўлар экан. Бошқа кўчадан юриш керак эди. У шу одати билан қишлоқни безор қилган. Буни кўрган овулнинг йилони ҳам инига кириб кетади.

– Бундайлар ҳам керак, – деди Қаҳрамон ҳорғин жилмайиб. – Акамнинг шундай ошнолари бор экану, билмай юрган эканмиз-да.

Яна анча жим кетдик.

– Ассалому алайку-ум! – деди бир вақт Юсуфбой баланд овозда. – Домла яхшимисиз?

Қаршимиздаги уй олдида жуда кекса, мункиллаган муштдайгина чол ўтирарди.

– Э, с-салом, – деди у хириллаган овозда пажмурда гавдасини секин тиклар экан. Чуваккина юзидаги ажинлар шу қадар қалин ва шу қадар чуқур эдики, кўрган киши бир сесканарди. – Яхшимисан, Юсуфбой? Бу не, шаҳарга бормаймизми?

49 Ўкиз – хўкиз.

– Бугун боролмайдиган бўлиб турибмиз, домла, – деди Юсуфбой чолни хафа қилиб қўймасам яхши эди, деган ҳадик билан мулойим овозда. – Жўраларим билан дарё бўйига чиқиб, бир дам олиб келажак эдик.

– А-аа... – деди чол катта-катта қарилик доғлари босган пачоқ бетини кичкинагина, қалтироқ, серажин кафтлари билан артар экан. У жуда мункиллаб қолган, ўймоқдеккина қўй кўзлари деярлик сезилмасди. Чол биз томонга тикилди. Қарашидан унинг кўрмаётганини англаш мумкин эди. Эски модадаги кийимлари озода, бироқ ювилаверганидан оҳори тўкилиб, титилиб кетар даражага етганди. – Буларни тахлаб қўйган эдим. – У қалтираган кафтлари билан ёнидаги эски, сарғайиб кетган газеталарга ўралган китоб тахламларини кўрсатди. Улар шу қадар ихлос билан боғлангандики, бундан камида ярим аср олдин чиққанлиги сабаб эскириб, мўртлашиб қолган газеталарнинг бирор жойи йиртилмаган, тешилмаганди. Бурчаклари зўр эҳтиёткорлик билан букланган, тахламнинг ҳар муюши бир хил ўлчам ва шаклда эди. Домла уларни меҳр билан силаб-сийпалаб қўйди. – Булар энциклопедия ва луғатлар. Қўлдан чиқарадиган нарсалар эмас. Бутун умр коллекция қилганман. – Чолнинг кўзи намландими ё йиғладими чўнтагидан тоза, дазмолланган қўлрўмолини чиқариб, кўзларига босиб-босиб қўйди. – Бугун шуларни олиб боришим керак эди. Ваъда бериб қўйган эдим. Бир ўрис аёлга.

– Ёмонсиз-ғў, домла, – деди Юсуфбой айбини ювиш мақсадида ҳазиллашмоқчи бўлиб.

– У ҳам китоб сотар экан, – давом этди чол Юсуфбойнинг гапини эшитмагандай.– Бир куни унинг олдида жуда ноёб бир луғатни кўриб қолдим. Сотиб олмоқчи эдим, луғат сотилмайди, деди. Ҳайрон бўлдим. Ўзи-ку, менда бу луғатнинг турли йилларда чиққан ҳар хил нашрлари, ҳатто эксклюзив нусхалари ҳам бор. Лекин шундай китоб сариқ қуёшда сарғайиб ётгани учун сотиб олажак эдим. У эса, бу луғат сотилмайди, дейди. Сотилмаса нега чиқардингиз, дедим бироз жаҳлим чиқиб. Буни ҳар кун шамоллатиш учун олиб чиқаман, дейди наймит[50], – чол кулдими ё шунга яқин бир ҳаракат қилди. – Кейин гаплашиб қолдик. У ҳам луғат ва энциклопедияларга қизиқар экан. Болалари юртларига кўчиб кетибди. Кейин оталарини ҳам олдирибдилар. Бу хотин эса, пенсияга чиққан бўлса ҳам, ишлаб юрган экан. Кетаман, деса юборишмабди. Шунинг учун бу ерда йигирма йиллардан бери ёлғиз яшар экан. Ёлғизлик жонига тегиб жанжанлаша-жанжаллаша ишдан бўшабди. Кетибди болалари, бувасининг ёнига. Лекин зўрға бир ой чидабди. Кейин яна бу ёққа қайтиб келибди.

– У не, болаларининг ўнгишиқлар яхши эмасми экан ё? – сўради Қаҳрамон.

– Йў-ўқ, – деди чол чўзиб. – Болаларининг ўнгишиқлари ҳам, яшашлари ҳам гулдай экан. Шаҳарда уйи, ўрмонда дачалари, топиш-тутиши ҳам шунга яраша экан. Боласинда бир мошин, хотининда бир мошин экан. Кичкинтойларини мактаб, боғчага шофёр олиб борар экан. Холодильниклари гўшт, колбаса, қатиқ-қаймоқ, сир-пирлар билан тўлиб ётибди эмиш. Истасангиз шаҳарда, истасангиз тоза ҳавода – дачада яшанг, дебди болалари. Кампир шаҳарда, чоли дачада яшабдилар. Чунки чоли дачада хитир-питир этар экан. Помидор-пиёз, картошка-партошка, товуқ-повуқ дегандай. У ҳар куни шаҳарга челак-челак юмурта, помидор-пиёз, картошка териб юборар экан. Отизининг картошкаси замчадай-замчадай, гаширлари капчага даста бўладиган эмиш.

– Вой-бўйй, – кулди Юсуфбой. – Жаннат ҳам бунчалик бўлмас. Шундий жойлардан не учун қайтиб келибди шунда кампир?

– Ичи қисиб кетибди, – деди чол. – Гаплашадиган одам йўқ эмиш. Бир подъездда, бир майдончада яшайдиган қўнгшилар ҳам бир-бирларини танимас эмиш. Бу энди бу ёқда, ўзбекларнинг орасинда яшаб ўрганган-да. Чиқсаям – ассалому алайкум,

50 Наймит – бировни эркалаб аташ. Одатда ёш болаларни шундай деб эркалашади.

кирсаям – ассалому алайкум! Ўзбекчилик. Кампир аввал чоли билан уришса ҳам, қизи кеч келса ҳам, оқтиғи мактабда “икки” олса ҳам қўшнисига ёрилган. Қўшнилар ҳам шу. Ким мазали овқат пиширса бир-бириникига чақиради, кечаси юраги оғриб қолса ҳам дардини докторга эмас, аввал, чолига айтмаган гапини ҳам кўнгши кампирга айтади. Хуллас, у ерларга бориб қараса, ҳаммаси ишда, куни бўйи ёлғиз ўтиради, ишдан кейин гаплашаман, деса бири телевизорга тикилади, иккинчиси компьютерга. Оқтиқлар ҳам шундий. Бу билан гаплашажак, қизиқажак одам йўқ. Шунинг учун кампир бир ойга етар-етмас қайтиб келибди. Шу ер яхши, дейди.

– Да-аа, – деди Қаҳрамон. – Одам фақат қорни учун яшамайди-да. Кўнгил ҳам керак.

Чол ҳам ўйланиб қолди.

– Ҳай, яхши, – деди ниҳоят у. – Асқар билан кетарман. – Унинг овози деярли эшитилмай қолди. Асқар унинг энг кичик ўғли эди. – У яқинда фан доктори бўлди. Зиёфат беражак. Шунинг учун уйни ремонтга тайёрлаётир. Зиёфат учун. Мен ҳам икки хонамни бўшатиб беришим керак. Шунга шу китобларни оз-оздан, саралаб-саралаб “Букинист”га топшириб турибман, “Вечерний ярмарка”да сотаман.

– Оз-оздан, дейсиз. Бир беш минг китоб топширгандирсиз-ов, домла, – деди Юсуфбой. – Бу ўзингиз сотганларингиздан ташқари. Неча вақтдан бери қатнаймиз, ўттиздан-қирқдан, ўттиздан-қирқдан. Лекин ҳали кутубхонангизнинг боши бузилмай турибди. Раҳмат сизга, лекин йиғнаган экансиз.

Домла Юсуфбойнинг бу гапига жавоб бермади. Китоб боғламларини инқиллаб кўтаришга уриниб кўрди. Боғламнинг иплари чолнинг юмшоқ ва ориқ кафтларини куйдирди. Қайта жойига ўтирди. Кейин нигоҳини Юсуфбойга қадади.

– Бўпти. Эртанг борармиз. Эртанг ҳеч гап чиқмас, ахир?

– Худо хоҳласа, – деди Юсуфбой ва ўрнимиздан қўзғалдик.

– Дим қариб қолибди.

– Ҳовва-а, – деди Юсуфбой. – Бу одамнинг ҳаётини ёзсангиз ўзи ўн роман бўлади. Дим билимли одам. Қайсидир чет элларнинг академиги, профессори ҳам эмиш. Бир умр китоб тўплаган экан. Энди шуларни сотиб юрибди. Бирларини сотганда йиғлаб-йиғлаб ҳам олади. Ҳар китобни исидан биламан, дейди.

– Қўйинг-ай, – деди Қаҳрамон. – Китобни исидан билиб бўладими? Йўқ-ай!

Юсуфбой эгнини қисди.

– Менам шунга ҳайрон бўламан. Бир куни домла бу гапни айтганидан кейин, мен ҳам китобни исидан билиш мумкинми, деб ўйлаб қолдим. Домла менинг ишонмаганимни билди. Кейин қўлидаги бир-икки китобини менга узатди. Қани, бир-бир беринг. Искаб қайси китоб эканлиини айтаман, деди.

– Кейин?

– Тўғриси, этмадим шу ишни. Домлани текшириб кўргандай бўлмайин, деб.

– Да-аа.

– Домла китобларини исидан билади, деб ўйлийман. Сабаби бу одамнинг умрида китобдан бошқа дўсти бўлмаган.

– Хотини, бошқа бола-чақаси не?

– Бор, деса ҳам бўлади, йўқ, деса ҳам бўлади, – деди Юсуфбой ўйчан. – Эр-хотин ажрашиб, домла турмага тушганда болалар опаси билан кетган. Шунданми бир-бирига меҳрлари камроқ.

– Домла қамалганми? – дедим мен. Шу кичкинагина, қари ва пажмурда чолнинг қамалганига одам ишонгиси келмас эди. – Не гуноҳ этган шу бечора?

– Ў-ўў, – деди Юсуфбой. – Сизлар домлани ҳозир кўриб турибсизлар. Унинг ёшлигидаги юришларини кўрсангиз эди. Ўзи юмруқдайгина. Лекин савлатидан от ҳуркар эди. Тавба, шундай ҳам бўлар экан.

– Руҳи кучли бўлган экан-да, – деди Қаҳрамон. – Руҳи. Бундай одамни Хоразмда юракли, ўтли дейди. Ўзлари кичкина бўлса-да бундайлардан девсириқдай-девсириқдай одамлар ҳам қўрқади. Улар биров ёқмай қолса хиппа томоғидан олади. Ўйланиб ўтирмайдилар.

– Лекин домланинг бирор марта жанжал этганини эшитмадик. Кўчамизда бир одам ҳам унинг олдидан кеса ўтмас[51]ди. Ҳа, айтгандай, бизлар аввал ҳам домла билан қўнгши, бир кўчада яшар эдик. Шу вақтларда ҳам юмруқдайгина эди. Лекин дим салобатли эди. Салобат деган гавдага қарамас экан. Юмруқдай гавдаси билан шундай салобатли эди-ки, ҳамма домладан тискинар[52] эди. Айниқса, болалар. У ҳамиша қобоқ-тумшуғини муштдай этиб юрар, кулганини ҳеч ким кўрмаган. Шу вақтларнинг энг зўр мошини – "Победа"си бор эди домланинг. Ҳозирги вақтдаги "Мерседес"да. Домла ҳар куни азонда шу мошинини аста-аа ҳайдаб ишга ўтар, кечқурун яна шу ишдан қайтарди. Домланинг мошини кўриниши билан ўйнаб юрган болалар ким не ерда турган бўлса шу ерда таққа қотардик. Қўлларимиздаги бор тошу кесак, таёқ-паёқ – ҳамма нарсани қўрққанимиздан ерга ташлаймиз. У қўлимизда шундай нарсаларни кўрса сўкади, деб ўйлардик. Буни ким айтган, қачон айтган ёки ҳеч ким айтмай ўзи шундай бўлиб қолганми, буни ҳеч ким билмасди. Ўғли Қурол биз билан тенгқур, бир синфда ўқирдик. У ҳам отасига ўхшаб индамас бола эди. Бизлар отамизни мақтасак ҳам, энамизни гапласак ҳам гапга қўшилмас, на отаси ва на онаси ҳақида миқ этиб оғиз очган эмас. Қуролнинг опаси, домланинг хотини Қурвонжон опа баланд бўйли, бўлдамли, дим хушрўй хотин эди. Ё кичкина бўлганимиз учун бизга шундай кўринганми, билмийман. Яна ёдимизда қолгани бу хотин ҳам бад эди. Ҳамиша кенг, майда гулли читдан бўлган узун енгли кўйлак кийиб юрарди. Эгнидаги кўйлаги қип-қизил бўлгани учунми, бу хотиннинг бўртиб чиққан икки ёноғи ҳам қип-қизил кўринарди. Биз болалар Қурвонжон опадан ҳам қўрқардик. Мактабга ё борган, ё бормаган вақтимизда бўлса керак, бир вақт домла қамалибди, домла қамалибди, деган гап тарқалди. Домладан қўрқмайдиган одам ҳам бор эканми, деб болалар ҳайрон. Ҳеч нарсани тушунмаймиз. Ўзларимизча бу гапни муҳокама этамиз. Домла энди кўча-кўйда кўринмай қолди. Шундай бўлса ҳам эҳтиёткор бўлиб ўйнаймиз. Икки кўзимиз кўчабошда, домланинг мошини кўриниб қолмасин, деб. Кейин тоза гап чиқди: Қуролнинг опаси, Қурвонжон опани домла ўлдиражак бўлган экан, шунга қамалибди, дедилар. Бу гапга болаларнинг ҳаммаси дарров ишонди. Чунки домла ёмон одам эди-да, наздимизда.

– Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганмикан?

– Ким билади. Лекин одамларнинг гапига қараганда, бир куни кечқурун домла хотинини, бўлдамли ва хушрўй хотинини, "Победа"сига мингазиб тўқайга олиб борибди. Дарёнинг бўйига. Кейин хотинига, ҳозир сени шу ерда ўлдираман-да, дарёга чумдириб[53] юбораман, дебди. Домла ёнида милтиғини ҳам олиб борган экан. Лекин негадир отмасдан яна қайтариб уйига олиб келибди. Эртангиси куни эса милисалар домлани мактабдан, дарс бериб турган еридан олиб кетган эмишлар.

– Хотин хиёнат этган бўлса керак, – деди Қаҳрамон негадир хўрсиниб. – Бошқа гап учун эр хотинини ўлдирмайди. Хиёнат қилган хотинни эса нафақат ўлдириш, тириклайин терисини шилиш керак.

– Ким билади не гап бўлганини. Ҳозир ҳам у вақтлар ёдимга тушса, Қурвонжон опанинг бўлдамли гавдаси, кенг-мўл, ичида шамол ўйнаб турган қип-қизил кўйлаги, домланинг теваракдагиларга беписанд, икки қошини уюриб, қандайдир таҳдид билан қарашлари кўз олдимга келади. Қурвонжон опа ҳам атрофга ўта кибрли қарар эди. Бироқ ҳақиқатда не бўлганлигини у вақтда ҳам ҳеч ким билмаган. Мен,

51 Кеса ўтмаган – бу ерда домла билан ҳеч бир масалада тортишмаган.

52 Тискинмоқ – қўрқмоқ, ҳайиқмоқ. Бу сўзда кўпроқ руҳоний ҳолат устунлик қилади.

53 Чумдирмоқ – чўктирмоқ.

масалан, ҳозир ҳам билмайман, – Юсуфбой бир тин олиб олди. – Биз у вақтда ёш боламиз, хотинни не биламиз, эрни не биламиз. Билганимиз, Қурвонжон опадан ҳам, домладан ҳам қўрқар эдик. Улардан қўрқмай бир уйда яшайдиган жиккаккина гавдали Қурол ҳам кўзимизга қандайдир сеҳрли, бизларга ўхшамаган боладай кўринарди. Хуллас, домла қамалиб, ҳар куни азонда ишга кетадиган, кечқурун кўчамизга аста кириб келадиган "Победа" кўринмай қолди. Лекин "Победа" кўринмай қолганидан кейин кўчамизнинг бир ёғи ўпирилиб тушгандай, ҳувуллаб қолгандай бўлди.

– Одам бир нарсага ўрганиб қолса шундий бўлади, – деди Қаҳрамон, – яхшими, ёмонми бир нарсага ўрганиб қолса, бошқача бўлишини тасаввур этолмайди. Ҳўп, гурунгни давом этинг.

– Ўзи азалдан камгап бўлган Қурол жўрамиз отаси қамалганидан кейин бутунлай индамас бўлиб қолди. У ҳамон ёнимизга келар, бирга ўйнар, ҳамма вақтдагидай бўлар-бўлмас нарсаларга хафа бўлмас, бироқ миқ этиб оғиз ҳам очмас эди. Бола бўлсак ҳам Қуролнинг аҳволини дим яхши тушунар эдик. Шунинг учун унга ҳеч ким ортиқча гапламас, уни-буни сўраб, тихирлик қилмас, айниқса, отаси ҳақида ҳеч нарса сўролмасди. Энди у ҳам отасига ўхшаб ўта жиддий бўлиб қолганди. Ўйинда ҳам ўта жиддий. Вақти келганда эса ҳеч кимга ҳеч нарса демай, на хайр-хўш ва узрхоҳликсиз аста-а ўйиндан чиқиб, уйига қараб кетаверарди. Қизиғи, энди бизга у отасининг ўрнига қолганга ўхшар, ундан ҳам сал-пал тискинадиган бўлган эдик. Отасининг ўрнига энди бу қолди, деб ўйлаган бўлсак керак-да. Бир куни у бизни уйига олиб кетди. Отасининг кабинетини кўрсатажак экан. Бўлмаса ҳеч ким ундан буни сўрамаган. Бизлар қўрқа-қўрқа домланинг кабинетига киribмиз. Ҳозир ўйлаб кўрсам, Қурол бу билан бизларга, кўриб қўйинглар, менинг отам бор, у ҳеч ерга кетмаган, у шу ерда, уйда, кабинетида, ина унинг нарсалари турибди, деяжак бўлган. Энди кабинетни кўрсангиз. Ўҳ-ҳўў! Қурол, яна ундан ҳеч ким сўрамаса ҳам, отасини айтиб берди. Отаси ҳар куни ишдан келиб, шу кабинетига кириб кетар экан-да, стол лампасини ёқиб, ярим оқшомгача ҳар хил китобларни ўқиб ўтирар экан. Ҳар вақт-ҳар вақт столи устида турган микроскопга ҳам қараб қўяркан. Домланинг кабинетидаги ҳамма китоблар катта-катта, ёстиқдай-ёстиқдай эди. Стол четида турган бир китобни ичида расмлари борми экан, кўрай, деб оламан деганимда уни зўрға-зўрға кўтарганим ёдимда. Дим оғир экан. Қора-қўнғир китобнинг устида "БЕРУНИЙ" деб ёзиб қўйилганди. Бир-икки йилдан кейин Қуроллар қўшни қишлоққа кўчиб кетди. Опаси бировга эрга чиқибди. Уларнинг уйига қулф урилди. Бир ўн, ўн беш йиллар бу уйга ҳеч ким кириб чиқмади. Кейин домла қайтиб келди. Ўзи киччи одам, баттар кичрайиб қолганди.

– Аёл хиёнати эркакни синдиради, – деди Қаҳрамон. – Ёмон синдиради. Ёш йигит бўладими, қарими, ўрта ёшарми барибир. Хотин хиёнати эркакнинг жон томирини кесади, номусини ўлдиради. Номуси топталган эркак эса ҳеч қачон аввалгидай бўлиб билмийди. Бу фожиани зўр бир ирода билан енгиб чиқса-да, энди у ярим, чала ярим одам, чала ярим эркак бўлиб қолади. Шундай... – Қаҳрамон бошини кўтариб бизга бир-бир боқди. – Бу гапларингиз, Юсуф оға, бир жўрамни ёдимга солиб юборди, – деди у чалворининг қайишини кўтариб, кўйлагини ихлос билан тузатар экан. – Энди аввалги жўрам йўқ. Асл йигит, мард йигит эди. Ишлари юришиб турган, соғлом-бақувват, жўра-ёрони, пули, бойлиги хиррик йигит эди. Энди у йигит йўқ бўлди! Синди, синганда ҳам ёмон синди. Бир аёл синдирди уни. Ёмон синдирди. Ёдимга тушса юракларим эзилиб гетади. Нечик эркак эди! Энди нечик бўлиб қолди. Ота-буваларимиз иккилик этган хотинни мовга келган пишаклар билан бир халтага солиб дўғри қилганлар. Ё Хивадаги Хўжаминордан пастга зинггитганлар... Бу ҳам дўғри. Аслида бундайларга булар ҳам кам. Агар яна ҳам баттароқ бир нарсалар ўйлаб топилса, уларни ҳам қўллайвериш керак бундай аёлларга нисбатан. Ҳей, кечирасиз, Юсуф оға, гапингизни бўлиб қўйдим. Хўш, домла қамоқдан келди...

– Бир вақтлари кўчамиздаги энг салобатли, ҳамиша оқланиб турган уйининг тирноғидан изғор чиқиб, сувоқлари кўчиб, деворлари йиқила бошлаган, одам тикилиб қарашга ҳам ботинмайдиган бу уй энди кўчадаги энг кўримсиз, энг хароба жойга айланган эди. Домла яна "Победа"сини миниб чиқди. Энди унинг машинаси ҳам аввалгидай ялтираб турмас, у ер-бу еридаги бўёқлари кўчиб занглаган, ола-була бўлиб қолганди. Домланинг гавдаси ҳам кичрайган, ориқлаган, юзларига тарам-тарам тиришиқ тушган, хира ва киртайган кўзлари янада ичкари ботган, шу кўриниши билан у тирикдан кўра кўпроқ ўликка ўхшарди. Рулда ҳам тирик одам эмас, ўлик ўтиргандай бўларди. Бу пайтга келиб бизлар йигит етиб қолган бўлсак-да, барибир уни кўчамизда қайта кўрганимизда яна бир тискиниб олардик. Болалар учун эса у ҳамон аввалгидай қўрқинчли эди. Ўзи йўқ бўлса ҳам, у ҳақдаги гаплар оғиздан-оғизга ўтиб, болаларнинг миясига қўрқинч ўтириб қолганди. Шунинг учун домланинг машинаси кўчада кўриниши билан ўйнаб юрган бола-бақра устига мушук ташланган чумчуқ галасидай яна тум-турақай бўларди. Тавба, ҳеч ким ҳеч нарса демаса-да, бу болалар ҳам домладан қўрқардилар. Шу нарса қизиқ эди-да. Домланинг ажинаси борми ё бошқами, билмийман. Яна бошланди. Домла ҳар куни эрталаб машинасини секин ҳайдаб ишга кетади, кечқурун яна қайтиб келади. Машинасини аввалгидан ҳам оҳистароқ ҳайдар, бу уни аввалгидан ҳам салобатлироқми, қўрқинчлироқми кўрсатарди. Одамлар ҳамон ундан тискинар, ҳеч ким у билан очилишиб гаплашмасди. Домла ўз уйида қўрқинчли, балки сеҳрли-жодули, биров кўрса бир ёмон иш этадиган нарса қамаб қўйгандай эди. Ҳатто тратуардан юрганда ҳам одамлар бу уй ёнига етганда катта кўчага ўтиб олар эдилар. Ҳеч ким домланинг эшиги олдидан юрмас, шунинг учун бу уйнинг олдини чанг-тўзон ва тўпир босганди. Момолар оқтиқларини шу уй билан қўрқитар, бу уйда ажина бор, унинг олдидан ўтманглар, дерди. Домла ҳар куни ишдан қайтиб мошинини уйига киритарди-да, то азонгача қорасини кўрсатмасди. Азонда эса яна мошинини уйидан аста-аа ҳайдаб чиқиб кетарди. Ҳар куни шу аҳвол. Қўнгшилар унинг аввалги иш жойи – мактабни ташлаб, бошқа ерга ишга ўтганлигини айтар, лекин у не иш, не ерда эканлигини ҳеч ким билмасди. Орадан яна бир-икки йил ўтди. Уйи шу-шу вайрона бўлиб ётар, олдидаги тўпир тиззадан келса ҳам домла унга қарай демасди. Агар дарбозанинг ҳар кун очиб-ёпилганини кўрсатадиган тупроқ излари демаса, бу уйда ҳеч ким яшамайди, деб ўйлаш мумкин. Шу орада мен армияга кетдим. Армиядан келганимда домланинг олдига мана шу Қурол ўғли хотини билан кўчиб келган экан.

– Ҳа, шу ўғлига инсоф берибди-да, – деди Қаҳрамон.

– Домланинг ўғли келиб уйининг олдига бир-икки мошин карвич, чага, цемент, оҳак ташлатганини кўрган одамлар ҳам шундай деб ўйлаган эканлар, – деди Юсуфбой. – Аммо ундай бўлиб чиқмабди.

Юсуфбойга савол назари билан қарадик.

– Ҳамма отасининг жойини ремонт этажак-ов, деб юрсалар, бу бола жойни иккига бўлибди. Бир бўлагига хотин бола-чақасини олиб келиб, шу ёғини ремонт этибди.

– Отасининг бўлаги қолаверибдими?

– Қолаверибди, – деди Юсуфбой. – Лекин бу дим ёмон кўринар экан. Агар мен ўқитувчи бўлсам, ўқувчиларни домланинг ўтиришини кўрсатмакка олиб келар эдим. Ина, болалар, ота-боланинг ўтириши. Отанинг ўтиришини кўринг, боланинг ўтиришига қаранг, сизлар ҳеч қачон бундий этманглар, дер эдим.

– Ҳозир ҳам этаверса бўлади бу ишни, – деди Қаҳрамон. – Ҳақиқатдан ҳам кўрсатиш керак буни болаларга.

– Ҳозир-ғў, бу уй қолмади. У жойларни шаҳарнинг ҳовлиқма ҳокими сити этамиз, деб йиқтирган эди, шу бузилганича ётибди. Буни ҳам болаларга кўрсатса бўлади, киссангда пулинг бўлмаса, ҳисоб-китобинг бўлмаса ҳовлиқиб иш бошлама, деб. Бунга қўшиб домланинг уйи тарихини ҳам айтиб берса бир эмас, икки фойда бўлади.

– Дўғри-ии, – деди Қаҳрамон ўйчан. – Ҳозир не ера қарасанг ҳам сабоқ, дарс.

– Ассалому алайку-ум, – деди шу пайт кимдир. “Жиринг-жиринг!” этган қўнғироқ овози эшитилди.

Биз ўгирилиб улгурмай велосипедининг орқадаги юк жойига тўрт-беш боғ қамиш боғлаб олган бир киши етиб келди.

– Дрр! – деди ва юкланган юки гоҳ у, гоҳ бу томонга оғиб кетаётган велосипедини зўрға тўхтатиб, ундан ғаройиб кийинган бир киши амаллаб тушди. Ориқ, суякдор ва чайир қўллари билан уловининг эгарига “шап-шап” урди.

– Ёмон ҳангги-да бу занғар, хабардор бўлмасанг олиб қочади.

– Не ерлардан сўраймиз, Абдулла ака? – сўради илжайганича маъноли кўз қисиб Юсуфбой.

– Шу гап, дойи, – деди Абдулла ака. У ҳаммага дойи деб мурожаат қилгани учун лақаби “дойи” эди. Чамаси бу савол-жавобнинг қочиғини фақат иккисигина тушунарди. Абдулла ака бизлар билан тузук-қуруқ сўрашмаёқ Юсуфбой билан бўла кетди.

У етмишларидан ошган, қора майиз юзли, қоқчакка, ёноқлари туртиб чиққан, эчки соқол бир одам эди. Соқолини бўяса керак, қоп-қора. Бошида Наманган дўпписи. Оқ яктак кийиб, устидан шоҳи белбоғ билан маҳкам сириб боғлаган. Хоразмликларга хос бўлмаган кийинишинг ўзиёқ анойи эмаслигини кўрсатар эди.

– Шу маҳкам турибман, дойи, – деди у Юсуфбойга диққатлаб. – Мен булар билан ё у ёқли, ё бу ёқли бўламан. Лекин ҳақимни оламан, дойи.

– Ўзингиз ҳам жанжалга дим хуморсиз, – деди Юсуфбой. – Бўлмаса, ана, Қадам фермер, менинг тушимни ўриб олаверинг, деб қўйибди экан-ғў. У ернинг ўти ҳам кўп. Чел-чебириндаги қамиш, суйжи бўён[54], ажриқ, сутли ўтни бир одам, икки одам бир йилда ўриб адо этолмийди.

– Раҳмат, Қадамбойга. Ҳаммага кўмак беради. Ёнига ким не деб борса, қуври қайтармийди. Шунинг учун ана, кўр, ишлари юришиб турибди. Ҳар йили орден, медаль олади. Бўш қолган бир йили ҳам йўқ. Кўкрагинда орден тақадиган ери ҳам қолмабмиш. Ҳукуматга раҳмат. Яхшини яхши тутади.

– Туври, – кулди Юсуфбой. – Бу йил Қадамбой, ҳеч бўлмаса шу сафар мени ёзманглар, илтимос, дебди.

– Инсофли-да, бу бола, дойи! Бўлмаса ким унинг камзулини деворга осиб, неча орден, медаль олганини санаб ўтирибди. Олиб, сандиқнинг тўрина ташлаб қўяверса ҳам бўлади. Лекин ундай этмайди. Орден, медални ҳам ҳамма тенг олсин, дейди. Ина, менга заҳкашнинг қамишини ҳам, чел-чебирини ҳам ўриб олаверинг, деганидай-да. Энди унинг қўнгшиларини қара. Мен заҳкашнинг бошига борсам ҳаммаси тикач[55]дай бўлиб туради. Ўрмийсан, бизларнинг ер бу, дейди. “Ҳов, саводсизлар, заҳкаш давлатники, заҳкашнинг ёқаси ҳам давлатники, сизларнинг ерингиз, ҳу-ув, ана!” деб уларга қайчи[56]дан пастдаги ерларини кўрсатаман. Кейин заҳкашга тушиб, шарра-шарра ўраверaман қамишни. Ким келса, мана шу қўлимдаги корейс ўроқ билан калласини шартта оламан, дейман.

– Ғайрат солаверинг, дойи, – деди Юсуфбой энди жилмайиб. Чамаси у Абдулла ака билан бу ҳақда кўп гаплашган кўринади. – Қайтманг!

– Қайтмийман. Не учун қайтаман, бу саводсиз, чаласавод, инсофсизларнинг кўзини жойига соламан. Эллик йил мактабда муғаллим бўлдим. Шу эшшакларни ўқитдим. Энди буларнинг ҳаммаси бир думалаб ўзи бўлган Гўрўғлига айланган. Қани, Гўрўғли бўлсангизлар ёнимга келинг, дейман. Келолмийдилар. Мени биладилар-да, шартта калласини оламан.

54 Суйжи бўён – Хоразмда ўсадиган ёввойи ўсимликнинг бир тури.

55 Тикач – чакич.

56 Қайчи – дарё қирғоғидан маълум масофада эҳтимолий сув тошқинини кесиш учун кўтарилган дамба.

Абдулла ака Юсуфбойни ҳам ўқитган. Ҳозир ёдига мактаб вақтлари тушди. Бундан эллик йил олдин ҳам Абдулла шундай – қотма гавдали, оқсуяк ва қаддини сал эгиб юрадиган киши эди. Ҳозир ҳам шундай, фақат қуюқ қоп-қора қоши мош-гуруч, сочи эса қўнғир тусга кирган эди. Феъли ҳамон ўша-ўша, сал нарсага бўғзингдан оламан, деб сапчиб турган. Гарчи йиллар ўтиб одам юввошади десалар ҳам унинг характери кам ўзгарган эди.

– Шунинг учун, керак бўлса ҳам, бўлмаса ҳам ўтни ўраверaман. Уйга олиб келаман-да, ёқиб юбораман, лекин ўраман. Буларда ҳаққимни қолдирмайман.

– Қолдирманг дойи, қолдирманг, – Юсуфбойни домланинг ҳамон ўчмаган ғайрати завқлантирди.– Барибир ҳозир ўриб олмаса кейинги йилга ўтин бўлиб қолади.

– Ана, ана, ана! – деди Абдулла ака кўзлари ёниб. – Қолиб кетади! Шу ҳозир ўрдирмаган одамлар баҳорда ёқиб юради буларни ер тозалансин, деб. Лекин ҳозир биров ўриб молимга бераман, деса, итдай хириллайдилар. Иложи бўлса фермерининг ёнидан ҳам ўтказажак эмас.

– Тўғрисини айтганда, шу одамларнинг ўзларинда ҳам бир тешалик иш бор, – деди Юсуфбой. – Ўтса, ўз жўнина ўтиб кетавермийди ё бир нарсани қайиради, ё синдиради. Булар фермерга зарар бермаса сиғири[57] қисир қолами, билмийман. Ина, ўзимдан айтаман. Биззи фермернинг ичидан сўқмоқ йўл ўтади. Элатнинг одамлари Обл[58] кўрнинг фермерига шу шундан ўтадилар. Бўлмаса, айланиб, улли йўлдан боришлари керак. Унда йўлига ярим, бир соат вақт кўп кетади. Шунинг учун, яхши, айланиб юрмай, шу оёқ йўлдан ўтаверсинлар, деб қўйибман. Улар азон-кеч икки марта ўтадилар. Лекин ҳар ўтганда, албатта, бир ҳунар кўрсатадилар. Ҳеч қайсиси ўз йўлига ўтиб кетавермийди. Ё бойли турган сувнинг соқасини чўп билан туртиб очиб юборадилар, ё сўқмоқ бўйинда ўсган бир йиллик, икки йиллик теракларни қийириб синдирадилар. Ҳеч бўлмаса қўлидаги корейс ўроғи билан солма бўйинда ўсган бўёнларни ярим белидан "шарр-шарр" урадилар. Буларга ичинг овушганнинг[59] раҳмати бу. Шу ҳам гапми, дойи?

Абдулла ака бу не дейишини билмай қолди. Бояги шижоати бир зумда сўнди.

– Бу ҳасад, – деди Қаҳрамон ўйчан. – Ўзидан ақллироқ, бойроқ одамларга ҳасад этишдай ёмон одат бор бизда. Ўзимиз ишламаймиз. Ишлаганларга не иш этиб бўлса-да, панд бергимиз келади. Ичимиз ёнади.

– Билмийман, – деди Юсуфбой овозида қандайдир ижирғаниш билан. – Ич ёнишми, ҳасадми... Лекин, албатта, кимгадир панд берса, ҳаз этади кўпи. Биров ҳай, қўй, мундий этма, демийди. Агар шундий деса, уларни ҳам сўқалайдилар, бойнинг ялоқхўри, деб. – Юсуфбойнинг наздида сўқмоқдан ўтиб кетаётганлар худ[60] ҳозир, унинг кўз ўнгида, терак ниҳолларини синдираётгандай эди. – Агар замон кўтарса, ётқизиб, қорнига юз таёқдан урдирган бўлардим.

Абдулла ака кетишга чоғланиб қолди. Бизлар билан совуқ-салқи хўшлашди-да, велосипедига бир амаллаб чиқди, педални базўр босиб, йўлига равона бўлди.

– Гапларинг бобога ёқмади, – дедим эгри-бугри йўл солиб кетаётган велосипедчининг изидан қараб.

Кўп юрмай олдимиздан ўнг қўлини ёш боланинг елкасига қўйиб олган, ҳожиларнинг оқ-оппоқ кенг-мўл кийимидаги чол чиқиб қолди. Бола чамаси невараси ё эвараси бўлса керак. У қоқилмаслик учун оёғи билан ерни пайпаслаб-пайпаслаб одимларди. "Совур[61] кўр", пичирлади Юсуфбой.

57 Сиғир – сигир.

58 Обл – Абдулла исмини қисқаргани.

59 Ичи овушмоқ – раҳми келмоқ.

60 Худ – худди.

61 Совур – собир.

Чол семизлигиданми ё оёғи оғирми эди жуда секин қадам ташларди. Ўзи сариқроқ, силлиқ юзли, икки чаккаси қип-қизил, қорни тоғарадан ошаётган хамирга ўхшаб ичқиридан осилиб турарди. Оппоқ соқол-муртига анча вақтдан бери поки тегмаган эди.

– Ассалому алайкум, ҳожи бобо! – салом берди Қаҳрамон унга.

– Салом малейкум! – дедим мен ҳам.

– Ассалому алайкум, – деди Юсуфбой ҳам истар-истамас.

Чол биз томонга ўгирилди.

– Ким булар? – сўради неварасими, эварасидан. У очиқ кўр экан.

– Юсуф оға. Ёнида икки жўраси бор.

Чол ерга қараб ғудранди. Бола йўлида давом этди.

– Сал астароқ! – жеркди уни чол. – Молни судрагандай судрайсан!

Бола янада секинлашди. Чол тўхтади.

– Йўлдошларинг кетаверсин, – деди чол улар томонга юзланиб. – Юсуфда гапим бор.

Юсуфбой ишора қилди, биз йўлда давом этдик.

– Сен ҳам борабер, – деди чол болага.

Бола бобосини Юсуфбойга яқинлаштириб, ўзи улардан узоқлашди. Чол ерга боққанича паст овозда алланарсалар деб ғудрана бошлади. Атай шундай этаяптими ё ўзи шунақа, секин гаплар эдими, билмадик. Юсуфбой ёнига қайрилиб олган, чолнинг сўзларини намойишкорона эътиборсизлик билан тинглар эди.

– Бу кетишда дарё бўйига кечгача ҳам боролмаймиз, – деди Қаҳрамон чалворини кўтариб, кўйлагини текислаб қўяр экан. – Юсуфбой бу қишлоқ учун кўнгил бўшатадиган қудуққа ўхшийди.

– Менам ҳайронман, – дедим елкамдагини ерга қўяр эканман. Халта уюқ[62] солинган идишдай ёйилди. – Бу ҳам ўлиб қолмаса бўлгани эди.

– Оға, сиз ҳам қўйсангиз-а шу ўйинни, – деди Қаҳрамон жеркигансимон. – Ҳозир ўйин этадиган вақт эмас.

Мен уни баттар асабийлаштирмаслик учун индамадим.

Юсуфбой қайтди.

– На гап Юсуф оға? – сўради Қаҳрамон йўлимиз унмаётганидан бироз асабийлашиб. – Гапларингиз бўлса кейин гаплашаверсангиз бўлмийми? Кеч қолиб гетдик-ку..

Юсуфбой индамади. Унинг кайфияти бузилган эди.

– Омонликми? Ҳожи бобо гап топти? – сўрадим мен.

Юсуфбой қўл силтади.

– Не ерда ҳожи? Бундай ҳожилар лойдан ҳам ясалади! – Юсуфбойнинг гурунгга иштиёқи йўқ эди.

Яна бироз юрдик.

– Бечора кўр экан-да, – деди Қаҳрамон Юсуфбойга кўз остидан қараб қўяр экан.

– Худо бор, – деди Юсуфбой. – Ҳали бунинг оёқ-қўлини ҳам шол этади.

– Тавба, тавба, – Қаҳрамон ёқасини тутди.

– Аййй, Қаҳрамон жўра-ай! Ўзинг айтгандай, терисини тириклайин шилиш керак бўлганлардан бири бу ҳам.

– Ўзинг сақла!

– Буларнинг шажарасидагиларга дуо кетган. Ҳаммаси жалотой. Уруш вақтлари тўрт-беш йигит бунинг отасининг оёқларини қайириб, майирган эканлар. У одам бизлар бу ерга кўчиб келган вақтларимизда кўтакаравасида[63] қуёшламада кўчага чиқиб ўтирарди. Оёқлари шалвираб қуриб қолган эди. Лекин ҳар кун, ёзин-қишин,

62 Уюқ – суюқ лой.

63 Кўтакарава – ногиронлар аравачаси.

қуёшламага чиқиб ўтирарди. Уруш вақтида раис бўлган экан колхозда. Ҳамма эркак урушга кетиб, қишлоқда бола-бақра, хотин-халаж қолган. Йўқчилик, қаҳатчилик. Бу бўлса бировларнинг хотин-бола-чақасини босқилаб юрган.

– Шундай замонларда одам ёввойилашиб кетар экан-да. Ҳозир буни тасаввур этиш қийин.

– Замоннинг талаби деб, қамчисидан қон оқизган. Уруш вақти, биров-бировдан ҳолинг не, деб сўрайдиган замон эмас. Шундий вақтларда одамнинг кимлиги билинади экан. Бу одам эмас, ҳайвонлигини кўрсатган. Ҳовва. Уруш охирлаб, эркаклар қайтиб кела бошласа ҳам раис ҳангичилигини[64] қўймабди. Урушдан қайтганларнинг кўпи яродор, чала ярим бўлсалар ҳам тўрт-бешиси йиғналишиб бир куни жалотойни таппа босибдилар. Раислигига ҳам қараб ўтирмабдилар. Белини синдирибдилар, оёқларини товлаб ташлабдилар. Хотинларнинг устига шу оёқларинг юриб борами, деб.

– Қамалиб кетгандир бечоралар, раис бу ахир, хукуматнинг одами...

– Уч ойми, олти ойми больницада ётиб чиққан эмиш. Мелисалар кўп қистабдилар, ким эди сизни шундай этган одамлар, деб. Лекин раис миқ этиб оғиз очмабди. Кўрмай қолдим, танимадим, дебди. Бўлмаса бу ишни кимлар этганини милисалар ҳам билар экан. Кўз учун бир-икки одамни сўроқ этган бўлибдилар, кейин аниқланмади, деб қўяверибдилар. Раис ўлганида ҳам, ҳойнаҳой, бир ўн одамдан ошмади жанозага келганлар. Ҳай, мундай совуқ жанозани умримда кўрмаганман. На бир одам гаплашади, на бир одам бир-бирови билан омонлашади. Бу ерга ҳамма мажбурликдан келган – ё қариндоши, ё ён қўнгшиси, ё қуда-андаси.

– Одамнинг кимлиги тўй билан жанозада билинади, – деди Қаҳрамон. – Иккисида ҳам одам кўп бўлсин.

– Ҳали мунинг ҳам жанозасига отасиникидан кўп одам келмас, – деди Юсуфбой. – Бунинг ҳам этдиклари[65] отасиникидан оз эмас. – Кейин бироз туриб қўшиб қўйди. – Лекин ҳозир замон ўзгариб кетди. Балки одамлар кўп келар жанозасига. Масалан, яқинда тўй берди. Оқтиғини уйлантирдими ё чиқардими, билмийман. Одам кўп бўлди. Дим кўп бўлди. Азондан кечгача сурак-сурак[66] одам келаберди. Районнинг ҳосил байрамими дейсан. Ҳаммаси бир ёқ, лекин тўйга Машарип етим ҳам келибди. Машарип етимнинг ўзи, бундай қараганда, ҳали етмишига ҳам етмаган. Лекин кўрган одам камида юзга чиққан, дейди. Кейинги вақтда калласи ҳам ярим бўлиб қолган. Энди оёқ очган боладай торвонг-турванг юради. Ана йиқилади, мана йиқилади, дейсан. Ишқилиб, шу ҳам тўйга борибди.

– Ким экан у Машарип етим? Ҳамма борган ерга у ҳам борса не бўпти?

– Не десам экан, – Юсуфбой юришини секинлаштирди. – Йигит вақтида уни шу Совур кўр ёмон хорлаган.

– ...?!

– У шу қишлоқдаги бир етим бола бўлган. Меҳнаткаш, очиққўнгил. Биров бир нарса деса қўли қирқ, оёғи олти бўлиб югуриб кетавераркан. Балки орқа-олди йўқлигидан, ғариблигидан шундай бўлгандир. Бунинг шу одати ҳаммага ёқиб, одамлар уни Машарип эмас, Машарипбой, дерканлар. Машарипбой шу Совурнинг шоличилик бригадасида ишлар экан. Биласизлар у вақтларда шоли бригадасининг обрўйи раисникидан кам бўлмаган. Ер деганнинг ҳисоби йўқ, қанча экаман десанг экиб ётаверасан. Кузда мошин-мошин шоли талакка кириб тургандан кейин шоли бригадасининг ҳам бор дегани ботмон, кел дегани сарсари. Машарип бечора шу бригадада ишларкан. Лекин шу ғарибга Худо бир берган экан. Хотини шундий хушрўй экан-ки, кўрган одамнинг эси оғиб қоларкан. Хуллас, у вақтларда Совур

64 Ҳангичилик – бу ерда ношаръий ишлар назарда тутилган.

65 Этдиклари – қилган ишлари.

66 Сурак-сурак – тўда-тўда.

ҳали кўр эмас, кўзи балодай кўраркан – шу галинга ошиқ бўлиб қолибди. Совур у вақтларда кимсан, шоли бригат, бир колхозда эмас, районда ҳам палончи экан. Бригадир Маширипбойнинг хотинини бир кўрганда кандир[67] еган туядай маст бўлибди. Лекин ҳеч бир қийинчиликсиз мақсадига етибди. Энди Машарипдай бир етим не ерда, шоли бригадири не ерда. Совур Машарипни шоли хирмонига қоровул этиб қўйибди. Куз вақти экан. Куёв хирмонда, Совур бу ёқда галин билан...

– Да-аа, – деди Қаҳрамон. – Бир бечора камбағалга хушрўй хотинни ҳам кўп кўрибдилар-да. Эл-юрт не дебди, эл-юрт?

Халтадаги йилон ёмон тўлғониб қўйди. Гўё, нега жимсан, сен ҳам гапир, дегандай.

– Эйй, – дедим мен йилоннинг гапига кириб. – Бундай вақтда одамларга томоша керак.

– Туври, – деди Юсуфбой.

– Сиз бошқа сўз билан ҳам гап бошлаб биласизми? – деди Қаҳрамон. – Туври, туври.

– Туври, – деди Юсуфбой. – Сен сўзга эмас, гапнинг маъносига эътибор бер.

– Ол, эса гапнинг маъносига эътибор бердик.

– Бундайлар йилоннинг ёғини ялаган. Эл-элатнинг ҳам кўзини бўяб биладилар. Ина шу Совур кўр. Аввал, етим деб, Машарипбойнинг хўжалигига кўмак бериб юрган. Ҳамма раҳмат, ў-ўў, ана одамгарчилик, мана одамгарчилик, деди. Кейин бояги гаплар чиқди. Машарипнинг боласи бўлганида бешик тўйини ҳам ўтказиб берди. Одамлар бола бригатнинг ўзиники, дедилар.

– Бунинг энг ёмон ери, – деди Қаҳрамон, – бу гапни ҳамма билади, лекин билиши керак бўлган одам юраверади оғзини очиб.

– Ҳайй, Қаҳрамон жўра-ей, – халтанинг оғирлиги анча ошиб қолган эди уни тўғирлаб қўйдим. – Машарип бечора бу гапларни билганда ҳам ҳеч иш этиб билмаган. Бир ғариб, бир бечора, орқа-олдинда ҳеч кими йўқ, одам. Ҳай номус ҳам, ор ҳам бойликка боғлиқ экан-да.

– Ундай эмас. Қурбақани боссанг ҳам "варқ" этади. Камбағалнинг ҳам камбағали бор. Пул белни маҳкам этади, туври, одамни мард этади, туври, тилни ўткир этади, туври. Лекин шу Машарип бечоранинг бир қурбақачалик ҳам қуввати бўлмаган экан вақтида. Шу ифлос Совур кўр не деса югуриб хизматини этиб юраверган-да. Машарипни шоли хирмонга қоровул этиб, азонда мен келганча ғилт этма, деса "ғилт этмай" ўтираверган хирмонда бригадир айтди, деб. Лекин бир куни кечаси тўнгиб кетиб, уйига бир кийим-сийим олин, деб борса эшик илик[68] эмиш. Тақиллатибди. Сас-самар йўқмиш. Хотиним ухлаб қолган бўлса керак, деб яна, қаттиқроқ урибди эшикни. Яна гап-сўз йўқ. Энди қарсиллатиб-қарсиллатиб урибди. Шунда уйдан шивир-шивирлар эшитилиб, бир вақт эшик очилибди. Машарип қараса бўсағада Совур биригатнинг хром этиги икки ёққа ялпайиб ётган эмиш. Машарип қўрқиб кетибди. Хотинига, "Бригат мени кўрса ўлдиради", дебди-да, қўлига илинган кийимни олиб хирмонга қараб қочибди. Ҳеч бўлмаса, бригадир бу ерда не иш этиб юрибди, деб ҳам сўрамабди.

Юсуфбой оғир сўлиш олди. Ҳар нарсага бир гап топиб берадиган Қаҳрамоннинг ҳам дами чиқмади. Мен эса елкамдаги илоннинг иланглаб, биланглаб қаттиқроқ тўлғона бошлаганини ҳис қилдим. Уни шу ерга ташлаб юборсамми, деб ҳам ўйладим. Аммо бунинг сира иложи йўқ эди. Биз ҳали қишлоқдан чиқмагандик.

– Эртасига азонда уйига келган Машарип хотинидан, биригат менинг келганимни билиб қолмадими? – деб сўрабди қўрқа-писа. Хотини йўқ, деса, Худога шукр, агар билса қаматиб юборар эди, дермиш. Шундан кейин Совур кўр Машарипникига

67 Кандир – гиёҳванд ўсимлик.

68 Илик – берк.

истаган вақтида орқайин келаверадиган бўлибди. Машарипни хирмонда қолдириш ҳам шарт бўлмай қолибди. Совур кўр узоқдан кўринса, Машарип хотинига, “Ана, бригадир келди”, дейди экан-да, бошқа хонага ўтиб яшириниб олар экан. То кўр кетмагунча, у ердан чиқмас экан. Шу орада Машарипнинг иккими, учми боласи бўлибди. Уларнинг ҳаммаси Совур кўрнинг бурнидан тушиб қолгандай экан. Лекин бир куни кесакдан ўт чиқибди. Шу индамас, ювош Машарип, ўлдириб ташлайман сени ҳам, болаларингни ҳам, бўлмаса Совур кўрникига ташлаб кел буларни, деб жанжал этибди. Дарров Совур кўр келибди. Не гап, деса, ҳеч гап, дебди Машарип. Шундан кейин бу бечоранинг калласи бузилибди. Кўчаларда қўшиқ айтиб юрадиган бўлибди. Бу орада хушрўй хотин ҳам семириб, лошини зўрға судраб юрадиган ҳолга келибди. Совур ҳам бригатчиликдан қолибди. Шунда ҳам Машарип Совурдан кўрқар экан. Уни не ерда кўрса ҳам қўшиғини тўхтатиб, ура қочар экан. Мени қаматиб юборади, деб. Ана шу одам, Машарип етим, яқинда қўшиғини ванг қўйиб Совур бригатнинг, Совур кўрнинг тўйига борибди. Ичиб маст бўлибди. Бир-иккиси, юр, уйингга олиб борамиз, деса, йўқ, мен ҳозир Совур кўрни пичоқ билан ёраман, кейин Ҳуржоннинг ёнига кетаман, деб, хотини қўйилган қўйимгоҳга кетган эмиш.

– Хотини ўлганми?

– Ҳовваа...

Мен халтанинг тобора оғирлашаётганлигини ҳис қилдим. Илон тек ётмай, биланглагани-биланглаган, бу жуда ёқимсиз эди.

Энди қаршимиздан эшак минган бир чол чиқди. У ораста кийинган, ўзи оқ-сариқ, чўққисоқол, кўм-кўк мовий кўзлари кишига ўта қувлик билан боқарди. Унинг эшаги ёрқин қўнғир рангда эди. Ҳангининг қулоқлари учи ва тўртала оёғи тўпиғидан пасти сап-сариқ эди. Ёли ҳам бир текис таралиб, қайчиланиб, ҳар ярим қаричдан кичик-кичик қўнғироқчалар тақилган эди. Манглайига осилган рангли попукчалар эшакнинг кўзларигача тушиб турар, нўхтаси рангдор ипакдан, эгари катта ва мустаҳкам эди. Ихлос билан қайчиланган қуйруғига ҳам иккими-уч қўнғироқ осиғлик эди. Эшак эмас, нақ “Мерседес” дейсиз. Ҳайвон ҳам шошилмай қадам ташлар, қўнғироқчалар эшитилар-эшитилмас жаранглар, чол халачўпи билан уни тезроқ юришга қистар, аммо бу қистовлар эшакни эркалаб силаб-сийпашга ўхшаб кетар эди.

– Ихинг, ихинг, ҳаром қотмагайсиз, ихинг! – дерди чол икки оёғи билан эшакнинг қорнига астагина нуқиб. – Ишга кеч қолаётирмиз, ахир. Тезроқ юринг!

Ҳайрон бўлиб Юсуфбойга тикилдик. У жилмайиб, чап кўзини қисиб қўйди:

– Бу киши Холиш ака, қишлоғимизнинг Афандиси. Ана, қаранг, ҳатто эшагини ҳам сизлайди. Их, демай, ихинг, дейди.

– Ассалому алайкум, Холиш ака!

– Э-ээ-аа! Ва алайкум ассалом! – мулойим овозда жавоб берди чол ва тизгинни астагина тортди. Эшак ҳам шуни кутиб турган эканми, таққа тўхтади. Юрсамми, юрмасамми деб одимлаётган эшакнинг оғзида сувлиқ борлигини кўриб ҳайронлигимиз ошди. Холиш ака эшагининг бўйнини майин-майин силади. Унинг юзидаги ифода жилмайишдан кўра хижолат тортаётганга ўхшаб кетар эди. – Тўхтанг, тўхтанг, энди қистанманг, танишлар йўлиқди, гаплашиб олайик.

– Йўл бўлсин, Холиш ака!

– Ишга, укалар, ишга.

– Бугун ярим отдих-ғў, дам олиш эмасми?

– Ярим отдих, дедингиз, тўғри ука. Ярим кун ишланади, ярим кун отдих этилади. Шундай. Бир кунлари биз ҳам шундай ишлаймиз. Лекин бизларнинг иш жуда масъулиятли. Ҳокимларникига ўхшайди. Уларга ҳам, бизларга ҳам дам олиш йўқ. Улар ҳам бировларнинг кетини тозалайди, бизлар ҳам.

Қаҳрамон Юсуфбойга қараб ияк қоқди: “Не иш этади бу одам?”

– Холиш ака санэпидемстанцияда дизенфектор, – тушунтирди Юсуфбой. Кейин чолга юзланди. – Бугун дам олиш куни деб ётавермабсиз-да, Холиш ака, билмаган киши бўлиб.

– Ёшулли халқи одамни орқайин ётирадими? Ўзлари ҳам дам олмийди, бошқаларга ҳам дам бермайди. Одам деган жонивор бир йилда уч юз олтмиш беш, ойда ўттиз кун, кунда йигирма тўрт соат тинмасдан ишлай олмайди. Ҳеч бўлмаса кунда бир-икки соат белини чўзиб, оёқ-қўлига дам бериши керак, одам деган. Лекин ёшуллиларни бу гаплар қизиқтирмайди. Ишла, дейди. Тамом. Бунга биззи эшак ҳам чидамай турибди. Ина, кўриб турибсизлар ҳолини. Тонг азондан бу жўрамиз билан сиз-бизга бориб ўтирибмиз шу масалада, – Холиш ака қўлидаги халачўп билан эшак ёлига тақилган қўнғироқчаларни бир-бир тинғирлатиб-тинғирлатиб уриб қўйди. – Яхши ҳам шу музика бор. Ҳам юриб, ҳам дам олиб кетаверамиз. Бу киши бошини силкиб-силкиб ҳанграганда-ку дим бошқача музика бўлади! Эшитсангиз ҳаз этасиз.

– Хех-хейй! – кулди Қаҳрамон. – Ҳозирги артистларникидан яхши бўлиши керак.

– Кў-ўп яхши. Шунинг учун бунга бир унвон ҳам олиб берсамми, деб турибман.

– Олиб беринг, олиб беринг. Бизларнинг қишлоқдан ҳам хизмат кўрсатган чиқсин.

– Айтганингиз келсин. Бунинг қўшиғи телевизорга чиқиб юрганларникидан минг марта яхши. Уларнинг қўшиғида на маъно бор, на мазмун. Буникидан ҳеч бўлмаса эшакнинг ҳанграши эканини билса бўлади, – деди Холиш ака. Кейин эшагини туртди. – Ихинг, кетдик. Булар ҳам йўлидан қолмасин.

Паст-пасалдак, ўт кўп берганларидан бўлса керак, қорни коптокка ўхшаб шишган эшак яна юриши кераклигидан норози бўлгандек оғир қўзғалди. Биз ҳам юрдик. Узоқдан дарё бўйидаги тўқай элас-элас кўринди.

– Худога шукр-эй, – деди Қаҳрамон. – Ана, яқинлашиб қолдик.

Дарё бўйига етиб келганимизда қуёш ростакамига қиздира бошлаган эди. Биз сув ёқасинда ўтириш учун ўнғай жой излаб дарё йўналиши бўйлаб пастга қараб кета бошладик. Яхши, сув кўриниб турадиган, соя-салқин жойлар аллақачон бошқа дам олувчилар томонидан эгаллаб олинганди. Бир-икки ўртача, у ёқ-бу ёғини тўғирласа бўладиган жойлар Қаҳрамонга ёқмади:

– Ўтирадиган ерда ясқа ҳам бўлиши керак. Сувга тушганда оёқ уюққа ботмаслиги керак.

– Ёнида кафе ҳам бўлиши керакми? – ҳазиллашдим мен. Чунки дарё ёқасида тўрт ходани тиклаб, манглайига “Кафе Фирдавс”, “Кафе Версаль”, “Кафе Париж” деб ёзиб қўйилган бир неча чертакларнинг ёнидан ўтган эдик.

– Ресторан бўлса яна ҳам яхши, – деди Қаҳрамон жиддийлик билан. Бу унинг, ҳозир ҳазилга тобим йўқ, дегани эди.

Қаҳрамоннинг кайфи қочганича бор эди. Анча йўл босиб ўтирадиган ўнғай жой топа олмай яна орқага қайтдик.

Ниятимиз бояги ўзимиз ўтиришни хоҳламаган жойлардан тузукроғига ўрнашиб олиш эди.

– Бояги қийшиқ тўронғу[69]нинг тейи ёмон эмас эди.

– Туври, – деди Юсуфбой боя унинг гапига қўшилмай шунча оввора бўлганимиз учун истеҳзоли жилмайиб. – Қийшиқ жийданинг тейинда ўтирмасак бўлди.

Юсуфбойнинг кулганича бор эди. Уч-тўртта ўртача, бизга ўхшаб кечикиб келганлар учун анча дуруст бўлган жойларни Қаҳрамон бирин-кетин инкор қилган эди. Аслида у ёшулли бўлгани учун ҳамиша яхши ва аввалдан тайёрланган жойларга борар эди. Шунинг учун дарё бўйидаги сал меҳнат билан бинойидек бўладиган жойлар унга ғалат кўринган эди. Кўзлаган ерга қайтиб келганимизда биз мўлжаллаган жойни ҳам уч-тўрт киши зўр бериб текисламоқда эди. Ҳафсаламиз пир бўлиб, серрайиб туриб қолдик. Энди қаёққа юрамиз?

69 Тўронғу – Хоразм тўқайларида ўсадиган бутасимон дарахт.

– Э-ээ! – шу пайт бир тутам бўёндан супурги ясаб, у билан ер супураётган киши қаддини ростлаб бизга қараб шанғиллади: – Ҳов, Юсуфбой, не иш этиб юрибсизлар бу ёқларда?

Юсуфбойнинг юзига қон югургандай бўлди.

– Ассалому алайкум, Дўсиммат ака! Дам оламиз деб келган эдик.

– Ҳа, жой қолмабми? – Дўсиммат ўрта бўйли, чайир гавдали, чиғириб[70] гапирадиган киши эди. Унинг овозида ўзларининг ҳам қийинли-қистовли жой топганлиги ва бундан вақти хуш эканлиги кўриниб турар эди. – Бундай ерларга чиққанда эртароқ қўзғалиш керак. Бўлмаса яхши жой қолмийди.

Юсуфбой айбдормиз, дегандай эгнини қисди. Биз томонга боқиб қўйди.

– Дўсиммат, гап айтишга имкони топилиб қолди, а? – деди зўр бериб тупроқ кураётган калта, ғўдалоқ, сариёғиз Эшонбой ака. Унинг пешонасига реза-реза тер қалққан эди. – Гапни қўй. Ўзинг ҳам ҳозир келиб, шу ерга зўрға илашиб қолдинг-ғў.

– Сен тупроғингни кавла, – деди Дўсиммат ака унга. – Мен ишимни қутардим[71].

– Не гап? Не уриш? Не учун ўртада шаҳидлар йўқ? – деди кулимсираб булардан кўра ёшроқ, аммо ниҳоятда оғир-босиқ, мулоҳазали эканлиги кўриниб турган Аматжон ҳожи. У бир қўлтиқ ўтин кўтариб олган эди. – Мана ўтин. Менам ишимни бажардим.

– Ҳожи бува, мановини кўринг, – деди қўлидаги белкурагини ерга қадаб, панжаларини дастага қўяр экан Эшонбой ака. – Сизга раҳмат Аматжон, мен ҳожи бобоман, деб қараб ўтирганингиз йўқ. Иш деган шундай бўлади. Бу бўлса ишламай, ўтган-кетганга ақл ўргатади.

Аматжон жилмайди.

– Ақл ўргатиш ёмон иш эмас-ғў. Фақат терс ақл бўлмаса бўлди.

– Мунинг ўзининг туриши шу бўлгандан кейин ўргатган ақли не бўлар эди? – Эшонбой оға яна ишга киришди. – Энаси муни шундий этиб тувган. Дуч келганга ақл ўргатаверади тоза чиққан муллага ўхшаб.

– Мундайларга ақл деган нарса керак эмас, Аматжон, – деди Дўсиммат ака Эшонбой оғани кўрсатиб. – Бунга қарасанг азондан кечгача кураниб ётаверсанг.

– Бу масалани чой устида ҳал этамиз, – деди Аматжон биз томонга қараб. – Бу не, ўтиришга жой қолмабмо? Келинглар, ина бу ерни сал уллайтирсак[72] яна беш-олти одам сиғади ҳали.

Қаҳрамонга қарадик. У бироз ўйланиб турди-да, кейин кўрсатилган ерга қараб юрди. Дўсиммат ака билан Эшонбой ака дарров ташаббусни қўллаб-қувватлаб, супани каттайтириш чоралари кўра бошладилар.

– Келинг, келаверинглар. Жой тор бўлса ҳам кўнглимиз кенг.

– Ина, ахир! – яна жиғи-бийрони чиқди Эшонбой аканинг. – Яна гаплийди бу.

– Бой-бўйй! – чийиллади Дўсиммат ака. – Тилимга қулф солиб қўяғайинг!

Аматжон буларнинг даҳанаки жангларига аралашмай, мийиғида кулганича машинасидан дастурхон бошига майда-чуйдаларни ташир эди. Дўсиммат ака билан Эшонбой акалар ҳазиллашиб, бир-бирини тинмай гап билан юмдалар эдилар. Биз ҳам ишга киришдик. Оёқ остида сочилиб ётган чўп-чорни териб, бир ерга уйдик, полос тўшаладиган ерларни шиббалаб текисладик. Бир чой қайнагудек вақтда жой ҳам тайёр бўлди. Ҳар ким олиб келганини ўртага тўка бошлади. Ўртачароқ тўйнинг дастурхони бўлди.

– Ана! – деди Аматжон кулимсираб. – Қани, Дўсиммат ака, бояги гап не ерда тўхтаган эди? – Чамаси ҳожи бу икки жўранинг даҳанаки жангларидан завқ олар эди. – Гап кимда қолди?

---

70 Чиғириб – чираниб, зўр бериб.

71 Қутармоқ – тамом этмоқ.

72 Уллайтирмоқ – кенгайтирмоқ.

– Мана бу, – деди Эшонбой ака Дўсиммат акага ишора этиб. – Иш билмийди, пақат гап сотади.

– Бай, баййй! – деди Дўсиммат ака Эшонбой акага ҳезланиб. Зўриққанидан унинг бўйин томирлари шишиб чиқди. – Эшонбой ака, сен ўзинг иш биласама?! Умрингда отиз[73]инга бир бел, бир кетмон урганмисан?

– Ҳамманинг ҳам бел кўтариб ураверишиши шарт эмас, – деди Эшонбой ака одатдагидай босиқ, мулоҳазакор оҳангда. – Ҳар кимнинг манглайига ёзгани бор. Ким кетмон уради, ким чўт қоқади.

– Ким ақл ўргатади, тувримо? Ҳо-ҳо-ҳо!!!

Улар яна баҳслаша бошлашди. Ҳожи уларга гап қўшмас, фақат икки жўжахўрознинг ҳурпайишиб бир-бирига чундук[74] уришларидан завқланган хуморвоздай содда ва самимий бир қувлик билан жилмайиб ўтирар эди. Иккаловлари бир овқат пишадиган вақтгача баҳслашсалар ҳам, ким ғолибу ким мағлублигини аниқлай олмадилар. Қизиққон ва тиришқоқ Дўсиммат аканинг томоқлари қирилиб, хириллаб қолди. Шунинг учун баҳсни биринчи бўлиб у тўхтатди. Эшонбой ака эса осойишта эди. У баҳслашаяптими ёки овоз чиқариб фикрлаяптими билиб бўлмасди. У паст овозда, қизишмасдан, ҳар бир сўзини аниқ-тиниқ қилиб, бир маромда, бир зайл гапирарди. Унинг кайфияти баҳс бошланмасдан аввал қандай бўлса ҳозир ҳам шундай эди. У Дўсиммат аканинг баҳсни тўхтатганидан хурсанд ҳам бўлмади, хафа ҳам. Эшонбой ака масаллиқларни кўтарди-да, қозон бошига юрди ва жўраси томон қайрилиб қўшиб қўйди:

– Юр!

– Буларни элаштирманг, – деди Аматжон. – Бир-бирлари билан шундий гаплашадилар.

Овқат сузиб ўртага тортилди. Карам шўрванинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди атрофни тутди. Кейин қаттиқ қовурдоқ келди.

– Ҳар ким истаганидан ейверади. Мен шўрва ичаман, – деди Дўсиммат ака.

Эшонбой ака салат тайёрлай бошлади.

– Бурч тўғрайверайми?

Ҳамма бир-бирига қаради. Ҳеч ким эътироз билдирмади. У аввал пиёзни жуда майдалаб қиймалади. Кейин устига майда туз сепиб ғимжиди. Сўнг туз билан ишлов берилган пиёз уюми устига помидор тўғрай бошлади. У бу ерга фақат шу иш учун келгандай камоли ихлос ва диққат билан ишлар эди.

– Бу ишни боплар экансиз, – деди Қаҳрамон. – Дим чиройли бўлаётир.

– Бу ишнинг пири асли Холмат ака. Ана унинг салатини есанг девзирадан бўлган паловни ҳам емайсан.

– Айтқондай, Холмат ака не ерга кетди, дедингизлар? – овозида бироз ташвиш билан сўради ҳожи. – Касал эди, яхши бўлибмо?

– Яна шу... Аёлнинг изидан Тошкентга кетибди.

– Ҳижрати умму Қайс экан-да, – деди энди юзидан бояги ташвиши ариган Аматжон ҳожи.

– У не деганингиз, Аматжон? – сўради Эшонбой ака.

– Бу пайғамбаримизнинг ҳижратидан бошқа бир ҳижрат, – деди Аматжон жилмайиб. – Лекин бу воқеа ҳам пайғамбаримиз, салоллоҳу алайҳи вассалам, вақтларида бўлган. Холмат аканинг ишлари шунга тўғри келиб турибди.

– ?!

– Пайғамбаримиз, салоллоҳу алайҳи вассалам Мадинага ҳижрат қилган вақтларинда, Маккада бир тул хотин бўлган экан. Ёш экан, хушрўй экан. Шу хотинга бир эркак ошиқ бўлиб, унга оғиз солибди. У хотин, мен имон келтирган бир муслима

73 Отиз – томорқа.

74 Чундук – тумшуқ.

аёлман, сен мусулмон эмассан, мен сенга хотин бўлолмайман, деб жавоб берибди. У киши кейинроқ келиб, “Эй умму Қайс, мен ҳам имон келтирсам, менга хотин бўласанми?” деб сўрабди. Шунда хотин, “Мен пайғамбаримиз, салоллоҳу алайҳи вассаламнинг ёнларига, Мадина ас-саломга кетмоқчиман, агар сен ҳам мусулмон бўлиб, мен билан кетсанг, сенга хотин бўлишга розиман”, дебди. Шунда бояги киши имон келтириб, мусулмон бўлибди ва шу хотиннинг ишқинда Мадинага ҳижрат этибди. Хотин имон йўлинда ҳижрат этган бўлса, бу киши шу хотиннинг ишқинда ҳижрат этган экан. Шунинг учун бу воқеа шу вақтларда ҳижрати умму Қайс номи билан машҳур бўлган экан.

– Барибир имон келтириб, барибир ҳижрат этиб, ҳақиқий мусулмон бўлибди-да, хотин сабабми, бошқами, – ўзича хулоса қилди Дўсиммат ака ўтирганларга бир-бир назар солиб.

– Бунинг бир нозик томони бор, – деди ҳожи. – Хоразмда ниятинг йўлдошинг бўлсин, деган гап бор, биласизлар. Бу матал ина шу воқеага юз поиз туври келади.

– У не деганингиз? – сўради Эшонбой ака.

– Ҳар қандай амалнинг ажру савоби унинг нияти билан ўлчанади. Бу хотин имон йўлида, эркак эса бу хотиннинг ишқинда ҳижрат этган. Оллотаолонинг олдинда бу иккисига шу ниятларига яраша ажру савоб тегади.

– Холмат акага айтиш керак экан буни, – деди Дўсиммат ака. – Буни билиб қўйса, ҳар қалай, терс эмас.

– Холмат аканики нотўғри-ов, – деди Эшонбой ака. – Қариган вақтинда... Яна Худой билади.

– Шу хотинни яхши кўриб қопти-да, – деди Дўсиммат ака Холмат акани оқлаб. – Юрак деган ёшман, қариман, демас экан.

– Пойй, сенам гаплийсан-да, – ажинаси отланди Эшонбой аканинг. – Холмат аканинг оппоқ сочларини, қаддини букиб юришларини кўз олдингга келтир. Шу ёшда муҳаббати не? Шу хотинга чувалашиб кетди, де-да, қўй!

– Лекин, Эшонбой ака, тан ол, Холмат ака мард одам. Қариганда чошган[75] бўлса бу ҳам бир Худонинг синовидир. Бир кун йўлини топиб кетар.

– Энди қачон топади? Ўзига бир гап айтиш ноқулай бўлса, ёши катта одам. Холмат ака сен билан яқинроқ, сен айтсанг бўлмасми эди, қўйинг бу гапларни, Холмат ака, деб.

– Мен Холмат акага бир нарса деб билмайман. Ишлаган вақтлари хизматинда эдик. Энди ишдан бўшаганидан кейин гап айтамизми? Туври келмийди бу. Лекин, худойлиғини айтганда ўзи бир сўзли, мард одам. Ишлаганда ҳам шундий бўлиб ишлади. Ҳеч кимдан қўрқмади. Область прокурорига ҳам тикка бораверар эди. Бир нарса илтимос этсанг, бу не экан, ортида не гап бор эка-ан, деб ўтирмас эди. Шартта ишингни битказарди. Бир куни ёнимга қудам Марим оға келди. Аматжон, сиз биласиз бу воқеани.

– Биламан, – ҳожи маъноли нимтабассум билан бош силкиди. Ўша вақтлари Марим оға катта корхонада директор, у унинг қўлида бош инженер бўлиб ишлаган эди.

– Биламан. Шу гапнинг недан бошланганини ҳам биламан.

– Ҳовва, шу куни Марим оға бизникига келиб, қуда бува, шундай, шундай, органлар келиб идоранинг ҳамма ерини печатлаб ташладилар. Холмат акангдан илтимос қилиб, бу ишни тўғирламасанг бўлмайди, деди. Мен, тувриси, қудамдан, не гап ўзи, бу гапнинг боши не, охири не, деб ҳам суриштириб ўтирмадим. Биласизлар, Марим оға бир қизиқ одам. Бир ортиқча савол берсанг, ўпкалаб кетиб ҳам қолаверади.

– Туври, қизиқ одам, – деди Аматжон. – Лекин характери немисдай. Тартиб-интизомни яхши кўрар эди. Коллективни ҳам қаттиқ тутар эди. Ҳеч кимни аямасди. Бир гап учун ўзининг ўғлини ҳам ишдан бўшатиб юборган. Энди оғайни-туққанлари,

75 Чошган – айниган, адашган.

жўраларининг неча-неча болаларини ишдан ҳайдаб юборганини айтмаса ҳам бўлади. Салгина хато, салгина камчиликни ҳам кечирмас, кимдир ишни буздими, бўшасин, дерди. Ўз ишни яхши билар, ҳаммадан ҳам шуни талаб қиларди. Лекин бир хатоси бор эди. Қоғозга қаттиқ ишонарди. Қоғозда нечик ёзилган бўлса ҳаёт шундай, деб ўйларди. Анув, "Ўткан кунлар"да ҳожи бобо айтганидай, "Ҳамма нарсага етган ақли шу масалага келганда бироз оқсийтурғон" эди. Шунинг учун қоғозда бор нарсани маҳкам тутарди. Кейин замон ўзгарди. Лекин Марим оға ўзгармади. Неча йил директор бўлса бир хил характерида қолди. Аввал ҳам, кейин ҳам, шу характери унга кўп панд берди, лекин шунда ҳам ўзгармади. Ҳозир пенсияда. Феъли ҳалиям шу – аввалгидай.

– Ҳовва, – деди Дўсиммат ака ҳожининг гапларидан бироз энсаси тиришса ҳам буни билдирмасликка интилиб, – ўзгармаган. Ҳўкки[76]ни гўр узатади[77], деган гап бор. Туври шу. Неча марта, не-не ишлари чувалашганда, ўртага тушиб тўғрилаб берганман. Лекин бир марта ҳам раҳмат деган эмас. Энг қизиғи, хатони мен этган эдим, мендан ўтган ҳам демайди. Гаплашсангиз мен туври этдим, улар янглишган, деб тураверади.

– У киши ҳеч қачон мен хато этдим, деб ўйламийди, – деди Аматжон. – Чунки ўзининг принципларидан ҳеч қачон четга чиқмаган.

– Ҳай, кечирасизлар, қудам бўлса ҳам айтаман, – Дўсиммат ака ўрнидан туриб, тикланиб ўтирди. Ичидан алланарса қайнаб келдими, чиғилган овози аввалгидан ҳам бир бахя кўтарилди. – Шундий одам, замон ўзгарганини билмаган, кўриб турган нарсаларига баҳо беролмаган одам, шунча йил улли бир заводга нечик раҳбар бўлиб турди, шуни билмийман.

– Аслида директорники тўғри, Дўсиммат ака, – деди ҳожи салмоқ билан. – Маримбой оға шамол "ширр" этса юраги "пирр" этадиган раҳбарлардан эмас. Панд еди, йиқилди, турди, бурни қонади, қўли синди, лекин принципини ўзгартирмади. Қонун билан яшаб, қонун билан ўтди шу одам. Бизларни ҳам кўп тарбиялади. Неча-неча одамлар шу ердан улли-улли ишларга ўтиб кетдилар.

– Ҳовва-ҳовва, – гапга қўшилди Эшонбой ака. – Мен у вақтларда солиқда ишлардим. Ҳамма нарса расамади[78] билан бўларди. Солиқчилар ҳам бировнинг ишига бурнини тиқа бермас, Марим оғадай раҳбарларнинг обрўси баланд эди.

– Айй, – деди Дўсиммат ака. – Замон ўзгарганидан кейин одам ҳам ўзгариши керак-да. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган гап бор. Ҳозир "Олдим ғўз, бердим ғўз"[79], деган давр. Қудам шуни ҳозиргача ҳам тушунмаган. Бунга не дейсизлар?

– Мундай одамлари принципиал, дейди, – кулди Аматжон. – Ўзлари риоя этадиган қоидаларга маҳкам бўладилар. Улар, қонунни мен бузмасам, не учун бошқалар бузади, мен таъмагирлик этмасам, не учун бошқалар таъмагирлик этади, деб ўйлайдилар. Бир ёқдан қарасанг, бу тўғри ҳам.

– Туври. Марим оға шундий ўйлийди, – деди Эшонбой ака. – Қоидаси шундий.

– Шунинг учун уни немис дер эдилар, – деди Аматжон. – Лекин ҳамма ерда ҳам унинг қоидалари юрмайди. Директор шуни тушунмас ё тушунишни истамасди. Замон эса на Маримбой оғанинг ва на сизу бизнинг қоидаларимизга қараб ўтирмийди. Идора улли эди, объём катта, замон ўзгариб кетган, планни аввалгидай бажариб юриш учун энди қонунга тўғри келмайдиган у-бу ишларни ҳам этишга тўғри келарди. Ўғирлик ҳам, тўғирлик ҳам аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Буни ҳам

76 Ҳўкки – букри.

77 Узатмоқ – тузатмоқ.

78 Расамади – ўлчови, тартиби.

79 "Олдим ғўз, бердим ғўз" , деган замон. Бу ерда ҳамма нарса олди-бердига қурилган дейилмоқчи.

директор билмас эдими, ё бошқами, айтолмийман. Ҳойнаҳой биларди. Лекин ўзини билмагандек тутарди. Чувалашиқ ишларни ёқтирмас, энсаси қотарди. Шунинг учун ҳеч нарсани тан олмай юраверарди. Кимнинг қўлига не илса, қўпориб оламан, дейди. Бизлар – замлар, бош инженер ёшмиз. Замонга қараб иш тутиб кетаверардик. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Солиқда бир акамиз бўларди. Сиз биласиз уни, Омон ака. Дим яхши одам эди. Не десак йўқни айтмасди. Шу йилларда шу идорадаги бир аперис бизнинг қанча юз миллион пулимизни йўқотиб юборибди. Дод, деймиз, вой-дод деймиз, лекин фойдаси йўқ. У аперис қочиб кетган. У вақтларда бундайлар дим кўп эди. Ким банкни еб қочган, ким кредитни, ким мана бундай бир идоранинг пулини. Ишқилиб, ана шу акадан илтимос қилдик. У қилди, бу қилди, пулни топиб қайтарди идорага. Ишонаверинг, топиб қайтариб берди. Қувонишиб директорнинг ёнига югурибмиз. Пулни қайтардик, фалон-фалон қилдик. Фалончи ака фалондай, фалондай хизмат қилди. У киши дим қийналиб кетди, лекин пулни қайтарди, энди бир телефон этиб, раҳмат айтиб қўйсангиз, дим ўринли бўлар эди, дедик. У киши, ўзи солиқнинг хатоси эди, қайтариб берган бўлсалар ўзларининг хатосини тузатибдилар, бунинг учун мен нега уларга раҳмат айтишим керак, аксинча, мен тўполон қилмаганим учун менга раҳмат айтсинлар, дейди. Ол, энди ўлсанг ўлавер. Бизлар-ғў-ўў, Марим оғанинг ёнина борғонда буларга бир хизмат қилиш керак, деб айтажак эдик. Аҳволни кўриб писсайиб[80] қолдик. Уяла-уяла солиқдаги акага аҳволни тушунтирсак, ҳай, зарари йўқ, бировники бировда қолиб кетмас, деди. Уятимиз ўзимизда, қолавердик. Бир куни шу акамиз телефон этиб, хизмат машинасига йигирма литр бензин сўради. Биласизлар, у вақтларда бу масала ҳам чатоқ бўларди. Қувониб кетибмиз. Шофёрингизни юборинг, дедик. Бизларда у вақтда кунига тонналаб бензин расход бўлиб ётибди. Йигирма литр дегани денгиздан бир томчи ҳам эмасди-да! Хуллас, солиқнинг мошини келиб, дарбозадан энди ичкарига кирган экан, бир ёқлардан, ёшулли келиб қолибди. Қоровулдан бу не мошин, деб сўрабди. Қоровул, солиқнинг мошини, деб жавоб берибди. Солиқнинг мошини бўлса идоранинг ичинда не иш этиб юрибди, дебди. Қоровул, киргиз дедилар, киргиздим, деб қутулибди. Марим оға мошиннинг шофёрини ёнига чақириб, бу ерда не иш этиб юрибсан, деб сўрабди. У бечора, бензинга келдим, деб тўғрисини айтибди. Директор, бу ер не сенга заправками, жўна, бу ердан, менинг солиқдан қарзим ҳам, қўрқадиган ерим ҳам йўқ, деб қувиб юборибди. Бу ҳам етмагандай, ҳайдовчининг кетига бир тепибди ҳам. Шофёр бир оғиз гап айтмай, чиқибди-кетибди. Бир вақт менинг қараб турганимни кўриб, солиқдан қарзимиз борми, деб сўради. Мен, йўқ, дедим. Бўлмаса не учун буларга хизмат қилишимиз керак, деди. Мен, энди бир илтимос этиб қолағайган эдилар, дейишимга тўғри келди. Буни бизга миллионлар қайтариб берган фалончи илтимос қилган эди-и, деб айтиб ҳам ўтирмадим. Директор бензин керак бўлса эналаридан сўрасинлар, бу ер уларга энасининг мулки эмас, деди-да, идорага кириб кетди.

– Бой-бўйй! – деди Эшонбой ака. – Ёшулли деган бирни кўрса бирни кўрмагандай бўлиб кетавериши керак. Дим тор экан-ов Марим оға.

– Шуни айтаман-да ғирт калласи ишламайди, деб, – деди Дўсиммат ака қизишиб. – Шу йигирма литр бензиннинг балосидан ёнимга келган эди-да, илтимос, кўмак бер, деб. Шу вақтда йигирма литрдан бензинни кўрмай турганида...

– Директор, ҳамма ишимиз туври, бизни ҳеч ким ҳеч нарса этолмийди, деб ўйлар эди, – деди Аматжон. – Энг ёмони бояги бензинга келган шофёр эмас, саноат корхоналарни назарот этиш бўлимига яқинда бошлиқ бўлган бола экан. Ёш юрак бола. Қисқаси эртангиси азон билан солиқчилар ҳаммаёқни печатлаб кетдилар. Бояги акага телефон этамиз – олмийди. Охири ёнига борсам, шу ёшуллингиз одам эмас-ов, деди. Бензинга борган тоза бўлим бошлиғи ҳамма гапни бошлиққа айтибди. У ҳам, яхши бир текшириб кўринглар қани, дебди. Хуллас, акамиз бу

80 Писсаймоқ – дами чиқмоқ.

гапга аралашмади. Иш бўлса дим уллайиб кетиб бошлади. Чуқалаб-чуқалаб[81], оз-оздан кўп нарса йиғналди. Ёшулли бўлса, бизда гап йўқ, истаганини этсинлар, деб юраверди. Иш прокуратурага ўтди. Шундагина директор иш чаппасига кетганини билиб қолди. Шунда сизнинг ёнингизга борган.

– Ҳовва-а, ана-аа, – деди Дўсиммат ака. – Ёнимга келди. Мен Холмат акамнинг ёнига бордим. Шундий-шундий, деб воқеани тушунтирдим. Холмат акам, тувриси, "Қуданг ярамас одам, аралашма", деди. "Мен, бошқа гапни қўйсангиз-а, Холмат ака, масалани ҳал этинг, илтимос", дедим. Холмат акам, "Яхши, сен учун этаман, лекин қуданг шу хизматингни ҳам билмийди", деди. "Мен, билиши шарт эмас", деб жавоб бердим. Хуллас, Холмат акам бояги ишни олиб бораётган прокурорни ёнига чақирди-да, фалон ишнинг ҳужжатларини бу ёққа олиб кел, деди. Кейин ҳужжатларни олди-да, ўзининг сейфига солиб қўйди. Бояги йигитга, бориб ҳамма ерини очиб беринглар, бизлар шу ерда кутиб ўтирамиз, деди. Бир чой қайнаридан сал кўпроқ вақт ўтганида бояги бола, ҳамма ерларини очиб бердик, деб телефон қилди. Мен, раҳмат, деб Холмат акамнинг ёнидан чиқиб қудамга, бўлди, ҳамма ишингиз битди, дедим. Тувриси, қўлимга бир нарса бериб, ма, шуни Холмат аканга олиб бориб раҳмат айтиб қўй, дейишини кутдим. У бўлса менга, инди билдим, дейди. Новвини, десам, прокурор сенинг жўранг, мени ўзингдан миннатдор этиш учун у билан шу ишни ўйлаб топгансизлар, дейди! Бл-яяя! Манглайима "шап!" эттириб урдим. Ина, шундий гаплар, ҳожи бува. Директорингиз Холмат акамга чой бериш ўрнига бу ишни ўзларингиз уюштиргансизлар, деб ўтирибди! Инди шундан кейин ҳам бу одамми?! Мен қисиниб кетиб, воқеани Холмат акамга айтдим. Холмат акам, айтмадимми сенга, деди. Лекин Холмат акам молодес одам. Бу гапни кейин бир марта ҳам ёдига олмади, юзимга ҳам солмади. Агар бу ишни пулга чаққанда камида бир мошиннинг пули эди. Худойлиги, агар. Холмат ака бўлса, бу гапга эътибор ҳам бермади. Шунинг учун айтаман-да, Холмат ака мард одам, деб. Энди бироз калласи айланиб юрган бўлса не иш этсин, манглайига шу ҳам ёзилгандир-да!

– Холмат ака мард одам, туври, – деди Аматжон. – Лекин Марим оғани ҳам Худо шундий этиб яратқон-да. Мана, энди пенсияда юрибди. У гапларни ёдига ҳам олмаса керак. Ҳозир келса гурунглашармиз.

– Ҳовва-а, – деди Дўсиммат ака юзини четга буриб, қандайдир бир руҳсиз оҳангда. Ҳожи бобога эътироз билдиришдан ўзини зўрға тийиб турганлиги кўриниб турарди. – Лекин Марим оғанинг мияси шу аввалги замонда қотиб қолган. Ҳозир ҳам шу гапларни ёдига солсангиз, мен янглишмаган эдим, дейди. Ишонаверинг. Яна қонун, тартиб, инсоф-диёнат, адолат, ҳақиқат ҳақида гап сотиб бошлайди. Ёниб кетасан! Бир одамдан ҳақиқат борми, деб сўрасалар, ҳақиқатнинг не ерда эканлигини ўзинг билмайсанми, деган экан.

Гурунг шу ерга етганда дарёнинг юқорисидан биз томонга уч-тўрт киши шовқин-сурон билан чопиб кела бошлашди.

– Ана, ана!

– Тез бўл!

– Тут, ту-утт! Тутсанг-ааа!

Югургилаётганларнинг икки кўзи дарёда, қўллари билан алланарсани кўрсатишар, бир-бирини қисташар, майка-турсичанг икки ўспирин йўлларида дуч келган тикан, жангал, қилдир[82] кўполарига эътибор бермай, сакраб ўтишар, ўрта ёшларидаги семизаккина киши ҳам долтонглаганича қатъият билан чопар, дуч келган чўп-чор, чот, балчиқларни қоқ ўртасидан ёриб ўтар, ҳовлиқар, жони оғриб оҳ-воҳлар, лекин чопишдан тўхтай демасди.

– Воҳ-воҳ, воҳ!

81 Чуқаламоқ – кавламоқ.

82 Тикан, жангал, қилдир – ёввойи ўсимликлар.

– Вуҳ-вуҳ-вуҳ!

– Вой-ей, энангни!

Дод-войлари ўзларига нашъа қилар, бир-бирларининг чийиллашларидан завқланишар, ҳо-ҳолаб кулишар эди.

– Хабардор бўл, иштонинг қолиб кетмасин!

– Кўзингга қара! Оёққа чўкир-пўкир[83] кирмасин!

– Агар ким тутса яримини олади! – бот-бот такрорларди торвонглаганича чопаётган ҳалиги киши ҳарсиллаб. У зўрға нафас олар, чопиш унга жуда оғирлик қилаётган эди. Аммо тўхтамас, шу ҳолига олдинда чопаётган ўспиринларга йўл-йўриқ ҳам кўрсатар эди.

– Ҳай, ҳай, айланма! Тўғридан бос, тўғридан!

– Сувдан қўрқма, қўрқма сувдан! Ташла, ўзингни!

Қувғинчилар бизларнинг тўғримизга келганда ҳаммамиз ўрнимиздан турдик.

– Не гап?!

– Омонликми?

– Бир нарса тушиб кетдими?

Уларнинг икки кўзи дарёда, бизларнинг савол-сўроқларимизга жавоб бергудай эмас эди. Дўсиммат ака ўйлаб ўтирмай дарё бўйига қараб чопти. Биз ҳам шу ёққа интилган эдик Аматжон жойига қайта ўтираётиб, бизга бир қараб қўйганди, биз ҳам ўтирдик.

– Ҳозир Дўсиммат ака ҳаммасини аниқлаб келади, – деди ҳожи.

– Кўрмаганларини ҳам қўшиб айтиб беради, – гап қотди Эшонбой ака.

Ҳожи кулди:

– Жўрангизнинг характерини дим яхши биласиз-ов.

– Шаппатдийлигимиздан биргамиз.

Эшонбой ака билан Аматжон ҳожи кулишди. Дўсиммат ака қайтиб келди.

– Ҳанг, – сўради Аматжон ҳожи жиддий. Юзидаги бояги жилмайишдан асар ҳам қолмади. – Не гап экан?

– Қўшмай айт, лекин, – деди Эшонбой ака ҳам ўта жиддий оҳангда.

Дўсиммат ака Эшонбой аканинг гапига эътибор бермади. Аматжон ҳожига юзланди:

– Балиқ. Қармоқни олиб қочибди. Қармоқдаста сувда қалқидай бўлиб чўмиб-чиқиб бораётир.

– Улли (катта) балиқдир-да!

– Кичкина бўлса дастани суғириб қочолмайди, – деди Дўсиммат ака қатъий қилиб. У балиқчи эди. – Дарёга жонлироқ қармоқ олиб келиш керак-да.

Шу пайт дарё томондан қаттиқ чўмбирди[84] эшитилди. Кимдир ўзини сувга ташлаганди. Ҳаммамиз беихтиёр шу ёққа ўгирилиб қарадик. Оғир-босиқ Аматжон ҳам.

– Кесиб чиқ, кесиб! – дарёнинг қайрилиш жойидаги бир тепаликка чиқиб олган семизак киши ўзларини сувга отган икки ўспиринга кўрсатма берарди. – Кесиб чиқ, дедим сенга! Кесиб чиқ! Ҳай, каллангга! Қайсинг жонли бўлсанг балиқнинг ярмини оласан! Аввал ҳам сувга тушганмисан?! Жонли суз, жонли! Азонда нон едингми?! Бўлсанг-а, ҳозир ўртага кетиб қолса ҳеч нарса этолмайсан!

– Балиқ улли бўлса сувдан чиқариб билармикан уни? – сўради ҳожи жиддий ташвишланиб.

---

83 Чўкир-пўкир – қуриган қаттиқ ўтларнинг, бўён, қамиш каби 10-15 см. келадиган кўткаси (пояси).

84 Чўмбирди – одам сувга калла урганда чиқадиган шовқин.

– Оёқ қаттиққа тегса олиб чиқиш мумкин, бўлмаса тортиб кетади, – деди Дўсиммат ака билимдонлик билан. – Тирсакдай баликда ҳам сувда бир ўкизнинг кучи бўлади.

– Дўсиммат сен баликчисан, кўмакка борсанг бўлар эди, – кесатди Эшонбой ака. – Фақат ўтириб ақл берасан.

– Бу ерларини билмийман, – деди дарёга бир қараб қўйиб Дўсиммат ака. – Дарёнинг билмаган ерига тушиш хавфли.

– Анави шаппатдай болалар бир минут ҳам ўйланмай калла урдилар-ғў. Сен, хавфли, дейсан.

– Улар шу ернинг болалари. Дарёни билганларидан кейин шу ерда тушдилар. Орирокда тушмадилар.

– Сени ич оғриғи енгмаса, бошқа нарса енголмайди, – деди Эшонбой ака. – Шайтонга ҳам гап топиб берасан.

– Тўғри гап айтсанг, тувғанингга ёқмайсан, – деди Дўсиммат ака ва қувғинчиларни диққат билан кузата бошлади.

Бир вақт узокдан қўлида қармоқ хода, ипида бир қаричнинг нари бериси бўлган балиқни саланглатган бояги семизак киши кўринди. Изида ўзларини дарёга отган болалар. Улар оёқларига кирган тикану жангалларнинг заҳми-ю оғриғидан ликонглай-ликонглай қайтардилар.

– Ҳов?! – деди ажабланиб Аматжон ҳожи. – Дўсиммат ака, балиқ улли, деган эдингиз.

– Бунинг ўзи шундий, – деди Эшонбой ака кесатишга баҳона топилганидан қувонганини яширмай. – Мунинг гапларига кўпам ишонавермаслик керак. Қўшиб гапламаса ўлади.

– Бай-байй! – асабийлашди Дўсиммат ака гапи тасдиқланмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб. – Тилимга қулф осиб қўяғойинг.

– Не гап, не гап?

Икки дўстнинг баҳсига қизиқиб ётганимиздан ёнимизда пайдо бўлган кишиларни сезмай қолибмиз. Бири узун бўйли, кўзойнак таққан, қандайдир тугунчак кўтариб олганди. Иккинчиси ўрта бўйли, қадди бироз эгилган, босиб кийган шапкаси остидан оқ аралаш сочлари паришон тўзғиган киши эди. Булар дўстлар кутаётган Марим оға ва домла эдилар.

– Дўсиммат ака, яна сизга азоб бераётирми булар? – деди баланд овозда домла.

– Ҳеч ким, ҳеч кимга азоб бериб ўтиргани йўқ, – кулди Аматжон ҳожи йигитлардай чаққон ўрнидан турар экан. – Шу ҳамишаги Эшонбой ака билан Дўсиммат аканинг тиралишмаси.

– Келинглар, Марим оға! – деди Аматжон ҳожи энди ўрта бўйли кишига юзланиб.

– Омон-сов келдингизми, қуда бува? Жонлимисизлар? – деди Дўсиммат оға ҳам. – Қисинмадингизларми йўлда?

Ҳаммамиз келганларнинг ҳурматига ўрнимиздан турдик.

– Ассалому алайкум!

– Ассалому алайкум!

– Э-ээ, Дўсиммат ака, сиз ҳеч қачон бўш келманг. Қийналиб қолсангиз мана биз бор, – деди домла дастурхон бошига ўрнашар экан.

Марим оға ҳурмати учун дуввa кўтарилган кишиларга ҳам, ҳазил-ҳузулларга ҳам эътибор бермади. Юзи ҳиссиз эди. “Бу кишининг катта раҳбар бўлиб ишлагани билиниб турибди”, деган фикр ўтди хаёлдан. Собиқ директор тик турганларга бир кур кўз ташлади-да, аввал ўзи ўтириб, кейин бошқаларга боши билан билинар-билинмас ишора қилди: “Ўтиринглар”.

– Қудағай момой, оқтиқлар, келинлар, куёвлар ҳаммаси сов-саломатма? – сўрашди Дўсиммат ака қудаси билан.

Марим оға арзон папиросни босиб-босиб тортди, кейин узун пуфлаб тутун чиқарди-да, яна бошини билинар-билинмас тебратиб қўйди, “ҳаммаси яхши”,

дегандай. Яна гурунг бошланиб кетди. Домла кўзлари ёниб, қизишиб суҳбатга қўшилди. Унинг эҳтиросли овчи, эҳтиросли балиқчи эканлиги кўриниб турарди. Марим оға эса ҳамон ўзини ўта сипо тутар, гап-сўзларга аралашмас, гоҳида биргина калом, биргина луқма билан ўзининг борлигини эслатиб қўярди.

– Дим вақтида келдингиз-да, домла! – деди янада жонланиб Дўсиммат ака. – Шу ўзингиз билган Эшонбой ака, тош десам сув дейди, сув десам тош.

– Ие, ие, навчун ундай экан?! – домла буларнинг баҳсини келган еридан давом эттириш ниятида ҳатто ўрнашиброқ ҳам ўтирди.

– Домла, қаранг, – деди бунга жавобан Эшонбой ака одатича босиқлик билан. – Ина, сизам овчисиз. Лекин бир марта ҳам ошириқ, ўтирик гаплаганингизни кўрмадик.

Бу гап домлага ёқиб тушди. Кенг-мўл илжайиб атрофга қараб қўйди: "Нечикман?"

Эшонбой ака давом этди:

– Дўсиммат бўлса бирга ўнни қўшмаса егани ичига тушмийди. Ҳозир ҳам, анави балиқни бир қулоч, деган эди, ана, бир қарич ҳам чиқмади.

– Ким бир қулоч деди? Ким?! Кейин, мен не дарёга тушиб балиқни ўлчаб чиққан эдимми?

Домла ёнимиздан балиғини кўтариб ўтаётганлардан сўради:

– Не ердан тутдингизлар-эй, бу балиқни?

Қувғинчилар ўлжани бўлашолмай оввора эди. Шунинг учун домланинг гапига эътибор бермадилар. Болалардан бири семизак кишининг қармоғидан тортса, иккинчиси олдини тўсиб чиқишга ҳаракат қиларди.

– Қани, қани бояги айтганингиз?! Ярми сизларники, деган эдингиз-ғў!

– Жиллимисизлар-эй, – жаҳл билан қўл силтади семизак. – Шу балиқнинг несини бўлашамиз?!

– Бўлмаса бизларнинг ҳақимизни беринг.

– У не ҳақ? Биров сизларга фалон нарса бераман, деган эдими? Ўзларингиз қармоқнинг кетганини кўргандан дарров изидан ит қувган пишиқдий югуришиб кетдингизлар. Ким сизларга югур, деди.

– Кейин ўзингиз айтдингиз-ғў, яримини бераман, деб.

– Улли бўлса беражак эдим. Ина, шуни иккига бўлиб бўлами?

Болалар тинмай ёлворар, семизак бўлса сира тутқич бермасди.

– Номард экан, – деди Аматжон ҳожи. – Ярмини бераман, деганини ҳаммамиз эшитдик.

– Эйй! – ўрнидан шитоб қўзғалди Аюбназар. – Ҳозир бориб...

– Ўтир! – деди Эшонбой ака жаҳл билан. – Борсанг бир фаторат топасан. Кейин бизлар изингда юрамизми?

– Туври айтади Эшонбой ака, – деди Аматжон ҳожи. – Гапга тушунадиган одамга ўхшамайди. Болаларни алдаб ўтирибди.

– Бундайлар Худодан ҳам, пайғамбардан ҳам қўрқмайди, – деди Марим оға.

– Пайғамбаримиз ҳам, "Ёлғончи бизлардан эмас", деган. Шундай бир ривоят бор. Бир куни Муҳаммад салоллоҳу алайҳи вассаламнинг ёнларига бир киши келиб, "Эй, Муҳаммад! Сенга бир-икки саволим бор, берсам бўладими?" дебди. У вақтларда муаммоли саволлар билан тўғри пайғамбаримизга мурожаат қилиш мумкин бўлган. "Сўра", дебдилар пайғамбаримиз. Шунда бояги келган киши, "Ё Муҳаммад! Мўмин зино қилиши мумкинми?" деб сўрабди. Пайғамбаримиз, "Баъзан қилиб қўйиши мумкин", дебди. Кейин у киши, "Ё Муҳаммад! Мўмин ўғрилик қилиши мумкинми?" деб сўрабди. "Қилиб қўйиши мумкин", дебдилар пайғамбар жаноблари. Яна шунга ўхшаган бир-икки савол берибди. Ҳозир аниқ эсимда йўқ. Улар ҳам ана шундайроқ саволлар экан. Пайғамбаримиз яна, бўлиши мумкин, бўлиши мумкин, деб жавоб берибдилар. Кейин бояги киши, "Ё Муҳаммад! Мўмин

ёлғон гаплаши мумкинми?" деб сўрабди. Шунда пайғамбаримиз, "Ёлғон сўзлаган бизлардан эмас", деб жавоб берган эканлар. Қаранг, бу ерда ёлғон сўз зинодан ҳам ёмон, дейилган.

– Ёлғондан, ваъдасида турмасликдан Худо сақласин, – деди Эшонбой ака.

– Эйй, – гапга қўшилди домла. – Қайтанга ҳозир ваъдасида турмаслик, ёлғон сўзлаш мода бўлиб бораётир. Бунга одамлар ҳам кўникиб қолди. Лекин уларнинг балиғи ҳақиқатан ҳам кичкина экан. Икки юз грамм келар.

– Лекин қармоқни ёмон тортиб кетди, – деди Дўсиммат ака балиқнинг обрўйини кўтаришга уриниб. – Мен камида бир-икки кило борми, деб ўйлаган эдим.

– Ҳозир дарёда улли балиқ кам, – деди домла. – Одам кўпайдими, сув камайдими, балиқлар қирилиб кетиб бораётир. Яхши балиқ тутаман, деган одам икки юз, уч юз километр пастга қараб кетиши керак. Мана, яқинда устоз, академик домламиз Хоразмга келган экан, менга, "Кетдик, бир дам олиб келамиз, бошим дим оғриб кетди", дедилар. Устоз овчи. Милтиқни, майда-чуйдани олдик, солдиқ мошинга. Ҳар эҳтимолга қарши, бир-икки қармоқ ҳам олдим. Одатда бир кўлнинг ёқасинда дам олар эдик-да. Боргандан кейин ҳар сафар, ўҳҳҳ, қармоқ олиб келмабмиз, деб юрар эдик. Бу сафар ҳам бориб, дарров у ёқ-бу ёқни созладим, палаткани қурдим. Устоз, бир айланиб келаман, деб, милтиқни эгнига илдириб кетди. Мен ҳамма нарсани шарт-шурт этдим-да, кўлга қармоқ ташладим. Ҳай, ишонаверинг, шундий ташлаганимни биламан тортди-кетди! Бошланиб кетди бир ола-тасир! Воҳ! Кўпдан бери бундай ҳаз этмаган эдим! Зўрға чиқардим. Етти-саккиз килолик сап-сариқ сазан экан. Энди қараб тураверасиз! Ўзи ҳам сал мундайроқ қўзичоқдий эди-ёв! Устоз айланиб келгунча қозонга босдим. Келиб ҳайрон бўлди у киши. Воҳ, деди, оҳ, деди, раҳмат сизга, мана буни дам олиш деса бўлади, деди. У кишининг ҳаз этганини кўриб завқландим. Аввал қовурдим. Қип-қизил, тиллодай-тиллодай этиб қовурдим ўзини ҳам. Кейин ухо босдим. Энди мунинг ҳазини айтманг! Устоз ҳам кўпдан бери мундий мазали балиқ емаган эдим, деб минг раҳмат айтди.

Домла етти-саккиз килолик сазанни кўлдан қандай чиқаргани, қандай қовурғанини майда-чуйда тафсилотларигача айтиб берди. Бу гурунгдан Дўсиммат ака, олдидаги лаззатли таомни биров тортиб оладигандай, жуда безовталаниб қолди.

– Туври, – деди у домла ҳикоясини тугатар-тугатмас. – Менам болалар билан сиз айтган ерга борган эдим бир ўн кунлар бурун. Биз ундан ҳам зўрроғини тутдик! Ўн килодан кам эмас эди. Лекин лаққа эди у.

Энди мақтаниш навбати Дўсиммат акага келган эди. У қармоққа қандай ем қистиргани, қармоқни қандай ерга ташлагани, лаққанинг илинганини қандай билиб қолгани, уни сувдан олишдаги машмашалар, ниҳоят овни сувдан чиқарганидан кейин ўғлининг четдан келган меҳмони, "Вот это улов, вот это сом!" деб ҳаяжонланганини меҳмондан ҳам кўпроқ ҳаяжон билан айтиб берди.

Бу икки балиқчининг гурунглари шунчалик жонли эдики, биз ўша сазану лаққанинг тутилаётганини кўргандай бўлдик.

– Да-аа, – деди бир вақт директор. Унинг ҳозиргача бепарво, ҳиссиз чўзинчоқ чўтир юзида аллақандай ифода пайдо бўлди. Аммо ўчик кўкми, қўнғирликка мойил кўзлари ҳамон ҳиссиздай эди. Унинг сигаретани энди аввалгидан ҳам чуқурроқ тортаётгани, хириллаган овозининг бир парда кўтарилгани юрагининг туб-тубида ҳаяжон ғимирлаб қолганидан хабар берарди. Марим оға муҳим ишга бел боғлагандай қаддини ростлади, у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди. Қўлидаги сигарета қолдиғини бармоқлари билан чертиб, иложи борича узоқроққа отди. Аввал домлага, кейин Дўсиммат акага қаради. Бу одамнинг суҳбатга қўшилиш истаги ҳаммани сергаклантирди.

– Буларнинг ҳаммаси бўлиши мумкин, – гап бошлади у ниҳоят ўзининг босиқ товуши билан. – Беш килони ҳам, ўн килони ҳам кўп тутганмиз. Ерунда булар. Ўтган сафар Китойқазғанга борганда биззи болалардан бири санчқи билан йигирма кило келадиган лаққани уриб олди. Муртининг ўзи бир метрдан зиёд-ов! Уйга келганда оқтиқлар ўлчаб юрган эдилар.

Орага жимлик чўкди. Домла ҳам, Дўсиммат ака ҳам гурунгни давом эттиришга журъат этмай қўйишди. Ҳар ким ўз иши билан банд бўлиб қолди. Ким чой ичган, кимдир шамолда қотиб улгурган юпқа Хоразм нонини печеньедай қисирлатиб ер эди. Овчиларнинг тарозуга аста-аста тош қўйиб юкни ошираётганига нимкулги билан қулоқ солиб ўтирган Қаҳрамон бир вақт одатича "кҳ-ҳеҳ!" деб кулиб қўйди. Марим оға унга норози боқиб қўйди. Чамаси, менинг гапимга кулди, деб ўйлади. Даврада тушунмовчиликка ўхшаган алланарса сезилди.

– Бир қизиқ гап ёдингизга тушди ўхшийди, – деди Аматжон ҳожи вазиятни юмшатиш учун.

– Кечирасизлар, ҳовва, – деди Қаҳрамон ўзининг ўринсиз кулгисидан хижолат чекиб. – Тўғри айтасиз, бир гап ёдимга тушиб кетди. У ҳам балиқчиларнинг бир ҳангомаси.

– Қани, қани, – деди Аматжон ҳожи Қаҳрамонни қўлловчи жилмайиш билан.

– Қизиқ бўлса биз ҳам эшитиб қўяйлик, – деди домла. Унинг гапида сенга буларнинг орасида пишириб қўйибдими, деган кесатиқ бор эди. – Қани...

– Бу гапни туркманда эшитган эдим. Хотинимнинг катта опаси шу ёққа – туркманга тушган. Божанинг боласи ҳам балиқчи. Бир борганимизда бу гапни шу бола кула-кула айтиб берганди. Бир сафар улар балиқ ови учун Сариқамиш[85]га борадилар, жойлашиб санчқини қўлга олиб қўлга тушибдилар. Балиқларнинг увулдириқ ташлайдиган вақти экан, кўлда балиқ баракдай[86] қайнар эмиш. Оёқ босмоққа ер йўқмиш. Кўпи тўрт-беш килолик учар[87], сазан, оқ балиқ, лаққа экан. Санчқи билан ишга киришиб, бир замонда бир халта балиқ урибдилар. Шунда ҳам бир балиқни уриб бир одим отсалар, яна бириси тайёр турар эмиш. Хуллас, беш-ўн минутда яна бир халта балиқ тутибдилар. Шу яқин орада ўн беш-ўн олти ёшларидаги бир туркман бола қўй боқиб юрган экан. Буларнинг кўриб завқланиб кетибди. Кейин, мен ҳам санчқи урсам бўлами, деб сўрабди. Албатта бўлади, дебдилар-да, қўлига санчқини берибдилар. Булар керагини тутиб бўлган эканлар. Шунда у бола оёғидаги анчагина эскириб қолган этигига ишора қилиб, бунинг билан сувга тушсам қоқам[88] сўкади, оёққа киядиган бир нарса беринглар, дебди. Боланинг бу соддалигими, шумлигидан завқланган балиқчилардан бири оёғидаги крассовкасини ечиб берибди. Туркман бола крассовкани кийиб, боғичини маҳкам боғлабди-да, сувга тушибди. Балиқ кўп эмасми, хаш-паш дегунча у ҳам беш-ўн балиқни санчиб қирғоққа отибди. Лекин бир вақт санчқини баланд кўтарибди-да, қотиб қолибди. Имо билан қирғоқдагиларни ёнига чақирибди. Не гап, десалар, бу ёққа келинглар, бу ёққа келинглар, деб имо қилар эмиш. Шунда бояги четда турганлардан бири аста боланинг ёнига бориб, не гаплигини сўраса, бола кўзи билан ўзидан бир метр, бир ярим метр ерда турган балиққа ишора қилибди. Бир қулочдай учар турган эмиш. Бояги бола, не учун ўйланиб турибсан, ур ахир, дебди. Шунда туркман бола кўзи билан орироқни кўрсатибди: "Анавини қарангар!" Қарасалар калласи улли тўнкадай келадиган бир қоп-қора лаққа. Учар унинг соясинда турган экан. Лаққа муртларини икки қапталига юбориб, биланг-биланг эти-иб ўйнати-иб турган эмиш. Лаққа, ҳеч лофсиз, олтмиш-етмиш килодан кам эмас экан. Кўлга тушган бола буни кўриб аста-аста сувдан чиқа бошлабди. Лекин кўзи билан туркман болага: "Ур!" деб ишора қилибди. Туркман бола бўлса бошини сарак-сарак этиб, шивирлабди:

85 Сариқамиш – Туркманистондаги кўл.

86 Баракдай – чучварадай.

87 Учар – белый амур.

88 Қоқа – дада (туркманча).

“Олдирмия[89]”. Овчи яна шивирлабди: “Ур! Олдиря[90]”. “Олдирмия”. “Олдиря!” Бу орада у бола четга чиқиб олибди. Кейин икки кафтини оғзи олдида қувур қилибди-да, қатъий буйруқ берибди: “Ур!!!” Кейинги воқеалар сонияда содир бўлибди. Туркман бола санчқини озод кўтариб куч билан лаққага урган экан кўлда бомба портлагандай бўлибди. Қора бўта лой юқорига, тўрт-беш метр баландга отилибди. Ҳамманинг юраги ёрилибди. Лаққа косилка билан ғовуш ўргандай беш метрлик қамишларни бир текис ётириб, кўл ичига ўзини урибди. Туркман бола бўлса бир кўпо[91]нинг устида санчқисини осмонга ўқталганича чалқанча қотган эмиш. Югуриб борсалар унинг юз-кўзи қора уюққа булғанган, оғзи гашир ўрадай очиқ, дам-саси йўқмиш. Балиқчилар қўрқиб кетиб унинг қулоқ-чаккасига урибдилар. Ҳамма-ҳамма билан, бояги крассовкасини берган бола: “Крассовка қани, крассовка қани?!” деб туркманнинг ёқасини силтаб ётибмиш. Санчқининг уч тилининг ҳар қайсиси ҳар томонга қайрилиб ётибмиш. Туркман санчқини лаққанинг бош чаноғига, қаттиқ суякка урган экан. Бир вақт бола кўзини очиб, “Олдирмия дийдим-а, олдирмия дийдим”, дермиш. Боланинг олвираётганини (алжираётганини) кўриб балиқчиларни кулги тутибди. Бола бўлса санчқични зинғитиб юборибди-да қочиб қолибди.

Даврада енгилгина кулги кўтарилди. Бўлмаганнинг юзида нимтабассум. Фақат Маримбой оғанинг қобоқ-тумшуғи муштдай осилган эди.

– Биринчидан балиқчи болалар чатоқ этибдилар, – деди у бир вақт. – Ҳар нарсадан ҳам ўйин бўлавермайди. Ҳали ҳам яхши, у бечора санчқини лаққанинг бош чаноғига урган. Агар юмшоқ этга урса, лаққа болани ҳам кўлга тортиб кетарди. Унда бола омон қолмасди. Яхши, ўйиндан ўймоқ чиқмабди.

Жимлик чўкди. Кимдир йўталиб қўйди. Домла кўзойнагини тўғирлаган бўлиб хунук жилмайди. Гўё у Қаҳрамонга, овчиларнинг гапларига бекор аралашдинг, деётгандай эди.

– Ҳа, менам улли лаққа тутганларини эшитганман, – деди бир вақт Аматжон ҳожи. – Қўшкўпирда бир шоир бор. Бир вақтлари унинг қишлоғининг теварагида кўл кўп эди. Қишлоқдаги балиқчилар лаққани кўлдан эмас, Озёрний коллекторидан тутган эканлар. Ўлчаб кўрсалар тўқсон уч кило чиқибди. Қовун чертакка осиб суратга туширибдилар. Мен кўрганман шу суратни. Қуйруғи ерга етиб қайрилиб ётган эди. Кейин сўйиб сотибдилар. Лекин қуври мой бўлиб кетган экан, гўштининг мазасини топмабдилар. Еганларнинг кўпчилиги аллергия бўлибди.

– Эйй! – Дўсиммат кўл силтади. – Кўл билан заҳкашнинг балиғи балиқ эмас. Кейин лаққа шунча уллийиб кетган бўлса, унинг нелар еганини бир Худо билади. Ундан одам отравление бўлиши ҳеч гапмас.

– Туври, дарёнинг балиғига етмайди барибир, – гапга қўшилди домла. – Бизларнинг қишлоқда балиқчилар кўп. Бир сафар Қилич балиқчи бир юз эллик килолик лаққа тутган дарёдан. Уйига олиб келиб бир улли хўкиз сўйгандай, бўлаклаб сотди. Ҳамма олди, лекин ҳеч кимнинг касалланган ё бошқасини эшитмадик. Дарёнинг балиғи тоза бўлади-да. Шунинг учун Кўпал туркманнинг балиқхонасида фақат дарё балиғи қовурилади.

– Дим улли экан, – деди боя давранинг кадхудоси Марим оғадан кейин гапга ўринсиз аралашганидан изо еб ўтирган Қаҳрамон.

– Ундан ҳам уллиси бўлади, – тўнғиллади Марим оға. Унга Қаҳрамоннинг бу гапи ҳам ёқмади.

– Бир йили, Баҳром укам ёнида ўзига ўхшаган бир-икки жўрасини олиб, балиққа Оролнинг қуйиб турган ерига борибди. Борганларида кун энди ботай-

89 Олдирмия – олдирмайди (туркманча).

90 Олдиря – олдиради (туркманча).

91 Кўпо – Хоразмда сув ёқаларида тўп бўлиб ўсадиган қилдир деган ўсимлик ўрилгандан кейин қоладиган диаметри 50-60 см келадиган қолдиғи.

ботай деб турган экан. Юкларини тушириб, палаткаларини қура бошлаган эканлар, шу ерларда яшайдиган бир чўпон келиб қолибди. Саломлашиб, соғлиқ-омонлиқ сўрашганларидан сўнг, бу ерда қармоқ қурманглар, дебди. Не учун, десалар, анавини қаранг, деб денгиз ёқни кўрсатибди. Чиройли манзара кўринибди. Қуёш ботаётган, чеки йўқ денгиз суви қип-қизариб жимирлайди эмиш. Дарёнинг лойли суви "билқ-билқ" эти-иб аста оқиб ётибди экан. Ана, қарадик, хўш, не бўпти, деб сўрабдилар. Чўпон қўл соатига қараб, ҳар куни мана шу вақтларда денгиздан бир улли лаққа чиқиб, шу ерларда ов қилиб кетади, дим улли лаққа, икки юз кило, балки ундан ҳам уллироқ бўлса керак, дебди. Биров ишонибди, биров ишонмабди. Бизлар ҳам бу гапдан хабарсиз юраверган эканмиз, бир-икки молимизни олиб кетгандан кейин билиб қолдик, дебди чўпон. Энди бу ерда навбатчилик қиламиз. Молларни лаққа келадиган вақтда дарёга яқинлаштирмаймиз. Бугун, ина, мен келдим қоровулчиликка, дебди. Яқинда шу ерга келган балиқчилар бизларнинг гапга ишонмай дарёга қармоқ қурган эканлар, уларнинг бирини лаққа қуйруғи билан "шап!" эттириб уриб олибди. Бола бечора не бўлганини билмай ҳам қолган бўлса керак. Шунинг учун кўзларингизга қаранглар, деб огоҳлантирибди чўпон. Қўли билан денгиз ёқни кўрсатиб, ҳозир келади, дебди. Айтганидай, шу вақт денгиз томонда сув айрича бир тўлқинланибди. Сув булар турган ёққа қараб тоша бошлабди. Тинчгина дарё безовталаниб, чайқала кетибди. Қулоққа ҳувуллаган, шувуллаган овозлар эштилганидан чўпон тезлашиб дарё ёқасидан қочибди. Ҳамма югуришиб кетибди. Қарасалар, ҳақиқатан ҳам, денгиздан чиққан тўлқин буларнинг кўз ўнгида баландлиги камида бир-икки метр келибди. Ҳозиргина тинч турган дарёнинг бирдан бунча тўлқинланиб, шувуллаб, вушиллаб қолгани ҳақиқатан ҳам даҳшат экан.

Марим ака гапни якунламоқчи эдими ё гурунгнинг қандай таъсир этаётганини кўрмоқчи бўлдими, шошилмасдан чўнтагидан эзилиб кетган сигарета қутисини олди, кейин гўё қайсинисини олсам экан, дегандай бир зум тикилиб ўтирди. Сўнг бир сигаретани олиб, кўп чекканидан куйиб, сарғайган бармоқ учлари билан эзғилай бошлади.

Даврадагиларнинг бу гурунгга муносабати ҳар хил эди. Домла шеригининг ҳар бир сўзига тамом маҳлиё кўринишга ҳаракат қилар, ҳатто оғзи ҳам ёлғондакам ярим очиқ эди. Дўсиммат ака афтини бужмайтиб олганди. Омон оға воқеалар ҳаддан ошиқ кўпиртирилаётганини кўриб тургани сабаб мутлақо ишонмаётган эди. Марим оғанинг гап оҳангида эса, буларга шаксиз ишонинг ва қойил қолинг, деган қатъий талаб бор эди. Бу, сўзсиз, бироз жиззаки ва ҳар қандай адолатсизлик ва ёлғондан "пов" этиб ёниб кетадиган Дўсиммат акани бироз асабийлаштираётган эди. Марим оғага қарши бир гап айтса – қудаси, айтмай деса ўтирик ошиб бораётир. Шунинг учун у ўтирган ерида асабий ғимирлар, ўзини у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа ташлар, кафти билан юз-кўзини ишқаб-ишқаб қўярди. Қаҳрамон эса телефонда кимлар биландир тинмай ёзишар, унга ҳар хил одамлар ва ҳар хил мавзуда ёзаётганларини унинг ранги-рўйи ва ҳаракатларининг сонияда юз ўзгараётганидан билса бўлар эди. У гоҳ қошларини чимирар, гоҳ жилмаяр, гоҳ ҳайратланар, гоҳ осойишта тортиб қолар, яна асабийлашиб шартта-шартта ёзишга тушарди. Юсуфбой эса бошини бир ёнга солиб олган, бу гапларга мажбурликдангина қулоқ осиб ўтирарди. У ҳозир уйида бўлса не ишлар этиб юрган бўлиши мумкинлиги ўйлар, бу гапларни эшитиб ўтиришни эса ғирт бемаънилик деб биларди. Мен эса суҳбатдошларни кузатиш билан банд эдим. Маримбой ака анча тин олгач гурунгни давом этди.

– Кейин болалар дарёдан анча узоққа қўш ташлашга қарор қилишибди. Бир баландроқ ерни топиб, шу ерга палатка қурамиз, дебдилар. Қозиқ қоқсалар ерга бир қаричча кириб, "тоқ" этиб бир қаттиқ нарсага тегибди. Сал берироққа қоқамиз, десалар, яна шундий бўлибди. Бир метр у ёққа, бир метр бу ёққа қоқсалар ҳам қозиқ қаттиқ нарсага тегаверибди. Тош бўлса керак, деб қазиб кўрибдилар.

Қарасалар суяк эмиш. Ранги бузилган, лекин суяк. Ҳов, деб, орироқдан қазибдилар. Яна суяк. Бунчалик улли суяк неники бўлиши мумкин, деб археологларга ўхшаб суякнинг устини тозалабдилар. Қарасалар бир бутов суяк, лаққанинг бош суяги экан. Бир самосвал мошиннинг кузовидай келар эмиш бу калла! Қолғон ёғини ҳам қазиған эканлар қовурга суяклари чиқибди. Энди калла шундий бўлганидан кейин қовурғанинг уллилигини тасаввур этаверинглар. Уни ўлчаб кўрибдилар. Бояги айтгандай, узунига бир тўрт метр, энига учдан зиёд чиқибди. Дарров шу ердагилар лаққа неча кило келиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқарибдилар. Баҳслашабаҳслаша у беш юз, беш юз эллик килодан кам эмас, дебдилар. Ана сизларга лаққа! Ана сизларга балиқ!

– Ана, ана, ана! – бирдан чинқириб юборди домла. – Улли балиқ деган шундий бўлади. Мен ҳам эшитган эдим буни. Кўп шов-шув бўлган эди шу вақтда.

– Неча йиллардан бери бу гапларнинг ичиндаман мен ҳам, – деди охири чидай олмаган Дўсиммат ака. – Лекин мен буни эшитмадим.

Ҳамма бир-бирига қаради. Марим оға мутлақо шошилмай сигаретасини тортар, ишонсангиз ҳам соғ бўлинг, ишонмасангиз ҳам соғ бўлинг, дерди гўё. У мавзуга чек қўйганини жуда яхши биларди. Ҳақиқатан ҳам ҳеч кимдан миқ этган садо чиқмади. Энди ҳеч ким, ҳатто етти авлоди лофчи ўтган одам ҳам, гапни бундан ошириб билмасди.

Ана шундай гурринг-сарринглар билан кунни кеч қилдик. Биз, албатта, кейин гапга қўшилмай, одобимизни сақлаб ўтирдик. Фақат тингладик. Кун бота бошлади. Сувнинг оч пашшалари визиллай бошлади. Дарё ёқасидан тезроқ кўчилмаса булар қонингга ташна қилиши ҳеч гап эмас эди. Ҳамма қўзғалди. Ҳамроҳларимиз кўликларига ўрнашиб, бизни қишлоққача олиб кетишни таклиф этдилар. Биз дарё бўйига пиёда бориб-келиш ҳақидаги аввалги келишувга кўра таклифни рад этдик. Бир вақтлари далли деб от қозонган, энди эса ювошганидан ювошиб қолган дарёга тикилиб турардик. Ботаётган қуёшнинг қизғиш нурида секин оқаётган сув жимир-жимир ўйнарди. Қандай дарё эди-я бу, қандай дарё, деган фикр ўтди хаёлимдан. Унинг узоқ йўлдан ҳориб келадиган лойқа сувлари неча миллион гектар ерларга, ўнлаб, юзлаб, минглаб қишлоқ, шаҳру кентларга ҳаёт ато этарди. Бир вақтлари ғайрати ичига сиғмай жўшиб, шовқин солиб қирғоқларни емирган. Унинг лойқа сувида ўттиз, эллик, юз, юз эллик килолик балиқлар, балки ҳали Марим оға айтганидай ярим тонналик лаққалар салобат билан иланг-биланг сузиб юрган. Икки қирғоқдаги тўқайларда Хоразм йўлбарслари яшаган. Ана шу нарсалар ҳақида ўй суриб турганимда дарёнинг қуёш нурида қизарган сувида алланарса иланг-биланг ўйнай бошлади. Сер солиб қарасам кичкинагина сув илони ўймоқдекина бошини сувдан сал кўтариб сузиб борар эди. Шунда бирдан илоним ёдимга тушди. “Уҳҳ! Чатоқ бўлди-ку!” Қопни қўйган ерга қараб ҳовликдим. Халтани шу яқин орадаги долтак[92] босган тўронғунинг чўтирмагига[93] илдирган эдим. Хайрият, халта жойида экан. Аммо у дам берилган шардай анча шишиб қолибди. Эҳтиёткорлик билан халтани таёқ билан туртиб кўрдим. Ҳеч қандай хавф сезилмаганидан кейин уни ерга олиб, боғични аста ечдим. Халтадан биз солган ярим метрга етар-етмас нозиккина илон эмас, камида бир ярим, икки қулоч келадиган семиз, харакатланганда юмшоқ оқ қорни билқиллаб-билқиллаб кетадиган балодай илон чиқиб кела бошлади. Ўтакам ёрилди. Ё Оллоҳ, ё Худо, бу не гап бўлди яна! Халтадан қутулган махлуқ эса аллақачон бошини ердан ярим метр кўтариб, менга кичик, ўткир ва совуқ кўзларини тикиб турарди. У ҳужумга тайёрланиб айри тилини чиқариб вишиллади. Қочай дейман, оёқларим бўйсунмайди, бирор калтакми, каскалдак олай дейман,

92 Долтак – Хоразм тўқайларида ўсадиган чирмовуқ ўсимлик.

93 Чўтирмак – ҳар қандай дарахтга каллак урилганидан кейин ён-веридан ғуж-ғуж шохалар ўсиб чиқиб, улар ҳам чопиб ташланганда қоладиган шохларнинг беўхшов қолдиғи.

қўлларим жонсиз. Турган жойимда тахтадай қотибман. Лабларим қуруқшаган. Қочишнинг иложи йўқ. У лойқаланган сувдай хира кўзларини менга тикиб вишиллар, айри тилини ҳавода аёвсиз ўйнатарди. Бир вақт ўзимга келиб жонҳолатда орқамга тисирила бошладим. Йиқилиб тушмасам бўлди! Мен тисарилар, у эса босиб келарди. Қўлимга илган хас-хашак, чот[94], чўп-чорни илонга отаман, бироқ у ҳеч нарсани писанд этмай менга тобора яқинлашар эди. Орамиздаги масофа бир қулочдан ҳам оз қолди. Мен унинг боши гавдасига нисбатан жуда-жуда кичиклигини, вишиллашини эшитиб, совуқ ва хира кўзларини яққол кўрдим. Манглайимдан совуқ тер чиқиб, оёқларим қалтиради. Юролмай қолдим. Ўзимни қўлга олишга уринаман. Аммо бунинг сира иложи йўқ. Шу пайт қўлимга қаёқдандир катта бир каскалдак илди. Жоним борича илоннинг бошига туширдим. У бундай журъатни кутмаган, шекилли, зарбдан ўзини олиб қочай ҳам демади. Калтак кучидан ерга қапишиб, боши тупроққа беланди. Лекин у дарҳол тикланди ва менга ҳайрон бўлиб тикилди. Мен унинг бир сониялик довдирашидан фойдаланиб яна зарба туширдим. Бош яна ерга қапишди. Фурсатни бой бермай қайта-қайта туширавердим. Яна, яна, қайта ва қайта. Мен ўзимни унутган, ҳамма ҳаракатларим онгимдан ташқарида эди. Қўрқувдан ўзимни йўқотиб, кутуриб кетдим. Бу ҳол қанча давом этди билмайман. Бир вақт қаттиқ чарчаганимни ҳис қилдим. Қарасам кичик боши янчилиб ётар, аммо илон ҳамон тирик, мен отган чўп-чорларни ғарамлаб, жамлаб уларни совуқ бадани билан ўраб-чирмаб бўғишга, “чарт-чарт” синдириб ташлашга уринарди. Боши пачоқ, аммо совуқ тани ҳамон иланг-биланг қиларди. Эзилган ерлардан қизил қон эмас, аллақандай йирингга ўхшаган шилимшиқ бир суюқлик оқар, у ҳар ер-ҳар ерда ҳалқоб-ҳалқоб тўпланган эди. Ҳансираб қўрқувдан оёқларим қалт-қалт титрарди. Илон ўлган эди. Сер солдим. У сўнгги дамида чўп-чорни эмас, баҳайбат, нақ бир метр, балки бир ярим метр келадиган қаламни ўраб бўғаётган экан. Баҳайбат қалам гужум дарахтидан йўнилган, илоннинг уни эзиш ёки синдиришгами бўлган ҳаракатлари шаксиз бекор кетган эди. Бироқ тани баданидан қуйилаётган ифлос, шилимшиқ ва сассиқ суюқлиқ қаламни бошдан-оёқ булғаштириб ташлаганди. Бу менинг кечагина иш столимда қолдирган қаламим эди. Қаламнинг илон ичидан тобора кўпроқ қуйилиб чиқаётган шилимшиқ суюқлик билан буткул ифлосланганлигини кўриб даҳшатга тушдим.

...Уйғониб кетганимда тонг ота бошлаган, кеча бошлаб қўйган ҳикоям стол устида яйраб ётар, менга эса нафас етмаётган эди. Ёнгинамда неварам тонгнинг ёқимли, аммо салқин ҳавосидан ғужанак бўлиб ухлаб ётар, бошим тинмай ғувуллар эди. Бунинг бари туш эканини англадим. Аммо баҳайбат илоннинг қаламни бўғишга, уни шилимшиқ ва сассиқ суюқлик билан булғашга уринаётгани худди ҳозир, кўз ўнгимда содир бўлгандай эди!

2022 йил, февраль

94 Чот – дарахтнинг қуриб қолган сершох бутоғи.

Бир сиқим осмон



Абдулла ШЕР

Бир сиқим осмон ҳақида
баллада

Тушимда гуллади тарихнинг боғи,
Райҳонлар бўйига чулғанди Ҳирот.
Дарвоза очилиб айни тонг чоғи,
Қуёшни кўтариб кириб келди от.

Мен ота касбини севган бўз ўғлон,
Ҳиротнинг мисгари, ёш устазода, –
Турардим шу тонгда кўриб, кўп ҳайрон,
Вазири аъзамни отлиқ аснода.

Ўзни қўлга олиб, таъзимда шу он
Насиҳат сўрадим зоти олийдан.
У менга тутқазди бир сиқим осмон
Сўз айтмай шеърият қилу қолидан.

(Оҳ, қандай олтин туш, заррин томоша, –
Шу тушни кўрмоққа умрим зор эди!)
Устоз назар солиб уфқлар оша,
Туркистон томонга юзланиб деди:

“Сўз, ерда ўсса-да, осмон дарахти,
Олис юлдузлардан унинг уруғи.
Сўз – шоир зотининг тожию тахти,
Эътиқод байроғи, имоннинг туғи.

Абдулла ШЕР *– 1943 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Шоирнинг* “*Кўклам табассуми*”, “*Алёр*”, “*Атиргул сояси*”, “*Роз*”, “*Қадимги куй*”, “*Севги олмоши*”, “*Сарбаст қўшиқлар*”, “*Гул йиллар, булбул йиллар*” *тўпламлари ва* “*Сайланма*” *китоби нашр этилган.*

Қай шоир муқаддас сўзни хор қилса
Ёлғонни ҳақиқат рангига бўяб,
Нафсини элидан улуғроқ билса –
Хор бўлгай: тоғлар ҳам қололмас суяб!..”

Баногоҳ уйғондим. Лол қолдим боқиб:
Кафтимда юлдузлар, қаламим чўғли!
Шу кундан тушимнинг маънисин чақиб,
Шоирлик қиламан мен – мисгар ўғли.

Шу-шу, туморимдир бир сиқим осмон, –
Тиниқлик, покликдан самовий ибрат.
Шу-шу, сўзни териб мис тергансимон,
Навоий мулкида қиламан хизмат.

* * *

Йўл бошида Ойбекни кўрдим:
Турар эди сочи ҳилпираб.
Унга узоқ тикилиб турдим,
Вақт оқарди, аста, жилдираб.

Кўрдим Тарих ғилдирагини,
Ойбек томон гулдираб етди.
Тинглаб Замин гулдирагини
Ойбек ойдек ярақлаб кетди.

Самарқандни этдию хаёл,
Орзу бўлиб йўлга қуюлди;
Зарифа деб аталган Аёл
Бибихоним бўлиб туюлди...

Бир сесканиб тушимдан турдим, –
Сўзга солдим журъатимни мен:
Куни кеча йўл узра кўрдим,
Ўзбекистон, сувратингни мен.

Бедорлик

Янгиланар йил ҳар йил,
Биз эса – эски.
Қаримайди, гарчанд тил,
Сўз эса – эски.

Эслатади қировни
Сочлардаги оқ.
Изласак бир-бировни,
Хотира – чироқ.

Оҳ, у кунлар, у кунлар
Сўзга кўчмайди,
Гулхан бўлган учқунлар
Кўкка учмайди.

Энди юракмас, кўпроқ
Титрайди қўллар.
Тунлари қилар сўроқ
Ўтилган йўллар.

Гарчанд кўзни юмамиз,
Уйқу эса – йўқ;
Уйқу қочар – қувамиз,
Товонимиз чўғ.

Биз қўшиқлар тўқидик
Ёт оҳангларга.
Баъзан шеърлар ўқидик
Ғирт гарангларга.

Ҳаммасидан юмиб кўз,
Унутай десак,
Дард ҳақида бошлар сўз
Бўялган кесак.

Кесаклар орасида
Тош бўлолмасмиз.
Яна қайта расида,
Ёш бўлолмасмиз.

Бу дунё ўзи нима? –
Билолмадик ҳеч.
Эвоҳ, биз чиққан кема
Сувга тушди кеч.

Терс қўйилган нарвондек
Ёпишмай томга,
Ғурубдаги карвондек
Борамиз шомга.

Гулни куйлайди олам
Чўпдан ясаб соз...
Лекин яхши гаплар ҳам
Кўп бўлгани рост.

Шукрона айтса бўлур,
Шукрона ҳам – бахт.
Юзимизга сочар нур
Ёруғлашган Вақт.

Ниҳоят насим кирар
Қувиб қайғуни,
Киприкка тутиб берар
Қочган уйқуни.

Оламнинг қутби

Қадим-қадим замонлардан бизга қолмиш ушбу ривоят,
Тинглаганга ибратлидир, ҳикматлидир, қизиқ бағоят:

Қутлуғ Байтул Муқаддасда яшар экан ҳимматли бир Шайх,
Юртдан-юртга донғи кетган, ном қозонган улуғвор Пир-Шайх.

Тенгсиз экан илмда ҳам, амалда ҳам, ибодатда ҳам,
Якто экан тақвода ҳам, тиловату қироатда ҳам.

У Аллоҳдан сўрар экан нола қилиб, йиғлаб ҳар куни,
Жойнамознинг устида ҳам, тўшакда ҳам биргина шуни –

Дер экан у: “Аямагил, аё Раббим, меҳру лутфингни,
Тилагим шу – менга кўрсат бир боргина олам қутбини!”

Охир бир кун бомдоддан сўнг эшитибди Илоҳий Нидо:
“Майли, бандам, бажо айлай тилагингни мен! – дебди Худо. –

Қутлуғ Байтул Муқаддаснинг шимолида чет маҳалла бор,
Унда яшар бир темирчи – кичкина уй, ҳовлиси ҳам тор.

Билсанг, эй Шайх, ўша ерда мен яратган оламнинг қутби,
Ўша ерда буюк ҳиммат, ўша ерда энг улуғ рутба!”

Тинглабди-ю Шайх, “Аллоҳ!” деб, сано айтиб чопибди алҳол,
Ул кўча-ю, темирчининг ҳовлисига етибди дарҳол.

Улуғ Шайхнинг ташрифидан уста боши осмон бўлибди,
Нечун бундай илтифот деб, тушунолмай ҳайрон бўлибди:

“Ё улуғ Шайх, не сабабдан йўқладингиз бу ожиз қулни?
Сир бўлмаса, айтингиз”, деб у кўксига қўйибди қўлни.

Шайх айтибди: “Неча йилки, Аллоҳимдан сўрайман доим:
Оламингнинг қутби қайда, билдиргин, деб, менга, Худойим!

Бугун тонгда Тангрим менга ҳовлинг томон йўлни кўрсатди
Ва етишди олам қутби қайдалигин билиш фурсати. –

Энди айт-чи, аё солиҳ, эй суюкли, эй комил инсон,
Қандай қилиб бор оламнинг қутби бўлмиш сен яшар макон?

Сирини айт? Қандай қилиб сен эришдинг бу иноятга,
Мукофотми бу сен қилган зуҳду тоат ва ибодатга?”

Шунда йиғлаб ул темирчи, Шайхга дебди: “Ҳайҳот, билмадим!
Мен ҳажга ҳам бормаганман, бирор ортиқ тоат қилмадим.

Эртаю кеч болға, сандон – кўрарим шу, оғирдир ишим,
Олов билан, темир билан олишганча ўтар ёз-қишим.

Ўз вақтида ўқий олмай намозларнинг ҳатто фарзини,
Банда бўлиб, мен гуноҳкор, узолмайман Раббим қарзини.

Шу сабабли ётар чоғи ҳар кеч дейман қилиб илтижо:
Қабул айла тавбамни сен, раҳми чексиз эй Худовандо!

Мен биламан, юзим қаро, гуноҳларим эрур беқиёс,
Фақат сендан бир илтимос, фақатгина битта илтимос:

Дўзахингга ташлаганда шундай катта қилки танамни,
То сиғдира олмасин у яна бошқа бирор одамни.

Қўшиб бергин менга, Тангрим, ўзгаларнинг гуноҳини ҳам,
Ҳамма учун битта ўзим азоб чекай, Ўзинг бер чидам!” –

Фарёд солиб, ёқа йиртди яна уста тугатгач сўзни.
Шунда Шайх ҳам йиғлаб, унинг оёғига ташлади ўзни.

Нидо келди: “Кўрдингми, Шайх, бу футувват, буюк ҳимматни;
У дўзахни торайтириб, кенгайтирди, қара, жаннатни!”

* * *

Орзунинг сандиқлари бўшаб бормоқда бир-бир,
Қани гавҳар, забаржад, қани заррин заҳира?!
Қолган йўлимда энди дуч келмас менга Хизр,
Айланмагай бу палос учар гиламга сира.

Қизғалдоқли томини ҳилпиратган ул гўша
Болалигим достонин куйлаб турар осмонга;
Сомоншувоқдан чиққан исмалоқ, буғдой – ўша,
Фақат оёғим етмас бугун ёғоч нарвонга.

Болалик кўчасида мен кўтарган чанг ҳали
Ерга тушиб улгурмай сочларимга қўнмиш қор.
Дунё деган тулпорни миндим деб дабдабали,
Мен бор-йўғи бўлибман унга оддий жиловдор.

Бир пайт исмим айтганда қизлар кўзгуга қараб,
Юлдузлар жаранглаган, оймўмалар керишган.
Ўтиб кетган йилларни чақирсам бугун, ажаб,
Тоғлар ҳам, чарчадик, дер, акс-садо беришдан!

Балиқчининг тўридек илма-тешик бу фалак
Тутиб қололар экан на пучни, на сарани:
Дўстларимни тополмай баъзан бўламан ҳалак, –
Қабристон майсалари тўсиб турар орани.

Булбул оҳангин излаб неча бор ҳайрат билан
Буталар орасида тимдаланди хаёлим.
Кўкка отилиб чиқиб, самовий ғайрат билан
Гоҳ булутлар чангида қолиб кетди ҳилолим.

Мен тиниқ кўлмакларга ишонган эдим қанча,
Аксимни балчиқларга кўмиб ташлади улар;
Юлдузлар шуъласига баданини чайганча
Эртакдаги парилар бугун устимдан кулар.

Майли! Барибир бугун ёшлигимни ёқлайман
Донишманд сиполикнинг йўриғидан чиқиб мен;
Барибир гул истайман, гуллашини хоҳлайман
Умримнинг ҳассасини заранг ерга суқиб мен.

Шоирлар йиғиси

Шоирлар йиғласа – миллат тирикдир.
Булат Окужава

Шоирлар йиғласа, деманг: “Бас қил! Кул!”
Улардан қийқириқ қилмангиз талаб.
Шабнамлар билан-ку гўзал ҳар бир гул,
Шабнамни юқтирмас ўзига алаф.

Шоирлар йиғласа, деманг: “Арт кўзни!”
Шашқатор ёшида оқсин миллати:
Бўғилган фикрни, қонталаш сўзни
Чаноқдек чаккага тақсин миллати.

Шоирлар йиғиси оламда селнинг
Ҳали борлигидан этади огоҳ.
Зулматдан кўзлари юмилган элнинг
Чарақлаб кетади юраги ногоҳ.

Шоирлар йиғиси рўй-рост янграсин,
Эй қўли узунлар, тўсманг йўлини.
Мажақлаб у қулнинг сийқа тангасин,
Олтинга ўргатар миллат қўлини.

Тўхтатманг, шоирлар йиғласин тўйиб,
У йиғи – азамас, тўйлардан дарак.
Ҳар томчи кўзёшни бешикка йўйиб,
Улардан улғаяр Буюк келажак!

Ўкинч

Айт, Тангрим, бу феълим ўзи қанақа? –
Таъзимга хасису, мақтовга нўноқ!
Илондан қўрқмасдан сайраган бақа
Баъзида булбулдан менга яқинроқ.

Айт, Тангрим, билмайман, бу не тилсимдир? –
Шунчалар ўжарки терспарда созим,
Куйлашни истаган пайтимда жимдир,
Жим турмоқ истасам – янграр овози.

Ўзни дарё билиб тошса гар юрак,
Ақл тўғон бўлиб тўсар дафъатан.
Этнинг аҳволидан бехабар сўнгак,
Сўнгакдан қаттиқроқ шўрлик эт баъзан.

Лекин гоҳ шоирман, куйлайман яйраб,
Гоҳо файласуфман, ўйга ботаман.
Ҳар куни тарихга умримни қайраб,
Чиройли ханжардек қинда ётаман.

Хизматкор эмасман, хожа ҳам эмас,
Осмонга сиғмаган нодон қуёшман.
Булутдек йиғлайман – тупроқ нам эмас,
Вужудим тикану, гулга сирдошман.

Шу тахлит яшайман берган умрингни,
Раҳм эт қоронғуда адашган нурга;
Кунлардан мен учун терган умрингни
Айлантиролмадим, Аллоҳим, дурга!

Элегия

Шамол увлар. Мен қирғоқда. Дарё. Кеча.
Васлинг тилаб мен бораман дарё кеча.
Ясси қирғоқ. Оташ бўса. Қайноқ қучоқ.
Ишқ чўғида ёндирасан. Шу зумдаёқ.

Вужудимни тарк этади совуқ титроқ...
Кунлар оқди, ойлар оқди дарё каби,
Айрилиқни куйладию қисмат лаби,
Бажо бўлди ғийбатлару рашк талаби...

Энди эса, хатосевар қайсар ҳаёт
Қалбни қийнаб, ёдга солур сени бот-бот:
Жонланади ўша кеча, ўша қирғоқ,
Вужудимни ёндиради қайноқ қучоқ...
Ва мен шўрлик хотирамда ёқиб гулхан,
Ўша ёниқ ишқ тафтида исинаман.

* * *

Тут гадолиғни, Навоий, муғтанам,
Шоҳлар оллида бош индурма кўп.
Алишер Навоий

Мен чопмадим шуҳрат кетидан,
Шов-шувлардан яшадим йироқ:
Дафтаримнинг ўпди бетидан
Юракдаги муқаддас титроқ.

Мени гоҳо дедилар тушкун,
Гоҳо нодон, ўжар, дедилар.
“Бошинг силат, бу дунё беш кун!” –
Гоҳ ғамимни шундай едилар.

Силатай деб узун қўлларга
Мен бошимни эгмадим бироқ,
Замонамдан нари йўлларга
Нур сочай деб бўлдим бир чироқ.

Замонасоз қуёш бўлганлар
Чарақласин, қандини урсин!
“Нодон!” дея мендан кулганлар
Доноликнинг гаштини сурсин!

Мен-чи, бошни тик тутиб атай,
Эгилмасдан ўтаркан, дерман:
Бошин эгиб, қай шер, силатгай?! –
Мен-ку, ахир, Абдулла Шерман!

Риторикани ва поэзияни ёқтирмайдиганлар
ожиз одамлар.

СИНЕСИЙ

Олис дарахтзорлар ортида

(Хотира-новелла)



Ҳалима АҲМАД

Улар тўп-тўп бўлиб келишарди. Бибимнинг боғидаги ажриқлар устида узала тушиб ётганча барчасининг қадамларини санардим. Бу булутлар гўё онам ва қўшни хотинлар йиғилишиб тўйга бораётган ҳолатни ёдимга соларди. Негадир улар ёзнинг осмонига ярашмасди. Ярашмаслигини ўзлари ҳам билгани учунми – қизариб-бўзариб бирпасда кетиб қолишарди. Боғнинг ичкарисидан эса ерга меҳр билан қадам босиб юрган бибимнинг кўйлаги шитирлаши эшитиларди. Бибим ўша ёқдан туриб, онда-сонда менга овоз бериб қўярди:

– Бу ёққа келсанг-чи, бай-бай, шундай ширин бўлибдики...

Биламан, бибим ёз шаббодасида ерга тушган меваларни

териб, қўлидаги саватга солаётир. Доим шундай – ерга тушган меваларни гўё бехос йиқилган болани турғизгандек эркалаб, таскин бериб теради.

Қаердандир пайдо бўлган асалари бошим тепасида уйини тополмаётган телбадай айланади, айланаверади. Бу ҳашарот заҳрини жуда кўп бор тотганим учун ундан қўрқаман. Қимир этмай ётаман. Дадам айтган: асалари ҳаракатдаги одамни чақади. У айланиб-айланиб чарчагач, қаергадир кетади. Унинг ортидан хаёлларим эргашади. Ўйлайман: асалари бўлганимда қандай яшардим? Йўғ-ей, миттигина жонзод бўлгандан ҳозирги аҳволим яхши эмасми?

Яна осмонга қарайман. У энди топ-тоза, ҳалиги булутлар қаёққа кетди? Ёки осмон билан хафалашиб қолишдимикан?! Мен жавобини тополмаган саволлар бирам кўпки, ўйлайвериб чарчаб кетаман.

Ёнгинамда қиқирлаб-қиқирлаб оқаётган ариқчага нимадир шалоплаб тушади. Сакраб ўрнимдан тураман.

Онам айтмоқчи, юраксизман. Бўлар-бўлмас нарсалардан ҳам қўрқаман. Ариқчада эса бибимнинг эркатой қизил ўриклари мазза қилиб сузади.

Ҳалима АҲМАД *– 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) ҳамда Москвадаги Олий адабиёт курсини битирган. Ижодкорнинг “Кўзимнинг тили”, “Тунги марваридгуллар”, “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси”, “Нигоҳ қибласи”, “Шафақ ибодати”, “Ёсуман гулининг сояси”, “Яшил”, “Ташбеҳ” номли китоблари нашр этилган.*

Боғнинг ичкарисидан яна овоз келади:

– Нима бало, ухлаб қолдингми, тезроқ келсанг-чи...

Овозга лоқайд жавоб бераман:

– Боряпман.

Эриниб боғнинг ичкарисига – ерга тушган ўрикларни пуфлаб-пуфлаб қўлидаги саватга солаётган бибим ёнига чопаман. У ора-чира:

– Неъматингдан айланай, – деб қўяди.

Бибимнинг қоқсуяк узун бармоқлари худди кашта тикаётгандек нозик ҳаракатланади. Ҳавасим келади. Унга кўмаклашаман. Менинг қўпол ҳаракатим унга ёқмайди. Яна танбеҳ эшитаман.

– Чўлдан келганмисан, ўрикларни ғижимлама, оҳиста олиб, саватга сол.

– Уфф, хўп-хўп...

Бибим билан пешингача ерга тушган ўрикларни терамиз. Уларнинг кўпчилигида арининг уйига ўхшаган тешикчалар бор.

Бибим уларни ари-емиш деб атайди. Энг ширин ўрикларни ари ейишини ҳам таъкидлайди.

Бибимнинг узун кўйлаклари билан баробар узун сочлари баъзан буталарга илиниб қолади. У сочларини шу қадар майинлик билан буталардан ажратиб оладики, худди буталарга озор беришдан қўрққандай.

...Қўлларимни ўрик шираси босади. Бармоқларим бир-бирига ёпишиб қолаверганидан ғашим келади. Боз устига зерикаман.

Бибимнинг соясини ўлчайдиган вақти келишини интиқлик билан кутаман. Ва ниҳоят бибим боғ четидаги яланглиққа чиқиб соясини ўлчайди. Сўнг шошапиша қўлларини ариқчадаги сувга чайиб уйга кириб кетади. Доим шундай: у аввал соясини ўлчаб, кейин намоз ўқишга киришади. Менга эса энди озодлик. Ўрикка тўлган саватни сўрига қўяману, яширинча бибимнинг ширинхонасига кираман. Ширинхона – дунёдаги энг гўзал жой. Ҳамма орзуларим ўша ерда қамалгандай. У ерда бибим меҳмонлар олдига қўйиш учун ранг-баранг шоколад, турфа ширинликларни асрайди. Энг қизиғи, уларни катта-катта оппоқ халталарга илиб қўяди. Менинг эса уларга бўйим етмайди. Аммо йўлини топганман. Бибимнинг учлари ўткир пахта савагичини оламану халтани тешаман. Қарабсизки, бир-биридан ширин шоколадлар оёғим остида. Содда бибим ҳар гал тешилган халталар учун сичқонларни айбдор қилади. Икки оёқли сичқон – мен эса кўзларимни лўқ қилиб тураверaман.

Бу гал ҳам этагимни шоколадга тўлдириб, катта ариқ бўйига чиқаман. Оёғимни сувга солиб масза қилиб шоколадхўрлик қиламан. Оқаётган сув устига кўнмоқчи бўлаётган нинachилар қаноти етти рангда товланади.

Арикнинг нариги ёғида маккажўхори поясини чайнаётган бола менга қараб-қараб қўяди. Ва ариқ бўйига яқинлашиб, оғзини чапиллатади:

– Ҳей, алмашамизми?

У менга жўхори поясини кўрсатади. Шу дамда менинг ҳам поя чайнагим келади. Ҳа, дегандай бошимни силкитаман. Турган жойимдан у томонга бир ҳовуч шоколад улоқтираман. У менга узун жўхори пояси беради. Пояни ҳузур қилиб чайнайман. Аммо бехосдан у лабимни қирқиб юборади. Оғриқдан йиғлаб юбораман. Лабимдан сизган қонни ариқ сувида ювaман. Сув юзида қоним чиройли жилоланиб оқади. Арикнинг нариёғидаги бола кулади. Мен эса югуриб бибим намоз ўқиётган хонага кираман. У икки томонига қараб салом беради. Ҳар гал шундай қилади. Кейин эса

мени қучоғига олиб бошимдан ўпиб қўяди. Бу гал ҳам шу ёнига ортига ўгрилди-ю, йиғлаб турганимни кўриб сакраб ўрнидан турди. Лабимдан сизиб турган қонни артиб, малҳам қўйди. Унинг меҳри олдида қўрқа-писа ўзимни фош қилдим. Бибим эса сал жиддий тортиб:

– Ўзимнинг кичкина сичқончам, аввалдан билардим. Фақат ўзинг тан олиб айтишингни кутардим. Бошқа бундай қилмагин, сўрасанг ўзим бераман, сўрамасдан олиш бу гуноҳ, – дейди.

– Биби, мен гуноҳкорманми?

Бибим саволимни жавобсиз қолдириб, ҳовли ортидаги полизга чиқиб, пишиб етилган хушбўй зомичадан узиб келади. Бутун ҳовлини унинг ширин ҳиди тўлдиради.

Тушликка зомича билан патир еймиз. Энди нимагадир бибимнинг кўзларига қарай олмайман. Ич-ичимдан аллақандай йиғи аралаш хўрсиниқ келади. Бибим эса ўзини ҳеч нарса билмагандай тутади. Сўнгра нақшинкор сандиғини титкилаб, думалоқ зар дўппини қўлига олади. Ва менинг бошимга кийгизади:

– Туф-туф, бирам чиройли бўлди мани қизим, бу каллапўшни сенга атаб тиккан эдим, ёқдими?

Мен сандиқ ёнидаги катта тошойнага боқаман. Бибимни қаттиқ қучоқлаб оламан:

– Бибижон, бирам яхшисиз. Мен энди бошқа ёмонлик қилмайман.

Бибим жилмаяди. Унинг жилмайишида осмон кўринади. Куйган булутлар эса қаёққадир кетган. Ланг очиқ деразалардан ёз шаббодасига қўшилиб, гармселнинг ёқимсиз нафаси киради.

Пешинда ҳаво жуда қизиб кетади. Бибим энди деразаларни ёпиб, оғир пардаларни тортади. Хона қоронғи ва салқинлашгандай бўлади. Мени негадир уйқу тортади. Аммо ичимдаги ёввойи ҳаяжон типирчилайверади. Бибим эса қуюқ сояли сўрига бориб, яна кўрпача қавишга ўтиради. Унга қараб туриб, чарчамасмикин, деб ўйлайман. Бир зум тинмайди.

Ва ниҳоят кўзимдаги уйқуни енгиб, ариқ бўйига чиқаман, ниначилар тўлқинланиб оқаётган ариқ сувининг теппасида байрам қилишади. Шу дамда ниначилар тилини тушунгим келади. “Улар бир-бирларига нима ҳақида гапиришар экан, уларнинг ҳам бибиси борми? Уйи-чи?” деган саволларга миям тўлиб кетади. Негадир яна зерика бошлайман. Бибимнинг уйини яхши кўрсам-да, бу ерда мен билан ўйнайдиган ҳеч ким йўқ. Ариқнинг бошидаги дўнгликка чиқиб, ўзимизнинг уйимиз томонга қарайман. Дарахтлар, уларнинг ортидан эса менга доим сирли ва қўрқинчли кўринадиган тепаликда жойлашган қабристон кўзга ташланади. Негадир этим жунжикиб кетади. Ана шу катта қабристоннинг орқа томонида – бизнинг уйимиз. Ҳозир бирам дугоналаримни соғинаман. Бибимнинг уйидан эса кетгим келмайди. Гарчи зериксам-да, бу ерда худди эртакнинг ичида яшаётгандайман. Тунда сўрида бибим билан ётиб, унинг тундай узун эртакларини мириқиб тинглайман. Онам эса эртак айтишни хуш кўрмайди.

Бибимникида осмон жуда яқиндек туюлади менга. Айниқса, тунда қўлимни узатиб юлдузларни шакарак олмадай узиш мумкиндай...

Шунинг учун тезроқ кеч тушушини истайман. Ва осмонда ҳануз ботишини хаёлига келтирмай порлаб турган қуёшни кўриб ҳафсалам пир бўлади.

Тўрт томонга кўз югуртириб, қизиқарли нимадир излайман. Бибим эса ҳануз сўрида ўтириб кўрпа қавийди. Зерикмасмикин-а?!

Ўйлаб-ўйлаб ҳовли ортидаги олмазорни оралайман. Олмазорнинг ҳиди бошқача. Ғарқ пишган олма бирам ширин. Бекорга шакарак олма дейишмайди-да. Бошимдаги зар дўппига тўлдириб олма соламан. Ва ариқ сувига чайқаб бирин-кетин паққос тушираман.

Мендан сал нарироқда икки-уч бола ва мен тенги бир қиз ариқда чуввос солиб чўмилишяпти. Қиз сузиб-сузиб мен томонга келади. Уни икки-уч марта кўрганман. Бибимнинг қўшниси, нуқул деворнинг устида юради. Юракдан ҳам Худо берган. Бибим уни "эчки" дейди. У менга яқинлашиб, оёғимдан тортади:

– Чўмилмайсанми?

– Мен сузишни билмайман.

– Туш, ўргатиб қўяман.

– Йўқ, бибим уришадилар..

У энди жиққа ҳўл кўйлаги билан ёнимга ўтириб олади:

– Менинг исмим Чинни.

– Нима, нима? Чинни деб коса-пиёлани айтишади.

– Тўлиқ исмим Чиннигул, "гул"ини айтишни ёқтирмайман. Менга Чиннининг ўзи ҳам етиб ортади.

– Иби, Чиннигул чиройли-ку.

– Менга қара, нега сузишни билмайсан? Сув шунақа масза. Калла ташлашни яхши кўраман. Сув тагида митти-митти балиқчалар бор. Хоҳлайсанми кўришни?

– Йўқ, йўқ, керак эмас.

Чиннигул бир силкиниб мени ариққа итаради. Сувга тушган ғўладай шалоп этиб, ариқнинг ўртасига тушаману, ўзимни бошқаролмай бақираман:

– Ёрдам беринг, чўкаяпман!

Чиннигул хандон ташлаб кулади:

– Оёғингни қимирлат-ей, қўрқоқ...

Олис дарахтзорлар асрори

Ҳалима Аҳмад. "Олис дарахтзорлар ортида". Уни ўқиганимдан бери неча ойлар ўтди. Ўшандан бери компьютеримнинг "Ишчи столи"да турибди. Чарчасам, дағаллашсам ва руҳга, кўнгилга қайтмоқ тиласам, очиб ўқийман.

Хотира-эссе... демакки, реал ҳаётий воқеалар. XX асрнинг 60-йиллари, албатта, оғир давр бўлган. Бир тарафдан – ҳали урушдан кейин ўзига келмаган одамлар, изга тушмаган турмуш. Иккинчи ёқдан – шўро, ҳаммамиз билган ўша шўро... Одамларнинг моддий ва маънавий ҳаёти, руҳияти асосан шу икки омил таъсирида бўлган – бу қаламга олинган воқеалар, қишлоқ манзаралари, турмуш тарзи кабиларда манаман деб кўриниб турибди, албатта. Лекин... хотираларни ўқидиму, руҳиятимда босим, оғирлик сезмадим. Ҳалима опа битган воқеалар ичида аёлини уриб ҳушидан кетказиш бор, элнинг қонини ича-ича охир-оқибат жинни бўлиш бор, ўзини отиб қўйиш бор... – қизиққи, бу фожиалар эссени беҳад ёритиб турган алланечук, муҳташам ёғду соясида қолади. Юрак "ёруғ хаёл, самовий ўтлар"га (Абдулла Орипов) тўлади. Нега, қандай қилиб, деб ўйлайман...

Рўзғор аравасини юрғизиш – уқубатнинг ўзгинаси. Гулдураган дунёдан узилгандай олис бир қишлоқ. Шароит оғир. Жисми-ю руҳияти мажруҳ этилган одамлар, тупроққа қорилиб улғаяётган болалар... – нега буларнинг барига

Сув дегани бебош нарса бўлар экан, судраб кетаверади. Йиғламоқдан бери бўлиб, зўрға ариқ лабига чиқиб оламан. Зар каллапўшим эса сувга оқиб кетади. Чиннигул уни қаердандир тутиб келади. Овозимни эшитиб, югуриб келган бибим Чиннигулнинг қулоғини бурайди:

– Ҳа, эчки, ҳеч тинч юрмас экансан-да, чўкиб кетса нима бўларди?

У ҳам бўш келмайди.

– Неварангиз бунча қўрқоқ, биби, шунча катта гавдаси билан чўкадими?

– Ҳали сани онангга айтиб бермасамми?

Бибим Чиннигулнинг қулоғини қўйиб юбориб, менга юзланади:

– Тезда уйга кириб кийимларингни алмаштир, зар каллапўшни ҳам расво қилибсан, эй қўй-ей...

Сезаман, у мендан чинакамига хафа бўлган.

Чунки жуда аччиғи чиқса "қўй-ей" деган сўзни ишлатади. Мен уйга кириб кийимларимни алмаштираман. Зардўппимни эса бибим қуёш томондаги дарахт шохига илиб қўяди.

Энди Чинни ортимдан қолмайди. Худди ҳеч нарса бўлмагандай тиржайиб:

– Юр, бештош ўйнаймиз, – дейди.

Мен қовоғини солиб кўрпа қавиётган бибимга кўз остимдан қарайман. У менинг нигоҳимни сезгандай бошини кўтариб таъкидлайди:

– Ҳовлида ўйнанглар...

Суюниб кетаман... Бирпасда Чинни билан эш бўлиб бештош ўйнаймиз.

У менга оқ рангдаги думалоқ тошча совға қилади, унда бир қаноти синган қушнинг сурати бор. Қайтиб-қайтиб тикиламан:

– Ўзинг чизганмисан бу суратни?

– Йўғ-ей, ариқ ичидан топганман, менимча бу суратни сув чизган.

– Нима, ҳали сув ҳам чизишни биладими?

қарамасдан, "Олис дарахтзорлар..."ни ўқидиму, руҳ енгил тортди? Нега унга яна ва яна қайтгим келаверади? Ўз болалигимни кўрдим – шу сабабдир эҳтимол? Биз одатланган, бизни бир қадар зериктирган насрга ўхшамайди, ниҳоятда ҳассос, шеърдай ўқилади – шу учунмикан? Йўқ, фақат булар эмас, деди ичимда бир овоз. Гап бошқа ёқда... Нимада унда?

Одамлар, ҳа, одамлар! Ўша ҳикоя ичидаги одамларнинг кўпчилиги қисматдан ўпкалашни, ёзгиришни билмайди. Бир-бирини суяб-аяб яшайди. Қилган амалларини кўз-кўз қилиш, тақвони урғулаш, осмонўпар даъволару одамни даражалашлар йўқ. Парвадигор қонунларини савқи табиий ила билади ва амал қилади. "Олис дарахтзорлар ортида"нинг болалари битта сақич ё ҳуштакдан хурсанд, катталари ёмон одамлардан сўз кетса "Худо раҳмини есин", дейди. Меҳр бор, бетама ғамхўрлик бор, оқибат, ҳамият бор. Замон, сиёсат, тузум, ёмон одамлар, қисмат каби иддаолар билан ўзингни оқламай, одамийлик тутумлари билан яшаса бўлар экан-да, дейман... Қаноат, биз буткул унутган қаноат билан нақадар бой улар!

"Нурсиз ичкарисида, ҳаёт янчилган кўзлари" билан Яссавийни ўқиётган Қиём бобо, оёқсиз эрини чақалоқдай кўтариб аравачага ўтқазган барваста хотин, хиргойиси этни жимирлатадиган Норбой аравакаш, уриш-сўкиш эшитганда йиғлашдан бошқасига кучи етмайдиган ювош Роҳила янгача, одам ўлганда паст овозда гапирадиган чайир ва меҳрибон Чинни, гуллаган бодом дарахтига ўхшайдиган

– Билса керак. Чунки мен ҳар хил суратлари бор тошларни сув ичидан кўп топаман....

Ҳайратланиб суратни томоша қиламан..

– Сен ўқишни биласанми? – деб сўраб қолади бир пайт Чинни.

– Ҳа, тўртинчи синфда ўқийман-ку, яхши биламан.

– Сен-чи?

– Мен ҳам тўртинчи синфдаман, ҳарфларни зўрға қўшиб ўқийман. Биласанми, менинг зўр эртак китобим бор. Олиб келайми?

– Олиб кел, бирга ўқиймиз.

Чинни ялангоёқ югурганча бориб баланд деворга тирмашади. Бирпасда ундан ошиб ўтади. Ҳаял ўтмай қўлида китоб билан пайдо бўлади.

Ҳақиқатан ҳам китоб чиройли рангда, юзида "Гулиқаҳқаҳ пари" деб ёзилган.

Энди у билан эртакхонлик қиламиз. Сезаяпман, бибим ҳам мен ўқиётган эртакларни берилиб тинглаяпти. Юзи анча ёришган. Боғ томондан дарахт шохларига қўнган чумчуқларнинг жўр овозда чириқлаши ўқиётган эртагимнинг ичига кириб келади. Ўқишдан тўхтаб бирпас хаёлга толаман. Чиннининг думалоқ қора кўзлари менга ғалати қарайди:

– Ҳа, нега тўхтадинг, жуда кўп хаёл сураркансан, нега унақа?

– Хаёл суришни яхши кўраман.

– Нима, девона-певонамисан?

– Сен хаёл сурмайсанми?

– Йўқ, нимага керак хаёл суриш, ундан кўра девор устида айланиб юриб, тўрт томонни томоша қиламан.

– Йиқилиб кетишдан қўрқмайсанми?

– Неча марта йиқилганман, ўрнимдан туриб кетаверганман.

– Кучли экансан-а?

оппоқ кийимли азадор аёллар... ва ниҳоят фариштасиймо Биби! Айниқса, Биби! Бутун борлиғи меҳрдан иборат Биби! У ерга тушган ўрикларни бехос йиқилган болани турғизгандай авайлаб тераді, буталар озор чекмасин деб илашган сочини шохлардан майинлик билан ажратади, осмонга кўнглини излагандай қарайди, намозини тугатиб майин шаббода янглиғ чиқиб келади... Мана шу одамлар мени мафтун қилди, рост. Нурсиз, бечораҳол турмушнинг қоронғи осмонида юлдуздай порлаган одамлар. Сирли дарахтзорлар ва дарё хаёлимдан кетмай қолди. Ортида Худо бор деб ишонилган олис дарахтзорлар. Чуқур тортилган оҳ ва яна аллақандай шиддатга ўхшаган сас таратиб оқаётган дарё... Эссени юнон афсоналари сингари нафасимни ютиб ўқидим – менга ҳар доим илоҳий китобларнинг парча-пурчасидай туюлаверадиган довруқдор афсоналар сингари.

Фақат бу ҳам эмас...

Хотирага оид битиклар ҳамиша чуқур субъектив характерда бўлади. Чунки инсон хотираси шундайки, ҳаётда кечмиш воқеаларни ғайриихтиёрий "таҳрир" қилади; ўзига мақбул маъно ва кўринишларни сақлаб, қолганини баданга кирган зирапчадай аста-секинлик билан чиқариб ташлайди. Хотирада объектив реал воқеага туйғу аралашади. Хотира бўлиб ўтган воқеага ўзи истаган маънони беради, уни ўзи истаган рангларда кўради.

Эссени ўқиб амин бўлдимки, Ҳалима Аҳмад ҳаётнинг нурли-гўзал воқеликларини севади. Кўзини ёруғ рангларга қаратади. Одамлардан фазилат

– Йўқ унчалик эмас, менинг акам томимиздан пастга сакрайди, ҳеч нарса бўлмайди. У жуда кучли...

Мен негадир устида Чинни югуриб юрадиган девор томонга қарайман. Энди деворда офтобнинг қип-қизил ранги лопиллаб туради. Чинни ҳам яйраб эснайди-да, китобини қўлтиқлайди:

– Мен кетдим, сигирларни даладан олиб келишим керак.

У эпчиллик билан девордан ошиб ўтади. Унга ҳавасим келади. Мен ҳам девор ёнига бориб, ўзимни синаб кўрмоқчи бўламан. Аммо бўйимдан икки-уч баробар баланд деворнинг ҳайбати босади.

Оғилхонадан бибимнинг сигирини эркалатиб соғаётгани эшитилади:

– Туёғи тилло жонвор, феъли юмшоқ жонвор, сути қаймоқ жонвор...

Мен дарҳол катта супургини олиб ҳовлини супураман, ариқдан сув олиб ҳаммаёққа сепаман. Сув томчилари сўри ёнидаги райҳонларга сачраб, ҳовлига райҳон ҳиди таралади. Чумчуқларнинг қўшиғи авжга чиқади...

Аста-секин шафақнинг қизғиш нурлари сўнади. Атрофга намозшом ёйилади. Энди фақат чигирткаларнинг ширин хониши эшитилади. Сўри юзини керосин чироқ ёритиб туради. Бибим билан овқатланиб бўлгач, у яна намоз ўқишга кириб кетади.

Мен эса осмонни аста-секин безаётган юлдузларга маҳлиё бўлиб қарайман. Улар жуда-жуда яқиндай туюлади. Ётган жойимда қўлимни осмонга чўзаман, назаримда юлдузлар бармоқларим учига кўнмоқчи бўлгандек... Ҳаво шундай майинки, салгина қўпол ҳаракат қилсам, майинликни бузиб қўядигандай ўрнимдан оҳиста тураман. Боғимизнинг ёнгинасидан ўтган катта ариқ шилдирашдан тўхтамайди. Ҳар замонда “шалоп-шалоп” этган товушлар қулоққа чалинади. Бибимнинг шакарак олмалари худди Чиннига ўхшаб тун шаббодасида бирин-кетин ариққа калла ташлайди. Сўри четида нимадир ялтираб кетади. Ёнар қурт

ахтаради. Фожиалар, машаққат ва ёмонликларни унутиш билан уларни ҳаётдан узоқлаштирмоқчи, кучсизлантирмоқчи бўлади. Кичкина шаҳзода сингари ўз сайёраси – хотирасини, шуурини тозалаб туради... Бу осон эмас. Ҳаёт ва одамларнинг фақат ёруғ томонини кўриш, бошқасини унутиш учун ҚАЛБ керак, катта ҚАЛБ! Ўрта асрлардаги сўфийлар шундай бўлган бўлишса керак, деб ўйлайман. Яна ўйлайманки, олис дарахтзорлар ҳақидаги хотиралар соҳиби, аниқки, бизга – ерликларга ўхшамайди. У Қуёш нурлари йўлагида кезса керак. У шимолнинг баҳайбат музлари остида ҳеч қачон яхламайдиган кўллар товушини эшитади. У – “шеър ёзадиган аёл” ёруғ хотиралари, некбин нигоҳлари билан улкан дунёнинг ўзи яшаётган кичкина бўлагини мусбат энергияга тўлдириб туради.

Азиз ўқувчи, кўнгил ёруғликни соғинса, “Олис дарахтзорлар...”ни очинг ва қайта-қайта такрорланг: “Художон, мен яхши кўрган ҳамма нарса мен билан бирга бўлсин, уларни ўзимга кўчириб бер, Художон!” Яна айтинг: “...ҳали ҳам Худо менга беражак мўъжизадан умид узмайман!”

Ишонинг, мўъжиза албатта рўй беради! Олис дарахтзорларнинг очилмаган асрори шунда.

Нодира ОФОҚ,
филология фанлари доктори

бўлса-я, деган хаёлдан қўрқиб кетаман. Ўзи кичкиналигимдан ҳашаротлардан қўрқаман. Уларга кўзим тушди дегунча жунжикиб кетаман. Қўрқа-писа ялтираган нарсага яқинлашаман. Иби, бу бибимнинг тилло узуги-ку! Доим сигир соғиш пайтида узукларини ечиб қўяди. Узукни қўлимга олиб томоша қиламан. Керосин чироқнинг нурида у шундай порлайдики, худди бутун борлиқни ўзига афсунлаб олгудай. Бирдан юрагим дукурлаб кетади. Беихтиёр узукни қўлимга олиб ишқалай бошлайман. Сеҳрли узук, сеҳрли узук, мени ҳам Чиннига ўхшаган қўрқмас қил...

Бу гапни кўп бор такрорлайман. Ахир, бибимнинг эртагида қашшоқ йигит сеҳрли узук туфайли бадавлат одамга айланади-ку. Ёки бибимнинг узуги сеҳрли эмасмикин?! Аммо нимагадир ўзимни бирдан бақувват, жасур ҳис қила бошлайман. Ичкаридан намозини тугатган бибим менга жилмайиб боқади.

– Ҳой қизим, ким билан гаплашяпсан?

– Ўзим, – дейман негадир уялиб.

Шу пайт боғимиз ичидан қандайдир кўланканинг ҳаллослаб югуриб келаётганини кўриб, қўрқиб кетаман. Назаримда, бибим ҳам чўчиб ўша томонга қарайди. Сўрига яқинлашган кўланка тилга киради:

– Холажон, холажон, мени қутқаринг, уйинг куйгур ҳозир мени ўлдиради бўлмаса.

Бибим ҳушёр тортади.

– Ҳожар келин, сизмисиз? Келинг-келинг.

Чироқ ёруғида у кўланкани энди тиниқ кўраман. Узун сочлари тўзғиган, юзлари кўкарган, лабидан қон сизиб турган ўттиз ёшлардаги бу аёлни аввал ҳам кўрганман. У жуда келишган. Бибим билан дардлашгани тез-тез чиқиб туради. Гапираётганда юзидаги кулгичи бирам чиройли ўйнайдики, ундан кўзимни узолмасдим. Ҳозир унинг афтода ҳолига боқиб ҳайрон бўламан. У сўрига келиб ўтирар экан, уввос солиб йиғлайди. Йиғлаб туриб яланг оёғига ботган тиконларни тера бошлайди:

– Ўзи дунёга бекор келган эканман. Биринчи бахтимдан тинчимаган эдим. Иккинчи бахт бахт эмас экан, холажон. Уззукун маломатда яшайман.

Бибим энди дилидаги меҳрхонасини очади:

– Ундай деманг, Ҳожар келин, Яратганга шак келтирасиз. Бу дунёда ҳамманинг ўз ўрни, бахти бор. Ана мани айтди дерсиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Энди Ражаб ёмон йигит эмас ўзи, фақат сал феъл-атвори қаттиқроқ, сиз тилингизни ширин қилаверинг, айланай.

Боғнинг қоронғи ичкарисидан яна бир соя сўрига яқинлашиб келади. Аёл ўша томонга қараб овоз беради:

– Кел, Салимжон, кела қол, болам.

Бола югуриб онасининг ёнига ошиқади. Бу ўша менга жўхори поясини берган бола. Исми Салим экан-да.

Аёл уни бағрига босиб, яна аллақандай юракни эзиб ташлайдиган овозда йиғлайди.

– Уйинг куйгур бир қозон овқатни ағдариб ташлади, ҳали кўзи кўр бўлади уни. Бечора боламни “ҳароми” деб сўккани-сўккан. Ўгайлигини ҳар соатда билдириб туради. Бўлмаса итда тиним бор, мана шу муштдай болада тиним йўқ. Мол-ҳолга ҳам, томорқага ҳам шу қарайди.

Бибим қайтадан дастурхон ёзади. Барини дастурхонга тўкиб, ўчоқда чой қайнатади. Аёл эса бутун дунёни эсидан чиқаргандек бир нуқтага маъносиз қараганча шашқатор кўзёшларини оқизаверади, оқизаверади.

Салимжон офтобда қорайиб, ёрилиб кетган қўлларини мушт қилиб, юзида оқаётган ёшларни артади-да, дастурхондаги ноннинг бўлагини олиб, ютоқиб-ютоқиб ейди. Аёл унинг елкасини силайди. Бибим икки косада овқат олиб келади.

Аёл ҳеч нарсага қарамайди. Салимжон бўлса дастурхонга мук тушади.

Бибим аёлни қистайди:

– Олинг Ҳожар келин, эмизикли болангиз бор, тўйиб овқатланишингиз керак.

У узоқларга нигоҳини тикади:

– Ҳеч нарсани кўнглим тортмаяпти, холажон, қизимни бешикка белаб ухлатгандим, ишқилиб уйғонмаган бўлсин-да... Нимагадир юрагим ғаш. У жаллод, холажон, билмайсиз-да... Ҳар куни ичиб келади-да, болтани чархлайди, ана шу болта билан мени калламни олармиш.

– Қўйсангиз-чи, Ҳожар келин, одам ўлдириш осон бўптими, гапираверади-да. Айтмоқчи, ярим тунда сизлар тарафдан келадиган визиллаган товуш ниманики, десам, Ражаббой болта чархларкан-да. Эҳ, ноинсоф-ей...

Уларнинг суҳбатини эшитиб ичимда нимадир музлагандек бўлади. Эртаклардаги уч бошли аждарнинг калласини олишга шайланган баҳодирнинг болтаси ёдимга тушади.

Юзу кўзи йиғидан шишган аёлга қарайман.

У ҳамон бибимга дардиҳол қилади. Қорни тўйган Салимжон бўлса, онасининг тиззасига бошини қўйиб пинакка кетади.

Тун яримлаб қолган бўлса-да, негадир уйқум келмайди. Бошимда нуқул ваҳимали хаёллар айланади.

Гулдураган бир овоз хаёлларимни чилпарчин қилади:

– Ҳа, манжалақи, шу ерда экансан-да, қани олдимга туш-чи.

Чўчиб ортимга қарайман. Сочлари патила, соқоллари олинмаган қоп-қора юзида ғазаб ва нафрат акс этган баҳайбат одам қаердандир пайдо бўлиб аёлни судрайди. Салимжон сакраб туриб, онасини қучоқлаб зорланади:

– Дадажон, онамни урманг, ўлиб қоладилар, жон дадажон!

Бибим ширин овозда ҳалиги қўрқинчли одамни инсофга чақиради.

– Ражаббой, одам оиласини хор қилмайди, бу бечоранинг айби нимада ахир?

– Сиз қаердан биласиз, бу ифлос мен ишга кетганда бошқалар билан дилхушлик қилади.

– Кўзинг билан кўрдингми, ё тутиб олдингми?

– Эшитдим, кўп бор эшитдим.

– Ёлғон гапларга ишониб, оилангни барбод қилма, кейин афсусланасан.

– Менинг ғамимни емай қўяверинг, бу ёғини ўзим биламан.

– Қани, олдимга туш деяпман...

Ҳалигина райҳон бўйига чулғаниб турган ҳавони қўланса ҳид қоплайди. Тўрт томондан елаётган шаббодалар нимагадир тўхтаб, нафасни сиқадиган димлик юрагимни ғижимлагандек бўлади. Нимагадир ўқчигим келади.

Бибим қандайдир хавотирни сезгандай Ражаббойнинг йўлини тўсади:

– Бугун булар шу ерда қолади. Сен билан бориб бешикдаги гўдакни ҳам олиб келаман. Эртага мастлигинг тарқалгандан сўнг хотининг билан гаплашиб оларсан.

– Хола, сиз ҳам жаҳлимни чиқарманг, ҳозир мен билан кетади, деяпман, гап тамом!

Ҳар қандай чигалликнинг ечимини топадиган бибим бир лаҳза доскадаги мисолни ечолмаётган ўқувчидай довдираб қолади. Ва яна бўронни енгган чинордай ўзини тиклайди:

– Майли, сен айтганча бўлсин, фақат мен ҳозир Сулаймон тоғани чақириб келаман. Қани, улар нима деркинлар?

Ражаббой Сулаймон тоғанинг номини эшитиши билан ҳовуридан тушгандек бўлиб қўл силтайди.

– Менга деса, сизники тугул жаҳаннамда қолмайдими, фақат анави бешикдаги носқовоғини ҳам олиб келсин.

– Яхши, ўзим бориб олиб келаман.

Ражаббой кета туриб ўйинда ютқазган боладай аламига чидай олмай аёлнинг юзига мушт туширади. Аёл чалқанча йиқилади. Бурнидан отилиб қон келади. Салимжон онасини қучоқлаб, бурнидан оқаётган қонни кафтида арта бошлайди. Бибим дорга илинган сочиқни ҳўллаб аёлга тутқазади. Ва жаҳл билан Ражаббойни сўкади.

– Ҳей, аҳмоқ йигит экансан-ку, виждонсиз!

Мен эса қишлоғимизнинг пахтахонасида қўйиладиган ваҳимали кинони томоша қилаётгандек сесканиб, жунжикиб воқеаларни томоша қиламан. Энди ичимдаги муз катталашади. Орадан сал ўтмай бибим дўмбоққина, чиройлигина чақалоқни кўтариб кириб келади. У катта-катта кўзларини очиб тўрт томонга аланглайди. Аёл меҳр билан гўдагини қучоқлаб кўкрак тутади.

– Очиқиб кетибсан-да, шакарим.

Чақалоқ ғиқ-ғиқ қилиб эма бошлайди. Бибим ётишимиз учун сўрига катта қилиб жой ҳозирлайди. Она-болалар ўзларига тўшалган ўринга жойлашади. Мен билан бибим эса сўрининг нариги бурчагида қўним топамиз.

Кўзимга уйқу келмайди. “Эссиз-а, бу тун эртакдан бебаҳра қоладиган бўлдим” деган ўй билан қуюқ ток барглари орасидан базўр кўринадиган осмон парчасига тикиламан. Негадир юлдузлар энди олислашиб кетгандай бўлади.

Ширчойнинг иштаҳани қитиқлайдиган ширин ҳиди димоғимга урилиб кўзимни очганда, қуёш бошимнинг тепасида қадалган бўлади. Шошилганча ўрнимдан тураману, катта ариққа юз-қўлимни ювиб келаман. Бибим ҳам, тундаги меҳмонлар ҳам йўқ. Югуриб бориб боғни айланиб бибимни излайман. У ҳеч қаерда кўринмайди. Негадир ўпкам тўлиб кетади, жон ҳолатда тўрт томонга югуриб бибимни чақираман:

– Биби, бибижон!..

Олма дарахтининг шохларига қўниб шакарак олмаларни ҳузур қилиб чўқиётган майналар бир зум бош кўтариб, мени майна қилаётгандек чўзиб-чўзиб сайрайди.

Сўридаги дастурхонда менга аталган ширчой ҳануз ширин ҳид таратади. Йиғлаб-йиғлаб нонушта қиламан. Кейин эса дарвозахонага чиқиб йўлга қарайман. Узоқдан бошига дунёнинг чангини кўтарганча, қўлида сатил, Чинни ялангоёқ югуриб келаяпти.

У мени кўргач офтобга юзини ўгирган кунгабоқардай илжаяди.

– Ҳа, дугон, қалайсан? Мани бибинг юборди.

– Бибим? Бибим қаерда?

– Бизникида, эшитдингми, Ҳожар янгача онасиникига кетиб қолди. Дадам билан шуни гаплашиб ўтиришибди, – қўлидаги сатилга ишора қилади, – шакарак олма билан пайванди ўрикдан олиб кетар эканман.

Қизғанчиғлигим тутади:

– Нима, сизларникида олма, ўрик йўқми?

– Эй бор, фақат сизларникидай ширин эмас.

Икковлашиб бибимнинг боғини оралаймиз. Олма дарахтлари пакана бўлгани учун бирпасда ярим сатил шакарак терамиз. Пайванди ўрик дарахти анча баланд ва бақувват. Чинни чаққонлик билан дарахт тепасига чиқиб олади. Унга ҳавасим келади:

– Чинни, дарахтга чиқишни менга ҳам ўргат.

– Иби, бу қийин эмас.

У тепада туриб менга ўргата бошлайди:

– Шиппагингни еч, энди шохларга маҳкам тирмаш, ҳа, ҳа чиқавер...

Дарахтнинг ярмига борганда пастга қарайман. Бошим айланиб кетади. Бақириб юбораман:

– Энди қандай пастга тушаман?!

– Нега тушасан, менинг ёнимга кел, бўл тезроқ, фақат шохларга қара.

– Йўқ, ҳозир сирғалиб тушиб кетаман.

Чинни қаҳ-қаҳ уриб кулади ва менга қўлини чўзади.

– Қўлимдан ушла, қўрқоқлигингни ташла-да, дугон.

Бир амаллаб дир-дир титраб, терга пишиб унинг ёнига чиқаман. Чинни кирлигидан гуллари кўринмай кетган ироқи каллапўшига бир томони қизғиш, бир томони оқиш катта-катта ўрикларни териб-териб солади. Ора-чира мазза қилиб тамшаниб ейди. Мен эса азбаройи баландликдан қўрққанимдан гоҳ кўзимни юмиб оламан, гоҳ Чиннига қарайман.

У эса мендан тепароқдаги йўғон шохда оёқларини осилтириб, атрофга қарайди. Қўлидаги ўрик тўла каллапўшини менга узатади.

– Ма, ушлаб тур.

Икки қўлим, оёқларим билан дарахтга калтакесакдай ёпишиб олганим унинг кулгисини қистатади:

– Ушлаб тур, энди этагимга тераман, бунча қалтирайсан.

– Йўқ, ушлаб билмайман. Энди пастга тушаман...

Бир амаллаб дарахтдан тушиб оламан. Оёқ-қўлим дир-дир титрайди. Дарахт тирнаган қўлим-оёқларимдан сизиб қон оқади. Энди ҳеч қачон дарахтга чиқмайман, деб ваъда бераман ўзимга-ўзим.

Бирпасдан кейин Чинни ҳам этагини, каллапўшини... тўлдириб-тўлдириб тушади. Ва шу заҳоти ёнимга югуриб келади. Муҳим бир сирдан хабар топган одамдай қулоғимга шивирлайди.

– Биласанми, нимани кўрдим?

– Нимани?

– Чумчуқ уясини, ҳуув анави баланд теракда. Болаларининг чирқиллашини эшитаяпсанми?

– Эшитяпман. Бу чумчуқ боласининг овозими?

– Ҳа-да, ҳозир ўша теракка чиқиб, чумчуқ боласини оламан.

– Уни нима қиласан?

– Укам касал, табиб айтгани учун онам унга чумчуқ боласини қовуриб беради. Бир йилдан буён шундай қиламиз. Аввалари чумчуқ боласи кўп бўларди. Ҳозир жуда кам.

– Бечора чумчуқ боласи-ей. Уканг тузалар, чумчуқларга раҳминг келмайдими?

– Қизиқмисан, дунёдаги қушлар, ҳайвонлар биз учун яратилган экан, дадам айтди.

– Даданг буни қаердан билади?

– Эски китобларни кўп ўқийди. Қишлоғимизнинг катта одами дадам. Сулаймон тоға деганни эшитганмисан, – ғурурланади Чинни.

Лоп этиб ёдимга тундаги воқеа келади. Анови ёмон одамнинг Сулаймон тоға номини эшитиб ғалати аҳволга тушганини энди тушунаман.

Чинни сатилдаги олманинг устига терган ўрикларини ағдаради-да, боғ четидаги баланд теракка худди олмахондай чаққонлик билан чиқади. У теракнинг қарийб учига яқинлашиб ўша баландликдан менга қўл силкийди. Ва қўлини чумчуқ болалари чирқиллаётган дарахт ковагига тиқади. Ва бирдан чийиллаган овозда бақириб юборади:

– Ай онажон, илон, илон!

Худди баданимга совуқ нарса чирмашиб олгандай кафтим билан юзимни беркитиб оламан. Нимадир пастга гурс этиб тушади. Ғалати қўрқувнинг қизиқишида ўша томонга қарайман. Бибим томорқани тозалаганда йиғиб қўйган бегона ўтлар устига учиб тушган Чинни югуриб ўрнидан туради-да, оқариб кетган юзини ариқ сувида ювади. Ютоқиб-ютоқиб сув ичади. Кейин эса худди мендан уялгандай ерга қараб гапиради:

– Дугон, чумчуқ боласи деганимиз каттакон илон экан, бирам, совуқ, қўлимга олиб пастга ташлаб юбордим: қандай олганимни билмайман. Хайрият чақмади...

Теракдан йиқилган Чинни-ю, унинг ваҳимаси мани чулғаб олади. Жуда карахт тортиб қоламан.

Чинни ўзига келиб менга яқинлашади:

– Сенга нима бўлди, ёмон қўрқдингми?

– ...

– Нега гапирмаяпсан?..

У мени судраб, ариқ бўйига олиб боради. Юзимга сув сепади. Сўнгра кичкина ҳовучини сувга тўлдириб ичказади. Шу ҳолатимда ўзим тенги қизнинг олдида ёш болага ўхшаб кетаман. Чинни кичкина бўлишига қарамай худди катта одамлардай фикрлайди. Ҳаракат қилади. Унинг олдида овсарга ўхшайман.

Бир амаллаб ўзимга келаман. Чинни эса аллақачон ҳамма нарсани эсидан чиқариб юзимга яна сув сепади-да, қиқирлайди:

– Зўр нарса бўлди-да ўзиям.

– Бошқа ҳеч ҳам дарахтга чиқма, хайми?

– Нима деяпсан, дарахтга чиқмай бўладими?! Сен билмайсан-да теппадан пастга қарасанг, ҳамма нарсани кўрасан. Тепада туриб гапирсанг, гапингни Худо эшитади, дадам айтган.

Мен унинг ғалати, сирли сўзларига маҳлиё бўлиб қоламан. Шу пайт ҳовлига бибимдан олдин овози кириб келади:

– Аллоҳ, ҳеч кимдан меҳрингни дариғ тутма...

Чинни эпчиллик билан сатилни қўлига олади-да, қулоғимга шипшитади:

– Тағин бибингга айтиб ўтирма.

– Кейинроқ чиқасанми?

У, ҳа, дегандай бошини силкийди ва югурганча чиқиб кетади.

Мен эса бибимни қаршилайман.

– Бибижон бунча қолиб кетдингиз?

– Ҳа, қизим, бу дунё – гапхона дунё. Қанча гапирма, дардинг ҳам, гапинг ҳам тугамайди, ўтираверибман-да. Айтгандай олма, ўрик тераётганда, дарахт шохларини синдирмадингларми?

– Йўқ , синдирмадик.

– Баракалла, дарахт ҳам одамга ўхшайди, меҳрибон одамга, уни авайлаш керак.

Бибим сўри устида ҳануз йиғиштирилмаган очиқ дастурхонга ишора қилади:

– Қизим, йиғиштириб, косаларни ювиб қўйсанг бўлмасмиди...

Катта айб қилган одамдай бошимни эгиб, кўзим остидан сўрига қарайман: бир тўп қушлар очиқ дастурхон устида худди меҳмондорчиликка келгандай нон ушоқларини чўқилаб-чўқилаб ейди.

Дарҳол бориб дастурхонни йиғиштириб оламан. Қушлар “парр” этиб учиб дарахт шохларига қўнишиб ўз тилларида мени койигандай чуғур-чуғур қилади. Бибим эса қалағай рўмолини бошига айлантириб, узун кўйлагининг этагини липпасига қистирганча томорқани бегона ўтлардан тозалашга киришиб кетади. Нега шунақа-а бибим, бирпас тинмайди. Ҳеч бекор ўтирганини кўрмайман. Томорқанинг четидаги ажриқзорга ўтириб олиб бибимни кузатаман. Унинг ингичка қоқ суяк бармоқлари рақсга тушаётгандек нозик ҳаракат билан шўра, печак, саломалейкум ўтларини юлади. Бирпасда юлган ўтлари бир кучоқ бўлади. Улар орасидан саломалейкум гиёҳини олиб, ўзагини суғуриб ташлаб, ғовак бўлиб қолган поясини дугоналаримдан ўргангандек лабимга қўйиб, пуфлайман. Поя ичидан йиғлоқи, инграгандек овоз чиқади. Бибим мен томонга қарайди:

– Кап-катта қизнинг қилган ишини қара, сенга ярашмайди, ундай қилма.

Дарҳол қўлимдагини ташлайман-да, бибимни саволларга кўмаман.

– Биби, нега бегона ўтларнинг ҳам номи бор, уларга ким исм қўйган?

Бибим, қилаётган ишидан бош кўтармай жавоб қилади:

– Бу дунёда ҳамма нарсада исм бор. Исмлар эса феъли-атвор, хатти-ҳаракат эвазига дунёга келади ёки мана, шўрани олайлик, бу ўт шўр босган қаровсиз жойда ҳам унаверади. Печак эса ёнидаги дарахту ўсимликка чирмашиб, унинг ширасини эвазига кун кўради. Саломалейкумни эса ҳозир юламан – пешиндан кейин саломалейкум деб, яна чиқиб турибди-да.

Бибимнинг ўтларга бераётган таърифи менга хуш ёқади:

– Ҳали дарахтлар ҳам одамларга ўхшайди, дедингиз, уларнинг нимаси одамга ўхшайди?

– Улар одам эмас, яхши одамга ўхшайди. Нафас олишни билади, меҳрини, мевасини ҳеч кимдан аямайди. Мана бу бегона ўтлар бўлса қаҳри қаттиқ, беор кимсаларни эслатади, шундай эмасми?

– Бибижон, бунча кўп гапни қаердан биласиз? Менинг ҳам жуда кўп яшаб, жуда кўп нарсани билгим келади.

Шу чоғ узоқдан сигирнинг чўзиб-чўзиб мўърагани эшитилади. Бибим сергак тортади:

– Оббо, Ражаббойнинг сигири-ку, бу бетамиз яна молига қарамаганга ўхшайди. Ана энди Салимжоннинг қадри билинади. Бола бояқиш ҳар куни уни ўтлатиб келарди. Ҳа, болаларнинг уволи кўр қилгур-а, қачон ақл кирар экан бу хомкаллага...

Бибим томорқадан юлган бир кучоқ ўтни кўтарганча Ражаббойнинг мўъраётган сигири томон кетади. Сал ўтмай ўша томондан овоз беради:

– Қизим, молларга сув берадиган сатилни ариқдан тўлдириб кел!

Молхонадан сатилни оламану ариққа югураман. Ариқдаги сув худди Чиннига ўхшаб ирғишлаб-ирғишлаб оқади. Ниначилар офтобда етти хил рангда товланаётган қанотларини силкитиб ҳануз сувнинг устида айланади, баъзан эса қўнади. “Улар сувнинг ичидан нима излашаркан-а?” деб ўйлайман. Сатилни ариққа ботириб,

тортиб оламан. Сув эса мени ўзига тортади. Сатилни яримлатиб бибим томон чопаман. Ражаббойнинг ҳовлисига қадам босишим билан дилимни аллақандай ғашлик чулғаб олади: ҳовли юзидаги катта супада ҳамма нарса сочилиб ётибди. Худди бу ерда узоқ вақтдан буён одам яшамагандек таассурот уйғотади. Ҳовлининг қоқ ўртасида аллақандай ускуна. Мен буни қишлоғимизга тез-тез келадиган пичоқ, қайчи, кетмон, ўроқларни чархлаб берадиган усталарда кўрганман. Оғилхонада Ражаббойнинг сигирига қараётган бибим ёнига боргунча юрагимни нотаниш ваҳима қамраб олади. Сигирга обдон қараб бўлгач, бибим қўлидан тортаман:

– Юринг, бибижон, бу ердан кетайлик.

Бибим тўзғиб ётган ҳовли юзига бир қур нигоҳ ташлайди-да, ғамгин тортиб, худди ернинг юзига оёқ босишдан иймангандек оҳиста, авайлаб қадам босади. Ёзнинг нозик шамоли қандайдир қоғозни чирпирак қилиб оёғимиз остига олиб келади. Қизиқсиниб уни қўлимга оламан. У ўртасидан йиртилган сурат бўлиб, ниҳоятда гўзал бир қизнинг яримта юзи, чарақлаб турган бир кўз “ярмимни топиб беринг” дегандай боқиб турарди.

Ҳаяжонланиб бибимга кўрсатаман.

– Қаранг, бибижон, чиройли экан-а?

Бибим йиртилган суратга қарайди:

– Шўрлик Ҳожар келиннинг қизлик сурати бу. Ражаб йиртган бўлса керак... Эҳ-ей, қандай чиройли эди вақтида, ҳусн ҳар доим ҳам бахт олиб келмас экан: Ҳожар келин қўшни қишлоқдан ўзи. Аммо унинг чиройи бутун элга достон бўлганди. Унинг ортидан югурмаган йигит қолмаган. Ўзи кўнгил қўйган йигитга тегди. У бечора йигитнинг умри қисқа экан, хасталаниб дунёдан ўтди. Кимлардир ўз ажали билан ўлмади, дейишади. Яна ким билсин...

Бибим эртак сўйлаётгандек гапиришлари менга хуш ёқади, яна нималарнидир билгим келади:

– Биби, дилхушлик нима дегани?

Энди унинг авзойи ўзгаради:

– Бас қил, уялмайсанми бундай гапни тилга олишга?

– Ахир, Ҳожар янгачанинг эри айтди-ку, дилхушлик қилади, деб.

– Бу жуда ёмон гап, иккинчи тилингга олма! Ражаб ичавериб ақлдан озган. Ҳожар келин яхши аёл, ёмонлигини кўрмадим. Мени ҳам қариб, миям суйилиб қолибди, қизим. Бўлмаса катталарнинг гапини сенга гапириб ўтирармидим...

– Биби, бизнинг синфимизда Дилхуш деган бола бор. Дилхушлик – ёмон гап бўлса, нега унга бундай исм қўйишган?

Энди бибим чурқ этмай яна томорқадаги ишини давом эттиради. Ич-ичимда ундан аразлайман. Ва томорқанинг ўртасини кесиб оқаётган кичкина ариқча лабидаги ажриқзорда ўрнашиб олганча жилдираб оқаётган сувга бир сиқим ажриқни юлиб ташлайман. Ажриқлар сув юзида айланиб-айланиб узоқларга оқиб кетади. Кейин эса сувга туфлайман. Тупугим бир айланиб ёйилади. Худди бундан завқ олаётгандек туфлайвераман, туфлайвераман.

Бибим мен томонга секин ўгирилади-да, танбеҳ беради:

– Эсингни еганмисан, сувга туфлама, гуноҳ бўлади. Сувнинг қарғиши ёмон, юзингга учуқ тошади...

Бу гапни бибимдан кўп бор эшитганман. Аммо ҳозир мақсадим уни гапиртириш, мени зериктирувчи сукунатни атрофимдан ҳайдаш эди, холос. Энди ариққа туфлашни бас қиламан-да, жилдираб оқаётган, осмоннинг бир парчасини, шакарак

олманинг катта шохининг аксини ўзи билан олиб кетишга чиранаётган, аммо кучи етмаётган сувга эгилиб қарайман. Унда юзига учуқ тошмаган суратимни кўраман. Ва жилмаяман.

– Биби, нега ёлғон гапирасиз, роса кўп туфладим, аммо юзимга учуқ тошгани йўқ-ку?

– Қизим, бунча маҳмадонасан-а, тавба қилдим дегин.

Ичимда "тавба қилдим" деган калимани узоқ такрорлайман.

Кейин худди катта ишни дўндирган одамдек, бибимнинг ёнига югуриб бораман:

– Бибижон, роса кўп марта айтдим.

Бибим юзида, манглайида кўпчиб чиққан, тонгда гул баргида титраб турадиган шудрингдай порлаб турган терларни қалағай рўмолининг учида артади-да, кўзларида чарақлаган нурни менга илинади:

– Баркалла, қизим, дунёдаги ҳамма нарсага меҳр билан қарасанг, меҳр топасан.

Ана энди менинг саволхонам очилади:

– Тошларга ҳамми, ахир, уларнинг жони йўқ-ку?

– Оёғинг остидаги тошни авайлаб четга олиб қўйсанг, қачондир ўзинг ёки бировлар қоқилиб йиқилмайди. Тош эса ҳеч бўлмаса данак чақишингга керак бўлади.

Энди манда бебош саволлар тўлқини баландлашади. Қани уни бирон одам тўхтатиб кўрсин-чи:

– Биби, бобом нега ўлганлар?

Бу саволим бибимни шамолда қолган хайригулдай бир титратади:

– Ўлмаган, чин дунёга, яхши дунёга кетган.

– Чин дунё қаерда биби?

– Жуда-жуда узоқда.

– Бизнинг қишлоқдан ҳам узоқдами?

– Ҳа, чин дунё, ҳамма кетадиган дунё узоқда.

– Биз яшаётган дунё қанақа дунё?

– Оббо, қизим-ей, бу ёлғон дунё. Биз ҳаммамиз соялармиз.

– Иби, биз соя бўлсак, соямиз – соянинг сояси экан-да, унда ўзимиз қаердамиз?

– Борлигимиз, аслимиз чин дунёда қизим...

– Бибижон, ҳеч бўлмаса чин дунёни қайси томонда эканлигини айтинг.

Бибим бошини кўтариб кўкка қарайди, гўё осмоннинг кўнглини излаётгандек узоқ тикилади. Унинг нигоҳларидан осмон тошади:

– Ҳувв, ўша томонда....

– Биби, қанотимиз йўқ-ку, у ерга қандай борамиз?

– Қўй, болам, сен борамиз, дема...

– Биз соя эмасмиз. Чунки соялар ҳеч иш қилолмайди. Биз эса ҳамма ишни қила оламиз. Биласизми, онам қанча пахта терадилар?

– Қўявер, қизим, катта бўлганингда ҳамма нарсани тушунасан.

Бибим саволларимга нуқта қўяди-да яна ўша тепаликка чиқиб соясини ўлчайди ва шоша-пиша намоз ўқишга кириб кетади.

Мен яна ариқ лабидаги қариган ялпиздай ҳурпайиб оламан. Уфф, Чиннидан ҳам дарак йўқ, шунақанги зерикиб кетаяпманки, юрагим худди қафасга қамалган қушдек потирлайди.

Ва ниҳоят катта дарвоза ғижирлаб очилади. Шу дамда унинг овози бутун синфдошларим билан жўр бўлиб куйлаб юрадиган, ҳар куйлаганимда юрагим

ёруғ нимагадир тўладиган “Шодонлигим – шодлигим” қўшиғининг завқига ўхшаб кетади.

Ҳар доимгидек Чинни пешонасидан елкаларигача қишлоғимиздаги Мастура кайвонининг рўмолидаги шокилалардай буралиб-буралиб тушгувчи қўнғироқ сочларини силкитиб-силкитиб югуриб келади. Кўзларини қуёшга тўлдириб шипшийди:

– Мен билан Қиём атторнинг дўконига борасанми?

Ҳалидан бери юрагимда потирлаётган қуш лабимга қўнади:

– Бораман, бораман.

– Бибингдан сўра-чи, майли дермикан?

– Бибим намоз ўқияптилар-да.

– Унда кутиб ўтирамиз.

Чиннига ҳам ҳайронман, дунёнинг шўхлигини қилади-ю, аммо катталарнинг ҳурматини жойига қўяди. Биламан-да, бибим барибир рухсат бермайди. Сабрим чидамай “кетаверайлик” маъносида имо қиламан. У ҳам менга имо билан жавоб қайтариб, бошини сарак-сарак қилади. Ва сўрининг четида ўтириб олиб, ингичка чайир оёқларини ўйнаганча, менга гап қотади:

– Қиём атторни эшитганмисан?

– Йўқ.

– Иби, билмайсанми, унинг дўконида бирор жойда йўқ ипаклар, ип, мулина, сақич, ҳуштаклар бор. Атрофдаги ҳамма қишлоқлар уни билади.

– Дўкони қаерда?

– Қаерда бўларди, уйини ичида. Шундоққина дарёнинг лабида яшайди...

Анчадан буён менга тинчлик бермаётган орзу бутун борлиғимдан тошгандай бўлади. “Ахир, мен дарёни кўрмоқчи эдим-ку! Ҳали умримда кўрмаган дарёни томоша қиламан, балки бибим айтган сув париларини ҳам учратарман”, дея ўйлайман ичимда...

Шу пайт ичкаридан майин шаббода янглиғ бибим чиқади. Чинни боғларга сиғмаган шамолдай бибимга қараб югуради:

– Биби, иккаламиз Қиём атторнинг дўконига борсак майлими?

– Йўқ, ўзинг боравер қизим...

Бибимнинг “йўқ” деган сўзини эшитиб кимдир бошимдан совуқ сув қуйгандек бўлади. Шу лаҳзада меҳрибон, беозор бибимни ёмон кўриб кетаман.

Чинни бўш келмайди.

– Бибижон, тез бориб, тез келамиз – ваъда бераман.

Ўз-ўзидан кўзларим ёшга тўлиб, юзимдан оёқ остига тўкилади, ҳазин тортганча судралиб бораётган чумолига қараб ўтираверaман: дарёни кўриш орзуси аста-секин хира тортиб боради. Ҳамон судралиб кетаётган чумолининг ортидан нигоҳларим ҳам судралади. Чумоли ғойиб бўлади. Бирдан сергак тортаман.

Қандайдир куч тилимни, сайратади:

– Бибижон, бора қолай, зерикиб кетдим.

Бибим кўзларимга чуқур қарайди, бир зум ўйларининг ичида чайқалади. Кейин эса ичкарига кириб кетади. Бирпасдан сўнг қўлида пул билан чиқади:

– Мана бунга менга ҳам жигарранг ип олиб келинглар, сақичга ҳам етади. Фақат тез келасизлар...

Чинни билан дарахт шохидаги икки чуғурчиқдай баб-баравар жавоб берамиз.

– Хўп бўлади, хўп бўлади.

Бибим фикридан қайтиб қолишидан қўрқиб Чиннидан олдинроқ югуриб дарвозахонадан кўчага отиламан. Чинни ғизиллаб ортимдан етиб келади:

– Секинроқ юр...

Дарвозадан чиқишим билан дарёни кўриш орзуси катталашади. Тупроқ йўл ҳам янада майин тортади. Пахса деворлардан кўча томонга осилиб олган воқеаталаб дарахтлар менга ҳавас билан қарайди.

Азбаройи суюнганимдан ёнимда тупроқни чангитиб, оёқ яланг кетаётган Чиннига мулозамат қиламан:

– Шиппагимни берайми?

– Керак эмас, оёқларим ўрганиб кетган.

Мен ҳам унга ўхшаб оёқларимни ўргатмоқчи бўлиб, шиппагимни ечиб, ялангоёқ юра бошлайман. Аммо зум ўтмай ёзнинг офтобида қайнаб ётган тупроқ товонларимни куйдира бошлайди. Чиннининг олдида паст кетгим келмай, тишимни-тишимга босганча одимлаш давом этаман:

– Чинни, қанча қолди?

– Ҳали анча юрамиз, ҳа нима, дарров чарчадингми?

– Йўқ, чарчамадим, тезроқ дарёни кўргим келяпти...

Жизиллаб куйиб бораётган оёқларим оғриғини эсдан чиқариш учун хаёл сураман, ҳар замонда хаёлим ичидан чиқиб қуюқ қошларини чимирган кўйи кетаётган Чиннига ўғринча назар ташлайман. У нимагадир бугун жуда жиддий...

Ортимиздан “пўшт-пўшт” деган хириллаган овоз келади.

Эшак-аравада ҳаммаёғи чангга ботган, офтобда юзлари қорайиб кетган одам қаергадир шошилгандай эшагини ниқтайди.

Чинни уни кўриб саҳродан булоқ топган ташнадай қувониб кетади:

– Ассалому алейкум, Норбой тоға.

– Ваалейкум салом. Ҳа, тиниб-тинчимас, қаёққа кетаяпсан?

– Қиём атторга, ўзингиз-чи?

– Кўрмаяпсанми, далачиларга ичишга сув олиб боряпман, ёнингдаги ким?

– Муаззам бибининг неваралари.

Норбой тоға дегани менга зингил солиб қарайди.

– Эй-ҳа, Бахшаннинг қизимисан?

– Онамнинг отлари Бахшан эмас, Бахшанда...

– Энди биз уни болалигидан Бахшан, деб ўрганганмиз-да, онанг яхши юрибдими?

– Ҳа, яхшилар.

– Қани, Чинни, дугонанг билан аравага чиқинглар...

Похол тўшалган араванинг бир четига жойлашиб оламиз. Катта бидонга солинган сув арава ҳар чайқалганда тошиб, муздек томчилар юзу елкаларимизга сачрайди. Бирам маззаки! Ҳеч қачон аравага чиқиб кўрмаган менинг завқим ҳам идишдаги ана шу сувдек тўрт томонга сачраб боради.

Чиннининг эса гапхонаси очилади:

– Тоға, сиз дадамга ясаб берган арава жуда бақувват экан, ўзлари айтдилар.

– Дадангнинг соғлиғи яхшими?

– Ҳа, ҳар куни ўша аравада айланиб юрадилар.

Энди Норбой тоға аравасининг ғижирлаган куйига мослаб хирилдоқ овозида куйлай бошлайди:

О-о-о, кўчадан ўтиб боропман, кўзларим санга мудом,
Қайрилиб бир қарамайсан, пешонам бунча ямон?
Ё мани ўзим ямон, ё мани сўзим ямон,
Арага душман тушипти, бир-бирни кўрмоқлар гумон.

Норбой тоға хирилдоқ овозда хиргойи қилган бу қўшиқдан негадир менинг этим жимирлаб кетади. Ўз-ўзидан йиғлагим келади. Қўшиқ нима ҳақида эканлигига фаҳмим етмаса-да, унинг овозидаги ичкин бир дард юрагимни тирнайди. Чинни бўлса, йўл четидаги буталарни санаш билан овора. Худди аравакаш тоғанинг қўшиғини эшитавериб жонига теккандай парвойи палак.

Қўшиқ тиниб энди чор-атрофни қушларнинг чуғур-чуғури босиб кетади. Анча юрганимиздан сўнг Норбой тоғанинг:

– Ишш, жонивор, тўхта, – деган овози аравани таққа-тақ тўхтатди. У ортига ўгирилиб:

– Қани, она қизларим, энди тушинглар мен даланинг ичига қайриламан. Бу ёғи озгина қолди, бирпасда етиб оласизлар, – дейди.

Чинни аравадан эпчиллик билан сакраб тушади:

– Раҳмат, тоға.

Мен эса ерга қулаб кетмаслик учун оҳиста қимирлаб зўрға тушаман. Норбой тоға аравасини ҳайдаганча яна ўша хирилдоқ овозда қўшиғини куйлашни бошлаб, даланинг ўртасидаги йўлга бурилиб кетиб боради. Узоқдан элас-элас чуқур тортилган “оҳ” ва яна аллақандай шиддатга ўхшаган сас қулоғимга чалинади:

– Чинни, бу қандай овоз?

– О, анча яқин қолди, бу дарёнинг овози.

Тупроқли йўлнинг икки чеккасидаги баланд-паст лойшувоқ уйларнинг турли рангдаги дарвозаларига қараб-қараб кетаман. Дарвозалар ортидаги ҳаёт ҳамиша менга сирли туюлади. Ўйлайман: у ерда кимлар яшайди, қандай яшайди? Онам билан ҳам бирор жойга борадиган бўлсак, нотаниш дарвозаларни кўрсам, нуқул унга савол бераверіб чарчатардим. Гарчи бу мен учун оддий ҳолатдай туюлса-да, онам уришиб берарди:

– Бошқаларнинг дарвозаси-ю ҳаёти билан нима ишинг бор, бу яхши эмас.

Айни дамда онажонимни жуда-жуда соғинганимни ҳис қиламан.

Чиннининг қувноқ овози мени хаёлларим ичидан тортиб чиқаради:

– Анави томнинг теппасидаги одамни кўряпсанми?

Мен аланглаб у кўрсатган томга кўз тикаман. Томда шу иссиқда бошига телпак, эгнига чопон кийиб мунғайиб ўтирган одамни кўраман:

– У ким, томда, нима қилиб ўтирибди?

– Қаландар амаки бу. Яхши одам, яқинда девона бўлиб қолган. Хотини банги девонани чой қилиб берган экан, шундан кейин ана шунақа бўлиб қолган. Кайвони биби онамга айтдилар.

– Хотини нега ундай қилган?

– Билмасам, ҳозир кетиб қолган у. Қаландар амакининг болалари йўқ, бир ўзи яшайди, болаларни яхши кўради. Ана, бизни кўрди...

Томдаги одам ўрнидан туриб сакраб айланади, кейин эса чўнтагини ковлайди, қўлига нимадир илинади-ю, уни биз томон отади:

– Қани-қани, олинглар, чумчуқчалар.

Бу одамнинг овози шу қадар шикастаки, беихтиёр раҳминг келади.

Чинни югурганча томдаги одамнинг ерга сочган туҳфасини битта-битта териб олади. Бирпасда икки ҳовучи “ирис”га тўлади. У менга ҳам илинади:

– Ма, ол, роса яхши кўраман-да ирисни. Айтмадимми Қаландар амаки яхши одам деб.

Гарчи ширинликни жуда суйсам-да, негадир ғалати одамнинг чўнтагидан чиққан бу конфетларни кўнглим тортмайди:

– Йўқ, егим келмаяпти...

Аравадан тушган чоғимдаёқ кийиб олган шиппагим қайноқ тошчаларга тўлади. Уни ечиб қоқаман-да, қайтиб кийиб оламан.

Чинни оёқяланг бўлса-да, на иссиқни, на тикану, на тошчаларни писанд қилади. Аксинча, Қаландар девонанинг ирисларини мазза қилиб тамшаниб, шира тўлган сўлагини қулт-қулт ютиб бораверади.

Дарёнинг овози яқин-яқиндан кела бошлайди. Юрагим ҳаяжондан гупуриб боради:

– Чинни, аввал дарёнинг лабига борайлик, хайми?

– Нима деяпсан, аввал Қиём атторникига кирамиз, ҳали қанча нарса олишимиз керак, кейин дарёга бораверамиз.

Кичикроқ дарвоза олдида тўнкариб қўйилган арава, унинг атрофида ғуж бўлиб ниманидир баҳслашаётган бир тўп болаларга кўзим тушади. Чинни “Ортимдан юр” дегандай имлайди ва лип этиб дарвозадан ичкарига киради. Онам айтмоқчи, унинг киндигига бойлангандай сўзсиз эргашаман. Қиём атторнинг дўконига кирар эканман, бибимдан келадиган қалампирмунчоқнинг бўйи аллақандай ҳидлар билан қўшилиб димоғимни қитиқлайди, аксириб юбораман:

– Апшуу...

Етти болорли катта дўкондаги нарсаларнинг кўплиги, ранг-баранглиги бошимни айлантириб юборади. Худди сеҳрли бир дунёга тушиб қолгандай бўламан. Дўконнинг бир бурчагида катта китобни варақлаб ўтирган соқоллари оппоқ жиккаккина чол бошини кўтариб ҳозиржавоблик билан “Соғ бўл!” дейди.

Чинни худди катта хотинлардай бу чол билан кўришади:

– Қиём бобо, яхши юрибсизми, дадам сизни сўраб қўй дедилар....

Мен ҳайратланиб ҳали нақшли кўзгучаларни, ҳали узукча-ю сирғачаларни, сопол ўйинчоқларни томоша қиламан. Чинни рост айтган экан, бунақа дўконни ҳали кўрмаганман, ҳатто дадам бизни олиб борган Бухоро шаҳрида ҳам бундай дўкон йўқ эди.

Атторнинг Полвонбибиникига ўхшаган таҳдидли овози мени ўзимга келтирди:

– Сен нима оласан, бибиш?

– Мен Бибиш эмасман, Ҳалимаман.

Қиём аттор “Ҳалима бўлсанг, менга нима?” дегандай кўзларимга ҳафсаласиз боқади. Чинни уни оқлагандай тушунтириш беради:

– Қиём бобо ҳамма қизларни “бибиш” деб атайдилар.

Энди мен рўпарамда турган атторга разм солиб қарайман. Юзларини дарахт илдизларига ўхшаган сонсиз-саноқсиз ажинлар босиб кетган, қўллари қовжираган ток новдасидай бу одамнинг кўзларида ҳаёт учқунидан асар ҳам кўринмайди. Бирдан ёдимга Бухоро Аркининг қоронғи бурчакларидаги одамлар гавдаланади. Анча олдин дадам сингилларим билан бирга олиб борган. Ўшанда Аркнинг ичидаги ҳаво ва эзилган, ғамгин суратда ясалган қадимги одамлар шакли мени бўғиб қўйгандек бўлган.

Аттор бобони бибим айтган сояга ўхшатаман. Аммо бу соя тажанг, инжиқ ва шу билан бирга тушуниксизроқ эди. Атторга қўшилиб унинг дўкони ҳам энди кўзимга совуқ кўринади. Яна дилимда дарёнинг завқи уйғонади. Бир чеккада туриб Чиннини кузатаман. У чаққон-чаққон ҳаракатлар билан саралаб-саралаб ипагу яна алланарсаларни танлайди.

Қиём бобо эса худди бир жойга михлаб қўйилган одамдай ҳануз мук тушиб қўлидаги китобини ўқийди. У ўқиётган китобга қизиқиб, қўрқа-писа сўрайман:

– Бу қанақа китоб?

Аттор бобо нурсиз, ич-ичкарисида ҳаёт янчилган кўзларини китобдан узиб менга қарайди ва жилмаяди. Жилмайганда меҳрибон одамга ўхшаб кетади. Ва дўконда учиб юрган магаснинг ғинғиллашидан ҳам паст овозда шивирлагандай:

– Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларини ўқияпман, қизим, – дейди.

Ичимда ўйлайман: Пўлат Мўмин, Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий ва яна кўпларни биламан. Аммо Аҳмад Яссавийни билмас эканман...

Кутилмаганда дўкондаги сокинликни синдириб, Чиннининг овози жаранглайди:

– Бобо, ўзимга керакли ҳамма нарсани олдим. Мана кўринг, қанча бўлади?

Аттор бобо китобининг ичига хатчўп қўйиб, ўтирган жойида ёнидаги чўтни олади. Ва Чинни олган нарсаларни чўтга солади. Чинни унга айтган пулини беради. Энди қафасдан қутулган қушдай ташқарига талпинаман: ахир, дарёга борамиз! “Шошманглар”, деган овоз иккаламизни ҳам турган жойимизда михлаб қўяди. Негадир Чиннининг ранги қув ўчади. Ортимга бурилиб Аттор бобога қарайман. У сўроқ белгисига ўхшаб букилган кўйи секин қадамлаб пештахтасидан нималарнидир олади. Ва кафтидаги нарсаларни бизга чўзади:

– Бу сизларга, қани олинглар-чи...

Югуриб бориб унинг қўлидаги нарсаларни оламан. Тўрт-бешта сақич ва иккита чиройли сирғача. Ҳалигина ана шу сирғачалар кўзимни куйдирганини қаердан билди экан-а? Хурсанд бўлганимдан тўлиб-тошиб кетаман:

– Раҳмат, бобожон, катта раҳмат!

– Соғ бўлинглар...

Аттор бобо яна худди оғир юк кўтарган одамдай букчайганча жойига бориб ўтиради-да, китобини қўлига олади.

Ҳалидан бери қаққайиб, нимадандир хавортирланиб турган Чиннига жон киради:

– Тезроқ кетайлик энди...

Мен уни бунақа аҳволда ҳеч кўрмаганман. Ҳар доим дадил, қувноқ юрадиган Чинни бирдан ўзгарса-я... Отилиб кўчага чиқамиз. Ёзнинг енгил шаббодаси кўчани Чиннига ўхшаб оёқяланг кезаётган гармселни енгмоқчи бўлгандай чираниб, юз-кўзимизга бир суйкалиб ўтади. Чинни бўлса ҳамон хомуш.

Уни аввалги Чиннига айлантиришга уринаман:

– Аттор бобо жуда қизиқ чол экан-а... Яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам билиб бўлмайди.

– ...

– Сенга гапиряпман, нима, эшитмаяпсанми?

– Биласанми, мен ёмон қизман...

– Нега унақа деяпсан?

Чинни аттордан сотиб олган нарсалари тугилган тугунчани қўлтиғига қистириб, ҳалидан бери мушт қилиб келаётган кафтини очади. Унда атрофи қизилга бўялган

чиройли ҳуштак ялтираб кўринди: хижолатданми, уятданми терга ғарқ бўлган юзини тирсаги билан сидираркан, пиқиллаб йиғлаб юборади ва кўзёшга бўккан овозда ўзини фош қилади:

– Мен буни ўғирладим. Қиём бобо билди, аммо билмасликка олди. Энди нима қиламан? Дадам айтган, ўғирлик қилган одамни Худо ёмон кўради...

Лоп этиб ёдимга бибимнинг мадонидан ширинлик ўғирлаганим тушади. Мени ҳам Худо ёмон кўриб қолганига ишониб, ичимда қандайдир олов чириллагандай бўлади. Аммо сир бой бермайман.

– Нега ундай қилдинг бўлмаса?

– Салимга деб олгандим, сотиб олишга пулим етмасди.

– Салимлар кетиб қолган-ку...

– У ҳар куни дарёнинг бўйида сигирини боқади. Ҳозир борсак кўрасан. Дарёнинг нариги томонидан биз тарафга саёз жойдан ўтиб олади. У менинг дўстим.

Энди Чинни сал тетиклашиб, тобора яқинлашиб бораётганимиз дарё лабидан нигоҳлари билан Салимни излайди. Ва бирдан ҳайқириб юборади:

– Ҳув ана, кўрдингми?

У қўлини бигиз қилиб кўрсатган томонда Салимни кўраман. Аммо мени ҳозир Салим эмас, дарё кўпроқ қизиқтиради. Менинг бор-йўғимни эсидан чиқаргандай, Чинни Салим томон югуриб кетади. Унинг бу қилиғидан юрагимни қизғанчиқликка ўхшаган нимадир тирнаб ўтади. Лекин дарёнинг яшил овози бир лаҳзада ҳаммасини ювиб кетади. Оҳ-о, бунча катта бўлмаса! Бибимнинг ҳовлисини кесиб ўтган арикдан минг марта катта ёқимли ҳаво бутун вужудимга сингиб бораверади. Ҳам чиройли ҳам кўрқинчли экан дарё деганлари. Ҳайбатидан чўчиб, сал олисроққа туриб, нигоҳимни унинг нақ юрагига қадайман. Тинимсиз бибим айтиб берган сув париларини излайман. Аксига олиб улар кўринмайди. Фақат аллақандай ўтлар дарё остидан яшилланиб-буралиб, қишлоғимиздаги Санобар гажакдай буралиб рақсга тушади. Офтоб ҳам бор гавдаси билан шўнғигандай бўлади ва дарёнинг суви ялт-юлт этади. Сув парилари айёр бўлади, деган бибим, у одамларни авраб-алдаб чақириб олади. Исмингни айтиб чақирганда жавоб бермасанг, узун сочларини узоқдан туриб бўйнингга қармоқ қилиб ташлаб, дарё қаърига тортиб кетади.

Ўзимнинг хаёлларимдан сесканиб кетаман. Дарёнинг лабидан икки-уч қадам тисланаман. Ва жон ҳолатда Чинни кетган томонга қарайман. У дарё лабида ўтириб олганча, қўлларини турли ҳаракатга солиб Салим билан суҳбатлашиб ўтирибди. Бирдан унинг нигоҳи менга тушади ва қўлларини ҳавода айлантириб “Бу ёққа кел”, дегандай ишора қилади. Худди бир имога маҳтал тургандай унинг томон чопаман.

Дарё ҳам менинг ортимдан югуради.

Салим кўзимга анча озгандек кўринади. У ўша тундаги воқеадан хижолат чеккандай бошини эгиб олади-да, қўлидаги қамишини у ёқ-бу ёғини кичкина пичоқчада тарашлаган бўлади.

Сал нарироқда ўтлаб юрган, семизлигидан елинлари ерга тегаёзган сигир ҳар замонда бошини кўтариб, дарёнинг нариги соҳилига қараб “мў-ў” лаб қўяди.

Чиннининг ёнига жойлашиб ўтириб олар канман, ҳалидан бери кафтимни қичиқлаб ғашимга тегаётган Аттор бобонинг совғалари ичидан чиройли сирғачани оламану, қолганини унга узатаман:

– Ма, ол, сақичлар эзилиб кетибди, мана бу сирғача сеники...

У шоша-пиша сирғачани олади, кўримсиз қоғозга ўралган сақичлардан бирини очади-ю, оғзига солади. Ва қирсиллатиб чайнай бошлайди. Бу қирсиллаш

ҳавасимни келтириб, мен ҳам бирини олиб чайнашга тушаман. Оғзимда тахир аччиқ таъмни туяман:

– Иби, мазаси нега бунақа?

– Сен билмайсан-да, бу ўтлардан тайёрланган дори-сақич, менга ёқади...

Қолган сақичларни ҳалидан бери қамиш поясини тарашлаётган Салимга узатади. Салим ҳам бизга тақлид қилгандек сақични оғзига солади. Аммо кавшанаётгани ҳатто сезилмайди ҳам. Унинг қўлидаги узун қамиш пояси азбаройи кўп тарашлаганидан калтагина бўлиб қолган, энди унга кичкина тешикча ўя бошлайди.

Салим билан Чинни мен билмаган одамлар ҳақида, Салимнинг тоғасининг бузилиб қолган трактори-ю ва яна кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашишади. Мен эса уларнинг суҳбатидан ташқарида туриб яна дарёни томоша қиламан.

Нимагадир унга қараганим сайин мени ваҳима босади. Қамишзорлар ҳар замонда бир гувраниб қўяди. Аҳён-аҳёнда дарё ичидан қулт-қулт этган овозлар келади. Умримда кўрмаганим, аммо тасаввуримда яшайдиган улкан дев худди сув ичаётгандек бўлади.

Нариги соҳилда қий-чув кўтарганча бир гала қизлар ниманидир муҳокама қилишади. Кейин эса бирин-кетин дарёга шўнғишади, баъзилари кўйлагу лозимларини сувга бўктириб яна қирғоққа чиқишади. Узун сочларини ёйиб, офтобда қуритишади. Қанотлари тилла қўнғиздай ялтираб турадиган, мен номини билмаган қушлар худди қизларни қўриқлагандай уларнинг теппасида чарх уриб учади. Учиб-учиб дарёнинг ўртасига бир шўнғиб олишади-ю, яна парвоз қилишади. Айни дамда менинг юрагим ҳам қушга айлангандай. Дарёнинг салқин нафаси хаёлларимни яна ҳам ширага тўлдиради. Аллақандай ширин, ёқимли ҳолатдан ҳузурланаман. Эссизгина, сузишни билмайман-да, бўлмаса ҳозир мен ҳам масза қилиб анави қизларга ўхшаб чўмилардим. Дарё тобора-тобора мени ўзига тортаверади. Ҳалиги ваҳималарим қаергадир ғойиб бўлади. Айни дамда сув парилари билан юзма-юз келишдан ҳам чўчимайман.

Салимнинг сигири қулоғим остида чўзиб “мў-ў”ламаганда, дарё билан осмон орасида ҳали узоқ сайр қилган бўлар эдим. Сигир “мў-ў”лашдан бир нафас тўхтаб, нариги соҳилдаги қишлоқ томонга худди кимнидир соғинган одамдай жовдираб қарайди. Ҳай-ҳайламасанг дарёга ўзини ташлагудек сиёғи бор...

Давоми бор

Сени яна кутяпман, баҳор



Ҳафиза
ЭГАМБЕРДИЕВА

* * *

Ҳар япроқда бир ҳикоя,
Ҳар гиёҳда қисса бор.
Қуш ҳам учар тақдир ила
Ҳар тақдирда ғусса бор.

Ҳар кўнгилда Аллоҳ яшар,
Турткилама, синдирма.
Асли сувдир бани башар,
Кўзёшларни ундирма.

Кўзларингнинг қирғоғига
Бармоқларинг қил қамчи!
Сув босмасин бу дунёни,
Етмай турар бир томчи,
Бир томчи!

* * *

Сени яна кутяпман, баҳор,
Ҳовучимда эритиб қорни,
Бир тозариш, янгиланиш деб,
Либосингда иста боҳорни.

***Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА** – 1965 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг "Кўнгил кўшки" шеърий тўплами, "Қоронғи тўқай", "Нахшона" каби насрий китоблари чоп этилган.*

Яланғоч қиш – ялангтўш қирлар,
Оғритмоқда икки кўзимни.
Майсаларга юзимни артиб,
Овутайин энди ўзимни.

Қизғалдоқнинг баргига ўраб,
Берган эдинг мени онамга.
Қийнамайман боз сендан сўраб,
Парво қилма кўздаги намга.

Хазонларнинг орасида жим,
Бирин-кетин кетди азизлар.
Шундан бери ёришмас ичим,
Шундан бери кўзларим излар.

Райҳонингда онам ифори,
Ўт-ўланда отам иси бор.
Сумалакнинг бошида ҳануз,
Онамнинг чин дугонаси бор.

Йиғлаб қолар бағрига босиб,
Тўйдиради зўрлаб ялпизга.
Хотирани кўзига осиб,
Тушиб кетар тўхтамай сўзга.

Соғинаман ўша момони,
Сумалакни кутаман такрор.
Ҳовучимда қорни эритиб,
Сени яна кутяпман, баҳор!

* * *

Сувратга қараманг, сийратим ўзга,
Аслим каби кўринолмай ҳалакман.
О, қандай муҳташам кўриндим кўзга,
Аммо ғамни элаб олган элакман.

Мағрурсан демангиз, тупроқдан хорман,
Қайда қайғу ўсса, шохида борман.
Келганимни сезмай қолган бу жаҳон,
Оёғин учида кетар баҳорман.

Мағрурсан демангиз, чорасиз қулман,
Афсуслар сувида очилган гулман.
Ўзининг кўзига ўзи тиғ суққан,
Ўзини дорларга осган озорман.

Баъзан палак ёйиб, осмон бўлганман,
Баъзида сарғайиб сомон бўлганман.
Мен кўп йиғлаганман, лек оз кулганман,
Узилиб, минг жойдан уланган торман.

Мағрур деманг мени, сийратим бошқа,
Пешонам шўришдир, пешонам қашқа.
Муҳаббатим бошқа, нафратим бошқа,
Дунё бозорида бир харидорман.

Бир туртса тўкилиб кетишим тайин,
Нур текса эришга мойил бир қорман.
Тупроқнинг бағрига маҳзун бир қалам
Ёмғир суви билан битган ашъорман!

* * *

Ҳамма ганжинг ичингда бўлса,
Ҳамма дардинг ичингда бўлса,
Ҳатто қабринг ичингда бўлса,
Сен нимага тошасан, дарё?!

Оқизгандек хасу чўпларни,
Ютиб кетдинг бу йил кўпларни,
Сенда раҳм ё инсоф борми,
Сен нимага тошасан, дарё?!

Қанча орзу, қанча ўй оқди,
Қилинмаган неча тўй оқди,
Айтилмаган қўшиқ-куй оқди,
Сен нимага тошасан, дарё?!

Мен тошаман тошлар ботганда,
Тонглар эмас, тун уйғотганда,
Дўст деганим сирим сотганда,
Сен нимага тошасан, дарё?!

Мен қирғоқни йўқотиб тошдим,
Бир мурғакни йўқотиб тошдим,
Ҳаддан ошдим ва бироз шошдим,
Сен нимага тошасан, дарё?!

Чириётган дарахтни кўрдим,
Қулаётган тоғларда турдим,
Дунёсидан юзимни бурдим,
Сен нимага тошасан, дарё?!

Сен нимага тошасан, дарё?!

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА

НАВОИЙ

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиғикин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.
А.Навоий

Раббимов, теграмга боқсам ҳар майса додайлагай,
Босмоққа қўрқур ан товон, ки тупроқ фарёд айлагай.
Кўприк бўлмак истадимки эл ва шоҳ ўртасинда,
Бир фитна бўлурким бори заҳматни барбод айлагай.

Дардимни тўкмакка танҳо қолдило қоғоз-қалам,
Кўнглимнинг аввали-охири бўйлаким мумтоз қалам,
Кимсасиз ғариб кўнглима чиқажак пешвоз қалам,
Бу фано бағрида қалам кўнглимни обод айлагай.

Дўсти йўқнинг кори бўлмас бу вайрона олам аро,
Дўстга вафо бўлмаса гар иккисин қалби яро,
Дўст пойида эрсам ҳам бошга қўйди Бойқаро,
Кўнгли бузуқлар ҳар ишин фисқу фасод айлагай.

Йиғласам, Тангри ишқида дил ёнди, ёшланди кўзим,
Мозори Шарифда бедорман, қолмади ўғил-қизим,
Ғарибдир хобгоҳим, аммо дунёни олди сўзим,
Сўзга харидор борки, ўлмам мани ёд айлагай!

* * *

Қаламимдан сиёҳмас, кўзёш оқар, онажон,
Пешонамдан ажинмас, бардош боқар, онажон,
Томиримни нинамас, илон чақар, онажон,
Икки дунё кўзларим бўлиб олди, нетайин.
Билмай қолдим, қолайми ё сиз тараф кетайин?!

Бирён боқсам, гулзорда гуллар хандон кулади,
Буён боқсам хазонлар юрак-бағрим тилади,
Аросатда қолдинг деб дунё қаҳ-қаҳ уради,
Икки дунё кўзларим бўлиб олди нетайин,
Билмай қолдим, қолайми ё сиз тараф кетайин?!

Юракка кирган тикан оғриғи оёққача,
Билмам, ғам калаваси чўзилган қаёққача?
Тиззангизга бош қўйиб енгардим шу чоққача,
Икки дунё кўзларим бўлиб олди нетайин,
Билмай қолдим, қолайми ё сиз томон кетайин?!

Деразадан қарайман излаб қаро кўзимни,
Жоним ҳали борми деб турткилайман ўзимни,
Кўзгуда кўргим келмас ғам ҳоритган юзимни,
Икки дунё кўзларим бўлиб олди нетайин,
Билмай қолдим, қолайми ё сиз тараф кетайин?!

Бир тарафда оқтерак, бир тарафда кўктерак,
Икки тарафга қараб кўзларим олазарак,
Роббим, ўзинг айтақол, қай тарафга мен керак?
Икки дунё кўзларим бўлиб олди, нетайин,
Билмай қолдим, қолайми ё сиз тараф кетайин,
Қаламимдан сиёҳмас, кўзёш оқар, онажон!

* * *

Нега бош кўтардинг бугун қул кўнглим,
Исёнинг не учун, бедорлик нечун?
Япроқларинг титрар нега гул кўнглим,
Шаддодлик не учун, безорлик нечун?

Қўйгил, ўтаверсин ғилдираб кунлар,
Қўйгил, кетаверсин дилдираб тунлар.
Бир ёнда бутунлар, бир ён тутунлар,
Норизолик нечун, озорлик нечун?

Гоҳо гул тутсам ҳам инжигайдирсан,
Гоҳо пул тутсам ҳам ранжигайдирсан.
Сенга нима қилсам тинчигайдирсан,
Бу тор дунё ичра торлик не учун?

Мен ва сен дунёни тузатолмадик,
Ҳар қалбга яхшилик узатолмадик.
Дунё ўйинин жим кузатолмадик,
Илкис бош кўтардинг, хорлик не учун?

Қўрқувдамидинг сен уйқудамидинг,
Ё йўқотиб қўйиб қайғудамидинг?
Йўқдеккина эдинг, жимгина эдинг,
Тўсатдан тўполон, борлик не учун?!

Нега бош кўтардинг бугун, қулкўнглим?!

* * *

Кўпдан бери кўк тарафга қарамадим,
Юлдузлардан ҳолу аҳвол сўрамадим,
Кутиб олмай қўйдим кафтда томчиларни,
Шамолларнинг сочларини тарамадим.

Кўтаролмай бу ҳаётнинг зардасини,
Очгим келмас деразанинг пардасини,
Дўстлар борми, келтирса баҳор сасини
Ахир дунё, зару зевар сўрамадим.

Дарғаларнинг овозидан роҳатим йўқ,
Қарғаларнинг овозига тоқатим йўқ,
Ярим кўнглим ямай десам бир қатим йўқ,
Яраларин оғрима деб силамадим.

Бир кун келар деразамдан нурлар кирар,
Ўксик кўнглим талтайтириб ҳурлар кирар,
Кўкка боққин дея қалбда борлар келар,
Ҳеч бандага бир ёмонлик тиламадим.

Биру борим, ўзинг огоҳ, ўзинг подшоҳ,
Раҳм қилгин, майса кўнглим чекмасин оҳ.
Кўкламларга етказ уни, бўлиб паноҳ,
Бир гулласин, неча баҳор гулламадим.
Кўпдан бери кўк тарафга бўйламадим...

Шеърият юрак садоси бўлганидан ана шу мураккаб туйғулар оламини ифода қилади.

Эркин ВОҲИДОВ

Бу оқшом мунчалик сокиндир



Туроб НИЁЗ

Хаёл

Хаёлдан туғилар ахир кашфиёт,
Космосга чиққанмиз хаёл туфайли.
Мунчалик серқирра бўлмасди ижод,
Яшаган бўлсайдик хаёлдан айри.

Аввал хаёлларда унар ташаббус,
Кейин ақл тоблар уни тафтида.
Ҳа, инсон бир умр қиларди афсус,
Шу хаёл бўлмаса унинг бахтига.

Аммо хаёллар ҳам турли нақадар,
Бириси эзгудир, бадбиндир бири.
Хаёлларнинг бари соф бўлса агар,
Инсон бўлар эди дунё саровари.

Хаёллар суришдан тўхтамас инсон,
Демак, тўхтамайди тафаккур, ижод.
Шу хаёл туфайли яшнар ер, осмон,
Нақадар гўзалдир, тотлидир ҳаёт.

Кетайлик кўнглим энди

Бош оққан томонларга кетайлик кўнглим энди,
Рад этма ўтинчимни, гапимга кўнгил энди,
Аразу гиналарни бир четга қўйгил энди,
Бош оққан томонларга кетайлик кўнглим энди.

Туроб НИЁЗ *– 1959 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Муҳаббат осмони”, “Гуллаган боғлар”, “Муҳаббат гуллари”, “Очиқ юрак”, “Кўнгилга мурожаат”, “Уммон юрак” номли шеърий китоблари чоп этилган.*

Унутайлик бор ташвиш, юмушлар барчасини,
Ўйлайлик юрагимиз – кўксимиз парчасини,
Очайлик дунёларга бағримиз дарчасини,
Бош оққан томонларга кетайлик кўнглим энди.

Сафар олгай одамнинг оғриғу ғамларини,
Нигоҳларга қайтарар ҳаётнинг рангларини,
Яна қайта ёққайдир умиднинг шамларини,
Бош оққан томонларга кетайлик кўнглим энди.

Толиққан бу танларга шифо бўлгай ҳаволар,
Қабоқларни силайди ёр қўлидай саболар,
Қулоғимга чалинар сой бўйидан садолар,
Бош оққан томонларга кетайлик кўнглим энди.

Энди мени ҳеч нима тўхтатиб қололмагай,
Юрагимга на ғулу, на гумон сололмагай,
Ҳеч кимса сенинг каби дўст, ҳамкор бўлолмагай,
Бош оққан томонларга кетайлик кўнглим энди.

Барг

Барг айтар: – Қанийди ерга тушмасам,
Асло узилмасам дейман бандимдан.
Еллар қучоғида кўкка учмасам,
Доим қолсам дейман дарахт бағрида.

Лекин куз сўнггида тушгайдир ерга,
Еллар қучоғида кўкка учгайдир.
Наҳотки бўлолмас дарахт бағрида,
Айрилиқ шаробин мангу ичгайдир.

Аммо билмайдики, тез баҳор келиб,
Янги барглар чиқар яна шохларга.
Ҳа, барглар бекорга кетмас тўкилиб,
Янги барглар бўлиб қайтар боғларга.

Капалак ва гуллар

Гулларни севади рангин капалак,
Уларсиз яшолмас бирор сония.
Ўзи ҳам ўхшайди гулга капалак,
Унинг бу севгиси билмас ниҳоя.

Гўзал қанотларин ҳар қоққанида,
Ёдимга тушади оппоқ елканлар.
Турфа ранг гуллардан бол тотганида,
Хаёлимдан ўтар туғни ўпганлар.

Савол

Тўкилади барглар бирма-бир,
Айланади бари хазонга...
Ёдга тушар ўтган вақт – умр,
Юрак тўлар афсус, армонга.

Бир кун умр шу барглар мисол,
Узилади ҳаёт бандидан.
Мени қийнар доим бир савол:
Етолдимми вақтнинг қадрига?!

Сўрайман

Биз тоғларга айланиб қолдик,
Учрашмаймиз, яқинмиз бироқ.
Севилиб ҳам, севиб ҳам бўлдик,
Ўртамизда туганмас фироқ.

Энди бизни ўртамас ҳижрон,
Севинтирмас висол дамлари.
Умр сокин, қийналмайди жон,
Сўниб қолган умид шамлари.

Муҳаббатни дерлар-ку абад,
Қани ўша боқийлик ахир?
Мен сендан сўрайман, муҳаббат,
Мен сендан сўрайман, эй тақдир!

Бўрилар ҳам

Эртакларда лақмадир бўри,
Тулки эса айёр, устамон.
Ёмонларнинг қурийди шўри,
Муаммолар ечилар осон.

Ҳаётда-чи, сал бошқачароқ,
Бўрилар ҳам маккору айёр.
Тулкиларга дарс берар бешак,
Нафси учун барига тайёр.

Дарахтнинг уйи йўқ

Дарахтнинг уйи йўқ, яшар кўчада
Ёки боғ, ўрмонда ўтади умри.
Ором нелигини билмас кечада,
Тонгни қаршилайди оёқда туриб.

Ёмғир, қор, шамолга беради бардош,
Беркиниб қайгадир кетмайди қочиб.
Қанча қиздирса ҳам танини қуёш,
Нурларни қаршилар бағрини очиб.

Баҳор келганида қувонар беҳад,
Гулларга бурканар қалин шохлари.
Мевалар тугади сонсиз, бедад,
Тарқалиб кетади ғубор, оҳлари.

Айниқса куз келса, таниб бўлмайди,
Бутунлай ўзгариб кетади дарахт.
Боласи – мевага қараб тўймайди,
Гўёки бошига қўнган каби бахт.

Бу оқшом

Бу оқшом мунчалик сокиндир, қаранг,
Осмон ҳам кўнгилга яқиндир, қаранг,
Булоқдай тиниқдир, ёрқиндир, қаранг,
Бу оқшом мунчалик сокиндир, қаранг.

Юлдузлар жам бўлиб, суҳбат қурмоқда,
Ой эса жимгина хаёл сурмоқда,
Анҳор мажнунтолнинг сочин ўрмоқда,
Бу оқшом мунчалик сокиндир, қаранг.

Дарахт япроқлари қимирламайди,
Сукутга чўмишган – шивирламайди,
Ҳовуз ҳам тинчиган – жимирламайди,
Бу оқшом мунчалик сокиндир, қаранг.

Шамол ҳам уйқуда – олмоқда ором,
Ором олмоқдадир толиққан олам,
Фақатгина бедор шоир ва қалам –
Бу оқшом мунчалик сокиндир, қаранг.


Кечиккан бахт

Айблама мени, эй гўзал,
Қалбим сенга боғланди нетай.
Сен шабнамсан – майсадаги лаъл,
Қуёш бўлиб бағримга ютай.

Севдим десам, қўйинг-э дединг,
Ё сўзларим туюлди эриш.
Тан оламан: бари кеч энди,
Гуноҳ эрур кўнгил ҳам бериш.

Шу дамгача қаерда эдинг,
Учрашдиг-а бунчалар бевақт?
Кутмай қўйган пайтимда келдинг,
Қошимга сен, эй кечиккан бахт!

Фузулийнинг пичинглари



Абдулҳамид ЧЎЛПОН

Ниҳоли гулшани дардамки, сув ерина верир,
Бана ҳамиша жигар қони боғбони қазо[1].

Фузулий ўзи Бағдодда ўтган, жануб туркчаси билан ёзган бўлса-да, ўзбеклар орасида Навоий билан баробар танилган шоир. Бизнинг бурунги програмсиз мактабларимизнинг "програм"ларида "Чоркитоб", "Эшонсўфи" каби ахлоқ китобларидан кейин, Навоий девонларидан бири билан бирга, Фузулий девони бўлунарди. Ҳатто чаласаводлик отинбибилар ҳам ҳеч бир доктор ва рецепсиз, тўппа-тўғри аттордан олинган (балки катта оналаридан қолган) кўзойнакни ип-боғ билан қулоқларига илаштириб олиб, Фузулийни таталаб ўлтурардилар. Жануб туркларининг Боқий, Надим, Нафъий ва Эмруҳ (Юнус Эмро – И.М.) ларини бизнинг туппа-тузук саводхонларимиз, ҳатто адабиётдан хабардор муллаларимиз ҳам билмас эдилар. Фақат Фузулий уларнинг ҳаммасидан айрилиб, бизнинг саводхонларнинг китоб токчалари ва рафларидан ўзига муҳтарам бир жой олган эди. Шу учун, адабиётшуносларимиз, классик адабиётимизнинг Лутфий, Навоий, Атоий, Бойқаро, Бобур, Амир, Фазлий ва бошқа-бошқаларини текширар экан, Фузулийга ҳам диққат қилишлари керак. Ўзбек классик адабиёти тилининг шаклланишида Фузулийнинг жуда яққол таъсири бор (Муҳаммадалихон шеърларида бу таъсир тўла, бошқаларда оз-кўп кўрулади).

Фузулий оз ёзган, лекин соз ёзган шоирлардан. Унинг Истамбулда босилган бир куллиёти (тўла тўплами) борки, унга 1 – қасидалар ("қасоид"), 2 – "Банг ва бода", 3 – Нишонжи пошога ёзилган мактуб, 4 – соқийнома, 5 – ғазаллар девони, 6 – "Лайли ва Мажнун" киради. Қасидалари кўпгина бўлса ҳам "Лайли ва Мажнун"

1 "Дард гулзорида бир кўчатманки, қазо (тақдир) боғбони менга сув ўрнига ҳамиша жигар қонидан беради".

Абдулҳамид ЧЎЛПОН *– (1887 – 1938) Буюк ўзбек шоири, қатағон қурбони. Дастлаб мадрасада, сўнгра рус-тузем мактабида таҳсил олган. Ижодкорнинг "Уйғониш", "Булоқлар", "Тонг сирлари", "Соз" шеърий тўпламлари ҳамда пьесалари, "Кеча ва кундуз" романи нашр этилган.*

билан ғазаллар девонидан бошқалари мақола ҳажмидаги кичкина асарлардир. Булардан ташқари, ҳалиги девонга кирмаган яна бир асари – “Ҳадиқатус-суадо”си борким, маълум Карбало фожиасига бағишланиб ёзилган. Унинг бошқа асарлари, борлигидан хабаримиз йўқ. Машҳур чиғатой классик шоири Лутфийнинг бир ғазалига Фузулий томонидан боғланған чиройли бир мухаммас (бешлик) қўлёзма ҳолида сақланған экан, кўрушга муваффақ бўлдик. (Фузулийнинг мухаммас боғлашдағи ҳунарини кўрсатиш учун ўша мухаммас билан яна ўз устози Ҳабибийнинг бир ғазалиға боғлаған мухаммасини бир қадар изоҳ билан “Гулистон”да бермоқчимиз.)

Мен ўйлайманки, турк тилида ёзган ва биз билган (ўзбекларга танилган) классик шоирлар орасида Фузулий ўзининг самимийлиги, куюб, кўнглидан олиб ёзиши билан алоҳида ўрун тутади. Фузулий ғазалларининг самимийлиги, яқинлиғи ва оташинлигини унинг ижоди ҳақида ёзганлар бир оғиздан деярлик тасдиқ қиладилар. Лекин мен унинг шу яқинлиғи ва оташинлигини янада олдинга қўймоқчиман. Фузулийдан гапирганда, унинг дарду аламидан, унинг чангги осмонга чиқишидан,

---

Чўлпон Фузулий ҳақида

Қарийб 30 йилдан бери айтиб келаман: “Қатағон қилинган адиблар меросини тўплаш, ҳаёти ва фаолиятига доир фактларни йиғиш учун Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Уфа каби шаҳарларга илмий экспедициялар уюштириш зарур, бусиз бисотни бутлаб бўлмайди!” Негаки, уларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар яхлит ҳолда – ёзувчи архиви шаклида сақланиб қолмаган. Хайриятки, уларнинг бир қисми даврий нашрларда чоп қилинган, ҳозирда турли кутубхона фондларидаги газета-журнал тахламлари бағрида ботин. Уларни бир-бир варақлаб, маълумотларни мисқоллаб йиғиш зарурати бор. Юртимиз кутубхона фондларида эса даврий нашрларнинг ҳаммаси ҳам сақланмаган, борларининг ё сонлари тўлиқ эмас, ё айрим варақлари йиртиб олинган, ё кимдир ўзига керак материал бор шапалоқдай жойини қирқиб кетган, айрим саҳифалар ўқиб бўлмайдиган ҳолга келган. Мазкур ҳол хориж кутубхоналарида ҳам изланиш заруратини туғдиради. Шу заруратдан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлигининг “Чўлпон ҳаёти ва ижоди манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида Москва шаҳрига экспедиция режалаштирилиб, жорий йил июль ойида бу режа амалга оширилди. Шу боис экспедиция давомида топилган янги манбалардан бири билан ўртоқлашиш асноси бундай илмий сафарлар зарурати ва бардавом бўлиши зарурлигини асослашга ҳаракат қиламиз.

Чўлпоннинг “Фузулийнинг пичинглари” номли мақоласи қайта эълон қилинган эмас: мақолаларидан таркибланган “Адабиёт надир?” (1993) тўпламига ҳам, тўрт жилдлик асарлар мажмуасига ҳам киритилмаган. Сабаби, мақола эълон қилинган “Гулистон” журналининг ҳамма сонлари ҳам кутубхоналарида сақланмаган, “Туркон” кутубхонасидаги тахламда эса матн чала: дастлабки икки саҳифаси бору, муаллиф кўрсатилган охирги қисми йиртиб олинган. Тўғри, муаллифлик масаласида муаммо йўқдай: “Гулистон” журналининг янги сони ҳақида “Қизил Ўзбекистон” берган анонсда ушбу сондан Чўлпоннинг “Фузулийнинг пичинглари” мақоласи жой олгани қайд этилган. Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари ҳақидаги “Ҳамкорликда гап кўп” номли чиқишида (“Ёшлик” журнали, 2009 йил 4-сон) Чўлпон мақоласини тилга олиб ўтган олим Шерали Турдиев ҳам, ўйлашимизча, мақоланинг тўлиқ матни билан таниш бўлмай, шу анонс ва сақланиб қолган қисми билан кифояланган кўринади. Акс ҳолда, ўтган аср охирларида жуда кўп асарларни қайта эълон қилиб омонат етказган марҳум устоз мақолани албатта эълон қилар эди. Изланишлар

чуқур маъноларга эга бўлган фалсафий нолишларидан бўрттириброқ гапириш лозим келади. Мана бу тўрт йўл нарсасини (рубоийсини) кўринг:

Ҳар дамки баҳор қилди оройиши боғ,
Навмидлик урди лолаваш бағрима доғ,
Зеро тикан узра дутди булбул маскан,
Гул бад гузаргоҳинда ёндирди чироқ[2].

Идеалист фалсафа тарафдорлари, айниқса билимдон мутасаввуфлар нима деса десинлар, бу тўрт йўлдаги шикоят, ўз даврига кўра, дунёнинг текиссизлигидан

2 “Кўклам боғларни ясантиришга бошлаган чоқларда, ҳамма вақт бир умидсизлик келиб менинг кўксимга лоланики сингари доғ уради. Нега десангиз, булбул ўз масканини тиконлар орасига қуради-ю, гул бориб ўз чироғини шамол ўтадиган йўлда ёндиради”.

давомида “Фузулийнинг пичинглари” мақоласининг тўлиқ матни топилиб, унинг сканер нусхаси олинди.

Мақолада Чўлпон улуғ салафига юксак баҳо беради ва мумтоз адабиётимизни текширганда адабиётшуносларимиз “Фузулийга ҳам диққат қилишлари керак”лиги, “ўзбек классик адабиёти тилининг шаклланишида Фузулийнинг жуда яққол таъсири бор”лиги, унинг “оз ёзган, лекин соз ёзган шоирлардан” эканини таъкидлайди. Чўлпонга кўра, Фузулийни бир инсон сифатида тушуниш керак, зеро, у кўпроқ ҳаётдан сўзлаган. Шу боис “Фузулийдан гапирганда, унинг дарду аламидан, унинг чанги осмонга чиқишидан, чуқур маъноларга эга фалсафий нолишларидан бўрттириброқ гапириш лозим келади” деб ҳисоблайди. Бироқ “гўзалликни ўзига монополия қилиш билан мақтанатурган тасаввуф” унинг асарларини “бошқа ҳеч кимга, айниқса, турмушнинг даҳал эҳтиёжларидан кўпрак гапиратурган “қўпол” моддачиларга бермак истамайди”. Чўлпон Фузулий асарлари тасаввуфнинг тайёр қолипларига мослаб тушунилишига қарши, “гўзал рамзлар (символ) либосига ўралган” ҳаётий мазмунни, шоирнинг дардларини тушунмоқ керак деб билади. Тасаввуфнинг “гўзалликни монополия қилиш”да айбланаётгани бугун эътироз уйғотиши мумкин, лекин Чўлпоннинг фикрида рационал мағиз борлигини инкор қилиб бўлмайди. Дарвоқе, сўнг йилларда шоир айтмоқчи “монополия” қайта тикланди ҳисоби: мумтоз шеъриятимизда кўнгилни асир этган гўзал – “ёр”ни куйловчи шоир бўлмаган ҳисоби, шеърки бўлса, барида Ҳақ – Ёр куйланган. Яъни Чўлпон шеърдан бўлса-бўлмаса, билса-билмаса “тасаввуф” изланишига қарши экан, аслида, ҳақиқий илм ҳозирда ҳам бунга қарши турмоғи керак. Чўлпоннинг бу масалани айрича урғулаши бежиз эмас: унинг ўзи ҳам шеърни мафкура қолипларидан келиб чиқиб тушунилиши ва баҳоланишидан, вульгар социологик ёндашувдан зада эди. Бошқача айтсак, Чўлпон Фузулийда қисматдошини, унинг дардлари ўзининг дардлари билан эшлигини кўради, кўрсатади. Шундай ёндашилса, Чўлпон мақолани бежизга “Фузулийнинг пичинглари” деб атамагани, сатрлари орасига ўзининг дард-ҳасратини жойлаб юборганини англаш мумкин бўлади. Муҳими, бу мақола шеърларига Фузулий сатрларини эпиграф қилган, турли муносабатлар билан асарларида номини зикр этиб ўтган Чўлпоннинг улуғ озарбайжон шоири билан маънавий алоқалари ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.

Дилмурод ҚУРОНОВ,
профессор, филология фанлари доктори

қилинган шикоятдир. Буни буюк шоир шундай гўзал рамзлар (символ) либосига ўраганки, гўзалликни ўзига монополия қилиш билан мақтанатурган тасаввуф, бу чиройли рубоийни бошқа ҳеч кимга, айниқса турмушнинг дағал эҳтиёжларидан кўпрак гапиратурган "қўпол" моддачиларга бермак истамайди. Лекин ўша замоннинг ҳоким мафкурасига катта таъсир ижро қилган тасаввуф салтанати (султон салтанати билан баб-баравар халқни кемирган куч), шунингдек, бутун мамлакатни ўзининг қаттиқ чангалида ушлаган султон идораси, шундай санъаткор бир шоирга ўрта даражали бир ҳукумат маъмурига берган давлатни бермайди, ёки бергиси келмайди. Бечора шоирни:

Давр жавринда тану жонимда роҳат қолмади,
Меҳнату ғам чекмага минбаъд[3] тоқат қолмади

деб, даврдан аччиқ шикоят қилишга мажбур этади. Унга муруввват қилиш, унинг қимматли асарларини тегишинча тақдир қилиб, у асарларнинг шоирига шунга яраша муомала қилиш бир ёқда турсин, уни ҳатто ҳар томондан яккалатиб, сўктурадилар ҳам. Ё "шиа" деб, ё бўлмаса умуман "эътиқоди суст" деб, унга кўп таъна тошлари оттиради. Умуман шоирга бўлган жаврлар "кетсиз" бўлади:

Интиҳосиз жаврлар ўтлара ёндирди мани,
Аччи сўзлар тотли жонимдан усондирди[4] мани, –

дейди шоирнинг ўзи.

Фузулий даврининг катталари (Бағдод волиси Аёз пошо, Увайсбек, Рустам пошо, Мустафо Чалабий, аскарлар қозиси Қодир Чалабий ва бошқалар), шоирнинг ўз нафсини кучлаб туриб ёзган мақтовлари (қасидалар)дан бошқа нарсага тушунаолганмикан? Ўзларини мақтаб ёзган қасидалар учун баъзи-баъзида "илтифот" қилиб, гадойлар қатори "хайр-садақа" ташлаб қўятурган катталар шоирнинг асил кўнглидан чиққан (эмоционал) ҳаяжонларини англаёлармиди?

Демиш ҳар ғунчая ошиқлиғим, розин сабо, дерлар,
Эл оғзин дутмоқ ўлмаз, қўрқарам, эй гул, санга дерлар[5].

* * *

Хаёлий оразинг жавлон эдар бу чашми пурнамда,
Нечикким мавжланмиш сувда акси офтоб ўйнар[6].

Маишат танглиги ниҳоят даражасига етгандан кейин, Фузулий "осилсам баландроқ дорга осилай" деб, энг юқориға ариза берган бўлса керак. Биз ҳозир ўша аризадан яъни Фузулийнинг Нишонжи пошога ёзган мактубидан гапирмакчи бўламизки, унда тасаввуф гўзалликларидан ҳеч бир асар йўқ. У ўша даврнинг инсофсизликларидан соддагина қилиб гапирадиган кичкина бир ҳужжатдан иборат.

3 Бундан кейин.

4 Тўйдурди.

5 Тонг шамоли менинг ошиқ бўлганимни ҳар бир гул ғунчасиға айтиб юрар эмиш. Эл оғзини тутиб бўлмайди, эй гул, қўрқаманки, уни сенга ҳам еткизадилар.

6 Юзинг хаёли намланган кўзимда ўйнайди, худди тўлқунланган сувда қуёшнинг акси ўйнагандай.

* * *

Фузулий турк султонларининг энг ҳашаматлиги бўлган қонуний Султон Сулаймон даврида ўтган. Султоннинг “қонуний” деган лақаби ўзи кўрсатиб турадики, унинг замонида у кенг мамлакат қонун билан идора қилинган давлат аппарати мунтазам ишлаган. Султонпараст тарихчилар Сулаймон даврини мақтаб тугата олмайдилар. Қонуний Сулаймон ўзининг мунча кенг мамлакатини маълум бир қонун доирасига солишга урунган эди. Бу нарса Фузулий мактубидан ҳам маълум бўлади (вақф даромадларининг турли чиқим бобларига-статяларга бўлуниши). Сулаймон ўзининг бу ташаббусида қанчалиқ муваффақ бўлгандир – билмаймиз, аммо Фузулий мактубидан кўрунадики, мамлакат идораси, барибир, бир тўда ўғрилар ва талончилар қўлида қолган. Кенг мамлакат даромадларининг қаймоғини ўшалар ялаганлар-да, Фузулийдек ҳалол меҳнат қилувчи бечораларга, қанча талантли ва санъаткор бўлсалар ҳам, “заҳматларга тушмак”дан бошқа нарса насиб бўлмаган:

Банго бан ўлдуғум манзилда роҳат майл эдиб келмас,
Душиб заҳматлара ночор бан ўлдум талабгори.
Ҳавои сайр қилдим иртифои қадр учун, зеро –
Еринда ҳар матоинг паст ўлур албатта миқдори[7].

Шундай қилиб, юқорида айтганимиздек, фақирлиқ ва йўқсулликдан қутулиб бир қадар одам қатори яшамоқчи бўлган Фузулий вақфдан нафақа (“тақоид”) сўраб, ўша Султон Сулаймоннинг бош вазири бўлган Нишонжи пошога ариза беради. У аризанинг устига бош вазир “завоид ҳисобига (вақфнинг туб эҳтиёжларига белгиланган маблағдан ошиқча пуллар ҳисобига) берилсин”, деб ёзади. Мана шу “завоид” сўзини дастак қилиб олиб, вақф идорасидаги тўралар Фузулийга ҳеч нарса бермайдилар. Уни кўп вақтларгача ана-мана деб сарсон қиладилар. Ахири, Фузулий вақфдан пул олиш умидини тамом йўқотгандан кейин шу мактубни ёзади.

Мактуб жуда тумтароқ, сертакаллуф иборалар билан бошланадики, уни ўрта даражада саводли бир киши ҳам (арабча ва форсийчадан мукаммал хабари бўлмаса) тушунолмайди:

“Молики мулк оройи олам ва ҳокими ҳикмат фазои ақолим...”[8]

Бу қуруқ бир муқаддимадан иборат. Ундан кейин шоир бир неча йўл шеър (назм) билан ҳалиги аризанинг нима учун ёзилганини, ундан нима натижа чиққанини билдиради. Бу бир неча йўл назм мактубчанинг бошида келади, демак, Султон ва унинг идорасига отиладиган пичинг тошлари шу ернинг ўзидаёқ бошланади (шундай жойларнинг остига чизилди):

Арз этар хокисору бемиқдор,
Бандаи камтарин Фузулийи зор,
Ки муқимий мақоми узлат экан,
Сокини гўшаи қаноат экан,
Бошима душди жоҳ савдоси,
Завқи аҳли тамаъ таманноси;
Ҳаваси касби нангу ном этдим,
Талаби рифъати мақом этдим,

7 Мен ўзим яшаган жойда менга роҳатнинг ўзи келмайди, хўб оғирликлар тортганимдан кейин ночор-ноилож ўзим ақтаришга бошладим. Қадримни баландлатиш учун сайр (сафар) қилиш ҳавасига тушдим, негаким ҳар қандай матонинг нархи ўз жойида арзон бўлади.

8 “Дунё мулкига оро берган подшо, усталик билан яратилган иқлимларнинг ҳокими...”

Истадимким, улувви қадр ўлам,
Мазҳари лутфи подшоҳи олам.
Билмадим ким, шикастаҳол ўлурам,
Ҳасад аҳлина пойимол ўлурам.
Тамаъ, ашрора ходим ўлмоқ эмиш,
Суфаҳоя мулозим ўлмоқ эмиш.
Кимки Аллоҳдин ибо айлар,
Ғайр даргоҳа илтижо айлар,
Ҳосили заллату хасорат ўлур,
Рахти уммиди яъса ғорат ўлур[9].

Фузулий шу ерда Султон идорасидан бир нарса умид қилиш хато эканини опочиқ, лекин қандай усталик билан пичинг тариқасида айтади!

Ундан кейин вазирдан жавоб олганини, у жавобга кўп севинганини айтади. Аммо бу қаттиқ севинч яна ўшандай қаттиқ пушаймон ва хафаликка айланганидан кейин шоир чидаёлмай кетади ва қонуний Сулаймон давридаги "қонуний" давлат аппаратини содда, лекин ўткур ва чиройлик сўзлар билан жуда ёмон уриб ташлайди (шу жойини тўла кўчурамиз, лекин асл нусхасини бериб ўтурмасдан, таржимасинигина берамиз):

"...ва ҳукмни ижро эттирмоқ учун вақф мутаваллиси ёнига бордим, мутаваллини учратиб бўлмади, ундан кейин молия бўлумига қараб кетиб, энг наҳс вақтда ва энг ёмон фурсатда у жойга етиб борганлигимдан, бир тўда одамларни кўрдимки, ҳикоятлари паришон, на сафодан унда асару, на садоқатдан унда нишон бор; тўпламлари ҳиллалар (ҳийла, найранг маъносида – И.М.) тузоғи, мажлисдаги одамлари "ҳайвоннинг ўзи, балки унинг ҳам озғинроғи". Келишмаган ҳаракатлари руҳнинг эгови сингари ва озор бергувчи сўзлари Нуҳ тўфони тўлқунларидай жангари; салом берсам, "бу пора эмас" деб олмадилар, ҳукм кўрсатдим, "фойдаси йўқ" деб назар солмадилар, гарчи зоҳирда бўюн эгиш (итоат) шаклини кўрсатдилар, аммо ҳол тили билан ҳамма саволларимга бир-бир жавоб айтдилар: дедим: "Ҳой яхшилар, бу қандай феъли хато ва чин абру[10]дир? Дедилар: "Ҳамма вақт бизнинг одатимиз шудир". Дедим: "Менга риоя қилинсин. Нафақа учун қоғоз бердиларки, ҳамма вақт ундан баҳра олай, хотиржам ўлтуриб подшоҳнинг ҳақлариға дуо қилай". Дедилар: "Эй бечора, сенинг уволингга қолғанлар, сени оворалик кўчасига солганлар, энди доим фойдасиз жанжаллар қиласан, хунук юзлар кўриб, дўққи сўзлар эшита беришдан сиқиласан". Дедим: "Нафақам нима учун қўлға келмас?" Дедилар: "Завоид деган нарса бизда бўлмас". Дедим: "Шундай катта вақф завоидсиз бўладими?". Дедилар: "Вақфнинг туб чиқимларидан зиёдаси биздан ортиб қоладими?" Дедим: "Вақф молини ортиқча (ўз мақсадидан ташқариға) ишлатиш уволдир". Дедилар: "Пулга сотиб олганмиз, бизга ҳалолдир". Дедим: "Ҳисоб сўраб қолсалар жавобгарликка қолинади". Дедилар: "Ҳисоб деган қиёматда олинади". Дедим: "Бу дунёда ҳам ҳисоб олинади деб эшитдик". Дедилар: "Ундан

9 Тупроқларда ястанувчи, қадрсиз, бандаларнинг камтари, бечора Фузулий шундай арз қиладики, "Фақир киши панада", "Оч қорним, тинч қулоғим" деб ётган жойимда, бошимга бирдан кўтарилиш савдоси, тамаъ аҳли ҳою ҳавасини излаш келиб тушди; ном ва шуҳрат чиқаришни ҳавас қилдим, ўрнимнинг юксалишини талаб қилдим, қадрим баланд бўлсин, подшонинг лутфига эришай, дедим... Ҳолим хароб бўлушини, ҳасадчиларнинг оёқ остларида қолишимни билмаган эканман. Тамаъ деган нарса – ёмонларга хизмат қилиш, паст одамларнинг буюрганларини бажаришдан иборат экан. Кимки Худодан юз ўгуриб бошқа даргоҳларга юз урса, топадигани тубанлик ва бузғунлиқ бўлар экану, умид бойликларини умидсизлик келиб талаб кетар экан!"

10 Қандай янглиш ва ҳунук феъл. Мунда сўз ўюни бор.

қўрқмаймиз, чунки котибларни рози этдик”. Кўрдимки, саволимга жавобдан бошқа нарса бермайдилар, бу ҳужжат билан сўраганимни беришга яқин ҳам келмайдилар, ночор хархашани ташладим, яна маъюс ва умидсиз бўлиб ўзимнинг пана бурчагимга йўл бошладим”.

Қонуний деган лақаби билан мақталатурган шундай катта бир султоннинг идора аппаратини қора ерларга уруб тоза разил қилғанидан кейин, ҳалиги икки ўртада сарсон бўлган ариза қоғози тўғрисида мана бу ширин йўлларни ёзади:

“Ҳужжатимдан (қоғозимдан) ҳақорат кўрганим учун менга унинг олдида кўп уят, ҳужжатим менга фойда еткизолмагани учун мендан хижолат. У чарх этилган[11] гувоҳдек гапирган гапидан пушаймон, мен ёлғон даъвогар сингари таъналардан паришон; у бекор бўлган оятдек ишга яровсиз, мен одам қаторидан чиққан умматдек овсиз ва довсиз”.

Ундан кейин шу юқоридаги сўзларни тўрт йўл байт ичига қандай чиройлик ва бадиий қилиб, яхши образлар билан жойлайди:

Бан анга фитна, ул банга офат,
Мутанаффир[12] бан андан, ул бандан.
Бан анга ғусса, ул бана миҳнат,
Мутакаддир[13] бан андан, ул банда!

Юқорида ҳам айтган эдик: бош вазирнинг буйруғидаги “завоиддан берилсин” деган ҳукмни баҳона қилиб, мутавалли ва унинг молиядаги тўралари шоирга ҳеч нарса бермайдилар. Шу учун мана шу “завоид” сўз устида ҳам Фузулий бош вазирга қаттиқ пичинглар қилади.

“Дарҳақиқат, агар “завоид” сўзидан мақсад – хизматчилар ва рутба эгаларининг ойликларидан, нафақахўрларнинг маошларидан, от, мол ва бошқа ҳайвонларнинг ем-ҳашак сарфларидан, оқтариш ва бинолар солиш харажатларидан ошган пулдан нафақа берилсин, демоқ бўлса, у ҳолда жанобингиз мана бундай демоқчи бўласиз: “Олдин ва юқори бўлиш даъвосини қилучи ва ўзини кўп мустаъид одамлардан олдинда деб билучи Фузулий, менинг сояи давлатимда, менинг қайнаб тушган сахийлигим, жўмардлигим ва марҳаматларим орқасида шу сахийлик номасини олиб ва менинг буйруғимга асосан, бундан кейин ўзини – ҳамма гадолардан, балки ҳайвонлар, тошлар ва ҳатто тупроқлардан кам ва паст билсин, беҳудага қоғоз ишлатмасдан ўз мартабасини топсин”.

Бу мактуб яна бир неча йўл назм билан битади. Бу назмда ҳам каттакон пичинг бор:

...Гарчи андуҳу миҳнатим чўқдир,
Ҳеч кимдан шикоятим йўқдир,
Толиъимдир банга жафо кетиран,
Ҳар бир онингда бинг бало кетиран,
Йўқса даргоҳи подшоҳи замон,
Лутфа манбаъдуру муруввата кон.

Нашрга тайёрловчи: **Искандар МАДҒОЗИЕВ,**
“Гулистон” журнали, 1935 йил,
№10 21-23-бетлар

11 Отвод еган.

12 Нафрат қилған, тортинған.

13 Кадарланган, озор еган.



“Пуанкарэ” – бир асарнинг икки талқини

Гўзалой МАТЁҚУБОВА

Таниқли ёзувчи Абдуқаюм Йўлдош қаламига мансуб “Пуанкарэ” асари 2013 йилда Ўзбек миллий драма театрида истеъдодли режиссёр ва актёр Сайфиддин Мелиев томонидан “Ҳаёт формуласи” (Даҳо) номи билан саҳналаштирган эди.

Асарнинг барча замонлар учун аҳамиятлилигини фаҳмлаган маҳоратли кинорежиссёр Музаффар Эркинов “Пуанкарэ” ҳикояси асосида бадиий фильм яратди. Албатта, бир асарнинг ҳам театр режиссёри, ҳам кинорежиссёр талқинида кўриш барча санъат ихлосмандлари учун қизиқ. “Ўзбектелефильм” томонидан суратга олинган фильмнинг давомийлиги 2 соатдан ошиқроқ вақтни ташкил этган бўлиб, фильм режиссёри ҳам математик олим ролига театрда бош қаҳрамон образини яратган Самидхон Лутфуллаевни лойиқ кўрган. Актёр олимнинг ёшлик даврини гавдалантирган. Бироқ спектаклдаги олимдан кинодаги олим бироз фарқ қилади. Чунки режиссёр фильмни яратишда ҳикоя сюжетидан чиқиб кетмасликка ва муаллифнинг хулосасини қандай бўлса шундайлигича кўрсатишга ҳаракат қилган. Бунда у ўзининг режиссёрлик ечимларини ҳам ўртага ташлаган.

Спектаклда воқеалар макон ва замон танламайди, асосий эътибор катарсиснинг юз беришига қаратилган. Бироқ экран санъатининг имкониятлари кенглиги боис режиссёр Музаффар Эркинов замон ва макондан ташқари натурага ҳам алоҳида аҳамият қаратган. Кинорежиссёр актёрлар ансамблига жиддий тарзда ёндашган. Ҳар бир образнинг ташқи қиёфасидан тортиб, характер жиҳатдан мослигини ҳам чамалагани яққол кўринади. Бош қаҳрамоннинг ёшлик даврига спактаклда ҳам қаҳрамон образини яратган Самидхон Лутфуллаевни танлагани ва бунда адашмаганини кўрамиз. Чунки

***Гўзалой МАТЁҚУБОВА** – 1984 йилда туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг “Олий адабиёт” курсини, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тамомлаган. “Хаёл сўқмоғи” шеърий, “Меҳр риштаси”, “Ғолиба” қисса ва ҳикоялар тўплами чоп этилган.*

айнан олимнинг шакл-шамойилидан тортиб, ички оламининг нигоҳларида акс этишини айнан шу актёрда муваффақиятли дунёга келганини спектаклда тажрибадан ўтгани ҳам ҳисобга олинган. Спектаклда қийинчиликларга қарамасдан курашаётган олимнинг қатъияти оз бўлса-да кўринади. Бироқ фильмдаги олим хокисор, мулойим, кўнувчи ва кўникувчан инсон. Буни унинг тақдир оқимига ўзини қўйиб бериши, қисиниб-қимтиниб, киприклари пирпираб туришидан ҳам томошабин зумда англайди. Олимнинг ёши катталик даврини Ғайбулла Жуманов гавдалантирган бўлиб, режиссёр хокисор ёш олимни ёши катта эмоцияли олимга айлантирган. Бу ўзини қайсидир маънода оқлайди ҳам. Чунки умр бўйи тирикчилик ва рўзғор ташвишлари билан ўралашиб ўзи истаган илм билан шуғулланолмаган инсоннинг ички ҳаяжонлари бўртиб чиқишини кўрсатмоқчи бўлган назаримизда. Режиссёр олимнинг қайнонаси образини яратган Дилором Каримова ва шифокор образини яратган Муҳаммадали Абдуқундузовни ўзгача ракурсда кўрсатиши билан уларнинг кўпқиррали актёрлар эканини исботлаб қўйган. Бир сўз билан айтганда режиссёр танланган барча “пластилин”лардан ўзи истаган образни ясашни уддасидан чиққан. Фильм воқелари 1983 йилдан 2003 йиллар оралиғида содир бўлиб, ҳақиқий илм эгаларининг қай даражада хор бўлгани, ўзларини зиёлилар деб атайдиган қатлам ичидаги ноҳақликлар ва кўзбўямачиликлар ҳаққоний тарзда ёритилади. Кундалик икир-чикирлар, тўй, маросим каби тадбирлар, ҳаддидан ошган орзу-ҳаваслар асосий мақсаднинг йўлига тўғаноқ бўлишини кўрсатиб беради. Томошабин фильм якунига етгани сари олимнинг “тараққиёт спиралсимон... тарих такрорланади”, деган сўзлари ҳақида ўйлашни бошлайди. Ҳаётнинг ноҳақликларидан ҳолдан тойган, турмушнинг муштлари остида эзилган, вақтида маррага етиб келишга улгурмаган, “Худойим, мени 20 йил ортга қайтар”, дея уввос тортаётган олимга қўшилиб изтироб чекади. Беихтиёр изига қарамасдан кетаётган Аҳмаджоннинг орқасидан югургиси, уни тўхтатгиси, олимга ёрдам беришга кўндиргиси, жамиятнинг кўзга кўринмас одамкуш арқонлари унинг ҳам бўйнига тушиши, ўзидан олдин орзулари буғилиши мумкинлигини тушунтиргиси келади. Сўнгра эса ҳикоя муаллифи истаганидек ўзи ўзининг устида тафтиш ўтказишни бошлаб юборади. Агар шу тафтиш бошланса, демакки, фильм ижодкорлари ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришибди.

Бир сўз билан айтганда, “Пуанкарэ” ҳикояси кейинги ўн йилликда яратилган ўқувчилар қалбидан жой олган энг яхши асарлардан бири бўлиб қолди. Асарнинг икки талқини эса бугун ва келажак учун долзарб бўлган масалаларни яна бир бор томошабинга эслатиб қўйди. Хулоса эса ҳар бир ўқувчининг ва ҳар бир томошабиннинг ўзига ҳавола.



Ҳилол – юрагимнинг тилинган жойи

Муҳаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ

Хулоса

Энам рўмолидек
ўнғиди дунё,
Отам дўпписидек
пучайди осмон.

* * *

Осмон тўлиб кетди
увадаларга,
Бебош шамол
келиб кетганди бирров.
Бу ҳолни кўрсайди
сариштa онам,
Кўкни ҳам супуриб
тушарди дарров.

Қўқонгилос

Уйга қайтдим,
сездирмадим онамга мен.
Онам боғда чумчуқларга дер эди.
"Озроқ қолсин, талаб кетманг
ҳаммасини,
дайди болам келса,
узиб ер эди".

Муҳаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ *– 1972 йилда туғилган. ЎзМУ ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги "Олий адабиёт" курсини тамомлаган. "Юрт соғинчи", "Ишқ дарди", “Мўътадил лаҳзалар”, "Пастлаб учган турналар" номли шеърий китоблари чоп этилган.*

Уруш одамлари

Бобомнинг енгига қараб билар эдик,
Шамол қай тарафга эсаётганин.

Қишлоқда

Узоқ хаёл суриб қолибман чоғи,
Мусича бошимга келтирди хаслар.

* * *

Ҳилол – юрагимнинг тилинган жойи.

Шўрданак

Шунча шўрлик ичра кулолган данак...

Тошбақа

Осмон узоқ,
қаттиқ ер,
Тириклик,
бола-чақа.
Хаммасига жим кўниб,
Тошга айланди бақа.

“Туркистон қайғуси”ни ўқиб

Ҳолимни айтайми,
бир жумла билан?
Тўпларга тутилган
минорадекман!

* * *

Бари-бари
пишиб улгурди,
Олмаю нок,
анжиру узум.
Пишиқчилик мавсуми ўтар,
Хомлигимча қолган –
бир ўзим.

* * *

Чумчуқ чўқилаган
узум юрагим.

* * *

Келсанг,
кафтимга қор парчаси тушгандай
қувонаман.
Қаерга яширишни,
қандай авайлашни билмайман.
Кетсанг,
ўша қор парчаси эриб кетгандай,
Кафтимда кўзёшлар изи қолади.

* * *

Шамол – телба ошиқ:
Қизғалдоқ гулбаргин юлиб фол очар тинмай,
Севади!
Севмайди!
Севади!..

Янги ой

Ёр ўтдими
сомон
йўлидан,
тўкилибди
дона киприги.

Ирим

Чойимдаги нозик
шамалар,
Келишингга қилар
шаъмалар.

Иқрор

– Ўзинг айт, эй бандам,
қандай яшадинг?
Майли, номангга мен
назар солмайман.

– Художон, мен уни
бир бор кўрдиму
қолган умримни ҳеч
эслай олмайман...

* * *

Ўчираман лаҳзали
лотереяни,
зора, исминг чиқса
бу сафар.

Тулпор кўрдим

(Барча заҳматкаш оталарга)

Тулпор кўрдим, юки оғир,
Ерга боқиб йўртиб борар.
Қисматга жим бўйин эгиб,
Аравани тортиб борар.

Ёнида бир тойчаси бор,
Дуркун, бироз нимжон эрур.
Ўзин ҳар ён урар тинмай,
Кўзи тўла исён эрур.

Пайт пойлайди, фурсат топиб,
Аравани бузмоқ бўлар,
Остин-устун қилиб барин,
Янги олам тузмоқ бўлар.

Чиқиб бўлмас, охир англар,
Бу тақдирнинг чизиғидан,
Илож қанча қочиб бўлмас,
Пешонанинг ёзиғидан.

Ловуллаган юракда чўғ,
Бир кун келиб аста сўнар.
Энди тойчоқ тулпор бўлди,
Аравага аста кўнар.

Тирикликнинг юки оғир,
Энди барин сезиб борар,
Ёнида бир тойчоқ кишнар,
Юрагини эзиб борар.

Тулпор кўрдим юки оғир...

* * *

Илинжим – ҳабибим кирса тушимга,
Кейин келмасам ҳам майли ҳушимга.



Ложувард хаёллар ичра кўриндинг

Нилуфар УМАРОВА

Отам ёди

Бўғзимга тиқилиб келса соғинчинг,
Булутлар титилиб кетар додимдан.
Ташвишлар тўрига илинганим дам,
Наҳот сен фаромуш бўлдинг ёдимдан.

Борлигинг нақадар ярашар эди,
Донишманд йилларнинг тавозесига.
Ўтган кунларимни ўлчаб кўраман,
Виждонингнинг олтин тарозусида.

Сени эсласам гар ёдимга тушар,
Беҳиларнинг ҳиди кезинган боғлар.
Ертўла уйдаги қоқилган михда,
Узумлар бандидан осилган чоғлар.

Ҳалинчак учади болалик тинмай,
Шамоллар тўзғиб-да, бир зумда йитар.
Кўзимнинг олдидан ҳар кун эринмай,
Сочлари жингалак қиз ўтиб кетар.

Нилуфар УМАРОВА *– филология фанлари доктори (PhD). 1972 йилда туғилган. Қарши давлат университетининг (ҳозирги ҚДУ) филология факультетини тугатган. У "Орзуси бир дунё аёлнинг", "Кўнгил розлари", "Дуогўй ёмғир", "Хаёл кўзлари", "Ҳаворанг насимлар" шеърий китоблари ҳамда "Туйғулар тилмочи" рисоласи муаллифи.*

Нақадар мароқли сени эсламоқ,
Тошларнинг устида унган лолангман.
Тонгда сени шодон ишга кузатиб
Ҳамон қайтишингни кутган болангман.

Суратдаги мен

Мендан кўра мурувватли у,
Мендан кўра севимлироқдир.
Шовқин аро қолган сокинлик,
Сокинликда қолган титроқдир.

Мендан кўра ардоқдадир у,
Чор тарафдан кутмайди шафқат.
Бир нуқтага муқим тикилиб
Жилмайганча ўй сурар фақат.

Мендан кўра кўнгли очиқдир,
Миннати йўқ табассумида.
Ишқ аршига ишора бордир
Нигоҳининг майин имида.

Мендан кўра қатъийроқдир у,
Хаёллардан яшамас чўчиб.
Еру кўкни қовуштиради
Кўзларининг тортишиш кучи.

Сокингина яшар у шундай,
Сўзи мангу сукунатдандир.
Чунки унинг озод хаёли
Ўз эркининг сийратидандир.

Қадрдон йўл

Бу йўл эргаштириб юради мени,
Онамдек ўзига яқин олади.
Бағридан юлқиниб кетсам узоққа,
Қўлин пахса қилиб тергаб қолади.

Бу йўл – дарахтларни эл қилиб олган,
Кўк ялпизлар билан яқин тутиниб.
Тунлари анҳорга термилиб ётар,
Ойнинг висолини сўраб, ўтиниб.

Бу йўл адаштирмас манзилимдан ҳеч,
Армону дардлар ҳам менга дилсиздек.
Борса гумон сари кетсам майлига,
Фақат учрамаса бўлди йўлсизлик.

Янги кун

Сенгача не довон, тўфонлар ўтди,
Киприкда ёш қалқиб ўйнади тинмай.
Қанча қайсарликлар қилди бу юрак,
Сенгача бировнинг гапига кўнмай.

Ҳисларимни эзиб талқон қилдим мен,
Исёним ғафлатнинг уйқусин тотди,
Қанча армонларга ўлжа бўлди дил,
Сенгача бу кунлар кун кўрмай ўтди.

Сенгача ҳавомас, буғ ютдим, холос,
Куйпараст нафасим пуфлаб ўтди най.
Кўнглимга таржима қилдиролмадим,
Сенгача дунёнинг тилин тушунмай.

Туркулар ўрнида тингладим сукут,
Соғинч косаларим тўлиблар тошди.
Не бир сафоларнинг баҳридан ўтдим,
Манзилга етгунча қанча адашдим.

Ложувард хаёллар ичра кўриндинг,
Юзимдан тумандек тарқаб кетди мунг.
Сенинг кўзларингни англаб-да етдим,
Унга қиёматли қул бўлгандан сўнг.

* * *

Сен – кўксимни куйдиргувчи нур,
Сен – кўзимда йилтиллаган шам.
Ёнишимга жим қаролмасдан,
Гулханларим ўчирган шабнам.

Ой тутилган бу юрагимга,
Чилдирмалар чертиб келар ишқ.
Товушингни эшитгим келар,
Шўх жилғалар бошласа қўшиқ.

Дардга берма, ғамларга берма,
Шамолларга тутқизма сочим.
Бир япроқдек яшнамоқчиман,
Паноҳингда улкан оғочим.

* * *

Қолмагандир кунларим тўхтаб,
Дарёларим қум ютиб оқур.
Ғижимланган қоғозга ўхшаб,
Ҳасратларинг исмимни ёқур.

Тоғларни ҳам тугунлаб олар
Хаёлимни қоплаган туман.
Осмондан ҳам оғирман, билсанг,
Кўнглимдаги дардларим билан.

Ҳалқумимга тиқилгайдир жон,
Бўғзимдаги тошларим ҳарсанг.
Дунё кўзи кулга тўлади,
Куйган исмим сочиб юборсанг...

***

Хаёл кўзгусига дарз кетар бирдам,
Яқинлашиб келар ҳар неки йироқ.
Бир-бирига ишқаб чақмоқтошини,
Юрагимни ёқар момоқалдироқ.

Булутлар лашкарин қувмоқлик учун,
Баҳор қамчи солар учқур отига.
Нетай, қулоқ тутгим келади менинг
Йиғлоқи ёмғирлар муножотига.

* * *

Ҳадемай шивирлай бошлар кўк,
Булутлар келтирди хабарин.
Ниш урган майсалар баррадек,
Таратар юртнинг мушк-анбарин.

Ҳадемай ёмғирга бўкар ер,
Ариқлар шилдирар – тўла сув.
Япроқлар шод чапак чалиб дер:
Ғанимат кунларнинг гардин юв.

Бедазор ичида юрсам ҳам,
Ҳар кун сўз айтса ҳам бу осмон.
Кўксига бош қўйиб турсам ҳам,
Ватаннинг ҳидига тўймасман.



“Жинлар базми ёхуд катта ўйин” ҳақида

ёзувчи Қудрат Дўстмуҳаммадга

Нуруллоҳ Муҳаммад
РАУФХОН

Ғалати одатим бор: бирон янги асар пайдо бўлса, ўша заҳоти олиб ўқимайман. Бунинг устига, у бирдан шов-шув бўлиб кетса ёки аксинча, бирдан қаттиқ танқидга учраса. Бундай ҳолда у асарни ўқиш истагим янада орқага сурилиб кетади.

Масалан, раҳматли Тоҳир Маликнинг “Шайтанат”ини ҳам худди шу сабаб билан ва худди шу феълим туфайли Ўзбекистонда энг охири ўқиган одам мен бўлсам керак. Ўшанда ҳам ҳаммасини ўқиб битирмадим.

Абдулҳамид Исмоилнинг “Жинлар базми ёхуд катта ўйин” рўмани ҳам ҳали Ўзбекистонга кириб келмасидан Ингилтарадан туриб кўтар-кўтар қилина бошлади, мақтовларга кўмилди. Қанақадир халқаро мукофот ҳам олди. Сўнгра Ўзбекистонда босилгач, рўман ҳақида илк ўқиган тақризим бир синглимизнинг кескин танқиди бўлди. Миллийлигимизга терс, тарихимизни ва тарихий шахсларни камситиш деб баҳоланди.

Бир ёқда мақтов, иккинчи ёқда қаттиқ танқид халақит қилди, шекилли, эски одатимга кўра менда бу асарга қизиқиш уйғонмади ва уни ўқиш тугул, изламадим ҳам.

Ва ниҳоят...

Бир куни ёзувчи акамиз, техника фанлари бўйича профессор Қудрат Дўстмуҳаммад:

– Абдулҳамид Исмоилнинг рўманини ўқидингизми? – деб сўраб қолди.

– Йўқ, – дедим.

– Ия, нимага? Бир йилдан ошдию эълон бўлганига! Шов-шув бўлиб ётибди!

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН *– 1955 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Дунё кенг”, “Шу ерлик киши”, “Этакдаги кулба” сингари китоблари чоп этилган. Асарлари турк, инглиз ва рус тилларида эълон этилган. “Оқ бино оқшомлари” бадиий фильми сценарий муаллифи. Ўрис тилли ўзбек ёзувчиси Темур Пўлатовнинг “Завсегдатай” (“Шинаванда”) қиссаси,“Черепаха Тарази” (“Торозий тошбақаси”) романини, Аҳмад Лутфий Қозончининг олти жилдли “Саодат асри қиссалари”ни ўзбек тилига таржима қилган.*

– Ҳа, тармоқларда ўқидим. Бибисичилар мақташди. Инглизча ёзилганми дейман, аллақачон Ингилтарада қанақадир мукофот ҳам олибди.

– Шуни айтаман-да. Бекорга эмас. Мен ўқиб чиқдим. Адабиётда янгилик, менимча!

– Мана, сиз мақтаяпсиз, тармоқда бир аёл киши уни қаттиқ танқид қилди. “Миллий қадриятларимиз ерга урилган, тарихимизга қора кўзойнакда боқилган”, деган маънода. Қўқон хони Муҳаммад Алихон жуда бачкана этиб тасвирланганмиш... Ишқилиб, чет элдаги шов-шувлар ҳам, ўша аёлнинг танқиди ҳам таъсир қилдими, ҳалигача ўқимадим.

– Сиз уни бир ўқиб кўринг. Хўп десангиз, китобни бериб туришим мумкин.

Хўп дедим, албатта.

Қудрат ака олдинроқ ўзининг Ислом Каримов даврида бекитиқча ёзган “Нидо” қиссасини (ясама китоб шаклида) берган, ундан олдин бир олимнинг диний асарини ўқишга илинган эди. Буниси учинчиси бўлди.

Хуллас, “Жинлар базми ёхуд катта ўйин” қўлимга тегди.

Қандай аҳволда, денг.

Худди расмларда кўриб турганингиздек аҳволда!

Қудрат ака китобни шунчаки ўқимайди. Ўқиш жараёнида бирон мулоҳаза туғилса, ўша заҳоти китоб бети чеккаларига эринмай ёзиб қўяди. Бу феълини олдиндан билардим. Шу учун “Жинлар базми...”даги бўялиб кетган бетларни кўриб ҳайрон бўлмадим. Ўзига ёққан ерларида ҳайратини ифодалаган, топилдиқ бирон воқеа ёки тасвир учраса, мақтаб қўйган эди. Савол туғилган ерларида мулоҳазаларини билдириб кетибди, имло хато учраса, қаламда тўғрилаб чиқибди.

Хуллас, фаол бир ўқувчи, зукко бир адабиётшунос кўзи билан боқиб, биратўла фикрларини ҳам битиб борибди. Катта илмий изланишнинг тап-тайёр хамиртуруши деса бўлади. Асар кўнглига ўтирган шеқилли, бир марта ўқиш билан чекланмай, иккинчи марта яна қайта бошдан ўқибди. Ўқишни қачон бошлаб, қачон битирганича қайд этиб қўйибди.

Булар ҳаммаси яхши. Аммо асарни энди ўқишга киришаётган одамга бу мулоҳазалар ҳалақит қилиши мумкин эди. Ҳали ўз мулоҳазангиз шаклланмай туриб, бошқанинг мулоҳазаси таъсирига тушиб қолиш ҳеч гап эмас-да.

Шу учун чеккадаги битикларни беркитиб туриб, асосий матннигина ўқишга ҳаракат қилдим. Китобни ўқиб бўлганимдан кейин ҳам то муқим бирон фикрга келмагунимча у қайдларга кўз ташламай юрдим...

Рўман умуман олганда менга ёқди. Ёзувчи шаклни яхши топган. Баён ва тасвирлар ҳам шу шаклга жуда уйғун. Энг ёққан томони услуби демоқчиман. Шу қирраси билан чиндан ҳам адабиётимизда янгилик деса бўлади.

Айни чоғда, худди шу услубни кўриб, ичимдан бир қиринди ҳам ўтди. Гап шундаки, анча йиллардан бери ёзилиб ёзилолмаётган, битиб битмаётган “Муҳокама” рўманим воқеалари ҳам деярли шунақа услубга қурилган эди. Бош қаҳрамон зулмга учраб тутуқланади, бир йилча давом этган тергов чоғи қамоқда... муҳокама... муҳокама... муҳокама тарзида яқин икки юз йиллик тарих ва ҳозирги замон воқеалари унинг кўнгли ва шууридан кечирилиб тасвирланади. Эртага асарим битса, эълон этсам, одамлар қандай қабул қилади?! “Жинлар базми...” услубига ўхшаб қолибди”, демайдими?!

Бу каби ўйлар мени бироз ташвишлантиргани тўғри. Аммо энди нима қила олар эдим. Улоқни ким биринчи кўтарган бўлса, марра ўшаники. На илож. Бироқ шуни деб мен ҳам рўманимнинг тайёр суйжетини бутунлай сочиб ташлаб, бошқатдан териб чиқмайман, албатта. Борига барака. Даврларда қисман ўхшашлик бўлса-да, ҳар ҳолда мавзуларимиз бошқа, ғояларимиз бошқа, воқеалар бошқа, қаҳрамонларимиз бошқа...

Ҳали йўқ нарсани ўйлаб бош қотирмай, ҳозирга қайтайлик.

Абдулҳамид Исмоилни шахсан танийман, лекин асосан шоир деб билардим. Шеърларини барини бўлмаса ҳам, кўзим тушганларини ўқиганман. Ўзига хос йўли, ўзига хос фикрлаш тарзи ва ифода йўсини бор. Халқ орасида жуда унақа оммалашмаганига сабаб кўпроқ "тафаккур шеърияти" бўлганидандир. Ўрис тилиси мукаммал, ҳатто ўрисча фикрлаб, ўрис тилида бадиий асарлар ёза оладиган даражада. Ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Балки шу ҳолат шеърлари руҳига сезилмас таъсир ўтказган бўлиши ҳам мумкин. Билмадим. Омманинг қитиқпатига бориб тегмади ҳар ҳолда. Оммалашмади. Ёмонлаб айтмаяпман, бор гапни айтяпман.

Ёзувчи деб эса, уни шу китоби орқали танидим. Ва бу танишув кутганимдан ортиқ даражада илиқ таассурот қолдирди.

Асар қурилиши бироз мураккаб. Воқеалар (суйжет) марказига миллатимиз манглайини шўрлатган 1937–1938-йиллар қатағони қўйилиб, ёрдамчи воқеалар унинг теварагига худди кашта каби тўқиб чиқилган. Яъни, олдинги ва кейинги ҳодисалар ипини боғловчи нуқта миллат фожиасини тамсил этувчи Абдулла Қодирий шахси, қалби, тақдири, фожиаси, шаҳидлик арафасидаги ўй-хаёлларидир.

Менинг диққатимни ўзига энг қаттиқ тортган томони – Абдулла Қодирийнинг ушалмаган бир орзусини Ҳамид Исмоил ўзига хос йўл билан юзага чиқаришга уринганидир.

Биласизлар, Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён"дан кейин Хон канизаги Хонпошша ("Жинлар базми..."да "Ойхон пошша" тарзида келади. Балки Умархон саройига олинмасидан олдинги оти шундай бўлгандир) тақдирига жуда қизиқиб қолади. Янги асарга хомашё қидириб, бир неча марта Қўқонга ижодий сафар уюштиради, Ойхон пошша ва унинг фожиаси ҳақида эшитган-билганлар билан суҳбатлашади. Воқеалар кечадиган Қўқон кўчаларини майда-чуйда бурчагигача кезиб чиқади, хаёлан бўлғуси қаҳрамонлари билан бирга яшайди – улар орасида, улар билан бирга юради, улар билан бирга нафас олади. Гўё янги асарни қорнида тўққиз ой обдан парваришлаб етиштиради. Туғиш қолади, холос. Шундай паллада, не ёзиққи, ўрис-совет қатағонига учраб, қамоққа олинади ва отиб юборилади. Янги ва ниҳоятда кучли бўлиши кутилаётган асар (Абдулла Қодирий ўзи уни "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён"дан ҳам юксак бўлади деб орзу қилган) туғилмай, "онаси" қорнида ўша "онаси"га қўшилиб шаҳодат шарбатини ичади. Ўзбек халқи эҳтимол буюк бир рўмандан шу тариқа қуруқ қолади.

Абдулҳамид Исмоил "Жинлар базми..." рўманида мана шу армон ўрнини тўлдиришга бел боғлабди. Хаёлан Абдулла Қодирий билан бирга одимма-одим Қўқон кўчаларини кезиб, у гаплашган одамлар билан гаплашиб, буюк ёзувчимиз тўплаган хомашёларни тўплаб, жой-жойига қўйиб, худди "Ойхон пошша ҳақида бир рўман" ҳам ёзибди! Асар ичида бир асар яратибди! Яъни, хаёлларда қолиб кетган асарни шу кичкинагина рўман ичига маҳорат билан едириб-сингдириб юборибди! Мен учун янгилик ва топилдиқ шу бўлди.

Албатта, у асарни Абдулла Қодирий ёзганида бутунлай бошқача ёзган бўларди, лекин Ойхон пошша тақдирининг Абдулҳамид Исмоил талқини ҳам ўзи хос. Ёркин. Қизиқтиради, ичига тортиб олиб кириб кетади. Юракни титратади.

Асарни ўзбек адабиётида янгилик деб баҳоларканман, мана шу томонини ҳам назарда тутяпман.

Ушбу мақола нияти "Жинлар базми..."ни мисоллар, далиллар келтириб, ютуқлари-ю камчиликларини атрофлича таҳлил қилиш эмас. Йўлакай туғилган фикрларимни, муносабатимни билдириб кетяпман, холос. Асосий мақсадим – менга бу асарни ўқишга бериб турган ёзувчи акамиз Қудрат Дўстмуҳаммад ҳақида ёзиш эди. Бунга сал қуйида яна қайтамиз, албатта.

Унгача “Жинлар базми...”нинг камчиликлари тўғрисида ҳам икки оғиз айтиб қўймасам бўлмайди.

Бошда билдирганимдек, мен ҳали бу асарни ўқимасимдан анча олдин, яъни, китоб чоп бўлиб чиққач бир синглимизнинг (афсус, ўшанда отини бир ерга қайд этиб қўймаган эканман) ўта қаттиқ танқидларини ўқиганман. Рўман билан танишаётиб, у танқидда ҳам жон борлигини сездим.

Гап шундаки, Абдулҳамид Исмоил Қўқон хони Муҳаммад Алининг ички ва ташқи дунёси суратини чизаётиб, ҳақиқатда бирёқламаликка йўл қўйган. Сезишимча, бу нуқтада у кўпроқ Ҳакимхон Тўранинг “Мунтаҳаб ут-таворих” асарида Муҳаммад Алига берилган баҳоларга тўла ишониб қолгани, ўшанга суянган кўринади.

Ҳолбуки, Ҳакимхон Тўра машҳур тарихчи олим бўлиш билан бирга, ҳаётда Муҳаммад Али билан шахсан рақобатлашган ва душманига айланиб қолган бир одамдир ҳам. Ўзи иккаласи тенгқур, бунинг устига, улар яқин қариндошдирлар. Ҳакимхон Тўра Муҳаммад Алининг аммасининг, яъни, отаси Умархоннинг опаси ёки синглисининг ўғли. Бирга-бирга ўсган.

Ўзаро душманлашиб қолишганининг аниқ сабабини Ҳакимхон Тўра ўзи китобида айтмайди. Замондош олимларимиз, билишимча, уч тахминни илгари суришган:

1) ота томондан Норбўтабийга қариндошлик юзасидан хонликка даъво қилган, эришолмаганидан аламзада;

2) Ҳакимхон Тўранинг отаси хонликда шайхулислом эди, ёш Муҳаммад Али тахтга ўтиргач, рақобатчиси бўлмиш Ҳакимхонни ҳам, унинг отасини ҳам саройдан қувган, шундан аламзада;

3) Умархоннинг канизаги Ойхон пошша (Хонпошша)ни Ҳакимхон Тўра ҳам яхши кўрган, унга Муҳаммад Али уйлангани учун душман бўлиб қолган, шундан аламзада...

Бу тахминлар қай бири тўғри бўлса (ёки ҳеч бири тўғри бўлмаса) ҳам, иккала дўст ва қариндош бир-бирига душман бўлиб қолгани аниқ. Шу учун Ҳакимхон Тўра “Мунтаҳаб ут-таворих”ида Қўқондан сургун бўлганидан кейинги воқеаларни бирма-бир баён этаркан, бошдан-охир Муҳаммад Алини ёмонлаб, мазахлаб, устидан кулиб, ерга уриб тасвирлайди. Ҳақоратлаб “Муҳаммад Али мода” деб атайди!

Шубҳасиз, “Мунтаҳаб ут-таворих” Қўқон ва Туркистон тарихини ёритган жуда муҳим ва нодир асар. Бунақаси бошқа йўқ! Бу учун муаллиф ҳар қанча олқишланса арзийди. Аммо, айни чоғда, Ҳакимхон Тўра, бир инсон ўлароқ, шахсига етган жабр ва ҳақсизлик натижасида айрим ишлар ва шахсларга бирёқлама баҳо берган бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз керак. “Жинлар базми...”да эса, Абдулҳамид Исмоил Муҳаммад Али Хонга муносабатда Ҳакимхон Тўранинг йўлидан боради, у қўйган айбларни деярли бир хил такрорлайди.

Мана шу нуқта, менимча, танқидчи синглимизнинг ҳамиятига теккан ва ҳақли норозилик уйғотган.

Лекин “Жинлар базми...” асари Муҳаммад Али ҳақида эмас, у йўлакай эсланади холос, муаллифнинг Муҳаммад Алига ёндашувидаги хатоликни деб бутун рўманни чиппакка чиқариш ҳам тўғри бўлмайди.

Энди иккинчи кескин танқид ҳақида.

“Жинлар базми...”ни ўқиб бўлганимдан кейин то яхши ҳазм қилиб олгунимча у ҳақда бирон фикр билдирмадим. Мулоҳазаларимни тартибга келтиришга ҳаракат қилиб юрдим.

Орада тармоқда кичик бир мақола ёзиб, айрим хулосаларимнинг учини чиқардим. Асарни умуман олганда мақтадим.

Шунда файзбоғда (ФБ) фикр-мулоҳазаларини мен ҳурмат қиладиган бир зиёли, ўқимишли укамиз Жамшид Муслимов менга телеграм канал орқали мурожаат этиб, қанақа асарни мақтаяпсиз, нимаси бунинг янгилик, деган маъноларда қаттиқ эътироз билдирди:

“Адабиёчи эмасман, лекин... Ҳамид Исмоил – графоман. Наҳот шу нарса сезилмаса? “Жинлар...” ҳам ғалатироқ эди. Аммо каналида чиқаётган “байтлар”ни кўриб, амин бўлдим”, деб бошлабди укамиз эътирозини.

“Графоман” таърифини эшитиш ҳар қандай ёзувчи учун оғир. “Сўзбоз”, “Маза-матраси (маъноси) йўқ қуруқ гапларни ёзадиган” каби баҳо ҳеч кимга ёқмайди, албатта.

Аммо, афсус, танқидчи укамиз келтирган мисолларда ҳақиқатда шунақа хусусиятлар кўринади:

Биринчи мисол.

“Мана силлиқ юзлигу, бироқ чап кўзи билан бети аҳён-аҳён учар ёш ҳоким кенг чорпоя капа остига кириб борди-да, эпчил ясовуллардан бири ҳумоюн тўриқнинг оёғига тушов солди-ю икки ёндан икки ғулом елпиғичларини кўтаришган эди ҳамки, такбирлар бир зумда тиниб, ўртага баковул ила шаҳар қозиси чиқишди”.

“-у... -да... -ю... -ҳамки...” – биргина гап учун кўплик қилмайдими?

Шунақа жойлари жуда кўп “Жинлар...”да ҳам, янги чиқаётган асарида ҳам. Ҳаваскор талаба машқларига ўхшайди.

Иккинчи мисол.

“Баковул томоғини йиртгудек бўлиб: “Улоқ кўтарилди!” деб буюрди ва дарров ўзини панага тортди. Ана бошланди шунда рўзи маҳшар! Гижинглаб турган отлар чангу чим кўтариб, дупур-дупурга тушди, авом, тизгини қўйиб юборилгандек, ғалаён кўтарди, узоқроқдаги ўлаксахўр қарғалар жон ҳолатда осмонга қалқди.

“Ол!” деди кимдир. “Ёпиш!” деди бошқаси. “Шошма!” деди учинчиси. Мингларча одам бу жўрга қўшилди, ит эгасини танимай қолди.

Даврага интилган отларнинг пишқиришидан Насруллохоннинг тўриғи чўчидими ё қони қўзидими, тушовига қарамасдан юлқинди, тепина бошлади, бироқ: “Ё, сабил” деб жиловни қўлига маҳкам ўраган ҳоким тортишга ҳам улгурмасдан икки ясовул икки тарафдан ўзангига ёпишишди. Отларнинг оғизлари қийшайди, оғизларидан кўпиклар сачради, қамчилар ёғилди, қани, ҳоким бу орада улоқни кўрса.

Кўргани бир-бирини туртиб-суртган отларнинг кетлари бўлди. Юраги дук-дук урди ҳокимнинг. Икки ясовулини икки томонга тепиб, отини ўртага солмоқчи бўлди, шамширини яланглатиб бўлса-да орага ёриб кирса-ю қамчи оғзида, бир энгашиб улоқни ўзи кўтарса… Тўриғи ҳам ҳокимнинг фикру зикрини сезгандек яна бир талпинди ва агарда шунда тумонот отлар даврасидан қулоқ пардасини йиртгудек чинқириқ кўтарилмаганида эди, ким билсин, савлату давлатига қарамай Насруллохон ўзини даврага урармиди…

Чека отлар бирданига сийраклашиб, туёқлар оралаб кўргани шу бўлдики, кимдир улоқни эмас, илигидан тортиб тақимига одам боласини кўтармоқда эди…” (Имло хатолари тузатилмади.)

Эътибор берган бўлсаларинг, Жамшид Муслимов асосан асарнинг тили ва муаллифнинг тасвирлаш услубидаги камчиликлардан чиқиб келиб танқид қиляпти. Ўзи айтмоқчи, адабиётчи бўлмаган бир ўқувчи ўлароқ муносабатини билдиряпти.

Жамшид келтирган мисолларни бу ерда тўлиғича такрорлаганим сабаби – тил масаласида менинг ҳам фикрларим деярли шунақа. Асарда бунақа ғализ тасвирлар, сўзбозликка берилган ўринлар анча-мунча ва муаллиф кейинги нашрларда рўман тилини жиддий қайта кўриб чиқса, яхши бўларди.

Тўғри, “Жинлар базми...”да янги топилдиқ сўзлар, теша тегмаган иборалар ҳам кўплаб қўлланган, бу томони таҳсинга лойиқ, аммо “ўзига хос”лик кетидан қувиб, қанақадир ясама, бачкана тасвирлар ҳам қалашиб келади баъзан...

Энди тағин асосий воқеамизга қайтамиз.

Қудрат ака бир куни ФБдан менга хат ёзиб қолди: “Сиз омонатга қаттиқ турмас

экансиз. Мен сизга ўқиб қайтариш шарти билан учта китоб бердим, бир йилча бўлиб қолди, қайтармаяпсиз!” деб ёзибди.

Эсимдан чиқиб кетибди. Хижолат бўлдим. Анча ойлар бурун бир ерда кўришганимизда ўзининг “Нидо” асари ҳақида фикр-мулоҳазаларимни билдирган эдим. Ўшанда китобни қайтарганман деб ўйлаб қолибман.

Шоша-пиша кутубхонамни титкиладим. Дуолар китоби билан “Нидо”ни топдим. “Жинлар базми...”ни ўқимаган эдим, шошилинч ўқишга киришдим. Унгача кутиб қолмасин деб иккала китобни етказдим.

– Минг бор узр. Китобларингизни қайтариб берганман деб юрардим, – деб қўлига тутқаздим.

Қудрат ака узримни қабул қилди.

– Абдулҳамид Исмоилнинг китоби-чи? – деб сўради.

– Озгина чаласи бор эди, ўқиб бўлиб олиб келиб бераман, – деб ваъда қилдим.

– Майли, у ўзингизда қолаверсин.

– Йўқ... нимага... қайтараман... – дедим ҳайрон бўлиб.

– Чин юракдан айтяпман, сизга совға бўлсин.

– Совғани қайтармайман, лекин у китобда бошдан-охир бетларнинг четида фикр-мулоҳазаларингиз бор, эсингиздан чиқдими?

– Эсимда. Ўша ёзувлари билан сизга эсдалик. Мен ўлганимдан кейин бир куни хотира ёзарсиз, Қудрат Дўстмуҳаммад китобларни мана шунақа ўқирди, деб...

Шундай қилиб, китоб ўзимга бўлди. Кўнглимга тугдим: “Иншаоллоҳ, бу ҳақда бир мақола ёзаман!” деб ўзимга ўзим сўз бердим...

Шу ўринда Қудрат ака китоб чеккаларига битган мулоҳазалардан айримларини келтираман:

1. “Бу китобни Бахтиёр Исабеков (Ўрдабекли)дан олиб, 04.11.17.да ўқиб тугатдим. Баъзи жойларини таҳрир қилдим.

Бу роман ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. Ҳали бу ҳақда кўп гапирилади. Менда шундай бир фикр уйғондики, Абдулҳамид Исмоил Абдулла Қодирийнинг тугалланмай қолган асари қўлёзмасидан қай даражада фойдаланганини аниқлаштириб, Абдулла Қодирийни муаллиф қаторида ёзиш эҳтимоли ҳам бўлар балки. Буни Абдулҳамиднинг ўзи билан гаплашиш керак. Шу гапни нашриёт директори Санжар Назарга айтдим. 14.06.2017.

2. “Китобнинг қаеридадир Чўлпон ўртоқларини уйига таклиф қилганида отаси кутилмаган меҳмонларни совуқ қабул қилгани, суҳбатлашганидан кейин қарашлари буткул ўзгаргани эпизоди бор эди (қидириб тополмадим). Шу ҳикоя Заки Валидийнинг “Воспоминания”сида (1-китоб 139-бет) бор экан. 23.07.17.

Эҳтимол З. Валидийнинг ўзбекчага таржима қилинган китобидан ўқигандирман (“Бўлинганни бўри ер” деган китоб)”.

3. “14. 05.2019.да иккинчи марта ўқишни бошладим”. (13-бет четида.)

4. Китоб матнидаги “...овозлари чиннидаги қиёмдек ширалади” жумласидан ҳаяжонланиб, остини чизиб, Қудрат ака: “Оҳ! Гўзал ўхшатиш!” деб қўйибди. (20-бетда.)

5. “Шу икки сатрда олам-олам маъно бор!” (21-бет охирги икки сатрга муносабат.)

6. “24 – 26-бетлардаги манзаралар жуда-а кинобоп экан. (17.05.19.)”

7. Абдулҳамид Исмоилнинг “Аравада ашула айтган қизни Чўлпон ёзмаганмиди?” матнини Қудрат ака: “Қиз аравада айтган ашулани Чўпон ёзмаганмиди?” деб таҳрирлабди. (28-бетда.)

8. “Сарой аёлларининг ҳиссиётларини таҳлил қилиш учун ғазалларни тушунишдан бошқа (эркак киши улар) яна нималар қилиш керак?! 12.05.19.” (42-бетда.)

9. “Асарда мен (менга тенгдош адиблар ҳам) тушуниши қийин сўзлар кўп. Абдулҳамид уларни Қодирийдан олганмикан? 18.05.19.” (51-бетда.)

10. “Ҳар гал Моҳларойим деганда “йиғлансинган” сифати билан ёзади. Бу аёлнинг энг кўзга ташланган сифати экан-да? 19.05.19.” (57-бетда.)

11. “Бир ёнда ит азобларини кўраётган маҳбуслар, бир ёнда тўқликдан шўхлик қилаётган сарой аъёнлари. Бирининг қиёфасига кириб азобланаётганингда, бошқаси – мана, мен ҳам борман, деб турибди. 21.05.19.” (69-бетда.)

12. “Турли замон, турли макон, турфа одамлар қисматидан ҳикоя қилатуриб, ҳаммасини бир ипга тизиб чиқиш учун қанақанги маҳорат керак!” 21.05.19.” (76-бетда.)

13. “Ўзбек адиблари билан Масков адиблари ўртасидаги учрашувлар, семинарлар... Шуларни ўйласанг, бу роман эпопея бўлиб кетади”. (94-бетда.)

14. “Блокнинг Чўлпон таржима қилган шеърини Авербах деган одам танқид қилиб ташлаши кулгили бўлибди. Чўлпон уни аҳмоқ қилиб ташлагандек бўпти! 22.05.19.” (94-бетда.)

15. “Домла Косоний тилидан бундай таҳлилларни ёзиш учун Абдулҳамид шу гапларнинг ҳаммасини ўқиб чиққан! (203-бетда.)

Асарнинг охирига Қудрат ака бундай деб қўйибди: “Дунёга коммунизм қурамиз деб жар солиб, амалда халқни гадо қилган, зиёлиларни вақти-вақти билан қириб турган коммунистларга, уларнинг XXI асрда ҳам ҳукмронлик қилаётган ворисларига халқнинг, Оллоҳнинг ЛАЪНАТЛАРИ ёғилсин! 24.05.2019. с. 16:02.)

Китобнинг сўнг бетида *“Қийин сўзлар: 186 та. Мақол ва маталлар: 55 та мақол 63 марта ишлатилган”*, деб қайд этиб қўйилгани ҳам Қудрат Дўстмуҳаммаднинг нақадар синчков китобхон ва нозик адабиётчи эканини кўрсатади.

Хуллас, бунақа қайдлар кўп. Буларнинг фойдаси шуки, кейинроқ қачон китоб тағин қўлга олинса, шу қайдларга бир кўз ташлаб чиқиш етарли бўлади – асар воқеалари дарров эсга тушади...

“Бу меҳнатни элга кўрсатмай бўладими! Албатта ёзаман бир куни!” деб қўйган эдим.

Китоб менга совға қилинган кундан бирор йилча ўтгач, кунлардан бир куни бирдан миямга урди:

“Тўхта, – дедим, – бир одамнинг яхшилигини, ўқувчиларга ибрат бўладиган томонларини ёзиш, эл-юртга етказиш учун нимага унинг оламдан ўтишини кутишим керак?! Тириклигида ёзсам бўлмайдими?! Нимага энди яхши гаплар кўпинча одам ўтиб кетганидан кейин айтилади?! Хўп, Қудрат ака ўзи, ўлганимдан кейин ёзарсиз, деган, аммо бу ёғи менинг ихтиёримда эмасми? Нимага у қора кунни пойлаб юришим керак?!”

Мана, бир ҳафтадан бери ҳаракат қилиб, ушбуни ёзиб ўтирибман. Охирги нуқтани бугун – 2022 йил декабирининг 14-куни тунги соат 00:38 да қўйдим, Оллоҳга шукр.

Ният қилдим: биринчи ўқувчим албатта Қудрат ака Дўстмуҳаммаднинг ўзи бўлади.

Муҳтарам Қудрат ака! Сизга Оллоҳдан узоқ ва хайрли умр, ижодий барака тилайман. Чарчаманг. Ҳозиргидек тўғрилик, талабчанлик ва бошқаларга яхшилик илиниш сифатларингиз сизни асло тарк этмасин!

Укангиз
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН

“Азал ва абад йўли”



Шерзод Комил
ХАЛИЛ

Ёш ўзбек ёзувчиси Азизбек Норовга!

Қадрли Азизбек!

Яқин кунларда “Азал ва Абад йўли” китобингизни не бир ҳафсала ва ройиш билан ўқидим. Бундай деяётганимнинг сабаби бу худбинликми, ё, ўзимга ҳаддан ташқари юқори қўйилган талабми билмадим, ҳар ҳолда, унча-мунча насрий битикларни ўқишга доим ҳам ўзимда қунт топа олмайман. Мен ўтган йил “Академнашр”да босилган яхши бир ёзувчи Раҳшона Аҳмедованинг битикларини муайян қониқиш билан ўқиганман, ёзувчининг яратиқлари менга маъқул бўлган, унга устозимиз Темур Пўлатов сўзбоши ёзган ва бу омил мени ёзувчини ўқиб кўришга етаклаганди. Ёзувчи асарларини ўқигач, нашриёт яхши бир ёзувчини кашф этганига амин бўлгандим. Сизни ўқишимга эса, профессионал ўзбек ҳикоячилигида мен тан оладиган кам сонли ёзувчиларимиздан бири Назар Эшонқулнинг китобингизга сўзбоши ёзганлиги, илгари ҳикояларингиздан бири “Эйнштейн жумбоғи”ни ўқиганим ва шу ёш ёзувчида қалам бор экан деган хулосам туфайли, ўзбек адабиётининг бугуни ва эртаси кимларнинг қўлида бўлиши мумкинлигини чамалаш, ортимиздан келаётган ёзувчиларни кўриш эҳтиёжи туфайли эди десам, мени манманлик ва кибр қилишда айбламассиз. Сарлавҳасида жуда катта фалсафий маъно юкланган китобингизда шунга яраша кўлам ва мазмун бордир ҳойнаҳой деган истак ва истеҳзо билан қиссани ўқишни бошлаганимда, дарҳақиқат, ёзувчилик ҳадисини унча-бунча олган ёш ёзувчини қаршимда кўрдим албатта. Бу яхши. Сиз ёза оласиз. Ёз-ёз касалига чалинган ва қоғоз қоралаш билан умрини фожиали бир тарзда ўтказаётган кўплаб ижодкорлар орасида ёза олиш маҳоратининг ўзи ҳам бир даражада умид беради иттифоқо. Аммо рост ва самимий

Шерзод Комил ХАЛИЛ *– 1982 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) фалсафа факультетини тамомлаган. Унинг 2016 йил АҚШда “I left poetry” (“Мен шеъриятдан кетганман”) китоби нашр этилган.*


айтиб ўтишим керакки, ёза олишнинг ўзи ёзишнинг табиатини тўла-тўкис белгилаб бера олмайди. Мен ўйлайманки, ёзувчи нимани, қандай ёзишни ҳам билиши керак. Сиз яратган ҳаёт картиналарида, хусусан қиссангизда на географик макон, на образларнинг тўлақонли портрети яратилмаган. Бош қаҳрамон аллақандай Агамемнон (Ҳомернинг "Илиада" ва "Одессий" достони қаҳрамони)га ўхшаган киши – у ҳақида менда саволлар бисёр, нега ўхшайди, нега ўхшаши керак, нега Алпомишга, ё Гўруғлига ўхшамайди бу шўринг қурғур қаҳрамон?! Айтмоқчи бўлганим, қиссангизда ёзувчи сифатида умуминсонийликка интилганингизни, бу йўлдаги ёзиш услубингизни олқишлаган ҳолда, миллий колорит яратишга интилмаганингиз, қаҳрамонингизни миллий заминдан узилганлигини оқламайман. Сиз мутлақо шошилмаган кенг кўламли масштабда образларни шунчалик эринмай тасвирлайсизки, ҳолатларни батафсил баён қиласизки, гўё сиз қисса эмас, балки роман ёзаётгандексиз. Мен китобга киритилган қисса ва ҳикояларингизни ўқиш орқали сизда романистга хос кўплаб хислатлар борлигига амин бўлдим, аммо қисса ва ҳикояларда жанр талабларини инобатга олиш зарурий ҳол эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Сиз ёзган қиссада воқеалар ва мантиқ бироз чалкашиб кетгандек таассурот берди менда. Инчунин, поезд 1986, 1987 ва ҳоказо шаҳарлардан ўтади, кейин йўлдан НКВД ходимлари поездга чиқади. НКВД адашмасам ўттизинчи йилларда тугатилган, уларнинг яна пайдо бўлиши савол туғдиради? Амарантус поезди, Париж ва рус қаҳрамонлари, хуллас, ҳаммаси бироз чалкаш. Қаҳрамонларни миллий заминда ҳам қуриш, яратиш мумкин эди. Балки сиз бошқа нарсаларни ўйлагандирсиз, бу менга қоронғи.

Хуллас, қиссада ёзувчи маҳорати бўлгани ҳолда бироз ёрқинлик ва аниқлик етишмайди, мантиқ чалкаш, ҳар ҳолда менда шундай таассурот қолди. Ҳикояларингизда эса дарҳақиқат миллий қаҳрамонлар бор, Азизбек Норовнинг овози бор, яхши, мен уларни ортиқ мақташ ёки танқидий фикр айтишдан ўзимни тияман. Сиз тайёр ёзувчисиз, биз учун муҳими шу. Ўзбек адабиёти учун янги ёзувчининг кириб келаётгани муҳим. Шу йўлда Сизга муваффақият тилаган ҳолда насримиз учун қаттиқроқ меҳнат қилиш, интилиш, ижодий салоҳиятни ривожлантириш ва бу йўлдан сира чекинмасдан фақат олдинга юришни айтган ҳолда сўзимни тугатаман.

Сизга камоли эҳтиром билан, Шерзод Комил ХАЛИЛ.
Москва-Переделкино
8.01.2023

Қиссалар муқояса қилинса…



Абдулла
УЛУҒОВ

1931 йилдан чиқа бошлаган “Шарқ юлдузи” адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнали глобаллашган XXI асрда ҳам замонавий адабий жараён учун асосий майдон бўлиб турибди. Бу “майдон”да кўплаб шеърлар, достонлар, мақолалар, бир неча романлар қаторида кўплаб қиссалар ҳам мавжудлиги ҳозирги адабий жараёнга ўзига хос кўрк, жозиба бағишлайди. Бир-биридан ҳар жиҳатдан ажралиб турадиган ушбу қиссалар янгиликларга муттасил тўлиб бораётган ҳозирги тезкор замонда адабий жанрлар ҳам тамоман ўзгариб кетаётгани, айни ҳолат қиссаларнинг ҳажми, композицияси қурилиши, воқеликни ифодалаш тарзида ҳам намоён эканидан хабардор қилади.

Мавзусига кўра муқояса қилинса, Шойим Бўтаевнинг “Кутубхоначи хоним”, Исажон Султоннинг “Аввалгиларга ўхшамас”, Маъмура Зоҳидованинг “Манглайдаги ёзиқ”, “Бойчечак”, “Садоқат”, Байрам Алининг “Босириқ”, Шавкат Низомнинг “Дўлта”, Меҳрибон Абдураҳмонованинг “Қонли шафақ сурати”, Шаҳодат Улуғнинг “Номи Ҳабибим”, Фолькиннинг “Йиртқич” қиссаларида замонавий ҳаёт ҳодисалари диққат марказига қўйилгани, Отабек Жўрабоевнинг “Ризо билан борамиз”, Меҳрибон Абдураҳмонованинг “Қонли шафақ”, Каримберди Тўрамуродовнинг “Сўнгги бек” қиссаларида эса тарихий воқеалар қаламга олингани кўринади. Нақл, баён тарзига кўра эса “Кутубхоначи хоним”, “Дўлта”, “Бойчечак”, “Манглайдаги ёзиқ”, “Сўнгги бек” қиссаларида муаллиф тили устунлиги, “Босириқ”, “Номи Ҳабибим” персонаж тилига асосланган аёнлашади. “Садоқат”да эса муаллиф тили ва персонаж тили ўзаро алмашиниб, қиссанинг таъсирчанлигини кучайтиради. “Ризо билан борамиз” ҳужжатли қиссасида “Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг умри поёни, аниқроғи, сўнгги кунлари борасида ҳикоя қилинади” (“Шарқ юлдузи” журнали, 2021 йил 7-сон. – 9-бет). Отабек Жўрабоевнинг ушбу мўъжаз қиссаси аввалги даврда битилган ҳужжатли қиссалар билан қиёсланса,

---

Абдулла УЛУҒОВ *– филология фанлари номзоди, профессор. 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Қалб қандили” китоблари, “Адабиётшуносликка кириш”, “Туркий халқлар адабиёти” ўқув қўлланмалари, “Адабиётшунослик назарияси” дарслиги нашр этилган.*

ўзбек насрида тарихий воқеликни бадиий акс эттиришга интилиш ўсиб бораётгани, унда тарихий шахсларнинг асл аҳволини ёритишда дадил изланишлар жараёни кечаётганига ишонч ортади.

Замонавий қиссаларни шу жанрдаги аввалги давр асарлари билан тил хусусиятлари жиҳатидан муқояса қилиш ҳам кишини қувонтиради. Чунки “Аввалгиларга ўхшамас”, “Кутубхоначи хоним”, “Садоқат”, “Бойчечак”, “Манглайдаги ёзиқ”, “Номи Ҳабибим”да тилимизнинг жилолари ярқираб кўринади. Уларда адабий тил халқ тили билан ажойиб тарзда уйғунлашиб, рангин манзара ҳосил қилади. Ҳозирги қиссанавислар ўз салафларига қиёслаганда персонажларнинг руҳий оламини очиш орқали бадиий сўз жозибасини ёрқинроқ намойиш этишади. Исажон Султон, Шойим Бўтаев, Маъмура Зоҳидова ўз асарларида ўқувчини инсон руҳиятининг мураккаб дунёсига олиб кириб, ҳаётга теранроқ назар билан қарашга ундашади. Улар бундай самарага аввало ҳар бир сўзни ардоқлаш, уларнинг маъно қатламларини очиш орқали эришганини, албатта, китобхонлар сезишади.

Агар юқорида санаб ўтилган қиссалар билан Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимовнинг ўтган аср 60 – 80-йилларида китобхонлар қўлма-қўл қилиб ўқиган қиссалари қиёсланса, ҳақиқатан ҳам шундай эканига ишонч ҳосил бўлади. Ушбу қиссалар ўзбек насридаги янгилик сифатида эътироф этилган “Галатепага қайтиш” (Мурод Муҳаммад Дўст), “Атойининг туғилган куни” (Эркин Аъзам), “Саодат соҳили” (Хайриддин Султонов) билан муқояса қилинганида эса ўзбек адабиётида қисса жанри тадрижий тарзда такомиллашиб бораётгани яққол кўзга ташланади. Қиссалар ўзбек қиссачилигида ҳаёт ҳодисаларини баён этишдан кўра, таҳлил қилиш, инсоннинг сурати ва сийратини пластик тасвирлашга интилиш аввалги давр асарларига қиёслаганда анча кучайганига исбот бўла олади.

Замонавий қиссалар ўзбек адиблари инсоннинг ички ўй-кечинмалари унинг юз-кўзи, хатти-ҳаракатида қандай акс этишини кўрсатишда дадил одимлаётганини намоён этади. Хусусан, “Кутубхоначи хоним” қиссасида миллий менталитетимиздаги иллат, адабиётимиздаги камчиликка эътибор қаратилиб, персонажлардан бири тилидан, “Аввалги асарларимизда таъриф-тавсиф кўпу, характер кўрсатилмаган. Онгимиздаги қулчиликнинг илдизини тополмайман... Инсон эса яралганидан буён ўз кишанидан халос бўлишни орзу қилиб яшаган... Қуллик ёмон эмас, даҳшат! Ундан кўра, одамнинг туғилмай қўя қолгани яхши”, дейилади (“Шарқ юлдузи” журнали, 2021 йил, 3-сон. – 82-бет). Бундай жиддий умуминсоний ва ижтимоий муаммолар хусусида ҳеч ўйлаб кўрмаган, ўзининг кундалик маиший турмуш ташвишларига кўмилиб яшаган аёлнинг Шодмонқул акадан айни гапларни эшитганидан кейинги ҳолати эса: “Шодмонқул аканинг маҳзун оҳангда айтган гапларини тузук-қуруқ фаҳмлаб-идрок этмаган бўлса-да, туйқусдан ичи қуёш чиққандек ёришганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Йўлакнинг нарёғига ютилиб бораётган Шодмонқул аканинг ботинидан таралаётган қудратли тўлқин унга илҳомбахш куч ато этгани чин эди. У жилмайди. Ич-ичидан ажиб бир тўлқин ёпирилиб, бўғзига қадалди”, деб қаламга олинади.

Қиссада бировдан нон-ош сўрамасдан беминнат хизмат қилиб турган кутубхоналарга қилинган тажовуздан изтиробга тушган фидойи аёлнинг таъсирчан образи яратилади. Тақдир ҳукми билан ҳаётини кутубхона ишига бағишлаган Азиза хонимнинг ҳолати, “Аммо нега айни чоғда, ўзи манавинақа аҳволда эканлигида ўтмиш хотиралари бостириб келиб, уни баттар эзмоқда – бу ҳақда фикр-мулоҳаза қилишга қанчалик уринмасин, жўяли жавоб тополмасди. Ҳа, ҳаммаси тугаганида ҳаммаси яна қайтадан бошланади – шунақа, инсон руҳи ва ҳолати билан боғлиқ барча қусурлар, ёвузликлар, ёмонликлар вақт ўтиб, унутилгандек туюлса-да,

аслида кўмиб ташланган уран қолдиқлари каби ўз заминини зимдан заҳарлаб ётаверади ва кунлардан бир кун ташқарига отилиб чиқади. Бу бежилов куч ўз теварак-атрофидаги барча нарсани заҳарлаб, ишдан чиқаради. Азиза хоним ман этилган буғдой донасини ютиб юбориб, кейин эслаб қолгани каби нима қиларини билмай, мажолсиз ҳолда ўтирарди", (Ўша манба. – 84-бет) тарзида тасвирланган. "Кутубхоначи хоним"нинг бу каби ўринлари "Синчалак", "Ўтмишдан эртаклар" (Абдулла Қаҳҳор), "Болалик" (Ойбек), "Шум бола" (Ғафур Ғулом), "Муқаддас", "Қанот жуфт бўлади", "Биллур қандиллар" (Одил Ёқубов), "Эрк", "Қадрим", "Мерос" (Пиримқул Қодиров), "Баҳор қайтмайди", "Қалбингга қулоқ сол" (Ўткир Ҳошимов) каби машҳур қиссалар билан муқояса қилинса, ўзбек насрида ҳаёт ҳодисалари ва инсон дунёсини таҳлил қилишда жиддий ўзгариш рўй бераётгани, унда бу борада олдинга қараб, дадил қадамлар қўйилаётгани яққол сезилади.

Замонавий қиссаларда аввалги давр асарларидан фарқли ҳолда, воқеаларни баён этиш, персонажлар ўртасидаги тўқнашувга динамик тус беришдан кўра, уларнинг сийратидаги ҳолати – ички кечинмалари суратида, яъни юз қиёфасида қандай акс этганини кўрсатишга интилиш устун туради. Масалан, Байрам Алининг "Босириқ"ида: "Аваз довдирнинг минбарда турганидан, ҳозир, айнан мана шу лаҳзада минбарда туриб, ушбу гапларни айтаётганидан бахтиёр экани яққол кўриниб турар, афтидан, ҳаётда бундан бошқа бирор армони, бирор илинжи йўққа ўхшаб кўринарди... Довдир қанчалик довдирамасин, қанчалик шошиб минбарни бўшатишга уринмасин, Абдушукурнинг бир зайлдаги ҳаракати ва босиқ юз қиёфасидан унга бепарволикнинг ўзи айни дамда Абдушукур мечкайни Аваз довдирнинг теракдай бўйи ҳеч қачон етмайдиган юксакликка олиб чиқиб қўйган эди. Абдушукур минбарга чиқиб келиши билан ҳамма ўз-ўзидан оғзига талқон солиб, унинг каттакон юзига тикилди. Бугун негадир унинг юзи ҳар доимгидан тунд ва ҳиссиз эмас, бир учи ўнг томонга қараб учиб турган лабида хиёл табассумни кўриш мумкин эди", дейилади ("Шарқ юлдузи" журнали, 2021 йил, 3-сон – 33-бет).

Юқоридаги асар қаҳрамонлари қиёфасидан англашиладиган маъно ифодаси билан "Ўтмишдан эртаклар", "Синчалак", "Биллур қандиллар", "Қанот жуфт бўлади", "Эрк", "Мерос", "Қадрим"даги муқобил ўринлар муқояса қилинса, Шойим Бўтаев, Исажон Султон, Маъмура Зоҳидова қиссалари мойбўёқда ишланган портрет, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировнинг ёзганлари эса оқ-қора суратга ўхшаб қолади. Негаки замонавий адиблар ўз салафларига қараганда персонажларнинг юз-кўзи, овози, хатти-ҳаракатида акс этган маънони ифодалашга кўпроқ эътибор беришади. Ҳақиқатан, ана шу уч унсур – юз-кўз, овоз ва хатти-ҳаракатда тил билан айтилмайдиган, аммо кўнгилда ғалаён қилиб турадиган жуда кўп гаплар, фикрлар ифодаланади. Ҳозирги замон одами эса ўз аждодларидан кўнглидаги фикрини тилига кўпда чиқармаслиги, дилида бошқа фикр мавж ургани ҳолда, тили билан ўзга гапни айтиши, воқеа-ҳодисаларга асл муносабатини яшириши, пардалаши билан фарқ қилади. Ундаги ушбу ҳолат замон ўзгаргани сари кучайиб бормоқда. Одамзод воқеликка, бир-бирига асл муносабатини сир тутишни ҳар жиҳатдан афзал деб қарашга одатланмоқда ҳамда буни ўзаро муомала маданиятининг энг муҳим таркибий қисми деб тушунишга қараб кетмоқда. "Босириқ" қиссаси муаллифнинг инсон юз-кўзи, овози, хатти-ҳаракати унинг асл ҳолати тўғрисидаги жуда кўп ахборотни ошкор қилишини ифодалаш йўлида дадил интилаётганини кўрсатади. Асардаги: "Ногоҳ ён тарафимдан аёл кишининг "Ҳой!" деган заҳар-заққумга тўла товушидан ҳуркиб, қоққан қозиқдек жойимда қотиб қолдим. Ён томонимга бўйнимни буриб қарасам, паст бўйли, тўлачадан келган, қизил томирчалар босиб ётган икки кўзи бахтсиз одамларга хос нафрат сочиб турган аёл менга чақчайиб

турган экан... Ҳозир хотиннинг юз-кўзидаги бахтсизлик, ғазаб, ҳасрат ва нафрат каби ўнлаб туйғуларнинг қоришиб кетган ифодасини кўриб, рости, аёлга раҳмим келиб кетди. Норбойдан кўра кўпроқ у жабрдийдага ўхшаб кўрина бошлади кўзимга", каби ўринлар шундай хулоса чиқариш учун етарли асос беради.

Аввалги давр қиссалари ижтимоий турмушдаги қайсидир муаммони ёритиш ва тушунтиришга асосланса, замонавий қиссаларда муаллифлар ўз қалбидаги ҳолатни ифодалашга интилгани аниқ кўриниб туради. "Синчалак", "Болалик", "Шум бола" матни қиссалар муаллифлари ёзганлари ёки Шаҳодат Улуғнинг "Номи Ҳабибим" қиссаси билан муқояса қилинса, ушбу ҳақиқат яққол сезилади. Хусусан, аввалги қиссаларда "Босириқ"даги: "Бироқ на чиройли, на ораста деб атаб бўлмайдиган бу қизда нимадир жуда гўзал бўлиб, мен буни юрак-юрагимдан сезиб турар, ўша гўзаллик нимада эканини, у қандай пардалар ортига яшириб қўйилганини англай олмасдан суқланиб, унга тикилганим-тикилган эди. Шунда у бирдамгина азбаройи банд бўлган юмушидан бошини кўтариб, автобус деразасидан ташқарига қаради. Мен эса унинг бир лаҳза, атиги бир лаҳза деразадан ташқарига қараган кўзларидан сочилиб кетган мингларча хаёл синиқларини кўришга улгурдим ва шу оний фурсат ичида бу кўзларнинг абадий мафтунига айландим... Қизнинг тўхтаб, менга – овлоқ шаҳарчасида пайдо бўлган бегона кимсага қараб турганини билмай қолибман. Тобора ботиб бораётгандай қуёшнинг нурлари ўттиз қадам наридаги одамнинг юзини тўлиқ ёритишга аллақачон заифлик қилаётган бўлса-да, мен унинг кўзларидан ёғилиб турган савол, ҳадик ва бошқа бир қанча ёввойи ифодалар камалагини яққол кўрдим ва ушбу камалакка гўёки бошимни уриб олгандай таққа жойимда тўхтаб қолдим", (Ўша манба. – 43-бет) каби ўринлар бўртиб турмайди.

Маъмура Зоҳидованинг қиссалари билан аввалги давр қиссалари таққосланса, замонавий ўзбек насри ҳаёт ҳодисалари ва инсон образини гавдалантириш борасида чинда-да ўсгани янада ойдинлашади. Адибанинг "Бойчечак", "Садоқат", "Манглайдаги ёзиқ" қиссаларига қиёсланса, ўтган аср 60 – 80-йилларидаги қиссалар бир қадар жўн, кўриниб қолади. Аввало таъкидлаш жоизки, муаллифнинг ёзганлари мароқ билан мутолаа қилинади. Шу боис таниқли шоир Миразиз Аъзам, зукко адабиётшунос Зуҳриддин Исомиддинов адиба асарлари учун тил гўзаллиги, услуб кўркамлиги, воқеалар ҳаётий-ҳаққонийлиги хос хусусият эканини таъкидлашади (Зоҳидова М. Манглайдаги ёзиқ: Қиссалар. – Тошкент: "Adabiyot" нашриёти, 2021. – 368 б. – 357 – 364-бетлар). Улар Маъмура Зоҳидова оддий одамларнинг қалб тўлқинларини, атрофимиздаги кишилар – замондошларимиз кундалик ҳаётининг ҳаққоний манзараларини жуда таъсирчан тасвирлашини қайд қилишади. Замонавий ўзбек адабиёти майдонида ўз овозига ҳар иккала ижодкор "Бойчечак"даги персонажларнинг қалб оғриқлари ўқувчига ўз-ўзидан юқиб қолиши, адибанинг асарларида инсонпарварлик ғоялари барқ уриб туришини эътироф этишади. Миразиз Аъзам "Бойчечак", менинг назаримда, бугунги кун ўзбек насрининг катта байрами бўлиши лозим", деса, Зуҳриддин Исомиддинов "Тилимизнинг чин бойлигини мен Маъмура Зоҳидованинг шу асарида кўрдим. Гарчи бошқа бир қанча адибларнинг асарларида ҳам тил ширали, бой, аммо "Бойчечак" шу нарсани махсус кўрсатиш учун ҳам ёзилгандай... Муболаға қиляпти, деб айтишларидан қўрқмаганимда, мен "Бойчечак" қиссасини "XXI асрнинг "Зарбулмасал"и бўпти, деб баҳолаган бўлар эдим", дейди. Таниқли адабиётшунос Сувон Мели эса, "Манглайдаги ёзиқ" китобидаги қиссалар муаллифи "Воқеликка шоирона нигоҳ ташлайди, тирикликнинг азалий муаммоларига инсонлар тақдири орқали фалсафий назар ташлайди. Адиба қиссаларида чигал инсоний тақдирларни фақат ўзига хос услубда қаламга олади ва улар фалсафий ҳамда эзотерик миқёс

касб этади”, деб таъкидлайди (Мели С. Ёнимиздаги одам – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2022 йил 14 январь).

“Бойчечак”да жаҳолат инсоний муносабатларга рахна солиши, бундан, айниқса, ҳалол, виждонли кишилар кўп азоб тортиши таъсирчан тасвирланади. Адиба ўқувчиларини воқеликнинг дабдурустдан кўринмайдиган ички қатламларига олиб кириб, уларга персонажлардан ҳеч бирини айблашга имкон қолдирмайди. У шу тарзда ҳаёт англаб бўлмас сир, ҳеч қандай қолипга сиғмайдиган жумбоқ эканини кўрсатади. “Бойчечак”, “Садоқат”, “Манглайдаги ёзиқ”ни мутолаа қилганида одам қалбидаги зиддиятли кечинмалар турмуш ташвишлар билан боғлиқ ҳолда юзага келиши тўғрисидаги тасаввур янада теранлашади. Бу ҳақиқат Маъмура Зоҳидованинг ёзганлари ва аввалги давр қиссалари муқояса қилинганида ҳам ёки “Кутубхоначи хоним”, “Аввалгиларга ўхшамас”, “Номи Ҳабибим” билан таққосланганда ҳам ўз исботини топади.

Исажон Султон “Аввалгиларга ўхшамас”да замондошларимиз учун улуғ мутафаккир ижодини англаш, тушуниш томон йўл очиб, башарият дарди, қайғусини кўтариб яшаган бу сиймо шахси билан яқиндан таништиради. “Аввалгиларга ўхшамас” ҳам тарихий мавзуни бағрига жо этган, ҳам глобаллашган давр манзарасини ўзида акс эттирган асар сифатида замонавий ўзбек адабиётининг муҳим ютуғи саналади. Чунки ушбу қисса композиция қурилишининг ўзига хослиги, тили жозибадорлиги, мазмун-мундарижасининг теранлиги жиҳатидан шу мавзуда аввал битилган асарлардан бирмунча устун туради.

Исажон Султон аввалги асарларидаги каби “Аввалгиларга ўхшамас”да ҳам шамоллар куйчиси эканлигини кўрсатди. Ҳамид Олимжон “Бахт ва шодлик куйчиси” дейилганидек, “Аввалгиларга ўхшамас” муаллифини ҳам “шамоллар куйчиси” дейилса, айни таъриф унга хўп ярашади. Чунки у шамолни таърифлашга киришганида бирданига ҳаяжонга тушиб, дабдурустдан ёниб, жўшиб кетади. “Онаизор”, “Аввалгиларга ўхшамас”нинг шамоллар хусусида ёзилган саҳифалари бамисоли қўшиққа ўхшайди. Муқояса қилинса, замонавий ўзбек қиссалари айни жиҳати билан ҳам аввалги давр машҳур қиссаларидан алоҳида ажралиб туради. “Номи Ҳабибим” қиссани ўқиганлар ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. “Номи Ҳабибим” матнидан вазмин, маъюс, жарангдор оҳангларга йўғрилган, ўқувчи дилини тилим-тилим қиладиган дилгир нола таралади. Истеъдодли ижодкор ўз асарида борлиқ ҳодисаларини, жумладан, шамолни қўшиқ қилиб куйлайди ва бу қўшиқнинг оҳанглари ва маъноси дилга жуда-жуда хуш ёқади. “Номи Ҳабибим”ни ўқиш ҳар бир ўқувчида ажиб бир завқ уйғотиб, унинг кўнглидаги умид ва истакларни кучайтиради. У шу истакнинг зўридан бу қиссага қаттиқ боғланиб қолганини сезмай қўяди. Чунки бу қисса ўқувчи қалбида мафтункор, умидбахш қўшиқ бўлиб жаранглайди ва хаёл кенгликларида, тасаввурнинг бепоён сарҳадларида ажиб манзара ҳосил қилиб, кўнгилни қувончга тўлдиради. Бу қувонч кишини сокинликка, эзгу амалларга даъват этади. Унда аллақандай туганмас қудрат бордай туюлади. “Номи Ҳабибим” ўзбек қиссачилигида “насрнинг дағал кўринишлари чекиниб, унда назмнинг нозик тили” кучайиб бораётганига яна бир ёрқин мисол бўла олади. “Номи Ҳабибим” қиссасини ўқиганлар, ишонч билан айтаманки, албатта, узоқ вақт унинг таъсирида юради. Негаки қиссада, жумладан: “Кулбадами-кошонадами, барчамиз мусофир-меҳмонмиз. Бу йўллар бирлашиб, ягона йўлга айлангай, бизни муқаддас манзил томон йўллагай... Ибтидодан интиҳога қадар юрасан, тин оласан, тўхтаб ҳаёт бўсағасида ҳикмат излайсан! Кимнидир шоду хуррамлик сўнггида – азоб, кимнидир машаққату заҳматлар якунида шодлик кутмоқдадир”, дейилади (“Шарқ юлдузи” журнали, 2021 йил, 4-сон. – 47-бет).

Ҳозирги адабий жараёнга ўзгача тароват бахш этиб турган қиссалар турли мавзуга бағишланган, бир-бирига ўхшамаган услубда битилган, ҳодисалар персонаж ёки муаллиф тилидан нақл қилинган бўлса-да, уларни бир жиҳат – одамлар маънавий мажруҳ эканликлари туфайли ўзларига берилган бебаҳо умр хазинасини бемаъни нарсаларга харжлаб, исроф қиляпти, деган фикр бирлаштириб туради. Ушбу қиссаларнинг мазмун-мундарижасидан шундай умумлашма маъно англашилади. Хусусан, Исажон Султон “Аввалгиларга ўхшамас” қиссасида ўқувчилар билан шу хусусдаги фикрларини ўртоқлашади. “Кутубхоначи хоним”дан ҳам, “Номи Ҳабибим”дан ҳам шундай мазмун келиб чиқади. Ушбу қиссалар ХХ асрнинг шу жанрдаги машҳур асарлари билан солиштирганда, замонавий ўзбек насри ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда бир жойда депсиниб қолмагани, ўтган даврда унда жиддий ўзгаришлар рўй бергани ойдинлашади. Аввалги даврда китобхонлар эътиборини тортган асарларни замонавий қиссалар билан қиёслаб кўрганлар, албатта, бу фикрни тасдиқлашади. Ўз-ўзидан аниққи, бундай янгиланиш ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлардан келиб чиқади. Чунки бадиий-эстетик тафаккурда ҳам замона зайлига монанд янгиланишлар пайдо бўлади ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда, жанрларнинг шакл-шамойили ҳам айрича кўриниш касб этади.

Замонавий қиссалар бир-бири билан муқояса қилинганида эса персонажлар руҳий ҳолатини Исажон Султон, Шойим Бўтаев, Маъмура Зоҳидова маҳорат билан тасвирлагани аён бўлади. Аммо ушбу қиёслаш “Номи Ҳабибим”, “Босириқ” ёки бошқа асарларнинг мавқеига асло соя солмайди. Негаки уларда ҳам ҳаёт ҳодисалари ишонарли ифодаланади, муаллифлар персонажларнинг ҳолатини кўрсатишга ўзининг жуда кўп эҳтироси, руҳий қувватини сарфлагани билиниб туради. Энг муҳими, барча қиссаларда эзгу амалларга чорлов, ўқувчига хитоб янграйди. Муаллифларнинг ҳеч бири ўтмишни ҳам, бугунги замонни ҳам қораламайди. Улар ҳаётдаги мавжуд ҳодисаларни қаламга олиш орқали ўзининг қувончи, қайғуси, изтиробини ифода қилиб, ўзининг кўнгил оламига олиб киради. Ушбу асарлардан инсон турмуш ташвишлари, тақдир тўсиқларига енгилмаслиги, ҳаёт тўхтаб қолмаслиги, давом этишини доим эсда тутиши керак, деган умидбахш маъно англашилади. Бу муаллифларнинг ўзлари эътибор қаратган воқелик ҳақиқатини англаш, уларнинг ичидаги инсонлар ҳолати, кайфияти, аҳволини тушунишга интилишидан келиб чиқади. Ана шу интилиш самаралари ўқувчи қалбига маънавий-руҳий қувват бўлиб қуйилади.

Ўз-ўзидан аёнки, шиддат билан кечаётган, турфа ўзгаришларга тўла замонамизда адабиёт ҳақидаги алқовлар айримларнинг ғашини келтиради. Уларга қайсидир шоир, ёзувчи тўғрисидаги мақтовлар муболаға бўлиб туюлади, замонавий асарлар аввалги асарлардан анча паст кўринади. “Аввалгиларга ўхшамас”, “Кутубхоначи хоним”, “Бойчечак”, “Босириқ” ёки “Номи Ҳабибим” хусусидаги ижобий фикрларимиз тўғрисида ҳам “Мақтовни анча ошириб юборади” дейишади. Аммо инкорчилар биз мақтаган асарларни аввалги даврнинг машҳур қиссалари билан ёнма-ён қўйиб, ҳафсала билан мутолаа қилиб кўришса, замонавий қиссаларда ҳаёт ҳодисалари аввалги қиссаларга қиёслаганда анча чуқур таҳлил этилганига, албатта, ишонч ҳосил қилишади.

Табиийки, замонавий қиссалар орасида ҳам маъно-мазмуни саёз, жуда жўн нарсалар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ўз-ўзидан аниққи, айни хилдаги ҳолат барча замонда кузатилади. Хусусан, Фолькиннинг “Йиртқич”и ночор битиклар сирасига киради. Унда, биринчидан, композиция тарқоқлиги, ҳодисаларга худди аввалги замонлардагидек, бир томонлама ёндашилгани, персонажлар қатъий тарзда оқ ва қорага ажратилгани аниқ ошкор бўлиб туради, қаҳрамонларнинг

гап-сўзи, ўзаро муносабатидаги сохталик дарҳол ғашни келтиради. Қаҳрамонлар бир-бири билан жуда чучмал гаплашади. Муаллиф ўткир сюжетни увол қилади. “Йиртқич”даги: “Зафар бўрини аввал эркалатиб, қорнидан секин уқалаб босди. Гуллола олдинги икки оёғи чиқиб келаётган бўри боласини тортди. Бўри ғингшиди. – Эркак кучукча экан, – Гуллола бўри боласини қўлига олди. Бўри онасидай чиройли ёқимтой эди... Ҳамдам атак-чечак бўлиб юриб кетди. У билан бўри боласи ҳам бир ёшга тўлди. Ҳамдам кун бўйи уйга кирмай бўри боласи билан ўйнайди... Ҳамдам уйғониб, онасини излаб йиғлаганча ташқарига чиқди. Сомонхона соясида ётган бўри боласи олдига борди. Бўри кучукчаси Ҳамдамнинг қўлидан ялади. Бўри боласи Ҳамдамга ёпишиб, енгларини тишлаб, торта бошлади. Болачаларнинг бири қўйиб, бири ётган она бўри устига чиқиб ўйнарди. Бир-бирини қувлашарди. Охири иккови ҳам чарчаб, бўрининг қорни устида ухлаб қолишди”, (“Шарқ юлдузи” журнали, 2021 йил, 11-сон. – 60 – 61-бетлар) каби ўринлар ўқувчини мутлақо ишонтирмайди. Каримберди Тўрамуродовнинг “Сўнгги бек” қиссасида ҳам худди Фолькиннинг ёзганларидек ҳодисалар жўн тарзда баён қилинади. Натижада, персонажлар “оқ” ва “қора” бўлиб қолади. “Сўнгги бек”да ўтган аср 20 – 30-йилларидаги мудҳиш ижтимоий воқелик ҳар томонлама ёритиб берилмайди. Аниқроғи, Фолькин, Каримберди Тўрамуродовнинг ёзганларида ҳаёт ҳодисалари “Аввалгиларга ўхшамас”, “Кутубхоначи хоним” ёки Маъмура Зоҳидова қиссаларидаги каби таҳлил этилмайди.

Умуман олганда қисса жанридаги асарлар XX асрда кузатилганидек, ҳозирги глобаллашган даврда ҳам замонавий адабиётда алоҳида ўрин эгаллаб турибди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, “Аввалгиларга ўхшамас”, “Кутубхоначи хоним”, “Бойчечак”, “Садоқат”, “Номи Ҳабибим”ни иштиёқ билан ўқиб чиқиш, бир оз қунт ва андак савия талаб қилса-да, ўқувчини бадиий сўзнинг сирли-сеҳрли жилваларидан баҳраманд бўлишга муяссар этади. Чунки ушбу қиссаларнинг матнидаги сўзлар жилосидан туйғулар тиниқлашади. Улардаги таҳлилий, қиёсий мулоҳазалардан фикр сарҳадлари кенгаяди. Айни қиссалар замонавий ўзбек адабиёти жаҳон адабиётида алоҳида ўрин эгаллашга муносиб эканлигига аниқ исбот бўла олади. Мазкур асарлар муаллифлари глобаллашган замон берган имконлар туфайли аввалги давр адибларидан кўра анча ҳақгўй экани, улар ҳаёт ҳодисларини таҳлил қилишда ўз салафларидан бир қадам олдинга ўтиб олганини ҳеч ким инкор қилолмайди.



Эгизак гаплар

Ашурали ЖЎРАЕВ

Машҳур санъаткор – Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларида хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоевнинг порлоқ хотирасига бағишланади

Гапсиз ҳаёт ҳам, одам ҳам йўқ! Дунё ҳам аслида гапга суяниб туради. Гапнинг султони – инсон.

Ҳамиша қизиқ ва теша тегмаган ноёб гапларни, ибораларни эшитиб қолсам ёки ўқисам, кўз олдимга машҳур қизиқчи, қадрдоним, халқ меҳрини қозонган кулги қироли Ҳожибой Тожибоевнинг нурли сиймоси келаверади.

Ҳожибой ака эшитган гапини, “қулоғи”дан маҳкам ушлаб, гаптахтага ётқизиб, касал гапларни соғларидан ажратиб олиб, шартта гаптиғни олиб, операция қилиб ташлайдиган моҳир ва маҳоратли гап “жарроҳи” эди. У киши ҳангомабоп гапни ҳидидан, оҳангидан, мағзи ёки мазмунидан дарҳол биладиган машҳур гапшунос ҳам эди. Гап талқини ва таҳлилида Ҳожибой акага яқин келадиган қизиқчи ҳамон топилмаяпти. Борлари ҳам Ҳожибой акага тақлид қилишдан нари ўтолмаяптилар. Ўзларини қийнаб, ҳар хил гапларга, кулгига қолиб, нима қиладилар? Тақлид бировнинг тўнини кийишдек гап. Бировнинг гапи бировники...

Ҳожибой Тожибоев ҳақиқий қизиқчи, ноёб истеъдод эгаси эди. Она тилимизда, гап-сўзларимизда қанчадан-қанча ноёб кулгилар, ҳангомалар борлигини кашф қилди. Унинг кулгиси тагдор, мазмуни қатламадай қават-қават эди. Маззаси юракларга малҳам эди. Гапни теран англашда, англаб мағзини чақишда чуқур ҳикматлар, халқ донолиги яшаринганлигини кулги билан исботлади. Ўзбек кулгисини, ўзбек гапидаги қаҳқаҳани, ноёб қочиримларни дунёга намойиш этди: “Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзидан ҳам сўзи қизиқ”, деб довруқ солган ҳам Ҳожибой Тожибоев эканлигини яхши биламиз-ку!

Ашурали ЖЎРАЕВ *– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1956 йилда туғилган. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ) тамомлаган. “Юрак бўронлари”, “Сенга кўнгил берсам”, “Дил гавҳари”, “Саҳифага сиғмаган сатрлар”, “Майсалар уйғонган тонг” каби китоблари нашр этилган.*

У кутилмаган, айтилган ва айтилмаган, айтиш эҳтимоли бор ёки йўқ гаплардан, тасодифан каллага келган, баъзан келмайдиган, тилга чиқмай бўғизда қотиб қоладиган ёки салмоғи баланд, тоши оғир гаплардан жозибали, маънодор, ҳаёси бутун, оила жам бўлиб эшитадиган беқиёс кулгига бой ҳангомалар яратиб кетди. Бугун унинг қизиқ гаплари, бебаҳо ҳангомалари, умрбоқий ҳазиллари кулгисевар халқимиз қалбида яшаб келаётир. Бу барҳаёт кулгининг сири гапларимизда яширин. Бизда истаган гапни қитиқласангиз кулги чиқади, ҳангома пайдо бўлади, маъноси ўзгаради. Хоҳлаган гапдан қотиб-қотиб, яйраб-яйраб масза қиладиган кулги, ҳангома ё бирор қочиримли, ё кесатиқли гап яратиш мумкин.

Гапларимизда жуда ҳам илдизи чуқур, маъноси теран доно фикрлар олтиндай яшириниб ётибди. Гапда ҳикмат кўп... Гапимизда қизиқ-қизиқ ҳангома ва кулги сероб... Гап гулзорида қаҳ-қаҳа мўл...

Келинг, Ҳожибой Тожибоевдан илҳомланиб, гапнинг сирли ва сеҳрли дунёсига биргалашиб ижодий саёҳат қилайлик. Гапдан топилган ёки гапдан чиққан ҳикмат тўла тиллоларни, ноёб кулгиларни бирга баҳам кўрайлик. Баъзан ғашга тегадиган катта-кичик тош гаплардан тишни эҳтиёт қилайлик. Айрим кимсаларнинг кўнглига тегиб кетадиган ғараз ва кесатиқ гаплардан тилни тияйлик...

* * *

Луғатларда, гап – қуруқ сафсата, мақтанчоқлик деб таърифланса-да, у сўзлар орқали намоён бўладиган фикр: сўз, нутқ, мулоҳаза, ахборот, хабар, миш-миш, воқеа-ҳодиса, тугал фикрни англатган сўз ёки сўзлар бирикмаси ва гап бўлакларидан иборат эканлиги ҳам қайд этилган. Гап аслида инсон учун мулоқот воситаси, турмуш тарзининг, ҳаётининг ёрқин ифодачиси, мазмуни ҳам ҳисобланади.

Гап – ҳаёт. Гапсиз, гапирмай яшаш ҳам тилга тош осиб олгандай гап. Гапнинг вазифалари беҳисоб: баъзи гаплар инсоннинг ҳаётини ойдай ёритса, баъзилари қоронғи манзилларга бошлайди. Гап одамни бениҳоя қувонтиради, баъзан жиддий хафа ҳам қилади. Аслида гап тафаккур ва ақл кучи билан дунёни ўзгартиради, аммо турфа кулфатларга, нодонликка ҳам дучор қилади, инсон умрини яхши фазилатлар билан безайди ва унга шафқатсизларча доғ туширишдек ёмон иллатларни ҳам бажарадики, буёғи энди одамнинг ўзига боғлиқ. Масалан, қиёслаганда ёки таққослаганда ҳам гапдан гап чиқади. Ўзбек халқ мақолида айтилганидек: “Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла”. Ёки Абу Али ибн Сино бобомиз айтганидек: “Қуруқ гапнинг ўзи ҳеч қачон далил бўлолмайди”. Келинг, биз ҳам гапнинг калитини излаб, ишга киришайлик. Бир “дув-дув гап” қилиб, шамол тегмаган гаплардан гаплашайлик...

Ана, ҳў ана, гапдарё тўлиб-тошиб, шовуллаб оқаяпти. Унга шўнғишга юрагим бетламайди, гапга андак уста бўлсам-да, оқиб кетишим ҳеч гап эмас. Гап денгизига тушай десам, қайиғим жуда мўрт, чўкиб кетишдан қўрқаман. Гап тоғига чиқай десам, жуда баланд, ҳайбатли. Мадорим йўқ, кучим етмайди. Гап сотавериб, гапга маҳлиё бўлиб, қулаб кетсам, тамом, ажалимдан бурун қанча-қанча қизиқ ва доно гаплардан жудо бўлишни истамайман. Тоққа чиқаман, деб гап чўққисидан қулаб, гап харсангларига урилиб, гапдай бўлак-бўлак бўлиб кетишни кўз олдимга келтирсам, юрагим орқага тортиб, тилим гапга айланмай қолади. Гап ширинми, жон ширинми...

* * *

Яхшиси, гапни, ғиж-ғиж гапга бурканиб ётган ҳўв Гаптепадан бошлайлик. Тепалик баланд эмасу, ўзига хос салобатли. Аста-аста юриб гап ахтарсак, гап титсак бўлади. Ҳар қадамда гап, шошмай, ҳовликмай изласангиз керакли гапларни албатта учратасиз.

Қани, энг зўр, энг сара, ноёб гапларга марҳамат, гапсевар, гапчевар, гапбоз, гапхўр дўстлар!

Биз, ҳақиқатан гапсевар, гапхўр, гапсотар, гапотар, гапқотар, гапга ботар халқмиз. Баъзан кўп гапириб, гапҳовузни тўлдирамиз, гапқудуққа чўкамиз. Ҳа, гапни жуда-жуда яхши кўрамиз. Гап билан ётиб, гап билан уйғонамиз. Тўшаклару кўрпаларни ҳам қуруқ гапга тўлдирамиз. Ҳатто тушларимизда ҳам гапириб чиқамиз. Бошқалар килолаб, мисқоллаб гапирса, биз ботмонлаб, тонналаб гапирамиз. Шундай устомон гап чаққонлар борки, улар гапдан тоғлар яратади, боғлар бунёд этади. Гап экиб, гапдан мўл-кўл ҳосил олади. Гапбоғни гуллатиб, гаптоғни яшнатади. Сўнг чойхонада ёнбошлаб гапчоқ қиламиз. Қозонларда гапдоғ қилиб, ош гап дамлаймиз... Ош ўрнига гап ошатамиз. Фақат суякгапдан эҳтиёт бўлиш керак...

* * *

Гапга тўн кийдирадиган булбулигўёлар ҳам топилади. Улар гапни шундай боплайдиларки, гап-гап бўлганига пушаймонлар ейди. Шундай кўп гапирадиларки, ҳатто гап ўзини танимай қолади, гаплигини унутади.

Мағзи тўқ, пишиқ-пухта зўр гаплар бор, пуч ва кўпик сачратадиган сачратқи гаплар ҳам сероб. Кўзи очиқ, кўзи ожиз гаплар бор. Кўриб кўрмасликка оладиган ўр гаплар бор. Қулоғига илинтирадиган тўр гаплар бор. Пушаймонлар едирадиган ғўр гаплар бор.

Қай бири рост, қай бири ёлғон гап,
Қай бири алмисоқдан қолғон гап.
Янгисида янгилик йўқ, бу не ҳол?
Ўнги қолиб, чаппасидан олғон гап.

Айрим оғзи полвон, тили чаққон гапсотарлар дастидан гап хирмонлари юксалгандан юксалиб бораётир. Гапларимиз булутлар билан бўйлашиб бораётганидан ҳайратдамиз. Гапзорлар оралаб, гап бозорга борамиз. Гап сотиб, гап оламиз. Ва харидорни гапга чорлаймиз: “Қани марҳамат, гапнинг додаси бор, мана бу ёқда ҳозир узилгани бор, диркиллаб, яшнаб турибди. Буниси кечаги гап. Лекин ҳали сўлимаган...”

* * *

Кино гап, театр гап – ана кўринг саҳна ва экран тўла ғиж-ғиж майда гап. Адабиёт гап, телевидение, радио сийқа гап. Интернет аллақачон, беҳуда ва ғаламис гаплар уммонига айланган. Баъзи гаплардан мағзава ҳиди келади. Хуллас, уй гап, тўй гап, кўча гап, ишхона гап, ошхона гап, чойхона гап. Ва бошқа... хоналар ҳам тонготар гап. Ўткинчи ва беҳуда бу гапларга қачон тўямиз?.. Гапни еб бўлмаса, гап қорин тўйғазмаса. Қуруқ гап қошиқни йиртади-ку! Оғиздан эҳтиёт бўлинг.

Шундай олов гаплар борки, эшитишинг билан куйиб кетасан, кулга айланасан, товонингдан бошлаб, сочинггача ёндиради. Кулгапга айланасан.

Куйдириб кулдирадиган, йиғлатиб қон қиладиган зардали, заҳарли гаплар бор, кулдириб йиғлатадиган мунгли гаплар бор. Дардли, дардсиз гаплар бор.

Қалбингга қаймоқдай, асалдай ёқадиган зўр гаплар бор.
Юрагингни тилка-пора қиладиган ғўр гаплар бор.
Умринг йўлларига сийлов бўладиган дур гаплар бор.
Охиратингда мудом дуолар ёғдирадиган нур гаплар бор.

* * *

Мана сенга олам-олам гап, юрагингга сиққанича ол: тўғри гап, букри гап, ўғри гап, пичинг гап, кесатиқ гап, жўн гап, аччиқ гап, нордон гап, зардоб гап, мақтов гап, хушомад гап, писмиқ гап, сотқин гап, пахта гап, тош гап, кесак гап, гул гап, булбул гап, шамол гап, шаббода гап, бўрон гап, шайтон гап, фариштa гап... Яна қараш гап, адаш гап, яраш гап ҳам бор. Қараш гап – кўзга қараб “айтилади” ва мижжа қоқмай “эшитилади”.

Адаш гап – эса адашиб ёки билмай, тўсатдан айтилган гап. Адаш гап адашган одамнинг оғзидан чиқиб кетади. Баъзан билмасдан гапириб, кейин хижолат бўлиб юрасан. Агар имкони бўлса, гапдан адашмаслик лозим. Адашиш ёки адашиб нотўғри гапириш тилингдан илиндинг, деган гап.

Яраш гап – иккита уришиб ёки аразлашиб қолган одамнинг кўприги ҳисобланади. Яраш гапни амалга оширган киши доимо савобга кўмилади. Яраш гап қалбларни покликка, иймонга чорлайди. Яраш гап одамлар, қўшнилар, дўстлар, ҳатто давлатлар, жамоалар ўртасида айниқса, эр-хотин учун ҳаво билан сувдай зарур. Яраш гап аслида меҳр билан қараш гап, дегани...

* * *

Иссиқ гап бор, дарҳол иситади, тананг, вужудинг яйрайди. Совуқ гап бор, эшитишинг билан музлатади. Икки томонга ёқадиган илимилиқ гап бор. Совий бошлаган овқатга ўхшаб иштаҳани йўқотади.

Асал гапни эшитсанг, қайта-қайта ялагинг келади. Мағзава гапни эшитиш билан кўнглинг айнайди. Дарҳол тоғора гапни ахтариб қоласан.

* * *

Пахта гаплар бор. Уни ҳуда-беҳудага ишлатмасдан, эгасини топиб, ўрнида қўллаш керак. Иложи бўлса, қават-қават қилиб қўйилса, яхши натижа беради. Кўмир гаплар бор. Уни кўп эшитсанг, юзинг қора бўлади. Семиз гаплар бор. Кўп эшитаверсанг, семириб кетасан. Озғин, қилтириқ гаплар бор. Ҳадеб қулоқ солаверсанг, қовурғанг кўриниб, суякларинг чиқиб қолади.

* * *

Билиб қўйгин, гапи гўзал одамнинг ўзи ҳам, қалби ҳам гўзал ва чиройли бўлади.

Гапи сассиқдан тезроқ қоч, бундайларнинг оғзи бадбўй ва ўзлари ҳам сасиб кетадилар.

* * *

Яна тўда-тўда, гуруҳ-гуруҳ, уруғ-уруғ, маҳалла-маҳалла, кўча-кўча, ҳовли-ҳовли, қишлоқ-қишлоқ, овул-овул бўлиб айтиладиган қизиқ-қизиқ, тузук-тузук, баъзан бузуқ-бузуқ, узуқ-юлуқ гаплар ҳам мавжудки, бирисини эшитиб, ҳайрон, бирисини эшитиб вайрон, яна бирисини эшитиб бағри қон бўласан. Охири айрон ичиб ё тинчийсан, ё гирён бўласан.

* * *

Битта-битта, четта-четта туриб, оға-ини, жўра-жўра, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин, тоға-жиян, амма-хола, божа-божа бўлиб айтиладиган пинҳона, сирли ва сеҳрли гаплар бор. Уларнинг гапларига баъзан миш-миш, ғийбат ва фисқи-фасод гаплар ҳам аралашиб, гапнинг таъмини бузиб туради.

* * *

Тоза ва пок қалблардан чиқадиган булоқдай тоза, нондай ҳалол гаплар бор. Вужудингни яйратиб, яшнатиб юборади. Умрингга умр қўшади...

Қора юракдан чиқадиган ҳасад, туҳмат, ғараз, ёмон, гумон гаплар бор, эшитсанг, юракларинг қон, дилинг ҳуфтон бўлади. Қалбинг озор чекади.

Ғараз ният билан айтиладиган бадбин гаплар бор. Маразлик билан отиладиган сассиқ, писиллаб чиқадиган писмиқ гаплар ҳам бор. Бадбўй ҳидидан димоғинг бўғилади.

* * *

Ҳақ гап ҳақиқатнинг туғишган қариндоши, чин гап эса тўғриликнинг ёрқин ғалабасидир.

Оғиздан билиб-билмай, ўйлаб-ўйламай оғиздан чиқиб кетган фаросатсиз гап асло қулоқ танламайди. Бу шўрлик гап қайси қулоққа кирганини билмайди. У айланиб-айланиб барибир қўшимчалари билан кирган қулоқдан яна чиқиб кетади. Кейин у бошқа қулоқни нишонга олиб, абгор қилади. Гап ҳамиша мушук-сичқон овлагандек, гап ҳам қулоқ излайди, ов қилади. Ҳушёр қулоқдан кўра, бўш, ҳангоматалаб қулоқларни нишонга олади. Аслида ўзбек қулоғи – ҳангома, дедидеди, миш-миш, олди-қочди, фисқи фасод гапларга ўч бўлади. Эшитишдан асло зерикмайди. Аслида ҳузур қилади, ҳаловат топади.

* * *

Гап занжирга ўхшайди. На боши, на охири бор унинг. Уланиб-уланиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб кетаверади, кетаверади. Гўё тоғдан тушаётган шалоладай. Шиддат билан оқиб кетаётган гапни на тўхтатиб, на ушлаб бўлади. Сой шовуллаб оқиб кетаётиб, гоҳ тошни суриб юборади, гоҳ қирғоқдан тошади, гоҳ бошқа ирмоққа йўл очади. Шошиб айтилган ва шошган гапга ишониб бўлмайди. Шошаётган гап шамолга ошно тутинади, шамолдай елади, эсда қолмайди. Бундай гапга шамол тегмайди. Шамол тегмаган гап машҳур бўлмайди. Шамол тегмаган гапнинг қитиғи бўлади, овозаси тез тарқайди. Гапдонлар тез илиб кетади. Шамолга ўхшаб оғиздан-оғизга кўчиб юради. Шу боис, шамол уни чанг-ғуборлардан тозалайди. Қулоқларга оҳиста етиб борсин, деб пардозлайди.

* * *

Гап – камондан отилган ўқ. Агар гап яхши, эзгу ниятда айтилган бўлса, инсонга руҳий ва маънавий куч-қувват беради. Ёмон, ёвуз ниятда оғиздан чиққан бўҳтон гап одамнинг юрагини жиддий жароҳатлайди, баъзан оқибати оғир ҳолатларга ҳам олиб келади. Қалбга зарба беради. Умрга зомин бўлади.

Гап жароҳатига энг зўр табиблару докторлар ҳам даво тополмайдилар. Гап жароҳати оғир – юракка чўкади, уни адо қилади. Ғавғо, фитна, иғво гаплар нафақат одамлар, балки давлатлар орасига ҳам нифоқ солган. Масалан, жанжаллар,

урушларни келтириб чиқарган сохта ва туҳмат гаплар тарихдан яхши маълумлиги бугун ҳам аён бўлиб турибди. Лекин баъзи жиддий келишмовчиликлар, чегара бузишлар доно ва ақлли гап билан тўхтагани ёки урушнинг олди олингани ҳам рост. Гап – сулҳнинг калити.

* * *

Гап – сиртмоқ. Гоҳ гапирган, гоҳ ана шу гапни эшитганнинг бошини сиртмоқ аёвсиз синайди, турфа кулфатларга дучор қилади.

Гап – демократия либосини кийиб олган қўзбойлоғич, ё сеҳгар. Гап тўғри йўлга чорлайди. Лекин тўғри йўлдан чалғитади ҳам... Шунда адашиб кетасан, адашиблар кетасан, йўлингни йўқотиб қўясан.

* * *

Одам қуруқ, сохта гап сабаб, гапга ишониб йўлини йўқотса ёмон. Дунёга келишдан, яшашдан мақсад тўғри йўл топиш, тўғри гапга суяниш лозим. Лекин тўғри йўлдан юришга лўттибоз гапдонлар, гапфурушлар йўл бермайдилар. Гап ташлаб чалғитадилар, гап билан алдайдилар, гап сабаб йўлингни тўсадилар. Сўнг силлиқ, майин, айёр гаплар ёрдамга келади. Аста-секин бу гапларга ҳам ошно бўласан, ишонасан. Ишонган лаҳзадаёқ чалғийсан, алданасан.

Чалғиш барча хатоларингни бошланишидир. Билиб қўй: илон гап, ари гап, чаён гап – чақса ўлдиради. Лекин умринг, ҳаётинг илон ё чаён гап қуршовида ўтса, жуда даҳшат. Жонингга тўзим берсин... Мушукдай мулойим, мусичадай хокисор гаплар эркалатади, эркалаб жонингни олади. Аммо шер гап, йўлбарс гап, қоплон гап, бўри гап – одамга куч-қувват беради, иродасини мустаҳкамлайди. Тулки гапдан эса эҳтиёт бўл, алдагани етмагандек, маддоҳ шоирга ўхшаб хушомадга ўргатади. Шундоқ ҳам бу ўткинчи дунё тулки гапга ғарқ бўлган. Билиб қўй, ҳатто шер ҳам тулки гапнинг қулига айланиб қолганини сезмайди... Хушомад ёқса керак-да! Шоир айтганидек: “Норнинг ит олдида чўкканин кўрдик...”

* * *

Гап ёқмай ўлсин-о, ёқмай ўлсин! Ёғдай ёқадиган ёқимли, малҳам гаплар бор. Тошдай ботадиган харсанг гаплар бор. Жонга азоб берадиган тикон гаплар бор. Кайфиятни кўтарадиган, хушбўй гаплар бор. Кўнгилни айнитадиган тузсиз, ёқимсиз гаплар бор. Думба ёғидан тайёрланган мулойим ва юмшоққина қўйдай юввош гаплар бор. Бундай гапдан ҳамиша, ҳар доим эҳтиёт бўл! Акс ҳолда эшитавериб, ёғдай эриб, жизза бўлиб кетасан. Жизза гапдан, албатта изза гап чиқади. Изза гапдан сўнг, тизза гап ҳам бўлиши мумкин. Бир қўшиқда айтилганидек: “Нега ўз ҳолимга қўймайсан, эй гап?”

* * *

Элакда эланадиган майда, митта, кичкина чимчилоғ, ушоқ гапчалар бор. Улар туфайли эл оғзини бекитиб, элак тутиб бўлмайди. Тўхтамасдан элайверади, элайверади. Қулоғинг ҳам, тилинг ҳам чарчаб кетади. Шунда ҳам элак эринмай майда-чуйда гапларни элашдан тўхтамайди. Аслида майда гап катта гапдан кучли. Керак бўлса катта-катта гапларни яксон этиб, чилпарчин қилади. Катта гап тоғ бўлса-да, майда гап уни қулатади. Майда гап бомбадан кучли. Майда гап вирусга ўхшаб тез юқади ва тез тарқайди. Майда гап – катта гапнинг жилови. Сичқон бутун бошли дон тўла омборни пайҳон этиб кемирганидек, майда гап ҳам одамни адойи тамом қилади. Баъзи ҳолларда тобутга тиқади...

Ғалвир гаплар бор. Элаганда катта-кичик гаплар қумдай шовуллайди. На элакда, на ғалвирда, на уйда, на кўчада, на кундузи, на тунда гап турмайди. Кун давомида, кечқурун ва кечаси ҳам гап ором олмайди, мижжа қоқмайди. Уйқу нималигини билмайди. Гапга тинчлик, жимжитлик бегона. Гап эса доим ҳаракатда. Ҳаракатда баракат бор, дейишади-ку! Ҳали ҳам тегирмондан бутун чиқадиган устомон, ҳийлакор гаплар борлигини унутмайлик...

Мақолда айтилгани каби, “Эл оғзига элак тутиб бўлмагани”дек, ғалвирни ҳам тўхтатиш бефойда... Аммо, “Палончи билан қуда бўлма, қизи гап бўлган”, деган гапам бор. “Гап” сўзининг қудратини қаранг, бир оилани шармандаликдан сақлаб қоляпти.

* * *

Ҳой, биродар! Сиз ҳам бирор пайт Гаптепанинг ёнидан ўтганмисиз? Жуда ажойиб, жуда баланд кўркам ва ғала-ғовур тепада ўзи! Эътибор берган бўлсангиз, ўнг томони рост гаплар маҳалласи, чап томонида ёлғон гаплар, ғуж-ғуж бўлиб, бижғиб ётибди. Икки маҳалла бир-бири билан ҳеч қачон чиқишолмайди. Рост гап тўғрилик ва ҳақиқатнинг этагидан маҳкам тутган. Ёлғон гап алдов, лўттибозлик ва такаббурликни ўзига абадий шиор қилиб олган.

Рост гап аста-секин босиқлик ва вазмин фикрлар билан тушунтиради. Ёлғон гап фақат олиб қочади, алдайди, ишонтиришга интилади. Баъзан қурғур ишонтиради ҳам. Агар оғзаки ишонтиролмаса, қоғоз орқали, имзо қўйиб, муҳр босиб ишонтиради. Гапга ишонмасанг ҳам муҳрига ишонасан. Эҳ-ҳе, бу ёлғон исботлагунча не-не замонлар ўтиб кетади. Баъзан рост гап ҳам ёлғон гап олдида ер чизиб қолади. Ёлғоннинг бети қурсин!

Ёлғон гапнинг пири – шайтон, унинг нағмаси кўп, найранги, алдови кўп. Мақтовни ёмғирдай ёғдиради, хушомаднинг энг сара тўнларини кийдиради, ҳамду-санолар мумтоз куйдай янграйди. Нозик жойларни бўшаштириб, ишонтиришга даъват этади. Баъзан ўйлаб қоласан: шайтон ҳам маддоҳ ижодкордан таълим олганмикин, деб.

Рост гаплар хирмон-хирмон бўлиб ётибди. Эга йўқ, харидор оз. Пойгада ёлғон гаплар устунлик қилаётир. “Замон зўрники” деганларидек, ёлғон гап анча-мунча қутуриб, нарвоннинг тепасига чиқиб олди. Ёлғоннинг баъзи ҳолларда ёки ҳолатларда нуфузи баланд...

Минг чиранмасин, ёлғон ҳеч қачон рост бўлолмайди. Ёлғоннинг умри қисқа, қадами майиб. Узоққа боролмайди. Бунга қисқа даврда хазон бўлган шўро тузуми даври ёрқин мисол бўла олади. Ҳазрат Алишер Навоий ёзганларидек: “Ёлғончи сўзин бир-икки қатла ўткаргай, ўзга нетгай? Ёлғон зоҳир бўлғондин сўнгра анча расволиғ ётгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай”.

Шоир Абдулла Орипов ёлғонга шундай қойил таъриф беради:

Аввал ҳилол бўлиб кўринди ёлғон,
Сўнгра қулоч ёзди улкан ёйсимон.
Роса кучга кириб тўлин ой бўлгач,
Дунёни Ёлғон деб айлади эълон...

Шоир яна бир шеърида: “Менга хушхабар айт, ёлғон бўлса ҳам”, деб баралла ёзган.

* * *

Рост ва ёлғон ўртасидаги аёвсиз жанглар, баҳслар ҳали барҳам топгани йўқ, ҳеч қачон тўхтамаса ҳам керак. Биз биламизки, ғолиблик шоҳсупасида РОСТ ҳамиша ғолиб бўлиб, мағрур туради. Унинг тақдирига ғолиблик муҳри абадий босилган. Юсуф Хос Ҳожиб ёзганидек: “Қайси бир тўғри нарса оғадиган бўлса, рост турмайди, йиқилади. Ҳар бир тўғри нарса йиқилмайди. Рост туради”.

Ҳар қанча чиранмасин, довруқ солмасин, бақир-чақир қилмасин ЁЛҒОНнинг умри ҳам, қадами ҳам қисқа. Ёлғон пуфлаб ширилган шарга ўхшайди. Арзимаган ҳаракат билан ёрилиб кетади. Лекин ёлғоннинг даври-даврони келиб, бозори чаққон бўлган кезларда хушомадлар авж олади, чапдаст лаганбардорларнинг савдоси юришиб кетади. Порахўрларнинг иштаҳаси карнай бўлади: ҳўлу қуруқни, тошу кесакни, еру сувни бирдай ютади, ютаверади, ютиб-ютиб тўймайди. Кейин уларни охир-оқибат ер ютади. Очкўзнинг кўзлари тупроққа тўлиб, нафслари мангу ором олади.

Ёлғон ва ёлғончилар эришадиган “ғалабалар”нинг манзили унча узоқ эмас. Улар берган ваъдаларнинг мағзи йўқ, бари пуч. Белгилаган вазифалари кўпик билан битилган. Шиорлари қорга ёзилган. Биз ёлғоннинг фожиаларини, ёлғон ёғдирган кулфатларни ва ёлғон жамият қандай оғир оқибатларга олиб келишини собиқ шўро даврида кўрдик-ку!..

Кичик-кичик қуртдай-қуртдай ёлғон гаплар бор. Ачитиб чақадиган бит ва бурга ёлғон гаплар бор. Заҳри заҳардан ўткир чаён ёлғонлар бор, чақса, гумдон қилади. Муштдай-муштдай, ғиштдай-ғиштдай ёлғон гаплар бор. Дарёдай пишқириб оқадиган, ҳатто қирғоқларни ўпириб кетадиган ёлғон гапларга нима дейсиз? Энди катта-катта, улкан-улкан ёлғон гапларнинг маҳалласига ўтмай қўяқолайлик. Одамлар ҳам уларнинг савлатидан ҳайиқадилар, сесканадилар...

* * *

Афсус-надоматлар билан бир қур ўйлаб кўрайлик, аслида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби миллатнинг улуғ зотларини қатағон дорига рўбарў қилган ҳам ёлғон, ҳасад, туҳмат гап эмасми? Саид Аҳмад, Шуҳрат, Шайхзода, Миркарим Осим каби заҳматкаш ижодкорлар ҳам чақувдан иборат ёлғон гапнинг қурбонларига айланмадими? Бизга замондош бўлган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон сингари устозлар номлари сотқинлик, кўролмаслик, ҳасадгўйлик гаплари билан суғорилган сафсата ва чақув гаплар туфайли “қора рўйхатлар”дан ўрин олмадими? Бу қаттол рўйхатлар уларнинг умрларига зомин бўлмадими, ҳаёти ва ижодини кемирмадими?

Қаранг, ғалати ҳолат: гап ҳақиқий адабиётни яратишга, уни юксалтиришга хизмат қилади. Адабиётнинг асил мағзи рост гап. Лекин ёлғон, туҳмат гап адабиётни емириши, ижодкорни бадном қилиши етмаганидек, уни ҳатто қатағонгача олиб боради. Бу рост ва ёлғон гапнинг минг-минг йиллик аёвсиз курашларининг ҳосили эмасми? Қачон тугайди бу қирғинбарот жанг? Унинг поёни, чеку чегараси борми?

Шу ўринда буюк адиб Абдулла Қаҳҳорнинг рост ва ёлғон гап ҳақида айтган фикрларига қулоқ тутайлик: “Ҳар бир мансабдор ўзидан юқорига рост гапни айтмайди”. Ёки “Ёлғончи бир марта рост гапирай деганда тилдан қолган экан”.

* * *

Гап ҳамон турли найрангбозлик оҳангларида, усулларида одамларга таҳдид солади, дўқ қилиб қўрқитади, бақиради. Ҳар хил найранглар қилади. Масалан, учар гап, кўчар гап, кечар гап ҳам бор. Оғиздан чиқар-чиқмас учар гаплар ўз-ўзидан учиб бориб қайси қулоққа, қайси қўндоққа қўнади, ҳеч ким билмайди. Учар гапларни учар одамлар гапирадилар...

Кўчар гаплар оғиздан-оғизга, қулоқдан-қулоққа кўчманчилардай кўчиб юради, худди кўчма гаплар каби. Билиб қўйинг, баъзан битта, баъзан тўда-тўда, гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчадиган кўчар гаплар бор. Худди экинзорларни пайҳон қиладиган чигирткалар тўдасидай.

Бир хил бўлмағур, енгил-елпи, беҳаё, пардасиз гапларни эшитиш билан дарҳол воз кечиш керак. Эшитган заҳоти ахлат қутига ташлаб юбориш зарур...

Гап ҳали-ҳануз йўлимизни, қадамларимизни пойлайди. Гапнинг қулоғи одамларнинг оғзида. Гапнинг олдида пичирлаб ҳам, имо-ишора қилиб ҳам бўлмайди.

* * *

Гапдан жуда-жуда эҳтиёт бўлинг! Гап ҳам камоннинг ўқига ўхшаб шиддатли. Камондан бир учдими, ортга қайтмайди. Кимнидир яралайди, жароҳатлайди, кимнидир даволайди. Бошқа бировни савалайди. Билиб қўйинг, бу дунёда энг оғир, энг даҳшатли ва энг мураккаб гап – гапирилмаган, жимгина “айтилган” гап бўлади. Бундай ҳолатга кўп дуч келамиз. Масалан, шундай одамлар борки кўп гапирмайди ёки гап билан “танбеҳ” бермайди, фикрини очиқ айтмайди. Айтмайди-ю, гапириш ўрнига ўқрайиб, қовоқларини уюб, “ола қараш” қилади, лекин бир оғиз ҳам гапирмайди. Нима демоқчи, нима гап айтмоқчи эди, билмайсиз, билолмайсиз. У айтмоқчи бўлган гапни тусмоллаб, ҳар куни бир ўйлаб, охири “унутасиз”. Лекин ўша одамнинг айтмоқчи бўлган гапини эшитолмай доғда қоласиз. Айтса, гапирса нима қиларди? Гапирмай, одамни адойи тамом қилади. Ахир бир оғиз гапирса, ўлиб қолардими? Ичидаги гапи ижғиб-бижғиб кетган бўлса керак-а?..

* * *

Соҳибқирон Амир Темур ҳам: “Тил – қиличдан ўткир”, деганлар. Бу фикрни Маҳмуд Замахшарий ҳазратлари ҳам тасдиқлаган: “Кўпинча тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир”.

Алломаларимиз бу дарднинг ҳам шифоси борлигини башорат қилганлар. Улар гап жароҳатига, “Фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир”, деганлар.

Кўряпсизки, ёмон, ёлғон ва жароҳат етказадиган оғир гапларнинг қалқони, даволовчи табиби – яхши сўз, ширин гаплиги ойдай равшан. Халқимиз топиб айтганидек: “Яхши гап билан илон инидан чиқади”. Воҳ, яхши гапдан айланай, унинг қудратини, зўрлигини, бир ўйлаб кўринг? Яхши гапнинг меҳри билан заҳарли илон инидан чиқади-ю, айрим одам боласи яхши гапни эшитгиси келмайди ё яхши гапга кирмайди. Аксинча яхши гап айтсангиз, заҳрини сочади. Агар бу ҳолни илон кўрганида лол ва ҳайрон бўларди. Наҳотки, яхши гапни эшитганда илончалик бўлмасак... Наҳотки, тўғри ва рост гап айтишдан қўрқсак. Қачон айтамиз рост гапни?.. Қачон яхши гапнинг гадоси бўламиз?..

* * *

Яна бир гап:

Ўзбекларда гап кулги ё аския билан янада хушрўй бўлади. Агар гапларимизга жиндай қочирим, жиндай кесатиқ, жиндай ҳазил аралашса, жозибаси ошади. Ўзбекнинг ёқимтой, беғараз, беминнат, очиқ қалб билан айтган ҳазилини чин ўзбек тушунади. Гапларингни бебаҳо ҳидидан, тенги йўқ жозибасидан гидирсиз ҳазилларидан, самимий кулгиларингдан айланай, ўзбегим! Ўзбегим – доно ўзбегим... Айниқса, халқнинг тафаккури, билим, дунёқараши теран бўлса, доно гапнинг қадри баланд ва яна нуфузи юксалади. Ақл ва билим – доно гапни англайди. Баъзан афсуски, доно гапларга муҳтож бўлиб қоласан, қучоқ-қучоқ, пачоқ-пачоқ гаплар орасидан донасини излайсан. Излаб хуноб гапга ғарқ бўласан. Доно гапни эшитиш – ҳамиша маънавий байрам...

* * *

Масалан, нима учун “қўшма гап” дейилади? Аввал роса қўшиб-қўшиб, андак қўшиб-чатиб, сўнгра қўшилиб-қўшилиб, гуруҳ-гуруҳ, тўда-тўда, қўни-қўшни, овул-овул, маҳалла-маҳалла, қишлоқ-қишлоқ бўлиб айтилган гаплар йиғиндиси қўшма гапларга киради. Қўшма гапнинг эгаси ҳам, кесими ҳам бўлмайди. Қўшма гаплардан келиб чиққан катта ғавғолар, уруш-жанжаллар, фисқу фасодларни суриштириш жараёнида ким қанча гап қўшганини ва бу гапларнинг қанчаси росту ёлғонлигини қонуний аниқлаш жараёнида ҳатто энг ўткир ва тажрибали ҳуқуқшунослар ҳам аниқ ва тўғри жавоб беролмайди. Қўшма гапдан ҳақиқат излаб бўлмайди.

Гаплар орасида энг хавфлиси қўшма гап. Иложи борича, қўшма гапга яқин ҳам келмаслик ва қўшилмаслик керак. Бу учун қўшимча сабр ва ирода керак. Ҳадеб қўшилаверсанг, бўлар-бўлмасга тумшуғингни тиқаверсанг, охир-оқибат қўшмачи, деган ном олишинг ҳеч гап эмас. Қўшмачига ҳам чидаса бўлар, фақат қўшма гап билан қўшмозор бўлишдан Худо асрасин!

* * *

Сўроқ гапнинг ҳам қувонч ва изтироблари бор. Гарчи сўроқ гапнинг хавфи ўзида бўлса-да, бу гапга аралашган ва кўп саволлар бераверіб, ҳамманинг тинка-мадорини қуритадиган одам охир-оқибат ўзи ҳам сўроқ стулига ўтириши мумкин. Ўшанда у сўроқ ёмғири остида қолиб, сўроқ бўронларига дуч келиши аниқ. Табиатдан савол беришга жуда ўчмиз. Ўзимизга керакли, кераксиз, алоқаси йўқ нарсаларни, воқеаларни билгимиз келади. Баъзан сўроқ гапни тўроқ гапга айлантирамиз. Тўроқ гап ўз-ўзидан ўроқ гапга келиб тўхтайди. Ўроқ гап яна сўроқ гапни даста-даста қилиб ўришга тушади. Сўроқ гапни ўришда тузоқ гапга илиниб қолмасанг бўлди... Охир-оқибат булоқ гапдан ичиб покланасан. Кейин пок ният билан улоқ гапнинг кўпкарисида от сурасан.

Ҳаёт сўроқ гаплардан иборат. Ҳар қадам сўроқ гап. Масалан, ичкарида ҳам, ташқарида ҳам, уйда, тўйда, кўчада, тантана ва катта-кичик йиғинда, маъракада сўроқ гаплар янграб, эшитилиб туради. Биласанми, сўроқ гапнинг ширинидан азоби яхши, саволидан жавоби яхши. Лекин жавоб топиш азоб...

* * *

Ундов гапдан эҳтиёт бўл! Ундов гап катта ва кучли оғиздан чиқади. Салобати юксак, салмоғи баланд бўлади. Ундов гап айтилиши билан етти маҳаллага етади. Ундов гапда меҳрдан кўра қаҳр кўп. Ундов гапга тош осилган бўлади. Баъзан юракка, баъзан қулоққа оғир ботади, ўша оғир тош.

“Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма”, деган мақолни ундов гап ёқтирмайди. Ундов гап дағдаға билан минбарни қўрқитади ва титратади. Йўғон бармоғини нуқиб, залдагиларни таҳликага солади. Ундов гапдан ақлли фикр кутма. Ундов гап белгиси остидаги нуқта қўйилганини ҳамиша ёдингга тут! Гапнинг тақдирини шу оддий нуқта ҳал қилади.

Ундов гапнинг яна бир имтиёзи бор. Унинг айтгани айтган, дегани деган. Гапингиз тўғрими, нотўғрими ундов гап тасдиқланганидан кейин ҳал бўлади. Шундай пайтларда қанча-қанча тўғри гапларнинг қовурғалари синиб кетади. Қанча-қанча ёлғон ва нотўғри гаплар тантана қилади. Ундов гап шафқатни билмайди... Ундов гапдан қўндоқ гап афзал. Амаллаб жон сақласа бўлади.

* * *

Гапни ниҳоятда топқирлик ва ақл билан ўз ўрнида айтиш керак. Топиб айтилган гап – ақлнинг ютуғи. Ноёб гап эса олтиндан ҳам қиммат. Лекин ноёб гапни топиб айтиш учун ноёб ақл керак. Аслида фавқулодда айтилган фикр инсоният, табиат, жамият тақдири ривожига, тараққиётига дахлдор бўлиши мумкин. Хуллас, топиб гапириш ҳам – санъат. Топган зўр гапни ўз ўрнида, даврасида айтиш ҳам истеъдод меваси.

Вайсақи гап, лағмондай чўзилган ичак гап, беҳуда гап, кераксиз гап, юраксиз гап, латта гап, патта гап, қайтариқ гап, қилтироқ гап, дабдаба гап, асаса гап, дастлаб шивир-шивир, сўнгра пичир-пичир, безор бўлиб ижир-ижир гап, бижир-бижир гап етмай қолганига вижир-вижир гап, газагига қиқир-қиқир гап. Охири питир-питир гап... Бу гап гуллаб ўз-ўзидан бидир-бидир гапга айланади. Сўнгра майдонга мушт кўрсатиб, ғажир-ғужур гап тушади. Иккаласи тил топишиб, ғичир-ғичир гапга айланади...

Гап айтишнинг ҳам ўрни, жойи, вақти, давраси бор. Ўринсиз айтилган гап томоққа қадалган суякка ўхшайди. Масалан, эшитган заҳоти кечиктирмасдан айтиладиган гап бор. Шошмасдан эртага айтиладиган гап бор. Бир хил гапларни бир ой, олти ой ёки бир йил ўтказиб айтса ҳам бўлаверади, аҳамиятини йўқотмайди. Шундай гаплар борки, уларни бемалол тилнинг тагига ташлаб қўйиб, кейин ҳам айтиш мумкин.

Яна бир гапдан эҳтиёт бўлинг: шаллақи гап айтган аёл, олдин яллоқи гап билан ошно бўлади. Кейин олдинги мавқеини тиклаш учун тилига эрк беради, холос... Ўзлигини намоён қилади! Валлоҳи гапга ўтади.

Гапнинг қисқа, калта ва лўндаси яхши. Ҳазрат Жалолиддин Румий ёзганидек: “Сўз кўпайганда мақсад унутилади”. Халқимизда, “Гап кўп – умр оз”, деган мақолни ҳам унутмайлик... Бундан ҳам “силлиқ” мақол: “Кўп гап – эшакка юк”. Нега отга эмас?!.

* * *

Бир хил одамлар тўғрисида “гап ютади” дейишади. Бошқа бировларини “гап қудуқ” деб атайдилар. Лекин одамнинг қанча гап ютиши ҳисобланмаган. “Гап қудуқ” одамнинг ичига қанча гап сиғдира олиши ҳам исботланмаган. Лекин

уларнинг гап ютадиган омбори ҳам, гап қудуғи ҳам жуда чуқур, жуда кенг бўлса керак. Аслида бундай фазилатларга эга одамлар олийжаноб одамлар бўлишади. “Гап сотар” дейишларидан кўра, уларга “гап ютар” деган ном ёқса керак. “Гап ариқ” дейишдан “гап қудуқ” маъқул бўлса ажаб эмас. Ҳар қалай қудуқдан гап чиқиши қийин. “Гап ҳовуз”га ҳам ишонса бўлади.

Ҳаётда гап сотадиган, гапга сотиладиган, гапни сотиб оладиган харидорлар ҳам етарли. Лекин бундай кимсалар асло барака топмайдилар. Гап сотиб обрў олган одамни кўрмадик. Гап қўй ёки мол эмаски, дарҳол бўйнига ип солиб гап бозорга олиб борсанг. Масалан, хўкиз гап зўрға пишиллаб нафас олади. Сигир гапнинг елини сутга тўла. Қўчқор гапнинг кўзи маъраётган қўй гапда. Бозорнинг четида, яхши гапни кўпкарига олиб чиқиш мақсадида, от гап савлат тўкиб турибди. Ёнида той гап ҳам бор. Мол гапдан эҳтиёт бўлинг!

Характеримизда гап сотиш, гапга сотилиш, оддий, содда одамлардан гап олиш ва бу олган ўлжа гапларни керакли одамларга, керакли жойларга тезроқ етказиш, аниқроғи сотиш тажрибаси анча ривожланган. Бундай андишасиз ишларни бир зумда боплаймиз. Энг ёмони эшитамизу, дарҳол сотамиз. Ўйлаб ҳам, маслаҳатлашиб ҳам ўтирмаймиз. Тез сотамиз. Негадир доимо биринчи бўлиб сотгимиз келади.

Бу ярамас сотқинлик – иллати қонимизда қачон пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди. Бир олим акамиз айтиб берган аянчли воқеа ёдимга тушди. “Ўзбеклар иши” авж олган йилларда қаттол қонхўр Т.Гделян 5–6 кишини ҳибсга олиш учун Хоразмга борган экан. Лекин у бир ҳафта қолиб кетибди. Қайтишда 92 нафар одамни қўлига кишан солиб, олиб келган. Ана сизга сотқинликнинг оқибати. Бундай ачинарли, ҳатто ёзиш ҳам оғир бўлган мисолларни ҳар бир вилоятдан, тумандан, қишлоқ ва маҳалладан истаганча келтириш мумкин. Бу ярамас иллат ҳозир йўқолиб кетган, деб ўйлаган одам хато қилади. Одам зоти бор экан, бу иллат йўқолмаса керак. Гапни қисқа қилиб, айтмоқчимизки: гап сотиш ҳам, гапга сотилиш ва гап олиб сотиш ҳам қандай шаклда бўлишидан қатъи назар сотқинлик ҳисобланади. Устоз Неъмат Аминов айтганларидек: “Сотқинлар барака топмайди”. Ўлсин, сотқин гап!..

Икки оғиз “гап ташувчи”лар ҳақида гап. Гапираётганда кўзлари жовдираб, тўрт томонга қараб, олазарак бўлаверадиган одам билингки, гап ташувчи бўлади. Бундайлар ҳам сотқин сингари хавфли ҳисобланади. Уларнинг олдида тезкор почта хизмати ҳам бекор. Ҳозир қўл телефони чиқиб, гап ташувчиларнинг ишлари енгиллашди. Гап ташувчилик иллати юраги тор, эшитган гапини дарҳол бировга ёки эгасига етказмаса, тарс ёрилиб кетадиган одамларнинг жонига телефонлар катта хизмат қилаётир.

* * *

“Гапни ковлама” ёки “гапнинг кетидан қувма”, “гапни бурма” деган машҳур иборалар бор. Ковласанг, гап қувсанг ҳар хил бало-қазоларга дуч келишинг тайин. Чунки гапдан ҳар хил мазмун, муддао, турфа хил маъно келиб чиқади. Баъзи гапларни тинглаш жараёнида яхши ниятда айтилганидан хурсанд бўласиз. Одамнинг кўнглини кўтаради, эзгуликка бошлайди. Афсуски, баъзи гаплардан димоғни ачитадиган, кўнгилни айнитадиган бадбўй ҳидлар таралади. Баъзи ковланган гаплар ғийбат, фисқи фасод қўзғатади. Айримлари уриш-жанжалга, ёқа йиртишга, бир-бировни бадном қилишга, ору номусини топташга сабаб бўлади. Ковланган, кетидан қувилган гапларнинг жонажон ошноси, яқин қариндоши “миш-миш”, “деди-деди” деган гаплар ҳисобланади. Боболаримиз, момоларимиз: “Илоё, миш-мишчининг, ғийбатчининг уйи куйсин, тили кесилсин”, деб дуоибад қилишган.

Миш-миш гапни, айниқса ғийбатни яхши кўрамиз. Ҳу-уз-зур қилиб гапирамиз. Янада ҳу-уз-зур қилиб эшитамиз. Гапириб яйраймиз, роҳат қиламиз. Ўзимиздан ҳам қўшиб-чатиб бошқаларга етказамиз. Миш-миш гапни аста-аста мушт-мушт гапга айлантирамиз. Бу ҳаракат кишт-кишт гап ёки пишт-пишт гап билан якунланади. Миш-миш исбот топмагандан сўнг прокурор ё милиция иш-иш гап қилади. Кейин тилинг осилиб пиш-пиш бўлиб қоласан. Умринг охир-оқибат қиш-қиш гапга айланади.

Миш-миш гапдан доимо ҳазар қилинг,
Сассиғи чиқиб кетса ўзингизни "пазор" қилинг.
Иғво гапни тез тарқатинг, кеч бўлмай туриб,
Ўлдиринг бир покдомонни ўзи ўлмай туриб.

Одамлар бундай – турқи совуқлардан қочадилар. Ва: "Қўйинг, бу миш-мишни. Эшитган қулоққа ёмон. Бировнинг тинч оиласини бузиб юборманг". Ёки "Анаву одамнинг башараси ҳам, гапи ҳам совуқ, ўзи ниҳоятда ёқимсиз", деб танбеҳ берадилар.

Эй, азиз биродар! "Миш-миш"чилардан тезроқ қоч, "деди-деди" дегувчилардан йироқ бўл. Бундайлар одам зотининг чиқиндилари ҳисобланади. Уларнинг чин дўстлари – шайтон эканлигини унутманг!..

Жуфт гап, тоқ гап, ярим гап, бутун гап, чала гап, оч гап, тўқ гап. Яна бўлган гап, бўлмаган гап ҳам бор. Икки кишининг бир хил, бир овозда гапиргани – жуфт гап. Жуфт гапнинг биттаси айтилса, тоқ гап. Ичида қолиб кетгани ярим гап. Эга-кесими жойида бўлса – бутун гап. Тескариси – чала гап.

Бўлган гапдан бўлмаган гапнинг шов-шуви кўп. Чунки ҳали содир бўлмаган нарса ёки воқеа кўпчиликни қизиқтиради. Бўлмаган гапнинг овозаси тез тарқайди. Уни ҳамма билгиси, биринчилардан бўлиб эшитгиси келади. Бунчалар сирли бўлмасанг, бўлмаган гап!..

* * *

Ит гап, бит гап, кит гап. Агар гап эшитган одамни "тишлаб" олса, билингки, бу – ит гап. Агар эшитган одамнинг бир хил жойини гап "чақиб" олса, тамом бу бит гап. Агар эшитган гапи қулоғига сиғмай оғирлик қилса, танасига тошдай ботса, бу – кит гап...

* * *

Қўтир гап, чўтир гап, ўтир гап, битир гап, бидир гап, қитмир гап, қидир гап охир-оқибат ё бўғоз ё қисир гап. Эшитганда эшак еми тошса – бу қўтир гап бўлади. Юзига қараб айтганда, юзи кўринмаса – бу чўтир гап бўлади. Эшитганда жойида қотиб қолса – бу ўтир гап бўлади. Гапни битирмаса, бидир-бидир қилиб, қитмир гапга буриб юборади. Сўнгра питир-питир гап йўрғалаб қолади. Оқибат қидир-қидир гап билан тугайди.

* * *

Тез айтиш: Бош ва ёш гап билан ош гапга кетаётса, йўлда тош гап билан мош гапни учратибди. Бу ёқда тўш гап билан пўшт гап хуш гапни излаётган экан. Яна шўрлик бўш гап, шош гапдан узаман, деб гўшт гапга ем бўлди.

* * *

Ўра гаплар бор – фақат кўмиб қутуласан.
Тўра гаплар бор – савлат тўкиб, ғўддайиб юради.
Қўра гаплар бор – фақат сихга тортиб газак қиласан.
Жўра гаплар бор – улфатчиликка ярайди.
Ўта гаплар бор – жонингдан ўтказиб юборади.
Бўта гаплар бор – қирққан сайин, шохлайверади.
Сўта гаплар бор – фақат сўтаклар оғзидан чиқади.

* * *

“Тўғри гап туққанингга ёқмайди”, деган машҳур ибора ҳаётимизга сингиб кетган. Аслида тўғри гапни айтиш шунчалар осонми? Ёки тўғри гап атайлаб ном орттириш учун айтиладими? Ёки “қаҳрамон” бўлиш учунми?

Тўғри гапни айтиш асло қаҳрамонлик ёки ўзини кўрсатиш эмас. Тўғрилик йўли ҳар бир инсоннинг виждоний бурчи, қалбини поклаш, иймонни мустаҳкамлашдир. Норози ноталардан юракни тозалаш. Атрофимизда бўлаётган камчиликлардан қутулиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда тўғриликнинг куч-қудратидан фойдаланиш ва уларни бартараф этишдан иборатдир. Лекин тўғри гапнинг ҳам ўрни, давраси ва меъёри борлигини асло-асло унутмаслик керак. Бизда тўғри гапларни айтувчилар сероб, қабул қилувчилар эса саноқли. Қабул қилинмаган тўғри гап бошингга шундай балолар тошини ёғдирадики, баъзан тилингни кесиб ташлагинг келади. Бунинг эса иложи йўқ, йўқ, йўқ... Чунки гап аллақачон айтиб бўлинган...

Тўғри гапни ёзиб, тўғри гапни гапириб мақтовдан кўра, танбеҳ ва маломатларини эшитиб келаётган оддий ижодкор сифатида айтмоқчиманки, тўғри гапнинг вафосидан жафолари кўп экан. Қизиқ: тўғрилик, тўғри гап пастдагиларга, оддий одамларга жуда ёқади. Амалдорларнинг қовоғидан қор ёғади. Тўғри гапдан чўчийди. Азалдан тўғри ва ҳақ гапнинг қисматига шундай кўргиликлар ёзилган бўлса, гапда нима айб?..

* * *

Баъзан давраларда, йиғин ёки мажлисларда, “Чайналмасдан, минғирламасдан, гапни шартта-шартта кесиб-кесиб гапир”, деган иддаоларни эшитиб қоламиз. Ҳой, оғайни бу айтишга осон, лекин гапириш жуда-жуда қийин-да. Кесиб гапириш азоб ва қўрқув. Умуман, гапни қаеридан қанча кесиб гапириш мезони ёки ўлчови белгиланмаган. Шундай экан гапни қаеридан, қанча ўлчаб кесиш керак? Ўша гапни кесишга тилнинг кучи етармикин? Етмаса-чи ёки чала кесса нима бўлади? Кесилган гап ногирон ёки майиб бўлиб қолса-чи, тавонини ким тўлайди? Сиз оёқ-қўли, қулоқлари кесилган мўнди гапни тасаввур қилиб кўринг-чи?

Кесиб-кесиб гапириш – жасорат. Кесиб шартта-шартта гапирган одамнинг орқасида яна бир кесиб-кесиб гапирувчи тоғдай таянч бўлиб турса, яна ҳам яхши. Шунда гапингни ҳеч ким кесолмайди. Кесишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Тўғри гапни айтиш ва кесиб-кесиб, шартта-шартта гапириш учун аввало одоб, кейин меъёр керак. Бақир-чақир, ҳайқириш, бировни шаънига тегиш қонун билан ҳимоя қилинишини унутмайлик. “Қул кутурса, қудуққа ўтиради”, деган мақолни тез-тез эслаб турайлик. Шунда ҳаммаси жойида бўлади.

Ҳамиша тўғри гапнинг йўлини пойлаб ўғри гап, бир ҳовуч эгри гап, нияти бузуқ букри гап, унга соя солиш учун пайт пойлаб туради. Тўғри гапни чалғитмоқчи ва йўлдан урмоқчи бўладилар. Лекин бунинг сира-сира иложи йўқ. Чунки тўғри гап – нишонга аниқ ва тўғри боради.

* * *

Боғ гап, тоғ гап, соғ гап, чоғ гап, доғ гап – бир чимдим-бир чимдим қўшсанг ўртоқ гап бўлади.

Қуриган дарахт гўё қуруқ, ўтин гапга ўхшайди. Агар дарахтнинг мевалари ширин, тотли бўлса – ҳамма боғ гапга интилади.

Боғ гап – тоғ гапнинг этагида бўлса, яшайди, серҳосил бўлади. Бундан одамнинг кайфияти чоғ гапга айланади. Ҳаммаси бир бўлиб соғ гап дунёга келади. Илоё, доғ гапнинг сасини кўрсатмасин. Лекин унинг ўрнига ёғ гап бўлса, йўқ демаймиз.

* * *

Баъзан қулоққа чалинар мавҳум гаплар – ҳануз аниқ гап йўқ.

Ҳар тарафга олиб қочар – аммо аниқ гап йўқ.

Мушак сингари учар гаплар – лекин аниқ гап йўқ.

Тўғрисидан эгриси кўп – бироқ аниқ гап йўқ.

Сафсатангни қўйгин, энди, эй гапбоз, ёлғонларинг жонга тегди. Гапларингда маъно йўқ – аслида аниқ гап йўқ.

* * *

Айрим тадқиқотларга кўра, ғийбат гапларни аёллардан кўра, эркаклар кўпроқ гапирар экан. Аёл ғийбатчидан кўра, эркак ғийбатчи хавфлироқ. Ғийбат қилиш эркакка ярашмайди. Бундай эркаклар ғийбатчиликни хотинларидан ўргансалар керак. Ғийбатчи эркак – аёлнинг кўйлагини кийиб юргани яхши. Бошига рўмол ўраб олса, янада соз бўларди...

* * *

“Гап”га бориб гап еймиз”, дейди бир аёл. Ишонинг, у фахрланиб, ғурур билан, эллик йилдан буён “гап” ейишини оғиз тўлдириб айтди. Лекин гапдан тўймайди. Одам боласи кўп нарсаларга тўйиши мумкин, аммо гапдан асло нафси қонмайди. Катта-кичик, узун-қисқа, тўртбурчак-кўпбурчак, митти-митти, майда-чуйда, семиз-ориқ, баланд-пастигача танламай гап ютаверади. Агар гап тиқилса, устидан озгина атала гап ейди, лиқ этиб, ўтиб кетади. Аёл зоти азалдан ашаддий гаппараст. Эсини танигандан буён гапга дугона бўлади. Турмушга чиққач, иккинчи нафаси очилади. Тилининг гап тугунчалари ечила бошлайди. Уйда гап, кўчада гап, тўйда гап, азада гап, базада гап, далада гап, боғда гап, тоғда гап, ишда гап, бўш пайтда гап, хуллас, ҳушида гап, тушида гап, ўнгида гап, чапида гап. На тили, на жағи ором олади бу хотин зотини. Баъзан ўйлайман: хотин ва гап эгизак эмасмикин?..

* * *

Эркаклар ҳам чойхоналарда, дала-даштлар қўйнида йиғилиб, бўкиб-бўкиб гап ейдилар. Лекин улар ҳам юҳога ўхшаб, гапдан тўймайдилар. Жизза билан гап ейилади, ош билан гап ейилади. Балиқ сувдан тўймаганидек, гапчи эркаклар гапдан қонмайдилар. Гап еб, гап ичадилар. Гапга ботадилар ва гап билан қотадилар...

* * *

Гап гапни туғади. Гапдан-гап пайдо бўлади. Оғиздан нуқул гап чиқади. Бир хил гаплар чиқадики, куракда ҳам, ғалтакда ҳам, замбилда ҳам турмайди. Шундай тоифалар пайдо бўляптики, фақат гап сотиб, гап билан алдаб, ёлғонга тўн кийдириб кун кўришни истайди. Улар ўзлари учун ночор гап, бечора гап ва шўрлик гапни қалқон қилиб олганлар. Ўзларини етим гап, дарвеш гап, хокисор гап қиёфасида кўрсатмоқдалар. Аслида бундай тоифа одамлар ҳаётда учрайди. Лекин ор гап, номус гап, ғурур гап, кучли гап, мард гап билан яшайдиган бир гапли инсонлар ҳам бор. Улар оғзидаги гапини ерга ташламайдилар. Чала ёки яримта гап қилмайдилар. Тили учида турган тўғри, ҳалол гапини юрган йўлларида тупуриб кетмайдилар. Бундайлар, "Айтилган сўз – отилган ўқ", мақолига амал қиладилар.

* * *

Ҳозир, “Гапи гапга ўхшамас, оғзи гапдан бўшамас”, дейдиганлар замони бўлди. Илгари айтилган, “Гап деса қоп-қоп, иш деса, Самарқанддан топ”, деган мақол ҳам ўзгариб кетди. Бугун қоп у ёқда турсин, вагон-вагон гапни тепловозлар торта олмай, бўкириб-бўкириб кетаётирлар. Гапбозлик авж олди. Гап билган ҳам, билмаган ҳам ўзини мажлисга уради, микрафонга интилади...

* * *

Гап-гапга тўғри келмайди. Гап-гапни қўлламайди. Гап билан иш “тил” топиша олмайди. Масалан, Орол денгизини олайлик. Бу – фожиа, бу – даҳшат ҳақида гапирилмаган гап қолмади. Лекин Орол гап билан тўлмади. Гап билан қуриган денгизни, гап билан тўлдириб бўлмас экан. Гапдан сув чиқмас экан. Сувли гаплар ҳам ҳавога порлаб кетар экан. Орол баландпарвоз, қуруқ гапларнинг қурбони бўлди... Бу – шўродан қолган жароҳат гап эди...

Биз Оролни қутқариш бўйича қўмиталар тузиб, ҳафталаб, ойлаб мажлислар қилиб, тонготар маърузалар ўқиб, дарё-дарё гапларни гапириб бўлгунча Орол шўрлик қуриди-қолди. Ўша маърузалар учун тонна-тонна кетган қоғозларнинг пулига канал қазиганда Орол тўлармиди?!.

* * *

Яхши-самимий, доно ва ақлли, ибратли ва тўғри гаплар билан бирга, одам боласининг юрагини тилка-пора қиладиган, баъзан умрига зомин бўладиган ёмон, ханжардай оғир ботадиган, қиличдай кескир гаплар ҳам борлигини унутмайлик. Фисқи фасод, миш-миш, ҳасад ва фитна гаплар ҳамиша одам боласининг қадамини пойлаб юради. Умрини аёвсиз кемиради, охири адо қилади.

Дилга озор етказадиган, оғиздан чиқиши ёки эшитиш билан юракларни инфаркт қиладиган фитна, туҳмат ва иғво гапларни кўп эшитдик. Не-не улуғ зотларнинг гап заҳридан озор чекканларини кўрдик. Бир қанчалари ўша заҳотиёқ юракларини чангаллаб, қулаб тушиб, жон таслим қилганларга гувоҳ бўлдик. Уларнинг охиратлари обод бўлсин.

Собиқ шўро замонасининг ошкоралик ва қайта қуриш даврида хўп ажиб ҳангомалар, томошалар бўлиб эди. Устоз Эркин Воҳидов ўша кунлар ҳақида шундай армонли сатрларни ёзганди:

Тиллашибдир бўри бирла тозилар,
Бирлашибдир ўғри бирла қозилар...
Мен ғазал ёзмоқчи эрдим, не қилай?
Бу замон тарихга шундоқ ёзилар.

* * *

Ўша шайтон эсласа ҳам кулиб, ҳам йиғлайдиган йилларда ёзувчилар, бастакорлар, кинематографчилар, рассомлар, журналистлар уюшмаларида ижод қилишдан кўра, йирик гап заводлари ишга тушиб кетди. Ҳар бир ижодий уюшма ўзларига махсус гап корхоналари, цехлари, ҳатто гап фирмалари очиб олди. Ижодкорлар асар ёзиш, яратиш ўрнига минбарларга интиладилар, сўзга чиқиш учун туну кун минбар пойлайдилар. Уларнинг ижод қуроли микрафон бўлиб қолди. Ижодий уюшмаларда тонготар гап жанглари бошланиб кетди. Эҳ-ҳе, бундай жангларни гап тарихида ҳеч ким эшитмаган. Ҳатто гапнинг ўзи ҳам...

* * *

Гап билган, гап билмаган, тили чиққан ёки чиқмаган гўдаклар ҳам микрофонга ружу қўйдилар. Минбарлар талаш бўлиб кетди. Фурсатдан фойдаланиб ижод майдонига мушт кўтарган, бир бақироқ ва ёвуз авлод дағдаға билан кириб келди. Улар катта-кичик ижодкорлар устидан иғво, қуруқ туҳматдан иборат мағзава ҳиди келиб турган гапларни тўхтовсиз ёғдира бошладилар. Минбарлар билан бирга матбуот саҳифаларини, кўргазма залларини, саҳналарни тўда-тўда, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳайқирган ҳайбаркаллачилар, сафсатабозлар, маҳаллийчилар, оч бўридай увлаганлар эгаллади. Минбарбозлик, микрофонхўрлик ва гапсериаллари авж олди.

Ўша оғир кунларни кўрган, беҳуда туҳмат ва маломат тошларига нишон бўлган устоз Абдулла Орипов “Ишонч кўприклари” номли машҳур шеърини ёзган эди. Катта шов-шувларга сабаб бўлган ушбу шеърда шундай ўтли сатрлар бор:

Элнинг шоирлари, ғаним зотлар каби
Бир-бирларин ғажиб-есалар,
Минбарларга чиқса кўча-кўйнинг гапи,
Андишани қўрқоқ десалар...

Бундай юртда энди қирғин шарт эмас,
Вабо ҳам қочади ундан йироққа;
Ҳатто дарёлари қурир басма-бас,
Ҳатто тупроқлари тушар титроққа...

Худо кўрсатмасин, бундай талотўпда ҳалол-ҳаромнинг, эзгулик ва ёвузликнинг ўрни аралашиб кетар экан. Не-не муқаддас нарсалар, анъаналар, урф-одатлар оёқ ости бўларкан. Ўтганларнинг руҳлари чирқирар, тириклар эса, ўлимига розилик билдираркан. “Ҳўлу қуруқ баробар ёнади”, деган гап бежиз айтилмаган экан.

* * *

Уларнинг барча хатти-ҳаракатлари, баландпарвоз гаплари замирида шахсий манфаатлари мужассам экан. Бир хиллари қилмишидан қўрқиб, қочиб кетдилар. Тўданинг қолган гуруҳларига амал ва мукофот берилган эди, дарҳол тилларига тош осиб, мансаб курсиларини шармандаларча эгалладилар.

Хулоса шуки, биз бандаларга гап ва гапириш неъматини Аллоҳ берган экан, гап биламан, гапни боплайман, гап билан бировнинг таъзирини бераман ёки бадном қиламан, деб ният қилманг.

* * *

Гумон гап одамни иймон гапдан бегона қилади. Оқибат у ёмон гапга айланади. Ёмон гап эса, сўзсиз ёлғон гапга қўшни бўлади. Яхшиси гумон, ёмон гаплардан кўра, омон гапни такрорлаб туриш керак. Токи, улар қуруқ сомон гапга айланмасин!..

* * *

Масалан: лола гап оғиздан чиқиши билан атроф лов-лов ёнади. Нола гап эшитилган заҳоти юрак-бағрингни қон қилади. Бола гап ҳамиша осмондай соф ва беғубор янграйди. Жола гап эса, йиғлаб-йиғлаб қалбингни тилка-пора қилади. Хола гапдан жиянлар мазза қилади.

Гапни қанчалар кўпиртирмайлик, ҳайқириб, бақириб шопирмайлик у барибир чўмичда турмайди, қулоққа кирмайди. Кўпикнинг пуфакчаларидай ёрилади...

* * *

Гапимизда ростдан кўра ёлғони кўп,
Ёлғонида ҳаммадан ҳам ёвғони кўп.
Гапни гапга улаймиз, гапбозликни боплаймиз,
Қулоқда қолган гапдан, осилган лағмони кўп...

* * *

Гапнинг ҳам уволи бор. Гап оғиздан чиқиб кетганидан сўнг, билиб-билмай улуғларнинг, мўътабар инсонларнинг, орамиздаги авлиёларнинг, Худонинг севган бандаларининг кўнгилларини, дилларини ранжитиб қўйишимиз мумкин. Конфуций айтганидек: “Камгаплик ҳеч қачон сотмайдиган содиқ дўст”. Энг муҳими, кўп ва тўхтовсиз гапириб, гапнинг гуноҳига қолманг... Гапнинг гуноҳи оғир бўлади.

* * *

“Гап келганда отангни ҳам аяма”, дейдилар. Барибир ота билан гаплашганда эҳтиёт бўлиш керак. Ота – ота-да! “Ўғил бола гап”, деган ибора ҳам бор. Чунки ҳар қандай гапни қиз болага ёки унинг онаси, опаси, синглисига ҳам ишониб бўлмайди. Айтилган гап тез болалаб кетади. Бир ижодкор дўстимиз “бобосўз” деб ёзибди. Воажаб, эҳтимол “момосўз”, “тоғасўз”, “божасўз”, “аммасўз” ҳам бордир? Бу ҳақида ҳам ёзишар. Лекин СЎЗ битта бўлади. Афсуски, гап мушукдай кўп болалайди... Сўзнинг қариндош-уруғи, бола-чақаси, қўни-қўшниси йўқ.

* * *

Баъзи бировларни давраларда, гурунгларда мириқиб, ҳузур қилиб гапга қулоқ солгани, гап “тергани”, “мазза қилиб” гап эшитгани учун “гапхалта” дейишади. Унинг қулоқларида гап халталари бўлса-чи? Яна бир тоифа борки, қизиқ-қизиқ гапларни эшитиб ҳузур қилади. Зўр гапларга чапак чалиб севинади, яйраб кетади.

Яхши, доно гапларнинг мухлиси бўлган бундай одамларни “Яхши гапнинг гадоси” дейишади. Ёмон, сассиқ, ғийбат, фитна, миш-миш гаплардан кўра, яхши гапларга меҳр қўйишга, ҳузур қилиб тинглашга нима етсин?!

* * *

Бизда деҳқон бозори, кийим-кечак бозори, гул бозори, машина бозори, бўз бозор, эски-туски бозори, рўзғор буюмлари бозори бор. Яна янги-янги бозорлар пайдо бўлаётир. Лекин яна бир ажойиб ва бебаҳо бозор борки, уни эсламасликнинг иложи йўқ. Бу – гап бозори. Лекин ўзбекларнинг бозоридай ғала-ғовур, ур-йиқит, тўс-тўполон, гоҳ сокин, гоҳ бўрон бўладиган – гап бозори бошқа жойда бўлмаса керак.

Тўғриси, тан олиб айтаманки, гап бозорини, тўла-тўкис, ипидан-игнасигача, барча таровату гўзалликларини, жўшқин ва эҳтиросларга гавжум ҳолатини, ҳаётини аниқ таърифлашга, тавсифлашга қалам ожизлик қилади. Бошқа бир қудратли қаламнинг ҳам кучи етмаса керак...

* * *

Узун гап, қисқа гап, чимдим гап, лўнда гап, кунда гап, бунда гап, унда гап, шунда гап – яна қайда гап? Кимгадир уз-ун гап ҳам етмайди. Кимгадир қисқа, бир чимдим гап кўплик қилади. Кунда гапдан эҳтиёт бўлиш керак. Дарҳол кўз олдингда ёрилган бош намоён бўлади. Унда-бунда айтиладиган узун-қисқа гаплардан ҳам тийилинг. Бемаҳал қичқирган хўрознинг аҳволига тушиб қолиш ҳеч гап эмас.

* * *

Йўтал гап бор. Кўп эшитаверсанг ўсал гап бўласан. Йўтал гап кўпроқ ўпкани ишдан чиқаради. Эшитиб, йўталаверсанг ўпка гапга айланасан. Сўнг ҳовлиқма, пўкак гапларни гапирадиган бўлиб қоласан.

Дутор гап, танбур гап, рубоб гап, ғижжак гап, доира гап, қўшнай гап, карнай гап, сурнай гап – ҳаммаси бир бўлиб ансамбль гап. Тўйларда, маъракаларда, тадбирларда кўпроқ чалинади. Лекин алоҳида-алоҳида чалиб ҳам ҳузур қилиш мумкин. Юракка ёқади, қалбларни фисқу фасод, ҳасад, ғийбат гаплардан тозалайди...

* * *

Афсуски, оғиздан-оғизга, қулоқдан-қулоққа, қўнғироқдан-қўнғироққа, ётоқдан-ётоққа, бутоқдан-бутоққа ҳатто бу боғдан – у боққа, бу тоғдан – у тоққа сакраб юрадиган чаққон, шпион, хабарчи гаплар бор.

Рўй-рост, ошкора айтилса – очиқ гап.
Имо-ишора билан “айтилса” – ёпиқ гап.
Оғизни ярим бекитиб айтилса – сочиқ гап.
Айтилиши билан йўқолиб қолса – қочоқ гап.
Гапирилганда оловга айланса – учоқ гап.
Меҳр-муҳаббат билан айтилса – қучоқ гап.

* * *

Аён гап, баён гап, чаён гап, қуён гап, қайён гап, бу ён гап, у ён гап – ҳаммаси

аён гап! Лекин чаён гапдан ҳамиша огоҳ бўлинг. Чақса заҳар гап бўлади. Бекорчи гап, ишёқмас гап, дангаса гап, тўнка гап, бор гап, йўқ гап, тўқ гап, оч гап, қоч гап, соч гап...

Етмаганига қатиқ гап, қаймоқ гап, сузма гап, чакки гап, пакки гап – охир-оқибат дакки гап.

* * *

“Гап орамизда қолсин”, “Гапимизни бошқалар эшитмасин”, дейдиган суҳбатдош ё кўрқоқ, ё ўта эҳтиёткор, ҳеч бўлмаганда “нозик” жойда ишлайди. Бундай гапни эшитганда қулоққа пахта тиқиш ё гапирганда тилни занжирлаб қўйиш керак.

Яна қараш гап, тикилиш гап ҳам бор. Бундайлар миқ этиб гапирмайди. Кўзларини катта-катта очиб, кўзингизга кобра илондай қарайди. Этингиз жимирлаб кетади. Ва ўша заҳоти унинг нима “дегани”ни дарҳол тушунасиз. Бир қарашда улар олам-олам гапни айтиб турган бўлади. Тушунмаган хотин ўзидан кўрсин. Қараш гап кўп ҳолларда яраш гап билан тугайди.

* * *

Шилдир гапни кўп эшитсангиз ичингиз ўтиб кетади. Ҳолдан тойдиради.

Пилдир гап одамни кўрқоқ қилиб қўяди. Эшитишингиз билан юрагингиз ўйнаб, гулдур гап қилади. Оқибат юрак ўйноқи бўлиб қоласиз. Шилдир гап шилта гапга, пилдир гап пилта гапга айланади. Шилта гап юришга халақит беради, пилта гап чироқ ёқишдан бошқасига ярамайди.

Халқимизда, “Кўп гап эшакка юк бўлади”, деган доно ибора бор. Олдинги эшакларни билмадигу, ҳозирги эшаклар гапни текинга кўтармайди. Олдин пулини тўлаб, кейин юкини ортади. “Гапи бир жойдан чиқади”, дейдиган тоифадагилар ё ўғри, ё юлғич, ё фирибгар, ё лўттибозлар гуруҳидан бўлади.

Дунё тилшунослари ва соҳанинг йирик мутахассислари кўп замонлардан буён “Гап ва қарсак” мавзусида жиддий баҳс-мунозаралар олиб борадилар. Биринчи тоифадаги олимлар, “Гап қарсакни уйғотади”, деб ҳисобласалар, иккинчи тоифа олимлар йўқ, аксинча, “Қарсак гапга илҳом беради”, дейдилар. Бундай ўйлаб кўрсак, ҳар иккаласи ҳам тўғридир. Лекин фан аниқликни яхши кўради... Умид қиламизки, кунлар келиб, бу дунёвий жумбоқ ечилар. Бундай мураккаб ва чигал муаммони ҳал қилган олимга албатта Нобель мукофоти берилса ажаб эмас. Мукофотни қарсаксиз топширса керак. “Гап ва қарсак” мавзуси инсоният учун ҳамон ечилмаётган муаммолигича турибди. Уни ким ҳал қилади?.. Қачонгача ер юзи қарсаклардан титрайди? Қачонгача одамзот бир-бирини алдаб гулдурос чапаклар чалиб ўтади?! Қачонгача?! Уни меъёрида чалса бўлмасмикин?

* * *

Яна бир тоифа олимлар XX асрни турли атамалар билан атайдилар. Баъзилари, “Атом асри”, “Совуқ қурол асри”, “Космос асри”, “Сўнгги жаҳон уруши асри” деса, айримлари, “Маърузабозлик асри” ҳам деб изоҳ берадилар. Бунга Собиқ шўро тузумининг Бош котиблари Н.С.Хрушчев ва Л.И.Брежневни мисол қилиб, қайси бирлари узоқ вақт узун маърузалар қилган десалар, бошқа сиёсатчилар ҳар иккаласидан ҳам М.С.Горбачев кўп ва жуда узоқ маърузалар қилган, гулдурос қарсакларни олган, деб баҳслашгани-баҳслашган. Бу баҳслар ҳануз адо бўлгани йўқ...

Афсуски, ўша собиқ тузумда белгиланган ёлғон режалар, берилган қоп-қоп ваъдалар маърузалар ёзилган қоғозларда қолиб кетди. Мағзи пуч, ғози енгил, кўпик гаплар эса минбардан залгача етиб борди, холос. Кейин эсдан чиқди. Бу баландпарвоз гаплар аслида гулқоғозларга ўхшарди. Бундай тонготар, гапсотар маърузалардан ўзбек халқи ҳам кўп озор, азоб-уқубатлар чеккани рост. Айниқса, матбуотчилар, журналистлар, ноширларнинг катта бир авлоди сафсата ва ёлғон маърузаларни ўқиш, тайёрлаш ва чоп этиш билан овора бўлиб, ном-нишонсиз кетдилар. Уларнинг кўзлари тешилиб қилган тонготар хизматларини ҳозир ҳеч ким эсламайди... Ўлик гаплар...

Хайрият, қатағонпараст, ёлғон маърузалар ва қарсакбозларга макон бўлган собиқ шўро тузумидан қутулганимиз рост бўлсин!.. Устоз Ўткир Ҳошимов ёзганидек: “Гоҳо ақл қанча қисқа бўлса, тил шунча узун бўлади”.

* * *

Замон ўзгарди, ҳаёт янгиланиб бораётир. Лекин халқимиз тилида юрадиган бир хил иборалар борки, гўё эскирмагандай. Масалан, “Иш билгунча – гап бил”, дейишади. Бу ишёқмасларнинг матали бўлса керак, деб ўйлардим. Бугун гап биладиган ишни ҳам қойиллатаяпти. Гап билан ишнинг калитини топаётганларга нима дейсиз? Лекин, “Гап деса қоп-қоп, иш деса фалон жойдан топ”, деган мақол ўз кучини йўқотмаган кўринади.

Ҳозир ҳам “гап сотиб” маош оладиганлар бор. Лекин бундайлар сафи камайиб кетаётгани яққол аён бўлиб турибди. Энди бундай таъмагирлар, олғирларнинг йўллари ёпилаётир. Агар йўллари бўлса?..

* * *

“Ерни сув бузар, элни гап бузар”, деган ибора ҳам ҳаётдан олинган. Гап туфайли дўстлар, қўшнилар, қариндош-уруғлар, энг даҳшатлиси, яхши оилаларнинг бузилиб кетаётганига ачинасан киши? Ғаразли, миш-миш ва бўҳтон гапларга асло ишонманг. Бундай гаплар илон ва чаённинг заҳридан ҳам ўткир бўлади.

Тўкилиб, сўтилиб кетадиган, сўкиниб, бақириб, ҳайқириб айтиладиган гаплар бор.

Тўкилиб-тўкилиб, юраги тошиб-тошиб гапирган одамнинг қалби ғуборлардан фориғ бўлади, дили яйрайди, ўзи енгил тортади. Сўтилиб гапирганда оғзидан гапи тўкилиб кетади.

Сўкиниб гапирадиган одамнинг бети қурсин. Бақириб, ҳайқирган одамнинг нафаси тиқилиб қолсин.

Ҳамиша ҳаммамизга ўйлаб-ўйнаб, қалбдан куйлаб, дилдан суйлаб айтиладиган гаплар насиб этсин.

* * *

Ҳаётда тиғдор, тагдор, бўйдор, ёлдор гаплар борки, бу гапларнинг ҳайбатидан чўчимаслик керак, эшитганда ўзини йўқотиб қўймаслик лозим.

Бўғоз, қоғоз, ғоз, оз ва боз гаплар бор. Агар улардан ўрнида, меъёрида фойдалансангиз ҳар доим соз гап бўлади.

Узоқ гап – роса чўзилган, гўё адоғи йўқ.

Бузоқ гап – маъраб айтилади. Ғашингга тегади.

Тузоқ гап – хуфиячилар қопқони, сотқинларнинг иш қуроли. Маслаҳат: барчасидан воз кечиб, йироқ гапни танланг.

* * *

Асал гапдан кейин асаб гап ёқмайди. Дарҳол қасам гапга мурожаат қиласан.

Пауч гап – таъмсиз, маънисиз бўлиб, тузсиз овқатга ўхшайди.

Одамлар орасида ёмон, совуқ гапга, “Гапингни оғзингдан ел олсин ёки шамол учирсин”, деб танбеҳ берадилар. Ёмон гап барибир ёмон, совуқ гап юракни музлатади.

* * *

Тез айтиш: Утта гап, бутта гап, атта гап, батта гап, қатта гап, шутта гап. Ана гап, мана гап! У ёнда гап, бу ёнда гап. Ҳовва гап, шовва гап, шавла гап. Уларни қўшиб, аралаштирсанг, ковла гап бўлади. Сўнгра товла гапга айланади.

* * *

Билиб қўйинг, ғалча гаплар ғалчаларнинг оғзидан чиқади.

* * *

Гапэзар, гапбузар, гаптузар тоифалардан йироқ бўлинг. Бундайлар охирида гапчизарга айланиб, жуфтакни ростлайди.

* * *

Айрон гапларни кўп эшитсанг, ҳайрон қилади. Ҳайронликдан охири вайрон бўласан.

Ўқиладиган яхши, доно гаплар бор. Тўқиладиган сийқа гаплар бор. Йўқолаётган беҳуда гаплар бор.

Яна кўз билан киприк гап бор. Иккови бирлашса, қош гап бўлади.

Ўйлаб-ўйлаб, ўйнаб-ўйнаб, кулиб-кулиб, куйлаб-куйлаб, бўлиб-бўлиб, билиб-билиб, баъзан билиб-билмай, ўйлаб-ўйламай, эшитиб-эшитмай, тинглаб-тингламай айтиладиган чала гаплар бор.

* * *

Гаплар кўп, гаплар мўл. Гап бозори ҳамиша гавжум, харидоргир. Бозорда баъзи туя тортадиган, баъзи фил судролмайдиган оғир-оғир гаплар бор. Чумолидай майда-майда гаплар бор. Бургутлар ўзига ўхшаш ўткир, салобатли гапларни харид қилиш мумкин. Лекин чумчуқдай “чир-чир” қилиб юрган митти гаплар ҳам бор. Қитти гаплар ҳам топилади. Оғизга сиғмайдиган дундуқ гаплар бор. Лабга тегиши билан эриб кетадиган асал гаплар бор. Қаймоқ гапни мастава гапга қўшсанг масза қиласан.

Бозор бозор-да! Пардали, пардасиз гаплар бор. Эшик, тешик, бешик, қийшиқ гапларнинг ҳам савдоси қизғин.

Гап гапирсанг, ўйлаб гапир бозорда.
Пухта ўйлаб, сўнгра гапир бозорда.
Гап сотсанг, харидор топиб сотавергин, бозорда
Гап олишда обдон ўйлаб, харид қилгин бозорда,
Гап топмасанг, хафа бўлма, ўксима ҳеч бозорда...

* * *

Интернет лиқ тўла, ғиж-ғиж, биж-биж, виж-виж, пуч-пуч гап. Гўё интернет қирғоқларига сиғмай пишқириб, тошиб оқаётган гап дарёсини эслатади. Бу дарёдан туну кун гаплар лахта-лахта бўлиб, катта-кичик, узун-қисқа, ёлғон-яшиқ, туҳмат-бўҳтон, олди-қочди, сафсата ва фитнадан иборат мағзава билан оқиб ётади. Энди бу жаҳолат, миш-миш, ғийбат тўла дарёни ҳеч ким жиловлай олмайди. Таскин берадиган томони шундаки, бу ҳашаматли дарёнинг тиниқ ва тоза сув оқадиган, одам боласи тафаккури юксалишига беминнат хизмат қиладиган ирмоқлари ҳам бор. Буни тан олиш керак.

Интернет – хилма-хил маҳсулотлар сотиладиган улкан супермаркетга ўхшайди. Ҳар ким ўзига кераклигини олади. Бировга миш-миш гап керак, бошқасига ғийбат гап зарур, яна бошқаси олди-қочдидан иборат ҳангоматалаб гапларга ўч.

Мана, сенга олам-олам гап, қулоғингга сиққанича ол. Ортиб қолса, чўнтагингга сол... Фақат ўзинг севган телеграммда қол.

Таниқли ёзувчи Хайриддин Султон “Садағанг кетай, интернет” мақоласида шундай ибратли фикрларни ёзади: “Интернетнинг кашф этилиши чиндан ҳам мўъжиза бўлди – ер юзида яшаётган салкам саккиз миллиард одамнинг ҳаммаси, бирданига журналист, фотограф, оператор ва режиссёрга энг муҳими – мутафаккирга айланди...

Интернетга киргунимга қадар дунёда шунча кўп доно борлигини билмас эдим.

Интернетга кирганимдан кейин дунёда шунча кўп аҳмоқ борлигига ишонч ҳосил қилдим”.

Бугунги интернет ҳақида бундан ўтказиб тўғри ва ҳаққоний фикр айтиш қийин. Аниқ ва ниҳоятда тўғри баҳо!..

Интернет анча-мунча гапдонларни, гап ташувчиларни, гапхўрларни, гапфурушларни, гаппазларни, гапташувчи – гапсотувчиларни, гапкашларни хуллас, жағи тинмайдиганларни доғда қолдирди. Мот қилди... Яшшавор, интернет!

* * *

Гапларни баъзи қушларга ё паррандаларга ҳам қиёслаб, гап ўйинлари қилишади. Масалан, бургут гап – мағзи тўқ, салобати ва қадри баланд, парвози юксак гаплар назарда тутилади.

Лочин гап – шиддат билан айтилади. Камоннинг ўқидай тезкор ва нишонга аниқ тегадиган гап.

Қарға гап – узоқ яшайди. Агар эсида қолган бўлса, бирор бадбўй ё гўнг гапни юз йилдан кейин ҳам бемалол такрорлайди.

Чумчуқ гап – чир-чир гапми, пир-пир гапми, дир-дир гапми англолмайсан! Маъноси йўқ – лик-лик гап.

Тўти гап – доим оғзингдан чиққан гапини илиб кетади. Ва дарҳол ўзиники қилиб айтади. Бундайларда на шарм-ҳаё, на уят бор? “Такрорлаш – билимнинг онаси”, деган мақолни ҳам тўтилар ўзлариники қилиб олган.

Булбул гап – равон, тиниқ, ширали, оҳангдор. Шу боис бу гапнинг шайдоси кўпроқ шоирлар (фақат истеъдодлари).

Лайлак гап – узун-узун, дароз-дароз, қулоч-қулоч гўё нуқта вергули, эга-кесими йўқ гапга ўхшайди. Бесўнақай.

Ғоз гап – қўйиб берсанг қилади ноз гап. Кўлдаги қилиқлари боз гап. Ўрдак билан айтишади оз гап. Овчининг ўқи тегмаса соз гап.

Хўроз гап – тожини кўз-кўз қилиб, гоҳ товуқларга кўзини қисиб юрадиган мақтанчоқ ва вақтичоқ гап.

Читтак гап – питтак, қиттак ёки сўтак гапни эслатади.

* * *

Пардали, пардасиз гаплар бор. Пардали гап – шарм-ҳаёси бор одамнинг оғзидан чиқади. Пардасиз гапларни кўпроқ иймонсизлар, уятсизлар айтади.

Зардали гап – зардаси қайнаб, эрталаб хотинидан роса танбеҳ эшитган одам айтади.

Зардасиз гап – хотинидан мақтов, раҳбаридан раҳмат эшитган одамга тааллуқли.

* * *

Алишер Навоий бобомиз “Насойим ул-муҳаббат” асарларида шундай деб ёзган эканлар:

Гап кўпу иш оз бўлса нуқсондир,
Иш кўпу гап оз бўлса ҳурматга лойиқдир.

* * *

Гап ҳақида ҳар хил тўғри ва ҳар хил бўлмағур иборалар бор. Масалан, айримларни кўрсатиб, “Бу одам гап кўтаролмайди”, дейишади. Бир ўйлаб кўрингчи, ҳеч бир замонда кўча-кўйда гап кўтариб юрган одамнинг елкасида қоп-қоп гап, қўлида челак-челак гап. Яна бўйнига ҳам шода-шода гапларни осиб олган бирор кимсани кўрганмисиз? Яна гап кўтаролмайдиган одам жиртаки, енгилтак ё читтак мижоз бўлиши мумкин.

* * *

Баъзан, “Гап тагида гап бор”, дейишади. Лекин ҳозиргача гапнинг этагини кўтариб, гап борлигини аниқлаган одамни эшитмадик. Гап тагида бошқача маъно-мазмун бор, десак тўғри бўлади.

Бир хил одамлар ҳақида, “Буни феъли ёмон, дарров гап талашади”, дейишади. Ҳали гапингизни охиригача эшитмасдан, дарҳол ёқангиздан оладиганлар бор. Бундайлар ўзларига шаллақиликни ҳимоя воситаси қилиб олган бўлади.

* * *

Гап ўғрисига нима дейсиз? Ўғирликлар ичида энг хавфлиси – гап ўғриси. Уни қанча одамга сотади, қанча юракларни вайрон қилади. Уриш-жанжалларга сабаб бўлади. Ўғри гап ҳеч қачон тўғри гапга айланмайди.

Гапга астагина гап қистирадиган, гап илдирадиган ва гап қўшадиганлар ҳам бор. Яхши баъмани гапни қистирса ё қўшса майли, зиён қилмайди. Лекин қитмир, фитна, беъмани қўшилган гап дилга оғир ботади, юракни жароҳатлайди. Писиллатиб қўшилган сассиқ гап нафақат хонани ёки атрофни, балки одамнинг вужудини ҳам сасситиб, жийитиб юборади. Ўзбек халқ мақолида: “Гапи сассиқнинг ўзи сассиқ”, деб бекорга айтилмаган.

“От айланиб, қозиғини топади”, деганларидек: “Гап ҳам айланиб, аста-секин эгасини топади”, ибораси ҳам мавжуд. Яхши гап бўлса яхшику-я? Ёмон гап бўлса қандай чидайсан?

* * *

“Анаву гапни боплайди, тўн куйдиради”, дейдилар устамон, гапдон ё гапга чечан одам ҳақида. Бундайларни кўпроқ маҳоратли ва уста хушомадгўйга, лаганбардорга ҳам ўхшатишади. Агар шоирларда шундай қобилият бўлса, уларни “унвонли хушомадгўйлар” деб таърифлашади. Аслида гапга тўн бичадиган гапдонда истеъдод бўлиши керак-ку!..

“Гапи оғзида қолди”, дейишади. Оғзида қолган гапни нима қилиш мумкин? Биров билмай, ножўя гапириб қўйса, дарҳол гапини охиригача айтмай, таққа тўхтатади. Бошқа бировни гапираётганида, катта оғизлар тўхтатади. Шунда гапи оғзида қотади, дарҳол тош бостиради. Баъзан тўхтаганида томоққа ё юракка тиқилиб қоладиган гаплар ҳам бўлади.

Оғизда қолган гапни ё тупуриш керак, ё астагина сотиб юбориш лозим. Бўғизда қолса, айнийди. Айниган гаплар эшитганларнинг кўнглини бузади.

* * *

“Гапини оғзидан илиб кетди” ёки “Гапирмасдан гапини бўғди, гапнинг белига тепди”, деган ибораларни тез-тез эшитасиз. Энди бундай иборалар “қаҳрамон”ига айланадиган кимсалар қанчалар безбет бўлишлари керак. Улар бетгачопар, фаросатсиз ёки ўта маҳмадона кимсалардир.

* * *

“Гапни мағзини чақиш керак”, “Гапни очиқ-ойдин айтинг”, “Гапнинг пўст калласини гапиринг”, деган гапларни тез-тез эшитасиз. Мағзи йўқ гап, албатта пуч гап бўлади. Очиқ айтилмаган гапни тил тагига ташлаб, заҳирада ушланг. Гапнинг пўст калласини ё дангалини айтиш учун кўпроқ калла-пойча шўрва ичиш керак.

Гапнинг тагига етаман, деб гап қувган одам сўзсиз балога гирифтор бўлади. Гап чангалига тушади. Гап тўрида қолиб кетади.

Шалвираб, шилдираб гапирманг. Эшитаётганлар сизни бемор, деб ўйлашади. Аслида гапнинг дангали яхши.

Олов, ўт ва қайноқ гаплар чиқадиган оғизларга дарҳол совуқ сув сепиб, муз босиш керак. Ўшанда кўп нарсаларни ёнғиндан асраб қоласиз. Гап олови тез ёнади, уни ўчириш қийин. Ўчгандан кейин ҳам сасиб тутуни узоқ қолади...

* * *

Бўладиган гапдан, бўлмайдигани кўп.
Катта гап – катта-катта оғизлардан чиқади.
Мушт гап – ё тилга, ё тишга зиён етказади.

* * *

“Боғдодда нима гаплар?” қўшиғига жавоб: “Қалампир мавсуми тугади. Бодринглар гуллади.”

* * *

Майда гап – ўймоқдай оғизлардан чиқади. Ҳаддан ташқари майда бўлгани учун қулоқнинг бир четида қолиб кетади, ҳатто қаламга илинмайди.

“Нонни катта ташласанг ҳам, гапни катта гапирма”, дейди халқимиз. Катта гапнинг азобларини катта-катта гапирганлар яхши билади. Секин сўраб кўринг...

* * *

Оғир гапларни гапириб, тингловчини ҳам оғир аҳволга солма.

Хунук гапни қанча пардозлама, барибир ҳусни ўзгармайди. Ўтган гап – отилган ўқ. Унга саловат айтишдан бошқа чора йўқ. “Гап”га борган аёллар енгил бўлиб, эркаклар оғир бўлиб қайтадилар.

Гапбозликда меъёридан ошилса, парда кўтарилса бошқа ...бозликлар келиб чиқади.

* * *

Гапдон одам қанчалар эҳтиёткор бўлмасин, барибир “қовун туширади”.

“Оғзингга қараб гапир” иборасини Ҳожибой Тожибоевдан ўтказиб шарҳлаш қийин.

* * *

“Бир гапириб, ўн марта куладиган” одамга латифа айтиш шарт эмас. Бундайлар керак бўлса, гапирмасдан ҳам кулаверади. Оғзи бепарда бўлади...

* * *

“Орқадаги гап – оғилдаги тезак”, дейди халқимиз. Ҳў, номард орқадан гапиришни бас қил! Гапирдингми, дарров оғилга бориб қара.

Қизиқ замонлар бўлаяпти: олдинлари қўшиқлар гўзал шеърлар билан, ҳозир эса қуруқ гаплар билан ижро этилмоқда. Гап сотишни бас қил!

* * *

Ҳадеб бўлар-бўлмасга беҳуда гап отма, кейин гапга ботма, бировни асло сотма, охири уялиб ётма. Ёзда сўзга чиқиб, қишда минбарда қотма. Тушда кўрган ё эшитган гапингни ҳушингда асло айтма. Гап билсанг ҳам жим тур! Гапирдингми унда гапингдан қайтма! Гапни увол қилма...

* * *

Ғидир-ғидир, гидир-гудр, шудир-будир, илдир-билдир гапларни айтсанг ҳам қулдур гапни айтма. Кейин қорнинг оғриб, шилдир-шилдир гап бўлади.

Ботир, шотир, қодир гапларни гапирсанг, унда фақат қотир гапни гапиргин! Боплагин ва гапни тоблагин!

* * *

Ҳамиша ҳавас гап билан ҳасад гап эгизаклардай ёнма-ён юради. Ҳавас қиладиган гапларни айтишга, ишлатишга анчагина хасисмиз. Ҳасад гаплар эса қават-қават, тугун-тугун, агар етмай қолса сандиқ очамиз. Ҳаётда ҳам бир-биримизга чин юракдан ҳавас қилиб, мақтов гапларни айтмаймиз. Ҳасад гапларни эса боплаймиз.

Қотириб ташлаймиз. Ҳасад қилавериб, ўзимиз ҳам тамом бўламиз. Бошқа бир самимий, меҳрибон, истеъдодли инсонни ажалидан беш кун бурун бошига етамиз. Бизда ҳар доим ҳасад қурғур ғолиб бўлган.

Чунки ҳасад гапнинг айтиладиган, ёзиладиган услублари, шакллари жуда кўп. Ҳавас қилишни, ҳавасли гапларнинг усул ва шаклини изламаймиз. Лекин унинг шакллари ҳам беҳисоб, фақат тан бериб айтишга... Ҳа, фақатгина бир оғиз эътироф этишга тилимиз ҳам, дилимиз ҳам, ўзимиз ҳам ожизлик қиламиз. Шундай пайтда бир қора парда юрагимизни ўраб олади. Эҳтимол қонимиз ҳам бошқа рангга кирса керак. Ҳасад гап ҳамиша олдинда юради. Тилнинг учида илоннинг заҳридай шай туради. Ҳасад ҳамиша, ҳар доим ҳавасга соя ташлайди. Ҳаваснинг ёруғ йўлини тўсади. Унинг юрагига ҳасад уруғини қадайди. Ҳаваснинг юзига қора парда тортадилар.

Улуғ Алишер Навоий ҳазратлари шундай деб ёзадилар: “Ҳасуд бемор, балки муҳлик маразға гирифтор”. Яъни: “Ҳасадгўй бемор, нафақат бемор, балки тузалмас дардга гирифтор”.

* * *

Гап нима ўзи? Муомала, мулоқот воситасими ёки тафаккур маҳсулими? Гапнинг илдизи ақлдами, юракдами ёки фикрдами? Гап дунёни, одамни бошқарадиган илоҳий мўъжизами? Бу саволларга аниқ ва лўнда, асосли жавобларни ҳар ким ўзича изоҳлайди.

Ёлғон гапириб шарманда бўлгандан кўра, тўғри сўзлаб “дакки” эшитган яхши эмасму?

“Кўп гапирган балога қолади”, дейишади. Жим ўтирганда ҳам шундай ҳол рўй бериши мумкин-ку!

Хуллас, кўп гапириш билан жим ўтиришнинг ўлчови ёки меъёри борми? Буни ким аниқлайди?

Гап ҳақидаги гап асло тугамайди. Гап абадий мавзу. Шу ўринда уч нуқта қўйиб, гапни калта қилишни лозим топдик. Мутафаккир шоир Низомий Ганжавий айтганларидек: “Оз гапир, соз гапир. Сўзинг дур бўлсин, эшитган кишига ҳузур, ҳам сурур бўлсин. Кўп сўзнинг хатоси кўпдур, хатодан эса чексиз азоб келиши мумкин”.

Биз ҳам андак кўп гапириб, хато қилган бўлсак узр. Эгилган бошни кесмаган қилич, тавба қилган тилга ҳам озор бермай, шояд шафқат қилинса... Ахир камина бир умр қилич гапга бошимни тутиб келаман...

Тўғрисини тан олай, кўп гапирдим. Мендан ҳам кўра ГАП чарчаб кетди, бениҳоя толиқди. Энди гапни ўз ҳолига қўяйлик. Гап ҳам эркин нафас олсин!..

Гап қувган одам гапга қолади, дейишади. Камина ҳам кўп гапириб, тағин гапга қолиб ўтирмай.

Тўғриси, ҳамиша гапдан қочиб юраман. Гапхоналарни, гап базмларини айланиб ўтаман. Гапсотарлардан йироқман. Гап ҳар доим каминани изма-из қувиб юради. У менсиз, мен эса усиз яшолмаймиз. Гапдан қочиб қутулиб бўлармикин? Тирик одам бундай қилолмайди. Одам бор экан, гап ҳамиша барҳаёт. Гап бор экан, гап асло тўхтамайди, гап давом этади... Гап – дунёнинг устуни. Ҳаётининг бебаҳо неъмати. Гапсиз ҳаёт ҳам йўқ...

Бизга эса ҳазрат Жалолиддин Румий айтганларидек: “Гапнинг қисқаси яхши”.

Оппоқ гулга айлангим келар



Эъзоза БОЗОРОВА

Ғазал

Қайси гулнинг мен каби бир андалиби зори бор?
Қайси булбулнинг сенингдек бир гули бехори бор?

Шермуҳаммад Мунис Хоразмий

Қайси гулнинг андалибин сенча хуш овози бор?
Қайки андалиб гулининг мен каби хўб нози бор?

Қайси ошиқ сенча ёнган севгининг ҳижронида?
Қайси маъшуқнинг менингдек чин садоқат сози бор?

Қайси суйган мисли сендек меҳрибон ўз ёрига?
Қайси ёрнинг мисли мендек дилда болдай рози бор?

Қайси алпнинг сенга ўхшаб бор баҳодир қомати?
Қай гўзалнинг менга ўхшаб ажиб қадди ғози бор?

Қайси марднинг сен каби, айт, илгидин куч ёғилур?
Қайси ойнинг мен каби бир мардга жабри ози бор?

Қайси полвоннинг сенингдек бор шижоат кўзида?
Қай сулувнинг мен каби ҳур, паридин андози бор?

***Эъзоза БОЗОРОВА** – 1996 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини тамомлаган. Шеърлари Республика матбуотида чоп этилган.*

Қай сухандоннинг сўзида юз маъни бор сен каби?
Қай ширинсўзнинг менингдек ҳар сўзида ёзи бор?

Қайси қизнинг сенча софдил бор сарафроз ошиғи?
Қай йигитнинг мен каби бир беғубор Эъзози бор?

Баҳор

Кўзларимда яйради олам,
Нафасимда нафис бир ифор.
Менми ёхуд менимни билмам,
Қучоғига қучмоқда баҳор?

Шаббодалар айлади хиром,
Нигоҳимда очилар гуллар.
Ўйларимга қилиб эҳтиром,
Юрагимга ўхшайди улар.

Қалдирғочлар қўнди қошимга,
Ҳисларим-ла кўкларга учди.
Офтоб меҳр тақиб бошимга
Кенг осмондан руҳимга кўчди.

Яшаб баҳор дил қарағида,
Унга ҳамроҳ сайлангим келар.
Ё бўлмаса ўрик шоҳида,
Оппоқ гулга айлангим келар.

Ҳолат

Сарғайдим сўнмаган сўзингдан,
Танимда ҳарорат қолмади.
Мен бахтни топгандим кўзингда,
Кўзларим буни тан олмади.
Эргашдим кўзларим йўлига...

Мен сени йўқотдим ўшанда...
Тўзиди сочларим визиллаб.
Ҳисларим тўкилди ҳар ёнга,
Юрагим илдизи қимирлаб.

Ёмғирга айланди хотирлар,
Поклади дунёни ғубордан.
Куз каби бахтимни билмадим,
Бу қисмат Хақ менга юборган.
Кузлигим муборак ўзимга...

Ҳазрат Навоийга назира

Ўн сакиз минг олам ошуби менинг бошимдадир,
Не ажабким, айни тўлғон ўн сакиз ёшимдадир.

Ишқ гулидин кийди кўнглим анбарафшон бир либос,
Ўй-хаёлим энди ўшал шўхи дилдошимдадир.

Кўргали бор, дейди кўнглим, лек ғурур қарши турур,
Соғинишлар акси пайдо кўздаги ёшимдадир.

Англамабмен мафтун эркан ўзи менга мен киби,
Ёргинамнинг қоши, кўзи кўзиму қошимдадир.

Изҳор айлаб қолди ул дам ишқидин мактуб битиб,
Оразимда бир ажаблиқ ҳам ичу тошимдадир.

Сўрагайдир не сабаб, деб бунчалар ҳуснинг латиф,
Боиси, шундай яратган буюк Наққошимдадир.

Сизга айтсам, хушзабон ул суйганимнинг манзилин,
Ҳур диёрим маркази кўҳна, азим Шошимдадир.

Эъзоза ноз фасли бирла боқди ёр оразиға,
Эл яратгай янги достон ўн сакиз ёшимдадир.

CHUG‘UR-CHUG‘UR QUSHLARJON

O‘tgan yili Yoshlar seminarida bolalar adabiyoti bo‘yicha hujjat topshirgan ijodkorlarga rahbarlik qildim. Menga yoshlarimizning intiluvchanligi, tashabbuskorligi, seminarda o‘zining o‘sishi, ijodiy ravnaqi uchun sidqidildan harakat qilishgani yoqdi. Biri-biridan beg‘ubor bu yoshlar aynan bolalar uchun ijod qiluvchilar bo‘lib tug‘ilgandek. Ushbu yosh ijodkorlarning katta kelajagi borligi aniq. Demak, bolalar adabiyoti sohasida hali ko‘p yangi o‘ziga xos, shuningdek, yosh avlodga zavq va quvonch ulashuvchi asarlar yaratiladi. Yosh ijodkorlardan ayrimlarining she‘rlaridan namunalarni “Sharq yulduzi” jurnali o‘quvchilariga ilindim.

Kavsar TURDIYEVA,
shoira, tarjimon,
filologiya fanlari nomzodi, dotsent,
O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a‘zosi



Barnoxon RAJABOVA

Sichqonga dakki

Bu el to‘qigan naql:
Sig‘maysanu iningga,
Kulgi bo‘lasan nuqul
G‘alvir bog‘lab dumingga.

Yana bir nodonliging:
Omborlarda kezasan,
Qopning og‘zi ochiq-ku,
Nega tag‘in teshasan?

Minorai Kalon

Laylak keldi yoz bo‘ldi,
Minoraga soz bo‘ldi.
Boshiga oq qalpoqday
Laylak rosa mos bo‘ldi.

Barnoxon RAJABOVA *– 2002 – yilda tug‘ilgan. O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti xalqaro jurnalistika fakulteti 3-bosqich talabasi.*

U ko‘kka uchgan onda
Minora shod-xandon-da.
Qalpog‘ini otganday
Quvonchidan osmonga.

Qopqonga

Ayyorlik bor
Fe‘lingda.
Sovg‘a – luqma
Qo‘lingda.

Go‘yo saxiy
Hotamsan.
Asli...
Poylab yotasan.

Shu usuling
Lekin zo‘r!
Qo‘lga tushar
Tekinxo‘r.

Garchi kichik
Qopqonsan,
Uyimizga
Posbonsan.

* * *

Chug’ur-chug‘ur qushlarjon,
Qushlarjon sizlar gapdon.
Osmonni ko‘zlaysizlar,
Nelarni so‘zlaysizlar?!

Marjon kabi tizilib
Uchasizlar samoda.
Bulutlarga urilib
Ketmaysizmi mabodo?



Oybarchin
QO‘SHOQOVA

Oybarchin QO’SHOQOVA – *1994 – yilda tug’ilgan. Andijon viloyati Buloqboshi tumanidagi 46-sonli IDUMda ijodiy-madaniy masalalar bo’yicha targ’ibotchi bo’lib ishlaydi.*



Umid QODIR

Nihoya

Yumronqoziq to‘yini
Qilmoqchi shu yil yozda.
Yaxshi qiz topolmadi,
Nomzodlar juda oz-da.

Bordi kecha onasi,
Sipogina bo‘rsiqqa.
Yumronqoziq: “Bu semiz” –
Der: “Chidamas issiqqa!”

Uylansami ilonga?
Zahri o‘tkir chayonga?
Zaharin sochib qolsa,
Qochar keyin qayonga?

Yumronqoziq nozik ta‘b,
Ko‘ngli hecham chopmaydi.
Onasi topgan nomzod,
Quloqsizga yoqmaydi.

Mehnatkash ko‘rsichqonni:
“Ko‘rmaydi ko‘zi”, dedi.
Afsus dalasichqonni:
“Dalaning qizi”, dedi.

Oxiri topib chora,
Moshday ochib ko‘zini.
Olib berdi onasi,
Qo‘shnisining qizini!

Umid QODIR – 2002 – yilda tug‘ilgan. Jizzax davlat pedagogika universitetining boshlang‘ich ta’lim yo‘nalishida tahsil oladi. “Zomin seminari – 2021” ishtirokchisi.

* * *



Uyqum qochib ketdi-ya
Degan edi Hur aya.
Kenjatoyi Matyoqub,
So‘rab qoldi hovliqib:
– Qayga qochdi uyqungiz,
Ayting, tezroq yelaman.
Uzoq ketib qolmasin,
Darrov tutib kelaman.

* * *

Farangiz
ACHILDIYEVA

Bir yangilik aytayin men quloq sol,
Olim akang zo‘r mashina yutibdi.
Yo‘g‘e, deya hayron bo‘lib so‘rar xol,
Tomog‘idan qanday qilib o‘tibdi.

Farangiz ACHILDIYEVA – *1998 – yilda tug‘ilgan. “Oq kaptarlar” nomli to‘plami nashr etilgan.*

Shirintomoq



Singlisini opichlab,
Davronboy kelar zo‘rg‘a.
Bitta shortik olish chun
Borgandi-ya bozorga.

Singlisining muzqaymog‘in,
Sezdirmay olib qo‘ydi.
Terlab yegani uchun,
Tomog‘in bo‘g‘ib qo‘ydi.

Adiba
MELIYEVA

Endi hech ham birovning,
Narsasini olmaydi.
O‘zi bermasa agar,
Nazarini solmaydi.

Adiba MELIYEVA – *1995 – yilda tug’ilgan. O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti xalqaro jurnalistika fakultetini tamomlagan. She’rlari respublika matbuotida e’lon qilingan.*

Адабий ҳаёт

* * *

4 январь. Атоқли шоир Икром Отамуроднинг “Сукут садоси” номли янги китоби “Адабиёт” нашриётида чоп этилди. Унда шоирнинг шеърлари, баллада, достонлари ва таржималари ўрин олган.

* * *

6 январь. Адиба Шарофат Ашурованинг янги “Жаннат шамоли” ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди.

* * *

Исмоил Маҳмуд Марғилонийнинг “Бу дам фасли ҳидоятдир” деб номланган девони “Адабиёт” нашриётида чоп этилди. Девонда ғазаллар, маснавийлар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббаълар, мусамманлар, мутассаъ, қасида, рубоий ва фардлар ўрин олган.

* * *

10 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларининг 90 йиллик юбилейига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Тадбирда забардаст шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, адабиёт ихлосмандлари, ҳамда журналларнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган мухлислари иштирок этдилар. Тадбир сўнггида фаол ижодкорларга ташаккурнома ва совғалар топширилди.

* * *

11 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб, публицист Алиназар Эгамназаровнинг “Сиз билган дукчи эшон” номли янги китоби “Адабиёт” нашриётида чоп этилди. Асарнинг журнал варианти дастлаб, 1993 йилда “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, таниқли шоир Зикрилла Неъматнинг “Бобомдан мерос боғлар”, “Бухорони соғинмай бўлмас”, “Оламни англа, болам” номли китобларининг тақдимоти ҳамда “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан ўтказилган “Посбониман муқаддас юртнинг” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига кўра оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан муаллифнинг “Танланган асарлар”ига янгидан тартиб берилди. “Адабиёт” нашриётида чоп этилган ушбу китобга шоирнинг достонлари, драма, адабий-танқидий мақолалари ва таржималари билан бирга илк бор Усмон Носир қаламига мансуб деб тахмин қилинаётган шеърлар ҳам киритилди.

* * *

19 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ҳамид Наййирободий билан учрашув бўлиб ўтди. Музокараларда икки давлат ўртасидаги адабий алоқаларни бундан-да ривожлантириш ва бу йўлдаги аниқ таклиф-режалар ўртага ташланди. Мумтоз ва энг ёрқин замонавий асарларни ўзбек-эрон тилларига таржима қилиш, чоп эттириш ҳамда адабий ҳамкорлик учрашувларни яна-да кенгайтириш масалаларида келишиб олинди.

* * *

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиеванинг “Танланган асарлари” “Шарқ” нашриётида чоп этилди. Ушбу китобга шоиранинг шеър, достон, қасида, устозлар ёди, бадиалар жамланди.

* * *

20 январь. Ёзувчилар уюшмасида ТИКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жемалеттин Туней билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзаро музокараларда адабий ҳамкорликдаги жараёнлар муҳокама қилинди. Маълумки, машҳур турк шоири Меҳмед Акиф Эрсой “Чаноқалъа достони” ва “Булбул” каби шеърларини 1911–1933 йилларда ягона китобга жамлаб, “Саҳафот” (“Саҳифа”) деб ном беради. Яқинда мазкур асарни публицист Миразиз Аъзам таржима қилди. Учрашувда меҳмонлар ушбу китобнинг Ўзбекистонда тақдимотини ўтказишни келишиб олдилар.

* * *

21 январь. Халқаро Туркий Маданият Ташкилоти – ТУРКСОЙ томонидан венгер шоири Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан туркий тилли давлатлар ижодкорлари ўртасида ташкил этилган “Шеърий таржима” халқаро танловида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон ҳам иштирок этиб ғолиблар сафидан ўрин олди.

* * *

Самарқанд шаҳридаги Пушкин номидаги вилоят кутубхонасида “Шарқ юлдузи” журналининг 90 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

* * *

27 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Фаоллар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Уюшманинг 2022 йилдаги фаолияти ҳисоботи тингланди, 2023 йилги иш режаси ҳақида маълумот берилди, шунингдек, Уюшма фаолиятига доир бир қатор масалалар кўрилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросига оид ишлар ҳам муҳокама қилинди.

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Омон МАТЖОН. Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларға ўхшамас. .4

НАЗМ

Абдулла ШЕР. Бир сиқим осмон. 67

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА. Сени яна кутяпман, баҳор. 97

Туроб НИЁЗ. Бу оқшом мунчалик сокиндир. 103

Муҳаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ.

Ҳилол – юрагимнинг тилинган жойи. 116

Нилуфар УМАРОВА. Ложувард хаёллар ичра кўриндинг. 120

НАСР

Шуҳрат МАТКАРИМ. Йилон. *Қисса*. 11

Ҳалима АҲМАД. Олис дарахтзорлар ортида. *Хотира-новелла*. 75

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Абдулҳамид ЧЎЛПОН. Фузулийнинг пичинглари. 107

ТАДҚИҚОТ

Гўзалой МАТЁҚУБОВА.

“Пуанкарэ” — бир асарнинг икки талқини. ...114

МАКТУБЛАРДА БОРДЕК ҲАҚИҚАТ

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН.

“Жинлар базми ёхуд катта ўйин”. 124

Шерзод Комил ХАЛИЛ. “Азал ва абад йўли”. 131

ТАҲЛИЛ

Абдулла УЛУҒОВ. Қиссалар муқояса қилинса... 133

ШАМОЛ ТЕГМАГАН ҲАНГОМА

Ашурали ЖЎРАЕВ. Эгизак гаплар. 140

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Эъзоза БОЗОРОВА. Оппоқ гулга айлангим келар. 167

BOLALAR DUNYOSI

Barnoxon RAJABOVA. Sichqonga dakki. 170

Oybarchin QO‘SHOQOVA. Chug‘ur-chug‘ur qushlarjon. 171

Umid QODIR. Nihoya. 172

Farangiz ACHILDIYEVA. Uyqum qochib ketdi-ya 173

Adiba MELIYEVA. Shirintomoq. 173

Адабий ҳаёт. 174

Шарқ юлдузи

2023

1-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:
71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
03.04.2023
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 5000 нусха.
Буюртма №4

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“SAMO NASHR” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Сирғали тумани, 21-уй
Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Муҳаррир:
Дилфуза Маҳмудова
Мусаҳҳиҳ:
Моҳира Ҳусанова
Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев

Copyright © “Шарқ юлдузи”